СЕРВИС

№4/2

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

2022

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2022 йил, 4/2-сони

ISSN 2091-5187

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.
ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

Таҳририят ижодий жамоаси:

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир ўринбосари:
профессор Д.Х.Асланова

Масъул котиб:
профессор М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида тарқатилади.

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар, Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудири, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мурод Мухаммедович Мухаммедов Эҳтиёжларни таснифлаш ва қондириш манбалари хусусида айрим фикр-мулоҳазалар	5
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусовна Пардаева Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши ва фаровонлик даражасининг Марказий Осиё давлатлари билан қиёсий таҳлили	9
Абдухолик Эгамович Тангиров Бизнес-модел асосида корхонани бошқаришнинг назарий жиҳатлари	16
Сусанна Сейрановна Алиева Стимулирование внедрения зеленой энергетики в Узбекистане	20
РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ	
Олим Мамаюнусович Пардаев, Умиджон Нормурод ўғли Нормурадов Савдо кластерининг инновацион омил сифатидаги тушунчаси ва унинг назарий масалалари	25
Fazilat Esirgapovna Jomonqulova, Nuriddin Shukurovich Tojiyev Korxona omborxonasi ishini avtomatlashtirish dasturi	30
Baxriddin Buriboevich Raxmatov Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга стратегик ёндашув	33
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рузибой Нормахматов, Шухрат Исроилович Исмоилов, Уктам Абдуғани ўғли Абдурайимов Мева ва сабзавотларнинг аҳамияти ва уларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболлари	38
Қулмамат Жонузоқович Мирзаев, Ахрор Содиқович Шералиев Давлат томонидан агросервисни қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари	41
Хусниддин Абдимўминович Пардаев Помидор ишлаб чиқариш занжирида талаб ва таклифнинг истиқбол прогнозлари	45
Ахрор Содиқович Шералиев Республикада агросервис бозорини шакллантиришнинг асосий йўналишлари	49
Гулноза Шукрулло қизи Болбекова Саноатда мева ва сабзавотларни қайта ишлашнинг диэлектрик ўтказувчанлик самарадорлиги.	53
МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Даврон Рафеев Маҳаллабай ишлаш тизими - камбағалликни камайтириш ислоҳотлари асосий мезони	59
Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусова Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш йўллари	64
Асқар Ахрорович Сиддиқов Умумий овқатланиш корхоналари инновацион стратегиясини ишлаб чиқишнинг услубий жиҳатлари	69

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Йигитали Муратович Ўринов Чакана савдо корхоналарида хизматлар сифати ва унинг хусусиятлари	75
Фарход Анварович Сафаров Методы оценки социально-экономической эффективности развития сферы услуг	79
Bobir Xo‘jaqul o‘g‘li Qilichov Xizmat ko‘rsatish korxonalarining samarali rivojlanish strategiyasi	83
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Дилафруз Бахтиёровна Набиева, Дилбар Хасановна Асланова Пути повышения удовлетворенности и лояльности потребителей гостиничного бизнеса	87
Мохигул Эркиновна Ахтамова Мировой опыт развития экологический туризма и его использование в условиях глобализации в республике Узбекистан	91
Мансур Мардонович Ибрагимов, Машраб Мансурович Мардонов Туризм корхоналари ҳисоб сиёсатининг хусусиятлари	95
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Фарход Умирзакович Турсунов Корхонанинг стратегик ривожланишини бошқаришда ахборот тизимини ўрни	100
Диёр Ҳақбердиевич Холмаматов Маркетинг логистикаси**:** асосий қарашлар, назария ва амалиёт	102
Bekjon Shukurillayevich Musayev Innovatsion strategiyalardan boshqaruv jarayonida foydalanish zaruriyati	107
Sanjarbek Komiljon o‘g’li Boyjigitov Korxonada marketing faoliyati samaradorligini baholashda iqtisodiy ko‘rsatkichlarning prognoz parametrlarini ishlab chiqish	111
Shakhnoza Shakarbekovna Narkulova Digital marketing development trends in uzbekistan and foreign countries	116
Abdumutalib Alisherovich Azgarov Results of marketing research of cultural objects of Samarkand and recommended promotion tools	119
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Абдумалик Бектемиров, Абдуҳамид Абдумаликович Бектемиров Инвестиция лойиҳаларини бошқаришда тармоқли графикдан фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатлари	122
Азиза Махомадризоевна Каримова Совершенствование механизма и рекомендаций по кредитной поддержки субъектов сферы туристических услуг	127
Dilrabo Malikova Criteria for assessing the level of economic security of commercial banks	132
Shermuxammad Bekmurot o‘g‘li Omonov Samarqand viloyati investitsion faoliyatini rivojlantirishda investitsiyalarni ko‘paytirish yo‘nalishlarini ishlab chiqish	135

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Дилдора Джабборхоновна Пашаходжаева Фойда солиғи бўйича кечиктирилган солиқ активлари ҳисобини халқаро интеграциялашуви шароитида такомиллаштириш	140
Toshmurza Rahmonov, Amriddin Hamdamov Raqamli iqtisodiyot sharoitida buxgalteriya hisobini avtomatlashtirishning roli va ahamiyat	144
Дилфуза Ташназарова Маҳсулот таннархи ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш	148
Темурбек Ҳусанович Турабоев Корхоналарда захиралар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш	152
Зайнаб Баратовна Эшпулатова Даромадни тан олиш: операция нархини бажарилишларга оид мажбуриятларга тақсимлаш	155
Акмал Қудратович Эшонқулов Бюджет ташкилотларида ички аудитни ва молиявий назоратни ташкил этишнинг назарий ва услубий жиҳатлари	160
Бобир Қиёмидинович Муфтайдинов Корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари	166
Тоҳир Толмас ўғли Саттаров Корхоналар хусусий капитал аудитининг концептуал масалалари	170
Фаризабону Зарифовна Юсупова Корхоналарда молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш	174
Худойберди Ўктамович Пўлатов Туристик ва меҳмонхона хўжалиги корхоналарида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш	177
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Madina Qodirjon qizi Usmonova, Sherali Ibroximovich Shokirov Ingliz tilida “APPEARANCE-QIYOFA” konseptini semantik tadqiqi	181
Хосият Яздонкуловна Мулладжанова Вклад Амударьинской и Аральско- Каспийской экспедиций в географических исследованиях Средней Азии	186
Ҳилола Нематовна Очилова Олий таълимда таълим хизматларини ривожлантириш имкониятлари ва заиф томонлари (2-мақола)	189
Маъруфхон Хамидханович Хўжаханов Олий таълим сифати иқтисодий диагностикаси ва унинг кўрсаткичлари	194
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Ибратли битиклар	198

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мурод Мухаммедович Мухаммедов – СамИСИ, иқтисодиёт назарияси кафедраси профессори, и.ф.д.

ЭҲТИЁЖЛАРНИ ТАСНИФЛАШ ВА ҚОНДИРИШ МАНБАЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация: мақолада эҳтиёжларни таснифлаш ҳамда уларни қондириш манбалари масалалари тадқиқ этилган, эҳтиёжлардан меҳнатга лаёқатли кишиларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш ва бандлигини таъминлашда фойдаланишга оид таклифлар асосланган.
Калит сўзлар: эҳтиёж, эҳтиёжларни таснифлаш, эҳтиёжларни қондириш, нафлилик, объектив зарурат, шахсий манфаат, бандлик, эркин бозор.

Кириш. Инсон иқтисодий фаолияти, ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлиги, биринчи навбатда, эҳтиёжлар билан боғлиқ. Шу сабабли, меҳнат ва бандлик илдиздарини эҳтиёжлар билан боғлаб ўрганиш лозим.

“Эҳтиёж” тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти фалсафа, социология, психология, иқтисодиёт каби бир қатор муҳим фанлар предметлари доирасида ўрганиладиган ҳамда таҳлил этиладиган ва шу билан бирга, кенг тарқалган асосий категориялардан бири ҳисобланади. Ушбу тушунчанинг бир неча фанлар мутахассисларининг диққатини ўзига жалб этишининг чуқур сабаблари, қолаверса, ўзига хос назарий ҳамда амалий асослари бор.

Иқтисодчилар инсоннинг тирикчилиги, турмуш фаровонлиги, ўз ҳаётидан қониқиши, иқтисодий фаолият билан шуғулланиши, ишлаб чиқариш жараёнини, унинг пировард натижалари, шунингдек, айирбошлаш, тақсимлаш муносабатларини, умуман инсон иқтисодий фаолиятини, биринчи навбатда, эҳтиёжлар ва уларни қондириш зарурати билан боғлайдилар. Фан тарихида “эҳтиёж” тушунчасининг моҳиятини очиб беришга, унинг назарий жиҳатдан асосланган ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган таснифини келтиришга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган, бу хусусда турли давр мутахассисларининг турли-туман мулоҳазалари мавжуд.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Маржинализм таълимотининг намояндалари (К. Менгер, Э. Бём-Баверк, У.Джевонс, Л. Вальрас, Ф. Визер, Э. Парето ва бошқалар) эҳтиёжлар ва уларни қондирилиш даражасининг нақадар муҳимлигини эътироф этиб, қиймат назариясини яратишда айнан унга асосланган: талаб (эҳтиёж) қондирилган сари ҳар бир кейинги, яъни қўшимча харид этиладиган товарларнинг нафлилик қобилияти пасайиб боради. Уларнинг фикрига кўра, товарнинг қийматини шакллантиришда эҳтиёжларнинг қондирилиш даражаси асосий рол ўйнайди – эҳтиёжлар қондирилган сари уларнинг нафлилиги ҳам пасайиб боради.

“Иқтисодиёт назарияси” дарслигида эҳтиёж категориясига қуйидагича таъриф берилган: “Инсоннинг ҳаёт кечириши ва ривожланиши учун зарур бўлган ҳаётий воситаларга бўлган ҳожат, объектив заруратга эҳтиёж деб айтилади”[1]. Эҳтиёжларнинг таснифланиши борасида ҳам турли хил ёндашувлар мавжуд. Неоклассик мактабнинг таниқли намояндаларидан бири А.Маршалл эҳтиёжларни бир неча турларга бўлган: мутлақ ва нисбий, юқори ва қуйи, кечиктириб бўладиган ва кечиктириш мумкин бўлмаган, тўғри ва эгри, ҳозирги ва келажак эҳтиёжлари[2]. Ўқув адабиётларида эҳтиёжларни одатда катта гуруҳларга, масалан моддий ва маънавий, бирламчи ва иккиламчи, шунингдек, индивидуал (якка), гуруҳий, ҳудудий, умумжамият эҳтиёжи каби турларга бўлинганини кузатишимиз мумкин[3].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “эҳтиёж” ибораси арабча – муҳтожлик, зарурият, талаб,

[1]Шодмонов Ш.Ш., Мухаммедов М.М., Камилова Н.А. Экономическая теория: Учебник. Рус тилидан муаллиф таржимаси. “IQTISOD-MOLIYA”, 2021, С. 11.
[2]Маршалл А. Принципы политической экономии. М.: 1993, Том 1., С. 153.
[3]Шодмонов Ш.Ш., Мухаммедов М.М., Камилова Н.А. Экономическая теория: Учебник. Рус тилидан муаллиф таржимаси. “IQTISOD-MOLIYA”, 2021, С. 12-13.

ҳожат маъносини англатиши қайд этилган[1]. Эҳтиёжларнинг долзарб масалалари Хаксевер К., Рендер Б., Рассер Л., Мердик Р., Гусейнов О., Азимина Е.Б. ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ этилган. Эҳтиёжларнинг моҳиятини очишга ва таснифлашга оид уринишлар ва чоп этилган ишлар жуда кўп. Лекин, шунга қарамасдан, уларнинг ичида ўзининг мантиқий якунини топишга даъвогар бўла оладиган, барча параметрлари билан тадқиқотчини қониқтирадиган ёндашувни учратиш қийин. Чунки “Эҳтиёж” тушунчаси ўта мураккаблиги ва жамият тараққиётида муҳим, агар жоиз бўлса, биринчи даражали, роль ўйнаганлиги сабабли уни таснифлашда ҳам катта қийинчиликлар мавжуд. Шу билан бир қаторда, илмий адабиётларда эҳтиёжларни қондиришда меҳнатнинг ролини очиб беришга етарлича эътибор берилмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция, тизимли ёндашув, мантиқий таҳлил усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Эҳтиёжлар жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти нуқтаи назаридан жуда муҳим, лекин айни бир пайтда, ўта мураккаб, кенг қамровли ва шу сабабли иқтисодчилар ҳанузгача мазмун-моҳиятини ва аксарият кўпчилик тан оладиган таърифини ва таснифини ишлаб чиқишга эришолмаган, унинг инсон иқтисодий фаолиятидаги ва жамият иқтисодий тараққиётидаги ўрнини ва аҳамиятини тўла очиб бера олмаган тушунчалардан биридир. Айни пайтда, эҳтиёжларнинг кенг қамровли ва илмий-назарий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган тўлиқ, ушбу тушунчанинг серқирра ҳамда мураккаб мазмунига лойиқ таснифнинг ишлаб чиқилиши унинг туб моҳиятини англаб етиш ва ундан аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролидан унумли фойдаланиш имконини беради.

Эҳтиёжларни турларга бўлиш дастлаб қадимги грек файласуфи Аристотель (э.а. 384-322 йй.) даврларига бориб тақалади. Ўша даврларда эҳтиёжлар 2 та катта гуруҳга: жисмоний ҳамда руҳий эҳтиёжларга бўлинган. Кейинчалик эҳтиёжларни турларга бўлиш масаласида турли даврларда кўп мамлакатларнинг кўплаб тадқиқотчилари ва олимлари турли хил ёндашувларни баён этишган. Эҳтиёжлар назариясини шакллантиришда ва уларни таснифлаш муаммосини ҳал этишда Бентам, Бенфилд, Г. Госсен, У.Джевонс, Д. Маккелланд, А. Маршалл, Д. Герцберг, Дж. Хикс каби иқтисодчи ва психологларнинг хизматлари жуда катта.

Эҳтиёжларнинг кенг тарқалган ва кўпчилик тан олган таснифи америкалик психолог А. Маслоу томонидан ишлаб чиқилган. Унинг Маслоу эҳроми (пирамидаси) деб ном олган ёндашувида эҳтиёжлар 5 турга бўлинган. Эҳромнинг асосини биринчи даражали эҳтиёжлар ташкил этади – бу физиологик эҳтиёжлар (озиқ-овқат, уй-жой, кийим-кечак). Ундан кейин муҳимлиги жиҳатидан иккинчи поғонани хавфсизликка бўлган эҳтиёжлар (ҳар хил хавф-хатарлардан, касалликлардан, жиноятчиликдан ва бошқалардан ҳимояланганлик). Эҳромнинг учинчи поғонасидан ижтимоий эҳтиёжлар, яъни оила қуриш, бошқалар билан ўртоқлашиш, ўзаро мулоқотда бўлиш, жамоада яшаш кабилар жой олган. Обрў-эътибор, ҳурмат қозониш, ўз хулқини баҳолашга бўлган эҳтиёжлар, эҳромнинг тўртинчи поғонасидан ўрин олган. А. Маслоунинг фикрига мувофиқ, муҳимлик жиҳатидан эҳтиёж-лар таркибида энг охирги ўринда инсоннинг ўз қобилияти ва ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида уни жамият тан олишига эришиш туради.

Эҳтиёжларнинг моҳиятини очиб бериш, уларни таснифлаш билан бир қаторда, қондириш манбалари ва воситаларини аниқлаш ҳам методологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бизнингча, инсон эҳтиёжларини қондиришнинг учта манбаларини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Биринчиси – табиат тайёр ҳолда инъом этган ва инсон уни ҳеч қандай ишлов бермасдан истеъмол қилиши мумкин бўлган ноз-неъматлар. Иқтисодиёт назарияси дарсликларида бундай неъматлар ноиқтисодий,[2] бошқа баъзи бирларида эса эркин неъматлар туркумига киритилган. Ноиқтисодий неъматлар инсонга “сув текин” бўлса-да, табиат учун улар жуда “қиммат”га тушади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, кесиб олинган ўрмондаги

[1]Мадвалиев А. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: Б. 69.

[2]Баликоев В.З. Общая экономическая теория. Учебник. Москва – Новосибирск. Омега – я –Сибирское соглашение, 2005, Б. 43.

дарахтларнинг қайта тикланиши учун, дарахтларнинг турига қараб, 20-40 йил вақт керак бўлади, ер қатлами остидаги торфлар жуда катта тарихий давр мобайнида – 4 минг йиллар давомида вужудга келган ва ҳоказо.

XVIII асрда Ғарб иқтисодчилари томонидан яратилган “Иқтисодий одам” (“homo economicus”) моделига мувофиқ, индивидни ҳаракатга келтирадиган, ундайдиган бош мотив унинг пул даромадлари ҳисобланади. Ушбу назарий ёндашувнинг моҳияти шундан иборатки, ҳудбинлик кайфиятлари устун ривожланган “иқтисодий одам” ўзининг пул даромадлари нафлилигини максималлаштиришга ҳаракат қилади. “Иқтисодий одам” моделида индивидиумнинг хулқ-атворига оқилоналик хос. Ушбу оқилоналик унинг кам харажатлар билан юқори натижага эришишга қаратилган барча интилишлари имкониятларнинг, яъни ресурсларнинг, чекланганлиги, улардан фойдаланишда иқтисодий самарадорликка эришиш бош мақсадга айланганлиги асосида таъминланади. Лекин, табиат инсонга “текин”га инъом этган ноз-неъматларга нисбатан меҳнат билан топиладиган пул даромадлари кишиларнинг хулқ-атвори ва интилишларини оқилоналаштирувчи, чекловчи восита вазифасини бажаришга ожизлик қилади. Бу эса, табиат жамиятга сахийлик билан инъом этган қимматли ноз-неъматларнинг инсон томонидан қадрламасликка, улардан нооқилона, баъзи ҳолларда ваҳшийларча фойдаланишига сабаб бўлади. Масалан, тадбиркор (инсофли тадбиркорлар бундан истисно) ўзига лоақал бир сўм фойда келтирадиган мақсад йўлида тонналаб жамият учун қимматли бўлган ичимлик сувини нобуд қилиши мумкин. Ёки озгина харажатни тежаш, самарадорликка эришиш мақсадида у экологияга катта, пул билан ўлчаб бўлмайдиган, даражада, зиён етказиши мумкинлигига ҳеч ажабланмаслик керак.

Иккинчиси – инсон ўз меҳнати воситасида табиатга таъсир кўрсатиб, уни ўзгартириш йўли билан яратиладиган ноз-неъматлар. Иқтисодиёт назариясида инсон ижтимоий ишлаб чиқариши жараёнида яратадиган барча нарсалар иқтисодий неъматлар деб номланган. Ҳудбин, шахсий манфаатлари устун ривожланган “иқтисодий одам” табиатда тайёр ҳолда бўлмаган, лекин ўз эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарган ноз-неъматларга нисбатан оқилона муносабатда, харажатларни минималлаштириб, натижаларни максималлаштиришга астойдил интилади. Чунки инсон катта ақлу-заковат соҳиби сифатида заррача беҳуда ҳаракатдан ўзини сақлайди (вақтни тежаш қонуни). Фан билан қуролланган, фан бевосита ишлаб чиқариш кучига айланган ҳозирги замонда инсоннинг ноз-неъматлар ишлаб чиқариш имкониятлари инсоннинг фақат ўзида мужассамланган ишчи кучи билан эмас, балки ундан неча марта, кўп ҳолларда неча юз марта, унумлироқ бўлган техника билан белгиланади. Бу имкониятлардан кенг фойдаланиб, инсон моддий неъматларни мисли кўрилмаган миқдорда ва таркибда ишлаб чиқармоқда. Бунинг оқибатида инсон ўз қўли билан яратаётган моддий ноз-неъматлар миқдори аллақачонлар ҳар қандай оқилоналикнинг доираларидан анча ташқарига чиқиб кетди.

Учинчиси – инсоннинг ўз меҳнати сингмаган, ўзгалар меҳнати эвазига яратилган қийматнинг, яъни “текин томоқ” ноз-неъматларнинг ўзлаштирилиши. Ҳудбин, шахсий манфаатлари устун ривожланган “иқтисодий одам” ўз эҳтиёжларини қондиришга нафақат табиатга, ҳайвонларга нисбатан, балки ўзисимон бошқа зотларга, ўзининг сафдошларига, бошқа инсонларга нисбатан ҳам хиёнат қилиши, адолатсизликка йўл қўйиши мумкин. Ўзгаларга тегишли бўлган ноз-неъматларни ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўзлаштириш, уларни қўлга киритишнинг бир неча шакллари мавжуд: ўғирлик, тамагирлик, порахўрлик, бюджетни ўмариш, алдаш, куч билан тортиб олиш, бировларни текин ишлатиш ва ҳоказо.

Алоҳида индивидларнинг ўзгаларга тегишли бўлган ноз-неъматларни, молу-дунё, бойликни ўзлаштириш йўлида ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори қабила, элат, миллат, мамлакат, давлат, давлатлар гуруҳи миқёсида ижтимоий тус олади ва инсоният тараққиёти шундан далолат берадики, пировард натижада, у жуда даҳшатли оқибатларга олиб келади. Азал-азалдан айрим қабила ва элатларнинг, ҳозирги замонда эса барча ижтимоий адолатсизликларнинг, катта-кичик давлатларнинг ўзаро низо ва жанжалларининг,

келишмовчилик ва қирғинбарот урушларнинг чуқур илдизи бир жамиятнинг бошқа бир жамиятга тегишли бойликни ўзлаштиришга бўлган ҳаракатлари билан изоҳланади.

Алоҳида индивиднинг ўзгаларга тегишли ноз-неъматлар, имкониятларни ўзининг шахсий эҳтиёжларини қондириш манбаи сифатида фойдаланишга интилиши ва хулқ-атворини тартибга солиш нисбатан осон. Алоҳида шахс, қабила сардори, корхона раҳбари, ҳаттоки давлат раҳбарининг хулқ-атворини, хатти-ҳаракатларини қонунлар, шунингдек, ижтимоий тартиб-қоидалар ва бошқалар ёрдамида тартибга солишнинг самарали институционал механизмлари яратилган. Лекин, мамлакат, давлат миқёсида ўзаро низо ва урушларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймасликнинг амалий натижа берадиган, юқори самарали механизмлари яратилмаган. Ваҳоланки, жамиятда шундай механизмларнинг амалда қўлланилишига жуда катта эҳтиёж бор.

Низо ва урушларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг самарали воситалари яратилмаганлигини эътироф этар экан, XX асрнинг таниқли социологи Питирим Сорокин эътиборга молик фикрларни илгари сурган. Унинг ёзишича, жамият тарихида бирон-бир ғоя, мафкура, дин, ташкилот урушларнинг, низоларнинг, жиноятларнинг ва ҳоказоларнинг олдини ололмади. Шу сабабли муаммонинг ечимини одамлар ўртасидаги муносабатларнинг янги тизимини шакллантиришдан излаш керак[1]. Бизнингча, кишилик жамияти ҳозиргача ҳал эта олмаган бу мураккаб муаммонинг ечимини кишилар ўртасидаги муносабатларнинг янги тизимини шакллантиришдан эмас, балки кишилараро муносабатларнинг асосини ташкил этувчи ҳар бир индивиднинг шахсий эҳтиёжларини қондириш маданиятини юксалтиришдан излаш керак.

Учинчи манбанинг инсон эҳтиёжларини қондиришдаги ролини тобора пасайтириш, уни минимал даражага келтириш жамиятнинг уруш-низоларсиз, зиддиятларсиз, тинч, равон ривожланишининг, иқтисодий манфаат заминида содир бўлаётган ҳар қандай жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг кескин камайиши, барча мамлакатлар халқлари доимо орзу қиладиган ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ва етакчи омили ҳисобланади. Инсон фақат эҳтиёжларга кўп ҳам эрк бермасликка, ўз эҳтиёжларини қондиришда уларнинг мазмун-моҳияти, айниқса қондирилиш манбаларига эътиборли бўлишга, кези келганда, унга фойдадан кўра кўпроқ зарар олиб келадиган, аксарият ҳолларда, унинг бошига нотинчлик ва кулфат соладиган нооқилона эҳтиёжларни чеклашга, уларни қондиришнинг хатарли йўлларидан воз кечишга одатланиши, жоиз бўлса, кучли ирода билан ўзини тийишга мажбурлаши керак.

Барча иқтисодий тизимларда, жумладан эркин бозор иқтисодиёти шароитида, кишилар ўз эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган ноз-неъматларни яратишнинг асосий воситаси инсоннинг меҳнати бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Кишилик жамияти тараққиётининг дастлабки босқичларида инсонлар эҳтиёжини қондиришнинг ягона манбаи табиат инъом этган ноиқтисодий ноз-неъматлар бўлган бўлса ва эҳтиёжни қондириш муаммосини ҳал этишда меҳнатнинг роли роппа-роса нолга тенг бўлган бўлса, ҳозирги кунда меҳнат жараёнида яратиладиган иқтисодий ноз-неъматлар инсон эҳтиёжларини қондиришда асосий, етакчи ўринни эгаллайди. Ер юзида ҳаёт энди бошланган даврлардан бошлаб инсон аста-секин меҳнат қилишни, меҳнат воситасида табиатга таъсир кўрсатишни, уни ўзгартириб, ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган турли-туман ноз-неъматларни яратишни ўрганди.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, инсон эҳтиёжларини қондиришнинг асосий, салмоқли манбаи – бу унинг ўз меҳнати билан табиатга таъсир кўрсатиш орқали, яъни ишлаб чиқариш жараёнида, яратилган моддий ва номоддий ноз-неъматлар ҳисобланади.

Кишилик жамияти тараққиёти давомида кўп авлодларнинг меҳнати туфайли оламда жуда катта моддий ва маънавий бойлик яратилди, фан ишлаб чиқариш кучига айланди, ишлаб чиқариш кучлари юксак даражада ривожланди. Инсон ўзининг тинимсиз меҳнати ва иқтисодий фаолияти натижасида табиатнинг ожиз, ночор, мослашувчан, итоаткор, фақат истеъмол билан шуғулланувчи, шунчаки оддий бир кузатувчисидан унга кучли таъсир

[1]Сорокин П. Долгий путь. Сыктывкар. 1991, 231-б.

кўрсата олишга қодир бўлган қудратли омилга айланди. Ҳозирги даврга келиб, меҳнат билан шуғулланиш, меҳнатда бандлик, иқтисодий фаолият, ноз-неъматлар ишлаб чиқариш инсон яшаши ва ҳаёт кечиришининг муҳим шарти ва порлоқ келажагини таъминлашнинг асосий омилига айланди. Муайян даражада ижтимоий қарор топган, маданийлашган жамиятда меҳнатда бандлик ҳаёт кечиришнинг, моддий ва маънавий ноз-неъматларга эҳтиёжларни қондиришнинг асосий манбаи ва етакчи омили ҳисобланади. Бундай жамиятда меҳнатга лаёқати бор кишилар бандлик орқали муносиб даромад топиш ҳамда ўзлари ва оила аъзоларининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш имконига эга бўладилар.

Шу сабабли меҳнатда бандликни аҳолининг узлуксиз ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг асосий манбаига айлантиришни таъминлаш давлатнинг ижтимоий сиёсатида марказий ўрин эгалламоғи лозим. Ушбу сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўллари иш ҳақини аҳоли истеъмолидаги улушини кескин ошириш, меҳнат эвазига олинган даромадларни фаровон ҳаёт кечиришнинг асосий омилига айлантириш, коррупция ва хуфёна иқтисодга қарши курашни кучайтириш, норасмий бандликни расмий бандликка айлантиришнинг изчил чораларини кўришдан иборат.

М.Мухаммедов **Некоторые суждения о классифиации и источниках удовлетворения человеческих потребностей**	**M.Mukhammedov** **Some judgments on the classification and sources of satisfaction of human needs**
Аннотация: в статье исследуются вопросы классификации и источников удовлетворения потребностей, разработаны предложения по использованию потребностей для привлечения трудоспособной части населения к общественному производству и обеспечению его занятости.	**Abstract:** the article examines the issues of classification and sources of satisfaction of needs, developed proposals for the use of needs to attract the able-bodied part of the population to social production and ensure its employment.
Ключевые слова: потребность, классификация потребностей, удовлетворение потребностей, полезность, объективная необходимость, личный интерес, занятость, свободный рынок.	**Keywords:** need, classification of needs, satisfaction of needs, usefulness, objective necessity, personal interest, employment, free market.

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
Озода Мамаюнусовна Пардаева – ТДИУ Самарқанд филиали кафедра мудири, (PhD), доцент

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ЎСИШИ ВА ФАРОВОНЛИК ДАРАЖАСИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: мақолада асосий эътибор Марказий Осиёда Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши ва фаровонлик даражасининг қиёсий таҳлилига қаратилган. Аввало, Ўзбекистон аҳолисининг МДҲ давлатлари ўртасидаги ўрнига аҳамият берилган, сўнгра Марказий Осиё давлатлари ўртасида фаровонлик даражаси қиёсий таҳлил қилинган. Умумийликдан хусусийлик сари усулига амал қилган ҳолда Самарқанд вилоятида аҳоли жон бошига ҳисобланган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 2021-2022 йиллар бўйича қиёсий таҳлили ҳам ёритилган. Маълумки, фаровонликнинг натижаси инсонлар саломатлиги ва умрнинг узоқлиги билан ўлчанади. Буни инобатга олиб, Ўзбекистонда туғилиш ва ўлим ўртасидаги нисбати, касалликларнинг турлари бўйича ўлим ҳолатларининг қиёсий таҳлили ҳам берилди.

Калит сўзлар: аҳоли, аҳоли сони, МДҲ мамлакатлари аҳолисининг таркиби, МО давлатлари аҳолиси, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ), касалликлар турлари, ўлим ҳолатлари, туғилиш даражаси.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда глобал миқёсда жаҳоннинг турли ҳудудларида аҳолининг ўзгаришига боғлиқ мураккаб жараёнлар содир бўлмоқда. Бир ҳудудда камайиш рўй берган бўлса, яна бир ҳудудда кўпайиш рўй бермоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида "Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари" тамойилига асосан еттита устувор йўналишдан иборат вазифалар

ишлаб чиқилган. Уларнинг таркибида аҳоли ва унинг фаровонлиги билан боғлиқ масалалар кўп жойда эътироф этилган. Ушбу масалалар глобаллашув жараёнида дунё аҳолисининг таркибий тузилиши ва ўзгариш жараёнлари билан ҳам боғлиқдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарида[1] ва 2022 йил 28 январда имзоланган "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги № ПФ-60-сонли Фармонида аниқ вазифалар белгиланган. Шу туфайли дунё аҳолисининг турли йўналишлар бўйича таркибий тузилишини, уларнинг фаровонлик даражасини ўрганиш ва буларга баҳо бериш бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Дунё, айрим ҳудудлари аҳолиси ва унинг ўзгариш тенденциялари олимлар томонидан кам тадқиқ қилинган. Буларни инобатга олиб интернет ва дунё статистикаси маълумотларидан фойдаланган ҳолда уларнинг таркибий тузилишларини тизимли равишда қараб чиқишни объектив зарурият, деб топдик. Чунки, дунё аҳолисининг соҳаларида бандлиги, яшаш шароити бўйича фаровонлик даражаси бевосита аҳолининг касбий йўналишларига ҳам боғлиқдир. Буларни инобатга олиб ушбу йўналишда бир қанча тадқиқотлар олиб борилмоқда. Булар жумласига А.Абдурахманов, С.С.Ғуломов, Н.Арабов, М.М.Муҳаммедов кабиларни ҳам киритиш мумкин. Бизнинг (М.Қ.Пардаев, А.Р.Латипов, О.М.Пардаева, М.Д.Усманов кабилар) ҳам айрим тадқиқотларимиз айнан ушбу муаммоларнинг ечимига қаратилган[2].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида Марказий Осиёда Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши ва фаровонлик даражасининг мантиқий, қиёсий ва солиштирма таҳлил, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамиздаги доимий аҳоли сони 35,3 млн. кишини ташкил этган. Бу МДҲ мамлакатлари умумий аҳолисининг 11,9 фоизини ташкил қилади. Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси доимий аҳоли сони бўйича МДҲда учинчи ўринни эгалламоқда. Таҳлилларга кўра, 2022 йил 1 январь ҳолатига МДҲ давлатларида доимий аҳоли сони ва унинг фоиздаги улуши турлича. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

МДҲга кирувчи давлатлари аҳолисининг 2022 йил 1 январь ҳолатига таркибий тузилиши[3]

Т/р	Давлатларнинг номи	Сони, киши	Улуши, %
1.	Россия	152,2	51,3
2.	Украина	43,3	14,6
3.	Ўзбекистон	35,3	11,9
4.	Қозоғистон	19,3	6,5
5.	Беларус Р.	10,4	3,5
6.	Озарбайжон	9,8	3,3
7.	Тожикистон	9,5	3,2
8.	Қирғиз Р.	6,8	2,3
9	Туркманистон	4,4	1,5
10.	Арманистон	3,0	1,0
11.	Молдова	2,7	0,9
	Жами	**296,6**	**100,0**

[1] Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси” - Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. – 464 бет.

[2] Саидахрор Ғуломов, Мамаюнус Пардаев. Жамият тараққиётига эришишнинг 10 муҳим омили. // “Халқ сўзи” газетаси. 158-сон. 2022 йил 26 август. – 5 бет., Пардаев М., Пардаева О. Глобаллашув жараёнида дунё аҳолисининг таркибий тузилиши ва ўзгариш жараёнлари. // JURNAL OF MARKETING? BISINESS AND MANAGEMENT (JMBM). – 64-73 бетлар. www.jmbm.uz VOLUME 1, ISSUE 4 (June) ISSN: 2181-3000 https://cyberleninka.ru/ article/n/taraqqiyot-strategiyasini-ta-minlashda-yaponiya-tajribasidan-foydalanish-imkoniyatlari. – 0,8 б.т., Пардаев М.Қ., Латипов А.Р., Усмонов М.Д. Қишлоқ аҳолисининг камбағаллигини қисқартиришда иш билан бандлигини имкониятлари. // JURNAL OF MARKETING? BISINESS AND MANAGEMENT (JMBM). – 209-217 бетлар. www.jmbm.uz VOLUME 1, ISSUE 4 (June) ISSN: 2181-3000 https://cyberleninka.ru/. – 0,5 б.т., Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев. Озода Мамаюнусовна Пардаева. Глобаллашув жараёнида дунё аҳолисининг таркибий тузилиши ва ўзгариш жараёнлари. //“Сервис” илмий-амалий журнал. 2022. 3-сон. – 5-11 бетлар. – 0,6 б.т.

[3] https://t.me/statistika_rasmiy

Жадвал маълумотларидан ҳам кўриниб турибдики, МДҲ мамлакатлари таркибида Россия Федерацияси етакчи ўринни эгаллайди. Барча аҳоли таркибида ушбу мамлакатнинг улуши 51,3 %ни ташкил қилади. Бундан кейинги ўринда Украина бўлиб, ушбу мамлакатнинг аҳолиси Россияга нисбатан 3,5 мартага (152,2/43,3) кам. Аммо улуши жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Мамлакатимиз аҳолиси Россия аҳолисига нисбатан 4,3 мартага (152,2/35,3) кам. Аммо мамлакатимиз аҳолисининг улуши 11,9 %ни ташкил қилади ва ушбу кўрсаткич бўйича МДҲ давлатлари ичида учинчи ўринда туради. Энг қуйи поғонада Молдова бўлиб, ушбу мамлакат аҳолисининг улуши атиги 0,9 %ни ёки 2,7 млн. кишини ташкил қилади.

Марказий Осиё мамлакатлари ичида Ўзбекистон аҳолиси 35,3 млн. киши билан аҳоли сони бўйича биринчи ўринни эгаллаб турибди. Иккинчи ўринда Қозоғистон бўлиб, унинг аҳолиси 19,3 млн. кишини ташкил қилади. Бу Ўзбекистонга нисбатан 1,8 мартага (35,3/19,3) кам. Учинчи ўринда Тожикистон бўлиб, унинг аҳолиси 9,5 млн. кишини ташкил қилади. Бу Ўзбекистонга нисбатан 3,7 мартага (35,3/9,5) кам. Навбатдагиси Қирғиз Республикаси бўлиб, унинг аҳолиси 6,8 млн. кишини ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич Ўзбекистонга нисбатан 5,2 марта (35,3/6,8) кам демакдир. Туркманистон аҳолиси 4,4 млн. кишини ташкил қилади ва аҳоли сони бўйича Марказий Осиёда энг қуйи ўринда туради.

Навбатдаги таҳлиллар Ўзбекистон аҳолисининг ҳудудлар бўйича 1 кв.м.га тўғри келадиган зичлиги бўйича амалга оширилди. Чунки мамлакатимизда ҳар бир ҳудуд ўзига хос бўлиб, турли зичликка эга. Биринчи кўрсаткич мамлакатимиз аҳолисининг зичлигини таҳлил қилиниши нуқтаи назаридан қараб чиқилди. **Ўзбекистонда 1 км.кв. ер майдонига қанча аҳоли сони тўғри келиши** Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 октябрь ҳолатига **79,8 нафар доимий аҳоли сони** тўғри келишини кўриш мумкин. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қиёслаганда, таъкидлангандек, 1,7 кишига ортган. Кўриниб турибдики аҳоли сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Мазкур расмда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлари бўйича аҳолининг зичлиги келтирилган (1-расм).

1-расм. Ўзбекистода ҳудудлар кесимида 2022 йил 1 октябрь ҳолатига 1 кв. км.га тўғри келадиган аҳоли зичлиги[1]

[1] https://t.me/statistika_rasmiy

Расмдан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда 1 км.кв. ер майдонига қанча аҳоли сони тўғри келиши ҳудудлар кесимида турли эканлигини кўриш мумкин. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 октябрь ҳолатига берилган маълумотлар таҳлилига эътиборни қаратадиган бўлсак, Ўзбекистонда 1 км.кв. ер майдонига, юқорида таъкидлангандек, ўртача 79,8 нафар доимий аҳоли сони тўғри келар экан. Ушбу кўрсаткич йилдан йилга ошиб бормоқда. Тошкент шаҳрида 1 км.кв. ер майдонига тўғри келадиган аҳоли сони 6549,4 кишини ташкил қилади. Иккинчи ўринда Андижон вилояти туради. Бу ерда ушбу кўрсаткич 768,4 нафарни ташкил қилади. Учинчи ўринда Фарғона вилояти бўлиб, бу ерда 584,9 нафарни ташкил қилади. Аҳолининг зичлиги бўйича навбатдаги ўринда Наманган вилояти туради. Бу ҳудудда 400,4 нафарни ташкил қилади. Аҳоли зичлиги бўйича энг қуйи ўринда Навоий вилояти бўлиб, бу ерда 1 км.кв. ер майдонига 9,5 нафар киши тўғри келади. Ундан юқори ўринда Қорақалпоғистон Республикаси – 11,8 нафар, Бухоро вилоятида 49,7 нафар, Жиззах вилоятида 69,1 нафар аҳоли тўғри келади. **Самарқанд вилояти аҳоли зичлиги бўйича ўртача ҳолат бўлиб, 1 км.кв. ер майдонига 244,2 нафар киши тўғри келади**. Аҳолининг ўсиши рўй бериши эвазига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан солиштирилганда ушбу кўрсаткич 1,0-2,0 нафар кишигача ортиб борганлиги кузатилган.

Марказий Осиё мамлакатларида аҳоли сони бўйича Ўзбекистон биринчи ўринда МДҲ давлатлари орасида учинчи ўринни эгаллаб турибди. **Давлатнинг қудрати аҳолининг сони билан эмас, балки макро иқтисодий кўрсаткичлари даражаси, яъни Ялпи Ички Маҳсулот (ЯИМ) даражаси билан ўлчанади.** Бу борада аҳволимиз қандайлигини ушбу жадвалда кўриш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Марказий Осиё мамлакатларида ялпи ички маҳсулотларни (ЯИМ) ҳажмининг 2021 йил бўйича қиёсий таҳлили[1]

Т/р	Мамлакатлар номи	Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)		Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми	
		суммаси, млрд. $	жамига нисбатан улуши, %	суммаси, $	МО давлатларида ўртачага нисбатан даражаси, %
1.	Қозоғистон	169,8	70,0	9655	282,3
2.	Ўзбекистон	57,7	23,8	1785	52,2
3.	Қирғизистон	7,7	3,2	1225	35,8
4.	Тожикистон	7,3	3,0	773	22,6
5.	Туркманистон	-	-	-	-
	ЖАМИ	242,5	100,0	3420	100,0

Изоҳ: Марказий Осиё мамлакатларида аҳоли сони (Туркманистондан ташқари) –70,9 млн. киши

Марказий Осиё мамлакатларида ялпи ички маҳсулотларни (ЯИМ) ҳажмининг 2021 йил бўйича қиёсий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу кўрсаткичнинг ҳажми 242,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади. Бунинг асосий қисми, яъни 70,0 % Қозоғистонга тўғри келади. Ўзбекистоннинг улуши 23,8 %ни ташкил қилса, Қирғиз Республикасиники 3,2 %ни ва ниҳоят Тожикистонники 3,0 %ни ташкил қилмоқда. Кўриниб турибдики, Марказий Осиёда етакчи ўринни Қозоғистон эгаллаб турибди. Аҳоли жон бошига ЯИМнинг улуши бўйича ҳам Қозоғистон етакчилик қилиб турибди. Ушбу мамлакатда ўртачага нисбатан 282,3 % юқори. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 52,2 %ни ташкил қилган бўлса, Қирғизистонда 35,8 %га ва Тожикистонда 22,6 %га тенгдир.

Энди Самарқанд вилоятидаги аҳволни таҳлил қиламиз. Бунга асос қилиб Самарқанд вилояти статистика бошқармаси томонидан эълон қилинган аҳоли жон бошига ҳисобланган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми ва ўсиш суръатлари бўйича 9 ойлик натижаларини олиш мумкин. Вилоятда аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) шу давр мобайнида 10 миллион 708 минг сўмни ташкил этди[2]. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,0 фоизга юқори бўлди. Агар бунинг таркибий тузилишига эътиборни қаратадиган

[1] @Maxfiyxabarlar.
[2] https://t.me/zarnews_uz/61469

бўлсак, ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 97,3 фозини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 2,7 фоизини ташкил этган. Ушбу ҳолатнинг 2021-2022 йиллардаги қиёсий таҳлилини қуйидаги расмдан ҳам кўриш мумкин (2-расм).

Кўрсаткичлар	2021 йил	2022 йил
Аҳоли жон бошига ҳисобланган ялпи ҳудудий маҳсулот, минг сўм.	9 429,3	10708,0
Аҳоли жон бошига ҳисобланган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, %	105,1 %	104,0 %

2-расм. Самарқанд вилоятида аҳоли жон бошига ҳисобланган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 2021-2022 йиллар бўйича қиёсий таҳлили

Ушбу расмда Самарқанд вилоятида аҳоли жон бошига ҳисобланган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 2021-2022 йиллар бўйича қиёсий таҳлили келтирилган бўлиб, шу икки йил давомида ҳам ўсиш кузатилганлиги кўриниб турибди. 2021 йилда ушбу кўрсаткич 105,1 %га ўсган бўлса, 2022 йилда 104,0 %га ўсган.

Мамлакатимизда ва уларнинг ҳар бир ҳудудида макроиқтисодий кўрсаткичлар аҳоли фаровонлигидан далолат беради. Фаровонлик эса, аҳолининг саломатлиги ва узоқ умр кўриш даражасининг ошиб боришига хизмат қилади. Ҳақиқатда мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини кўрсатувчи жиҳатлардан бири бу аҳолининг ўртача яшаш даражаси ҳисобланади. Ўртача яшаш даражаси дунёда 71 йилни ташкил қилади. Бу кўрсаткич Японияда 84,6, Андоррада 84,2, Исроилда 82,3, АҚШда 79,8, Россияда 72,7, **Ўзбекистонда 73,8,** Тожикистонда 73,7, Туркманистонда 70,4 йилни ташкил қилади[1]. Кўриниб турибдики, Ўзбекистон бу кўрсатгич бўйича Ўрта Осиёда етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳолат бевосита аҳолининг ўсиши билан ҳам боғлиқ.

Ўзбекистонда туғилиш ва ўлим ўртасидаги нисбат аҳолининг ўсиш даражасини белгилайди. 2022 йил 1 октябрга қадар мамлакатимизда 681 мингта чақалоқ дунёга келди. Шу даврда ўлим 130 мингтани ташкил қилган[2]. Улар ўртасидаги нисбат 19,1 %ни (130*100/681) ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич мамлакатимизда ҳар йили 5 та чақалоқ туғилиши ҳисобига аҳоли кўпайса, аҳоли бир кишига камайиши ҳам рўй бермоқда. Шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизда аҳолининг соғлом турмуш тарзига ва уларнинг умрини узайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Натижада турли касалликларнинг олди олиниб, ўлим ҳолатлари ҳам камайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра мамлакатимизда қайд этилган ўлим ҳолатининг асосий қисми қон айланиш тизими касалликларига тўғри келмоқда. Бунинг улуши, умумий ўлимга нисбатан 56,8 %ни ташкил қилади. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин (3-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда касалликлар бўйича 2022 йилнинг 9 ой даврида энг кўп ўлим ҳолатлари қон айланиш тизими касалликлари билан боғлиқ бўлмоқда. Бу шу даврда барча ўлганларнинг 56,8 %ни ташкил қилмоқда. Нафас олиш аъзолари касалликларидан ўлганлар 9,8 %га тенг бўлмоқда. Мамлакатимизда ўсимталардан ўлганлар сони 10 535 нафарни ёки 8,1 %ни ташкил қилган. Бу касаллик олдинги 3-5 фоиз ўрнига бироз кўпайганлигини ҳам бир ўрганиб, унинг ҳам олдини олиш йўлларини кўриш

[1] Zarnews.uz/post/dunyoda-ortacha-umr-korish-necha-yil-ozbekistonda-chi
[2] https://uznews.uz/posts/59643

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қайд этилган ўлим ҳолатларининг касалликлар бўйича 2022 йилнинг 9 ойлик ҳолатидаги сони ва улуши[1]

Т/р	Касаллик турлари	Сони, киши	Улуши, %
1.	Қон айланиш тизими касалликлари	74 109	56,8
2.	Нафас олиш аъзолари касалликлари	12 805	9,8
3.	Ўсимталардан	10 535	8,1
4.	Бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан	7 260	5,5
5.	Овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари	5 264	4,1
6.	Юқумли ва паразит касалликлари	1 976	1,5
7.	Бошқа касалликлардан	18 417	14,2
8.	**Жами ўлганлар сони**	**130 366**	**100,0**
9	**Туғилганлар сони, минг киши**	**681,0**	**1010,0**
10.	Туғилганларга нисбатан ўлганларнинг улуши, %	x	19,1

лозим. Мамлакатимизда бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан ҳам вафот этганлар кам эмас. Шу қисқа вақтда 7 260 нафар ёки 5,5 % ўлганлар шу касаллик билан боғлиқ. Овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари билан ўлганлар 5 264 нафарни ёки 4,1 %ни ташкил қилади. Бу ҳам эътиборни қаратадиган масалалардан биридир. Бизда юқумли ва паразит касалликлари ҳамон сақланиб қолмоқда. Шу касаллик билан вафот этганлар 1 976 нафарни ёки барча вафот этганларнинг 1,5 %ни ташкил қилади. Ҳозирги пайтда буларнинг кўплари даволаниши мумкин бўлган касалликлардир.

Булардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда тиббиёт соҳасига катта аҳамият бериб, жуда кўп касалликларнинг олдини олиш билан шуғулланиш лозим экан. Шунингдек, аҳолимиз ҳам соғлом турмуш тарзига қатъий амал қиладиган бўлса, жуда кўп касалликларнинг олди олинади. Масалан, юрак-қон томирлари касалликлари ҳам бевосита шу соғлом турмуш тарзига амал қилмасликнинг оқибатида келиб чиқадиган касаллик бўлиб ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳат. Мамлакатимизда ҳавонинг ифлосланиши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ачинарлиси ифлосланган ҳаво туфайли турли касалликлар оқибатида ўлим ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда ҳар юз минг одам бошига ўлим борасида Ўзбекистон, ижтимоий тармоқларда қайд қилинишича, мутлақ биринчи ўринга чиқиб олганлиги[2] анча хатарли ҳолат. Инфографикадан кўриш мумкинки, ҳатто араб давлатлари, ҳатто Хитой ва Ҳиндистон ҳам ҳавонинг ифлосланиши жиҳатидан Ўзбекистондан анча ортда қолиб кетган. Демак, мамлакатимиз салбий кўрсаткич бўйича юқори ўринга чиқиб олганлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Мамлакатимиз кўчалари машиналарга тўла, бутун мамлакатимиз қурилиш майдонига айлантирилган. Шундай шароитда кўп йиллик дарахтларнинг кесишлари ҳам давом этмоқда.

Албатта ушбу ҳолатни тузатиш учун катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, биргина Самарқанд вилоятида 2022 йил ноябр ойида эълон қилинган “Яшил макон”: “Долзарб 40 кунлик” умуммилий лойиҳаси доирасида 6 млн. 125 минг дона 27 турдаги мевали ва манзарали дарахтлар, буталар экиш режалаштирилган. Булар ҳудудлар кесимида амалга оширилмоқда. Матбуот берган хабар бўйича барча ҳудудларда ушбу иш тўлиқ адо этилмоқда[3]. Ушбу ҳолат атмосферани яхшилашга, ҳудуднинг экологик муҳитини ўнглашга катта ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимиз аҳолининг сони ва ўсиш суръати бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Аммо аҳолининг фаровонлиги бўйича ҳали анча паст даражада. Жумладан, Қозоғистонга нисбатан аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми 5,4 мартага кам. Бу бизнинг жуда катта имкониятларимизни инобатга оладиган бўлсак, анча паст даражадамиз. Буларнинг ҳаммаси энди тегишли хулоса чиқариб, Янги Ўзбекистонда янги ҳаётга бошқача кўз билан қараб яшашликни тақозо қилади.

[1] https://uznews.uz/posts/59643
[2] https://t.me/Qoraxabar/38100.
[3] https://t.me/SamTVR_Group/97567

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси” - Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. – 464 бет.
2. Саидахрор Ғуломов, Мамаюнус Пардаев. Жамият тараққиётига эришишнинг 10 муҳим омили. // “Халқ сўзи” газетаси. 158-сон. 2022 йил 26 август. – 5 бет.,
3. Пардаев М., Пардаева О., Глобаллашув жараёнида дунё аҳолисининг таркибий тузилиши ва ўзгариш жараёнлари. // JURNAL OF MARKETING? BISINESS AND MANAGEMENT (JMBM). – 64-73-бетлар.
4. www.jmbm.uz VOLUME 1, ISSUE 4 (June) ISSN: 2181-3000 https://cyberleninka.ru/article/n/taraqqiyot-strategiyasini-ta-minlashda-yaponiya-tajribasidan-foydalanish-imkoniyatlari. – 0,8 б.т.,
5. Пардаев М.Қ., Латипов А.Р., Усмонов М.Д. Қишлоқ аҳолисининг камбағаллигини қисқартиришда иш билан бандлигини имкониятлари. // JURNAL OF MARKETING? BISINESS AND MANAGEMENT (JMBM). – 209-217 бетлар. www.jmbm.uz VOLUME 1, ISSUE 4 (June) ISSN: 2181-3000 https://cyberleninka.ru/. – 0,5 б.т.,
6. Пардаев М.Қ., Пардаева О.М. Глобаллашув жараёнида дунё аҳолисининг таркибий тузилиши ва ўзгариш жараёнлари. //“Сервис” илмий-амалий журнал. 2022. 3-сон. – 5-11 бетлар. – 0,6 б.т.
7. https://t.me/statistika_rasmiy
8. https://t.me/statistika_rasmiy
9. @Maxfiyxabarlar.
10. https://t.me/zarnews_uz/61469
11. Zarnews.uz/post/dunyoda-ortacha-umr-korish-necha-yil-ozbekistonda-chi
12. https://uznews.uz/posts/59643
13. https://uznews.uz/posts/59643

М.Пардаев, О.Пардаева

Сравнительный анализ прироста населения и уровня благосостояния в Узбекистане и странах Центральной Азии

Аннотация: основное внимание в статье уделяется сравнительному анализу прироста населения и уровня благосостояния Узбекистана в Центральной Азии. В первую очередь уделяется внимание положению населения Узбекистана среди стран СНГ, затем проводится сравнительный анализ уровня благосостояния среди стран Центральной Азии. Также проведен сравнительный анализ валового регионального продукта на душу населения в Самаркандской области за 2021-2022 годы по методике от общего к частному. Известно, что результат благополучия измеряется здоровьем и долголетием людей. С учетом этого также был дан сравнительный анализ соотношения родившихся и умерших в Узбекистане, умерших по видам болезней.

Ключевые слова: население, численность населения, структура населения стран СНГ, население стран ЦА, валовой внутренний продукт (ВВП), валовой региональный продукт (ВРП), виды болезней, смертность, рождаемость.

M.Pardaev, O.Pardaeva

Comparative analysis of population growth and welfare level of Uzbekistan with Central Asian countries

Abstract: The main focus of the article is on a comparative analysis of population growth and the level of prosperity of Uzbekistan in Central Asia. First of all, attention is paid to the situation of the population of Uzbekistan among the CIS countries, then a comparative analysis of the level of well-being among the countries of Central Asia is carried out. A comparative analysis of the gross regional product per capita in the Samarkand region for 2021-2022 was also carried out using the methodology from general to particular. It is known that the result of well-being is measured by people's health and longevity. Taking this into account, a comparative analysis of the ratio of births and deaths in Uzbekistan, deaths by types of diseases was also given.

Keywords: population, population size, structure of the population of the CIS countries, population of the CA countries, gross domestic product (GDP), gross regional product (GRP), types of diseases, death rates, birth rate.

Абдухолик Эгамович Тангиров – СамИСИ доценти, и.ф.н.

БИЗНЕС-МОДЕЛ АСОСИДА КОРХОНАНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: Мақолада самарали бизнес-моделини шакллантирмасдан кучли рақобатли бозор шароитида корхона бошқарув самарадорлигини ошириш, бизнес-модели тушунчаси моҳияти, “Бизнес-модели” тушунчасининг моҳиятини аниқлашда 2 хил ёндашув, бизнес-модели ва стра-тегия тушунчалари ва бизнес-моделлари қўлланилиши масалалари назарий жиҳатдан ўрганилган.

Калит сўзлар: бизнес, модел, корхона, бозор, бизнес-модел, бизнес-жараён, ёндашув, стратегия, рақобат, қиймат, фойда.

Кириш. Бугунги кунда аксарият корхоналар учун рақобатдош устунликни сақлаб қолиш тобора қийинлашиб бормоқда. Бутун дунёдаги корхоналар бозорда етакчи ўринни эгаллаш учун ишлатилиши мумкин бўлган янги дастак(рычаг)ларни қидирмоқда. Юқори сифат, оқилона тузилган бизнес-жараёнлар тизими ва рақобатбардошликни сақлашнинг бошқа омиллари жаҳон бозорида иштирок этиш учун ўзига хос муҳим хусусиятга айланади. Бундай шароитда хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу корхонанинг бозор қийматининг ошиши билан тасдиқланади. Корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларини уларнинг самарали бизнес-моделини шакллантирмасдан туриб ҳал этиш мумкин эмас. Шу сабабли ўрганилган мавзу долзарб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўрганилган адабиётларда корхоналарда самарали бизнес-моделини танлаш, синаб кўриш ва малакали фойдаланиш компетенцияларини шакллантиришнинг асосий платформаси бўлган корхона бизнес-моделини шакллантиришнинг назарий ва услубий асослари каби масалалар ёритиб берилган[1,2,3,4,5,6].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил, қиёсий таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Бизнес-модели замонавий тадбиркорлик ва стратегик бошқарувнинг янги тушунчаларидан биридир. Илмий ва тадқиқот доираларида бизнес моделларига қизиқиш нисбатан яқинда ўтган асрнинг охирларида пайдо бўлди. Кейинги йилларда эришилган баъзи ютуқларга қарамай, ушбу тадқиқот соҳаси ҳали ҳам кўплаб ҳал этилмаган муаммолар ва муаммоли соҳаларни ўз ичига олади. Бизнес-модели моҳиятини тушунишнинг ягона нуқтаи назарининг йўқлиги, бизнес-моделларини шакллантириш ва таҳлил қилишда ишлаб чиқилмаган концептуал ва услубий ёндашувлар корхоналар фаолия-тида ушбу концепциядан амалий фойдаланишни сезиларли даражада мураккаблаштиради.

Таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда асосий эътибор турли ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг самарали бизнес-моделини шакллантиришнинг долзарб назарий жиҳатларини мақолада ёритиб беришга қаратилган.

Бозор корхонани доим изланишга мажбурлайди: кучли рақобатли бозорда ўз жойини, ўзига хослигини, ўз мақсадларига эришиш учун ўз имкониятларини солиштиради. Бошқача айтганда, ўзининг ноёб бизнес-моделини қидиради.

Бизнес – бу даромад ёки бошқа моддий манфаат келтирадиган фаолиятдир.

Модел (фр. *modele,* лотинча *modulus* -ўлчов, аналог, намуна)- кўрсатиш, нусха, схема, макет, тасвир, қандайдир моддий ёки руҳий тасаввур қилинган объект ёки ҳодиса, асл объект ёки ҳодисани соддалаштирилганлиги билан алмаштириб, фақат баъзи бир муҳим хусусиятларини сақлаб қолишидир.

Модел фақат ушбу моделга хос бўлган маълум параметрлар ва хусусиятлар тўпламига эга кетма-кет такрорланадиган лойиҳа ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳатто бир қатор маҳсулот (лойиҳа)ларда амалга оширилиши ҳам мумкин.

“Бизнес-модели” тушунчасининг моҳиятини аниқлашда 2 хил ёндашув мавжуд.

1) корхона фаолиятига ёки унинг ички бизнес-жараёнларига йўналтирилган ёндашув.

2) корхонанинг ташқи муҳитига қаратилган ёндашув (қийматга/ мижозларга йўналтирилган);

Биринчи ёндашув корхона фаолиятини бизнес-жараёнлари ва технологиялари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш билан боғлиқ (диққат маркази корхона ичкарисига қаратилган).

Иккинчи ёндашув, корхона ташқи мижозлар учун яратадиган қийматига, шунингдек, операция натижаларига эътибор қаратишни ўз ичига олади.

Бизнес-модели қуйидаги саволларга жавоб олиш имконини беради: керакли натижага эришиш учун нима ва қандай қилиш керак?

Ҳар қандай корхона бизнес-моделининг мазмунини белгилайдиган асосий элементлари қуйидагилардир:

• компания маҳсулот ва хизматлар шаклида таклиф қиладиган ташқи мижозлар учун қиймат;

• етказиб берувчилар ва мақсадли мижозларни, шунингдек қиймат занжирларини ўз ичига олган ушбу қийматни яратиш тизими;

• корхона қиймат яратиш учун фойдаланадиган активлар;

• корхонанинг молиявий модели, у ҳам харажатлар таркибини, ҳам фойдани олиш усулини белгилайди.

Бизнес-модел - бу корхоналар истеъмолчини танлаши, ўз таклифларини шакллантириш ва чегаралаш, ресурсларни тақсимлаши, қайси вазифаларни ўзи бажариши мумкинлигини ва қайси вазифаларни бажариш учун четдан мутахассисларни жалб қилиши, бозорга кириши, истеъмолчилар учун қиймат яратиши ва эвазига фойда олиши.

"Бизнес-модели" атамасининг моҳиятини аниқлар эканмиз, шуни таъкидлаш керакки, бу атама кўпинча “стратегия” атамаси билан чалкаштирилади, бир тушунчани бошқасига алмаштиради ёки стратегияни бизнес-моделининг таркибий қисмларидан бири сифатида кўрилади. Бу ҳақиқат бизнес-модели стратегия билан чамбарчас боғлиқ, лекин стратегия билан моҳиятан бир хил эмаслигида масала(жадвал).

жадвал

Бизнес- модели ва стратегия ўртасидаги фарқ

Параметр	Бизнес-модель	Стртегия
Қийматни яратиш ва уни фойдага айлантириш	Фойда яратишга эътибор қаратади ва шу билан бирга корхона қандай қилиб яратилган қийматни фойдага айлантириши тасвирланади	Узоқни кўзлайди ва барқарор рақобат устунлигини яратишга эътибор қаратади
Бизнес қиймати	Тадбиркорлик учун иқтисодий аҳамиятга эга бўлган инновацияни (янгиликни) ўзлаштириш учун архитектура яратади, лекин мулкдорлар ва акциядорлар учун қандай қилиб бизнес қийматини фойдага айлантириш мумкинлиги ҳақидаги саволга жавоб бермайди.	Бизнеснинг келажакдаги қийматини оширишга эътибор қаратилди
Ишбилармонлик муҳити ҳақидаги тахминий билим даражаси	Яратиш бизнес муҳитини чуқур билишни талаб қилмайди	Стратегияларни ишлаб чиқишнинг етарлилиги янада мураккаб таҳлилга боғлиқ бўлиб, бунинг учун корхонанинг ривожланиши керак бўлган муҳит ҳақида тўлиқроқ маълумот керак бўлади.

Бизнинг фикрмизча корхона ички фаолиятига ёки ички бизнес-жараёнларига йўналтирилган ёндашув бўйича бизнес-модели-бу корхонанинг мураккаб тизим сифатида тавсифи, унинг ичидаги барча объектлар (моҳияти), жараёнлар, операцияларни бажариш қоидалари, мавжуд ривожланиш стратегияси, шунингдек, тизимларнинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш мезонлари маълум бир аниқлик билан кўрсатилишидир.

Корхонанинг ташқи муҳитига қаратилган ёндашув бўйича бизнес модели - бу корхона ўзини қўллаб-қувватлайдиган, яъни фойда келтирадиган бизнес юритиш усули. Бизнес-модели корхонанинг қиймат занжиридаги ҳолатга ихтисослашган ҳолда қандай қилиб пул топишини тушунтиради.

Бизнес-модели ва стратегияси ўртасидаги ўзаро алоқалар М. Леви томонидан таклиф қилинган "қиймат тенгламаси" билан кўрсатиш мумкин:

В=М×С

Бунда, В-Қиймат

М-Бизнес-модель

С-Стратегия

Бу тенглама корхона ўз стратегиясини амалга ошириш учун энг яхши бизнес-моделини танлаши кераклигини кўрсатади.

Бизнес-моделларини ишлаб чиқиш мумкин:

-маълум бир маҳсулот ёки хизмат (ўхшаш маҳсулотлар ёки хизматлар гуруҳи) учун;

- бутун бир корхона учун;

- бир гуруҳ корхоналар ёки холдинглар учун.

Бизнес-моделлари қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

Маҳсулот ёки хизматлар сифатини яхшилаш, ташқи бозорга чиқиш каби масалаларни ҳал қилиш корхона ривожланишини янги босқичга ўтказиш заруриятини келтириб чиқаради, бундай ҳолда бизнес-модел бошқарув жараёнини такомиллаштириш мақсадида шакллантирилади.

Керакли натижага эришиш учун НИМА ва ҚАНДАЙ қилиш керак, деган саволларга бизнес-модели жавоб беради. Корхонанинг ишлаш механизми тўғрисида ягона тасаввурни пайдо қилади.

Бундан ташқари, бизнес-модел-бу фақат корхонанинг бизнес жараёнларини тавсифловчи ҳужжатлар тўплами, деб ҳисоблаш хато.

1. Бошқа шунга ўхшаш корхоналарга нисбатан корхона ишининг самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш.

2. Корхона бизнесининг келажакдаги салоҳияти ва инвестицион жозибадорлигини баҳолаш.

3. Корхона ўз бизнесида мижозлар ва бошқа манфаатдор томонлар учун яратадиган қийматни максимал даражада ушлаб туриш стратегияси нуқтаи назаридан корхона бизнесини оптималлаштириш.

Бизнес-модели корхонанинг ривожланиш мақсадлари асосида шакллантирилади, улар биргаликда маълум бир услубий платформани ифодаловчи бизнес-моделининг барча асосий таркибий қисмлари (кесишган бизнес жараёнлари) таркибини белгилайди:

• бизнес НИМА қилаётганини тавсифловчи бизнес-функциялари;

• корхона ўз бизнес вазифаларини ҚАНДАЙ бажаришини тавсифловчи бизнес - жараёнлар;

• бизнес-функциялари ва бизнес-жараёнлари ҚАЕРДА бажарилишини белгилайдиган ташкилий тузилма;

• бизнеснинг у ёки бу функцияларини ҚАЧОН (қандай кетма -кетликда) жорий қилинишини белгилайдиган (фазалар)босқичлар;

• КИМ бизнес-жараёнлар бажарилишини аниқлайди.

•НИМА, ҚАНДАЙ, ҚАЕРДА, ҚАЧОН ва КИМ ўртасидаги ўзаро алоқаларни белгиловчи қоидалар.

Хулоса ва таклифлар. Бизнес-моделининг асосий таркибий қисмларига асосланиб, бизнес модели тавсифлаши керак бўлган атрибутларнинг энг аниқ рўйхати ажратилади:

• бизнес жараёнининг ҳар бир босқичини бошлашга **таъсир қилиши**;

• ҳар бир қадамни **бажарувчилари** (бу ҳам одамлар, ҳам дастурлар ва механизмлар бўлиши мумкин);

• ушбу қадамни тартибга солувчи **таъсирлар** (қонунчилик, бозор шароитлари ва бошқалар);

• бизнес-жараёнининг маълум бир босқичи натижасида олинган **натижа**.

•“Бизнес модели” тушунчасининг моҳияти бизнес-жараёнларга/ролларга ёки қиймат/мижозга эътибор қаратиш орқали очиб берилади.

•Бизнес модели ва стратегия ўртасидаги асосий фарқ шундаки, корхона ўз стратегиясини амалга ошириш учун энг яхши бизнес моделларини аниқлаши керак.

•Бизнес моделлари муайян маҳсулот ёки хизмат учун яратилиши мумкин; умуман корхона учун; бир гуруҳ корхоналар ёки холдинг учун.

•Бизнес модели биргаликда муайян услубий платформани ифодаловчи бизнес-моделнинг барча асосий компонентлари (кесишган бизнес жараёнлари) таркибини белгиловчи корхонани ривожлантириш мақсадлари асосида шакллантирилади.

“Бизнес-модели” тушунчасининг моҳиятини аниқлашда 2 хил ёндашув мавжуд.

Бизнинг фикримизча корхона ички фаолиятига ёки ички бизнес-жараёнларига йўналтирилган ёндашув бўйича бизнес-модели-бу корхонанинг мураккаб тизим сифатида тавсифи, унинг ичидаги барча объектлар (моҳияти), жараёнлар, операцияларни бажариш қоидалари, мавжуд ривожланиш стратегияси, шунингдек, тизимларнинг ишлаш самарадорлигини баҳолаш мезонлари маълум бир аниқлик билан кўрсатилишидир.

Корхонанинг ташқи муҳитига қаратилган ёндашув бўйича бизнес модели - бу корхона ўзини қўллаб-қувватлайдиган, яъни фойда келтирадиган бизнес юритиш усули. Бизнес-модели корхонанинг қиймат занжиридаги ҳолатга ихтисослашган ҳолда қандай қилиб пул топишини тушунтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Антропова Л. В. Подготовка будущих менеджеров в условиях российской бизнес-школы к управлению экономическим поведением работника в современной корпорации//Вестник Российского экономического университета имени Г. В. Плеханова. - 2018. -№ 4 (100). - С. 19-27.
2. Бизнес модели [Электронный ресурс]. http: http://www.e-xecuti-ve/ru
3. Бизнес-модель-ключ к развитию бизнеса на основе инноваций [Текст]. Сооляттэ А.Ю. Менеджмент инноваций 01(09)2010 с. 6-15.
4. Бизнес-модель и карта управления предприятия [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.orgo.ru/
5. Tangirov A. E. Challenge desert pasture livestock problems and their solution American Journal of Research www.journalofresearch.us 5-6 May-June 2022 info@journalofresearch.us
6. Tangirov A. E. Factors to increase competitiveness of desert pasture livestock British View ISSN 2041-3963 Volume 7 Issue 1 2022 DOI 10.5281/zenodo.6777984 Universal impact factor 8.528 SJIF20224.629: Website: http://britishview.co.uk

А.Тангиров **Теоретические аспекты управления предприятием на основе бизнес-модели** **Аннотация:** В статье рассмотрены вопросы повышения эффективности управления предприятием в условиях жесткой конкуренции на рынке без формирования эффективной бизнес-модели, сущность понятия бизнес-модели, два различных подхода к определению сущности понятия «бизнес-модели», теоретически изучены понятия бизнес-модели и стратегии, а также применение бизнес-моделей. **Ключевые слова:** бизнес, модель, предприятие, рынок, бизнес-модель, бизнес-процесс, подход, стратегия, конкуренция, ценность, прибыль.	**A.Tangirov** **Theoretical aspects of enterprise management based on a business model** **Abstract:** The article deals with the issues of improving the efficiency of enterprise management in the conditions of fierce competition in the market without the formation of an effective business model, the essence of the concept of a business model, two different approaches to determining the essence of the concept of "business model", the concepts of a business model and strategy and the application of business models are theoretically studied. **Keywords:** business, model, enterprise, market, business model, business process, approach, strategy, competition, value, profit.

Сусанна Сейрановна Алиева – к.э.н., доцент СамИЭС

СТИМУЛИРОВАНИЕ ВНЕДРЕНИЯ ЗЕЛЕНОЙ ЭНЕРГЕТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: «Зелёная» энергетика является приоритетом развития в области выработки электроэнергии для большого количества стран. Однако, внедрение установок выработки «зеленой» энергетики не может быть объектом только государственного финансирования, поскольку – это довольно недешевый процесс выработки электроэнергии. Поэтому необходимо реализовывать и совершенствовать систему финансового стимулирования привлечения финансовых ресурсов в данную сферу.

Ключевые слова: энергетика, ВИЭ, финансовое стимулирование, финансовые инструменты, эффективные расходы, налоговые льготы, преференции.

Введение. «Зеленая» энергетика является тенденцией развития энергетических тенденций развития многих стран мира, а точнее всех, кто присоединился к Целям в области устойчивого развития ООН до 2030 года[1] и Парижскому соглашению об изменении климата[2].

Очевидным фактором такого развития является рост населения планеты день ото дня, из-за которого происходит значительное истощение природного капитала, а также, загрязнения окружающей среды, приводящие к явлениям по изменению климата в целом.

В Узбекистане не менее 300 дней в году являются солнечными. В связи с этим к 2030 году страна планирует получать более четверти электричества из возобновляемых источников энергии (ВИЭ). В правительстве считают, что «зелёный» переход способен дать экономике мощный толчок[3]. К 2030 году, по плану Минэнерго, 45% электричества в Узбекистане будет генерироваться на тепловых электростанциях из природного газа, 17% – на ФЭС, 13% – на ГЭС, 8% придётся на атомную энергетику и 6% на угольные ТЭС.

Обзор литературы. Научные теоретические и практические исследования вопросов эффективности выработки и использования «зеленой» энергетики ведутся уже довольно давно. И в этой области исследования проводят ученые всего мира, как и ученые Узбекистана, с учетом климатических и финансовых особенностей регионов страны[4].

[1] United Nations (2017) Resolution adopted by the General Assembly on 6 July 2017, Work of the Statistical Commission pertaining to the 2030 Agenda for Sustainable Development

[2] Соглашение было подготовлено взамен Киотского протокола в ходе Конференции по климату в Париже и принято консенсусом 12 декабря 2015 года, а подписано 22 апреля 2016 года 175 странами.

[3] Как и зачем Узбекистан делает ставку на зеленую энергетику. https://www.spot.uz/ru/2021/09/14/renewable-energy/

[4] Krasko V. A., Doris E. State distributed PV policies: Can low cost (to government) policies have a market impact? //Energy Policy. – 2013. – Т. 59. – С. 172-181; Алексеенко С.В. Нетрадиционная энергетика и энергоресурсосбережение // Инновации. Технология. Решения. 2006. №3 (март). С.38-41; Дерзкий В.Г. Аналитический прогноз развития мировой ветроэнергетики

К примеру, Алексеенко С.В. классифицирует четыре направления энергетики: традиционная энергетика на органическом топливе (уголь, газ, нефть, нефтепродукты); гидроэнергетика; атомная энергетика; возобновляемые источники энергии (ВИЭ)[1]. Формирование потоков ветра над территорией Узбекистана и их характерные черты, определяемые территорией и синоптическими процессам в атмосфере, оказывающие влияние на характеристики ветровых потоков были изучены Дерзким В.Г.[2]. Ученые Захидов Р.А., Кремков М.В. уделили внимание исследованию вопросов оценки потенциала и возможного использования ветровой энергии в Узбекистане[3]. Матчанов Н. в своей работе определяет использование различных источников возобновляемой энергии с целью обеспечения энергетической, экологической и экономической безопасности, рассматривая солнечную энергию, энергию ветра и биогаза, гидроэнергетику малых естественных и искусственных водотоков[4].

Краско В.А. и Дорис Э. обнаружили, что подготовка рынка и создание рынка были двумя основными определяющими факторами внедрения солнечной энергии на государственном уровне. Это показал результат их исследований, который заключался в следующих идеях: 1. Политика открытия недорогого рынка может быть эффективной в содействии росту рынка фотоэлектрической энергии без субсидирования проектов, и 2. Политика может быть более эффективной, если государства и населенные пункты будут вводить их в действие в определенном порядке[5].

Методология исследования. При написании статьи нашли применение методы экспертной оценки, которые позволили провести сущностный анализ финансового стимулирования внедрения ВИЭ.

Анализ и результаты. В «Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» развитию «зеленой» энергетики уделено особое внимание: предусмотрено «принять меры по повышению до 2026 года на 20 процентов энергоэффективности экономики и сокращению на 20 процентов объема выброса вредных газов в атмосферу путем активного внедрения технологий «зеленой экономики» во все сферы»[6].

В рамках поставленных таким образом задач в соответствии с государственными программами внедрения ВИЭ планируется к 2026 году довести мощность солнечных и ветряных электростанций в Узбекистане до 8000 МВт, мощность гидроэлектростанций – до 2 920 МВт, то есть на ВИЭ будет приходиться около 25%. А это в свою очередь позволит сэкономить около 3,0 млрд. м^3 природного газа.

Увеличение мощности использования «зеленой» энергетики позволит не только сократить использование углеводородной энергии, но и увеличить объем ВВП, поскольку из-за того, что большинство генерирующих мощностей в Узбекистане устарело, их замена и обновление потребует больших ресурсов, которые является целесообразным потратить на развитие, внедрение, совершенствование установок для выработки «зеленой» энергетики,

/Дерзкий В.Г. //Энергетика и электрификация – 2010. -No1. – С.53-56; Захидов Р.А., Кремков В.М Потенциал ветровой энергетики Узбекистана// Гелиотехника. 2015. No 4. – С. 106 – 107; Развитие возобновляемой энергетики в Узбекистане: современное состояние, проблемы и пути их решения. Н.Матчанов. Ташкент, 2019г. Международный институт солнечной энергии – CAREC. Электронный ресурс.https://www.carecprogram.org›. Дата обращения 18.03.2020; 25. Таджиев У.А., Киселева Е. И., Таджиев М.У., Захидов Р.А. Особенности формирования ветровых потоков над территорией Узбекистана и возможности их использования для выработки электроэнергии. Часть I.// Гелиотехника. 2014. No 3. – С. 46-52.

[1] Алексеенко С.В. Нетрадиционная энергетика и энергоресурсосбережение // Инновации. Технология. Решения. 2006. №3 (март). С.38-41

[2] Дерзкий В.Г. Аналитический прогноз развития мировой ветроэнергетики /Дерзкий В.Г. //Энергетика и электрификация – 2010. -No1. – С.53-56

[3] Захидов Р.А., Кремков В.М Потенциал ветровой энергетики Узбекистана// Гелиотехника. 2015. No 4. – С. 106 – 107.

[4] Развитие возобновляемой энергетики в Узбекистане: современное состояние, проблемы и пути их решения. Н.Матчанов. Ташкент, 2019г. Международный институт солнечной энергии – CAREC. Электронный ресурс.https://www.carecprogram.org›. Дата обращения 18.03.2020г.

[5] Krasko V. A., Doris E. State distributed PV policies: Can low cost (to government) policies have a market impact? //Energy Policy. – 2013. – Т. 59. – С. 172-181.

[6] Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы» от 28.01.2022 г. № УП-60

определяемой более эффективными расходами, как с экологической, так и экономической точек зрения.

Все эти аргументы говорят в пользу того, что в Узбекистане внедрение «зеленой» энергетики является эффективным и необходимым для широкого использования средством. Однако, при этом имеется много нерешенных вопросов, которые имеют место быть, и которые необходимо решать в скором времени: недостаточная проработанность правовых аспектов, ценообразование для потребителей энергии, финансирование производства энергии, производство и модернизация комплектующих, их локализация, подготовка кадров в области производства, обслуживания и совершенствования установок производства «зеленой» энергетики. Необходимо также проработать повышение квалификации отечественных кадров, налаживание работы научных лабораторий, помогающих в будущем снизить затратоемкость установки и производства энергии. Отдельным пунктом в этих вопросах также стоит необходимость утилизировать в будущем комплектующие установок, но для этого еще есть немного времени, хотя задуматься об этом стоит уже сейчас.

В данной работе внимание будет обращено финансовым инструментам стимулирования внедрения «зеленой» энергетики в Узбекистане. Их наличие и развитие позволит ускорить внедрение установок выработки электроэнергии из ВИЭ и снизить потребность в использовании электроэнергии, выработанной централизованно.

В первую очередь необходимо отметить, что большую долю в аспект финансового стимулирования внедрения «зеленой» энергетики вносят принятые в 2019 году Закон Республики Узбекистан «Об использовании возобновляемых источников энергии»[1] и Закон Республики Узбекистан «О государственно-частном партнерстве»[2].

Так в соответствии с Законом Республики Узбекистан «Об использовании возобновляемых источников энергии»:

- производители энергии из ВИЭ освобождаются от уплаты налога на имущество за установки возобновляемых источников энергии и земельного налога по участкам, занятым этими установками (номинальной мощностью 0,1 МВт и более), сроком на 10 лет с момента ввода их в эксплуатацию;

- налогом на имущество физических лиц не облагается имущество, находящееся в собственности лиц, использующих ВИЭ в жилых помещениях с полным отключением от действующих сетей энергоресурсов, сроком на 3 года начиная с месяца использования возобновляемых источников энергии.

- от земельного налога освобождаются лица, использующие ВИЭ в жилых помещениях с полным отключением от действующих сетей энергоресурсов, сроком на 3 года начиная с месяца использования возобновляемых источников энергии. Данная, а также предыдущая льготы предоставляются при наличии справки о полном отключении от электроэнергии организаций государственных электросетей.[3]

В соответствии с Законом Республики Узбекистан «О государственно-частном партнерстве» в рамках соглашения о государственно-частном партнерстве могут предоставляться:

– субсидии, в частности, направляемые на обеспечение гарантированного минимального дохода частного партнера от реализации проекта государственно-частного партнерства;

– вклады активов и имущества в реализацию проекта в рамках государственно-частного партнерства;

– средства бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан, направляемые на оплату потребления или использования определенного количества продуктов, произведенных либо поставленных в процессе реализации проекта государственно-частного партнерства;

[1] Закон Республики Узбекистан «Об использовании возобновляемых источников энергии» от 21.05.2019 г. № ЗРУ-539

[2] Закон Республики Узбекистан «О государственно-частном партнерстве» от 10.05.2019 г. № ЗРУ-537

[3] Статья 14 Закона Республики Узбекистан «Об использовании возобновляемых источников энергии» от 21.05.2019 г. № ЗРУ-539.

– предоставление бюджетных ссуд, займов, грантов, кредитных линий и других видов финансирования;

– дополнительные гарантии по взаимной договоренности в целях обеспечения исполнения обязательств инвесторами;

– налоговые льготы и преференции, а также другие льготы[1].

Значительный вклад в развитие «зеленой» энергетики также внесет Указ Президента РУз «О дополнительных мерах по внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии малой мощности»[2]. Этот законодательный документ несет новые инструменты прямого и косвенного стимулирования широкого внедрения установок выработки электроэнергии посредством использования ВИЭ. Так, инструментами данного правового документа являются финансовые инструменты, направленные на финансовое стимулирование установки оборудования ВИЭ, так и требования, установленные к отдельным объектам строительства, характеризующимся высоким потреблением электроэнергии.

В частности, инструментами финансового стимулирования являются такие меры, как то, что с 1 октября 2022 года:

- физические лица могут приобретать солнечные и ветряные электростанции и солнечные водонагревательные устройства, произведенные в стране, с выплатой их стоимости в рассрочку без начисления процентов в течение 3 лет;

- часть расходов произведенных вследствие установки таких устройств и оплативших их стоимость полностью, компенсируется за счет средств Внебюджетного фонда энергосбережения при Минэнергетики, в который с этой целью из государственного бюджета будет переведено 100 млрд. сумов.

Кроме того законодательным актом предусмотрено:

- установить установки по выработки электроэнергии посредством использования ВИЭ более чем на 34 тыс. объектах, включая 619 массивов «Янги Узбекистон» и более 28 тыс. домохозяйств в регионах;

- до конца 2023 годы довести долю использования источников электроэнергии до 30% в определенных более 6 тыс. объектах;

- за счет местных бюджетов обеспечить семьи, включенные в «Железную тетрадь» установками выработки электроэнергии из ВИЭ: в 2022 году – 20%, а в 2023 году - 80%;

- предоставить возможность юридическим и физическим лицам, установившим установки мощностью до 1МВт реализовать излишки электроэнергии, произведенной на солнечных, ветровых и биогазовых электростанциях лишь АО «Региональные электрические сети» в течение не менее 10 лет;

- юридическим лицам, основной деятельностью которых является производство установок солнечных, ветровых электростанций и малых ГЭС, в том числе создаваемые до 2025 года, будет представлена возможность выплачивать налог на прибыль и налог на имущество в размере 50 % от установленных ставок в течение 3 лет с момента регистрации.

Все эти меры нацелены на поощрение и мотивацию предпринимателей в сфере развития «зеленой» энергетики. Они, несомненно, поспособствуют минимизации потенциальных рисков, однако, нельзя забывать, что необходимо уделять особое внимание в первую очередь малому предпринимательству, т.к. именно этот сегмент активно реагирует на любые изменения на рынке, и не всегда в состоянии отреагировать на отдельные новшества, какими бы эффективными в будущем они не стали.

Заключение и предложения. Поэтому необходимо искать новые пути стимулирования и поддержки малого предпринимательства в аспекте внедрения “зеленой” энергетики. При этом нагрузка на бюджет от элементов такого финансирования может быть

[1] Статья 38 Закон Республики Узбекистан «О государственно-частном партнерстве» от 10.05.2019 г. № ЗРУ-537

[2] Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии малой мощности» от 09.09.2022 г. № УП-220

чересчур колоссальной, из чего следует, что пора внедрять новые инструменты привлечения финансирования в данную сферу.

Одним из таких инструментов может быть выпуск “зеленых” облигаций. Было отмечено, что развивающийся рынок «зеленых облигаций» предоставляет большие возможности[1].

Особенностью «зеленых облигаций» является то, что аккумулированные с их помощью средства используются для проектов, связанных с возобновляемой энергией, повышением энергоэффективности, экологически чистым транспортом или низкоуглеродной экономикой[2].

Выпуск таких облигаций очевиден как для эмитентов, так и для инвесторов, поскольку финансируя проекты, связанные с экологичностью, энергоэффективностью, эмитент показывает свою целенаправленность на долгосрочное и прогрессивное развитие. Инвесторы же показывают не только свою долгосрочную целеустремленность, но и социальную ответственность, осуществляя деятельность в соответствии с государственными программами, получая при этом финансовую поддержку и стимулирующие меры от правительства страны.

В данный период развития экономики выпуск в обращение «зеленых» облигаций осуществляют самые разнообразные организации, международные: Европейский инвестиционный банк, Всемирный банк, правительственные: город Париж, штат Массачусетс, провинция Онтарио, правительство Польши и Франции; банки: Банк Америки, Кредит Агриколь; различные компании и учреждения[3]. Операции с «зелеными» облигациями могут быть более активными на финансовом рынке, поскольку спрос на них гораздо более высок, в особенности со стороны экологически ориентированных фондов, а предложение пока еще достаточно ограничено.

У Узбекистана есть положительный опыт размещения евробондов, поэтому в комбинации с набирающей силу «зеленой» энергетикой представляется рациональным и эффективным возможность выпуска «зеленых» облигаций и их размещение с целью ускорения развития данного сектора экономики.

С.Алиева

Ўзбекистонда Яшил энергияни тарғиб этиш

Аннотация: “Яшил” энергетика кўплаб мамлакатлар электр энергияси ишлаб чиқариш соҳасидаги ривожланишнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Бироқ, “яшил” энергия ишлаб чиқариш ускуналарни жорий этиш фақат давлат томонидан молиялаштирилиш имкон қадар шарт эмас, чунки бу электр энергиясини ишлаб чиқариш учун жуда қимматбаҳо жараён. Бинобарин, мамлакат иқтисодиётининг ушбу таркибий қисмини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида, молиявий рағбатлантириш тизимини жорий этиш ва такомиллаштириш зарур.

Калит сўзлар: энергия, қайта тикланадиган энергия, молиявий рағбатлантириш, молиявий воситалар, самарали харажатлар, солиқ имтиёзлари, имтиёзлар.

S. Alieva

Promotion of green energy in Uzbekistan

Abstract: "Green" energy is a development priority in the field of electricity generation for a large number of countries. However, the introduction of green energy generation units cannot be the object of only state funding. Therefore, it is necessary to implement and improve the system of financial incentives for attracting financial resources to this sphere.

Keywords: energy, renewable energy, financial incentives, financial instruments, efficient spending, tax incentives, preferences.

[1] «The green bonds market needs to maintain integrity while growing». Daily Planet. 2017 — https: //dailyplanet.climate-kic.org / green-bonds-market-needs-maintain-integrity-growing / .

[2] Исследовательский документ «Организации экономического сотрудничества и развития (OECD)». — 2016. — https: //www.oecd.org / environment / cc / Green%20bonds%20PP%20 %5Bf3 %5D%20 %5Blr%5D. pdf. – P.5

[3] «Investors Warm to ‘Green Bonds’”. The Wall Street Journal. — 2017. https: //www.wsj.com / articles / investors-warm-to-green-bonds-1491790201.

ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

Олим Мамаюнусович Пардаев – СамИСИ, “Банк ва молия хизматлари” факультети декани, и.ф.д., профессор.
Умиджон Нормурод ўғли Нормуродов – СамИСИ, “Таълимнинг кредит тизимини бошқариш” сектори бош мутахассиси, PhD.

САВДО КЛАСТЕРИНИНГ ИННОВАЦИОН ОМИЛ СИФАТИДАГИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада савдо кластерининг инновацион омил сифатидаги тушунчаси ва унинг назарий масалалари қараб чиқилган. Кластер ҳақидаги назарий масалалар тадқиқ қилиниб, савдо кластерининг таърифи илк бор ишлаб чиқилган ва назарий жиҳатдан асосланган.
Калит сўзлар: савдо, кластер, савдо кластери, моддий бойлик, товар, номоддий бойлик, молиявий ресурс, пул маблағлари, савдо жараёни, эгалик ҳуқуқлари.

Кириш. Инсоният тарихида битта ҳақиқат бор, бирор нарсани бажаришга кучинг етмаса, кучларни бирлаштириш керак. Бугунги кунда кўп нарсага кучимиз етади, аммо ҳозирги ҳолатга нисбатан тезроқ ривожланишини таъминлаб, рақобатбардошликни ошириш лозим бўлмоқда. Зеро, жаҳонда 2020 йилда бошланган COVID-19 пандемияси барча мамлакатлар иқтисодиётига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Унинг таъсири натижасида давлатлар иқтисодиётининг ҳамма соҳа ва тармоқларида сезиларли даражада пасайиш кузатилмоқда. Хусусан, савдо соҳаси ҳам инқироз туфайли вужудга келган бир қанча муаммоларга дуч келинмоқда. Энди бу қийинчиликдан чиқиш йўлини кўриш вақти келди. Ҳозир жуда кўп ташкилий-иқтисодий тадбирлар амалга оширилмоқда. Шулардан бири иқтисодиётда кластер механизмидан фойдаланиш заруратини туғдирмоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида бутун дунёни пандемия ҳам қоплаб олди. Бундай шароитида миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида инновацияга асосланган кластерларни ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу борада Президентимиз таъкидлаганидек, “Парламентимиз ... “Кооперация ва кластерлар тўғрисида”ги янги қонунни” тезроқ қабул қилса...”[1] Ўзбекистонда мазкур соҳада истиқболда амалга ошириладиган улкан ишларнинг муҳим ҳуқуқий асоси яратилади. Ҳа, бирор нарсани амалга ошириш учун унинг олдин қонуний асосларини ташкил қилиш лозим бўлади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. XXI асрнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, иқтисодиёт фанига жуда кўплаб усуллар ва инновацияларнинг кириб келиши билан характерлидир. Мазкур масаланинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳам шакллантирилмоқда. Улардан бири кластер усулидир. Мазкур усулнинг иқтисодиёт соҳасида қўлланилиши бўйича айрим фикрлар айтилмоқда. Ушбу усулдан фойдаланишдан олдин унинг мазмунини назарий жиҳатдан очиб беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки, охирги пайтларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бир қанча тадқиқотчиларнинг кластер усулидан фойдаланаётганлигида ҳам кўриш мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда кластер стратегияси ва унинг имкониятлари фойдаланиш кундан-кунга долзарб масалалар қаторидан жой олмоқда. Бу борада хусусида хорижлик олимлардан А. Маршалл, М.Портер, М.Энрайт, С.Резенфельд, Ж.Даннинг, П.Маскелл, М.Лоренцеп, П.Беккетин, М.Сторпер, К.Бримэн, Ю.С.Артоманова, Б.Б.Хрусталев, Б.Йонсон, Ж.Хамфри кабилар шуғулланиб келмоқдалар. Мамлакатимизда кластер назарияси ва амалиёти билан шуғулланиб келаётган олимлар жумласига М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов, М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев, Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саттарова, Б.Ш.Сафаров, С.Мирзаев, Д.М.Қурбанова, А.Қ.Ғаппаров ва Б.Р.Пардаев, Б.Х.Тураев, Е.А.Ким

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

кабиларни киритиш мумкин. Мазкур тадқиқотчилар асарларида кластернинг бозор муносабатлари шароитида объектив зарурлиги ва уларнинг амалиётда қўлланилиши қараб чиқилган. Шунингдек, кластернинг бошқаришдаги ўрни, таркибий тузилиши хусусида эътиборга молик тавсиялар ҳам келтирилган. Бироқ, ушбу адабиётларда кластер тушунчасининг мазмуни ва унинг таърифи билан боғлиқ масалалар назарий жиҳатдан тўлиқ очиб берилмаган. Буларни инобатга олиб, кластер тушунчасининг луғавий мазмунини ва таърифини назарий жиҳатдан қараб чиқиш лозим, деган хулосага келдик.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг методологик асоси кластер бўйича нашр қилинган назарий ва амалий маълумотларни, тегишли қонун ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш натижасида шакллантирилиб, изланишнинг илмий мушоҳада, тарихийлик ва мантиқийлик, таҳлил ва синтез усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги пайтда кластер сўзи ва у билан боғлиқ тушунчалар халқаро амалиётда ва бир қанча фанларда, шу жумладан иқтисодиётга оид фанларда ҳам кенг қўлланилиб боришига қарамасдан, ушбу сўзнинг изоҳи деярли ёритилмасдан қолинмоқда. Жумладан, ўзбек тилида ушбу сўздан деярли фойдаланилмай келинмоқда. Хусусан, 1983 йилда нашр қилинган 2 жилдлик “Русча-ўзбекча луғат”да[1] ушбу сўзнинг изоҳи берилмаган эди. 2006 йилда нашрдан чиққан 5 жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳам ушбу сўз ва у билан боғлиқ тушунчалар келтирилмаган[2].

Бундай ҳолат рус тилида нашр қилинган адабиётларда ҳам кузатилади. 1999 йилда Москва шаҳридаги “Институт новой экономики” нашриётида чоп қилинган “Большой экономический словарь”да ҳам кластер сўзига изоҳни топа олмадик[3]. Луғат илмининг дарғаларидан бири С.И.Ожеговнинг “Словарь русского языка” номли луғатида ҳам ушбу сўзнинг изоҳи берилмаган[4]. Одатда математикада кластер таҳлили қўлланилиб келинганлигига гувоҳмиз. Аммо 1988 йилда нашр қилинган “Математический энциклопедический словарь”да ҳам ушбу сўзга изоҳ топа олмадик[5]. Булардан ҳам кўриниб турибдики, иқтисодий ўсишнинг илғор усулларидан бири бўлган кластер усули олдин ҳам, ҳозир ҳам МДҲ мамлакатлари иқтисодий адабиётларида ва турли тиллар луғатларида кенг қўлланилганича йўқ. Москва шаҳрида 2007 йилда нашр қилинган “Большая экономическая энциклопедия”да ҳам кластер сўзига изоҳ берилмаган[6].

Аммо хорижий адабиётларда ва иқтисодиётга оид тармоқларда кластер сўзи ва у билан боғлиқ тушунчалар кенг қўлланилмоқда. Масалан, Финляндияда ўрмон хўжалиги кластери, Норвегияда денгиз технологиялари кластери, Буюк Британияда биотехнологик кластер, Италияда оёқ кийимини ишлаб чиқарувчи кластер, Германия ва Бельгияда кимёвий кластер кабиларни мисол келтириш мумкин[7]. Демак, халқаро амалиётда ва бир қанча фанларда, шу жумладан иқтисодиётга оид фанларда ҳам ушбу атамадан фойдаланиб келинган.

Булардан келиб чиқиб таъкидлаймизки, Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам кластер усулидан фойдаланиш мумкин. Чунки мамлакатимизда бозор муносабатлари шаклланиб, мулк тизимида хусусий мулкнинг устуворлиги етарли даражада таъминланди. Бу ҳолат мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ўнглашга инновацион усулларни, хусусан кластер усулини ҳам қўллаш мумкинлигини тақозо қилади.

Бундай ҳолатни охирги пайтларда кластер усулини қўллаш билан бир қанча тадқиқотчиларнинг шуғулланаётганлигидан ҳам кўриш мумкин. Булар жумласига

[1]Русча-ўзбекча луғат. – Т.: “Ўзбек совет энциклопедияси” бош редакцияси, 1983. 1-жилд – 680 бет, 2-жилд – 672 бет.
[2]Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдлик. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. 1-жилд – 680 бет, 2-жилд – 672 бет, 3-жилд – 688 бет, 4-жилд – 608 бет, 5-жилд - 592 бет.
[3]Большой экономический словарь. – М.: “Институт новой экономики”нашриёти, 1999. – 1246 бет.
[4]Ожегов С.И. Словарь русского языка.- М.: “Русский язык”, 1982. – 816 бет.
[5]Математический энциклопедический словарь. Советская энциклопедия”, 1988. – 847 бет.
[6]Большая экономическая энциклопедия. – М.: «Эксмо», 2007. – 816 бет.
[7]Алимова М.Т. Туристик кластер ҳудудий рақобатбардошликни оширишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизми сифатида.//”Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика ИАК материаллари. (2012 йил 17 февраль), Самарқанд, СамИСИ, 2012. - 180 бет.

Д.М.Қурбанова[1], О.М.Пардаев[2], М.Т.Алимова[3] кабиларнинг тавсияларини киритиш мумкин. Мазкур тадқиқотчилар асарларида кластернинг бозор муносабатлари шароитида объектив зарурлиги, амалиётда қўлланилиши, унинг бошқаришдаги ўрни, таркибий тузилиши хусусида эътиборга молик тавсиялар келтирилган. Аммо ушбу адабиётларда кластер тушунчасининг мазмуни назарий жиҳатдан тўлиқ очиб берилмаган. Буларни инобатга олиб, кластер тушунчасининг мазмунини назарий жиҳатдан таҳлил қилишдан бошлаймиз.

Тадқиқотчилардан М.Т.Алимова таъкидлашича, “Кластер” сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, “бирга ўсмоқ” маъносини англатади[4]. Бизнинг фикримизча, «бирга ўсмоқ» тушунчаси бирорта муаммони ҳал қилишда «биргалашиб ҳаракат қилмоқ» маъносини билдиради. Демак, бирорта муаммони ҳал қилишда кластер ёндашувидан фойдаланадиган бўлсак, албатта ушбу жараённинг ёки бирорта фаолиятнинг самарадорлигини ошириш учун шунга дахлдор бўлган кучларни бирлаштириш ҳақида гап бормоғи лозим. Бундан ташқари бир мақсад учун бирлашган кучлар ушбу жараённинг ва шу жараён содир бўлаётган субъектнинг рақобатбардошлигини ҳам ошириш имконини яратади. Бундай ҳолатни инобатга олиб, айрим тадқиқотчилар, жумладан, О.М.Пардаев Самарқанд вилоятида маҳсулотларни сақлаш ва сотиш хизматлари кластерини ишлаб чиққан[5]. Ушбу кластерда маҳсулотни “даладан дастурхонгача” етказиш учун бир қанча кучларни бирлаштириш бўйича аниқ тавсиялар берилган.

Кластер механизми барча соҳаларда қўлланилиши мумкин. Мазкур мақолада савдо кластерининг мазмунига тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Мазкур соҳада кучларни бирлаштириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш учун мамлакатимизда савдо корхоналари ва уларда кўрсатиладиган савдо хизматларини замонавий асосда ривожлантиришнинг муҳим инновацион йўналишларидан фойдаланишни мақсад қилиб олдик. Булардан бири савдо соҳасида қўлланиладиган кластер усули ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, савдо соҳасини бошқариш нуқтаи назаридан кластер усули, иқтисодий жараённи амалга ошириш нуқтаи назаридан кластер механизми, деб аташни тавсия қилмоқдамиз. Чунки бир жойда униси ва яна бошқа жойда иккинчиси қўлланилиб қолинса, қайси мақсад кўзда тутилаётганлигини англаш учун алоҳида қилиб кўрсатдик.

Бугунги кунда иқтисодиётни турли инқирозлардан сақлаш жараёнларида иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари ва омиллари етарли даражада самара бермаяпти. Пандемия шароитида вужудга келган муаммоларнинг салбий оқибатларини юмшатишда инновацион омиллар асосида “кластер” усулини амалиётга татбиқ этиш, шу орқали бир қанча кучларни бир мақсад йўлида бирлаштириш энг оқилона йўл ҳисобланади. “Кластер” усулига корхоналар инновацион фаолиятини тезлаштириш асосида рақобатбардошлигини ошириш, миллий ва минтақавий ривожланиш талабларига тўла жавоб берадиган замонавий тизим сифатида қаралмоқда.

“Кластер” назариясининг намояндаларидан бири, А.Маршалнинг фикрича, алоҳида ҳудудларда ихтисослашган тармоқ ва соҳаларнинг уйғунлашуви тўғрисидаги фикри бир қанча кучларнинг бирлашишига асос бўлиб ҳисобланади. Унинг илмий хулосалари бўйича ихтисослашган фаолият юритувчи субъектларнинг ҳудудий уйғунлашуви малакавий меҳнат ресурсларининг мавжудлиги, таъминотчи ва қўшимча соҳаларнинг ўсиши ҳамда ҳар хил фирмаларни ишлаб чиқариш жараёнининг турли бўғинларига ихтисослашувининг мавжудлигига асосланган. М.Портер ҳам корхонанинг рақобат курашидаги муваффақияти

---

[1]Қурбанова Д.М. Вопросы формирования туристического кластера в Узбекистане.//Хизматлар бозори: муаммо, ечимлар ва истиқболлар. Халқаро ИАА материаллари. 2012 йил 29-30 июнь. Самарқанд, 2012. -111-113-бетлар.

[2]Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақловчи корхоналарда самарадорлик: мазмуни, мезонлари, кўрсаткичлари, омиллари ва уларни баҳолаш йўллари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2012 – 76-79-бетлар.

[3]Алимова М.Т. Туристик кластер ҳудудий рақобатбардошликни оширишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизми сифатида.//”Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика ИАК материаллари (2012 йил 17 февраль), Самарқанд, СамИСИ, 2012. - 178-182-бетлар.

[4]Ўша жойда. – 179-бет.

[5]Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақловчи корхоналарда самарадорлик: мазмуни, мезонлари, кўрсаткичлари, омиллари ва уларни баҳолаш йўллари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2012 – 76-79-бетлар.

унинг ҳамкорлари ва истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларининг ривожланишига боғлиқ эканлигини қайд этган.

Мамлакат ва ҳудудлар рақобатбардошлигини ривожлантиришга кластер назариясини татбиқ этиш ғоясининг асосчиси Майкл Портер фикрига кўра, “кластер” – жуғрофик нуқтаи назардан қўшни бўлган, ўзаро боғлиқ компаниялар (ишлаб чиқарувчилар, маҳсулот етказиб берувчилар ва бошқалар) ҳамда уларга алоқадор хизматларни кўрсатиб, маълум соҳада фаолият юритувчи ташкилотлар (таълим муассасалари, давлат бошқарув идоралари, инфратузилмавий компаниялар) гуруҳидир. Ёки “кластер” – ишлаб чиқариш корхоналари рақобатбардошлигининг ўсишига имкониятлар яратувчи, ўзаро чамбарчас боғланган тармоқлар ягона технологик занжирини ташкил этувчи ҳамжамиятлардир[1].

Кластер тушунчасига берилган таъриф асосида – бугунги кунда корхоналар рақобатбардошлигини оширишнинг замонавий ва асосий йўналишларидан бири айнан кластер эканлиги ўз тасдиғини топмоқда. “Кластер” назарияси эволюциясидан, унинг икки фундаментал тавсифини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчиси – кластерга уйғунлашган корхона ва фирмалар фаолияти аниқ бир хил турдаги товарлар бозори билан боғлиқ бўлиши зарур. Бундай боғлиқ бўлиши зарур. Бундай боғлиқлик вертикал (харид ва сотиш занжири)га горизонталь (қўшимча бўлим ва хизматлар, шунга кетадиган махсус сарфлар, технологиялар ёки институтлар ва бошқа алоқалардан фойдаланиш) бўлиши мумкин.

Иккинчиси – кластерлар географик яқин жойлашган ўзаро боғлиқликдаги корхоналар гуруҳи бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг барқарорлашиши натижасида рақобатбардошликнинг ривожланиши, кўпроқ қўшимча қийматни яратишга ва бозорда сотилишига имкониятлар яратишдир.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги келтирилган фикр-мулоҳазалардан ҳам кўриниб турибдики, “Кластер назарияси” илмий жараёнга маркетинг стратегияси шаклида, давлат, ҳудуд ва минтақалар корхоналарининг бозордаги рақобат муҳитида ғолиб бўлишларини таъминловчи механизм сифатида кириб келган. Шу туфайли бугунги кунда Жаҳонда кластер назариясини ўрганиш ва ундан фойдаланиш жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Сабаби, кластерни амалиётга жорий этиш – миллий иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ҳамда ўзаро муносабатларга асосланган рақобатбардошликни оширишнинг асосий йўналишларидан бирига айланмоқда.

Энди бевосита савдо кластерининг таърифини ишлаб чиқишга эътиборни қаратмоқчимиз. Савдо жараёни ҳам серқирра жараён бўлиб, ўз ичига моддий, молиявий ва номоддий ҳаракатлар ва соҳаларни қамраб олади. Моддийлиги, савдо соҳасида бевосита товар ва бошқа моддий бойликлар сотилади. Ундаги молиявий ҳаракати шунда намоён бўладики, товарларнинг олди-сотди жараёнида пул маблағлари (молиявий ресурслар) эквивалент вазифасини бажаради. Савдо жараёнида иштирок этадиган номоддий неъматга харидорларининг товарларга бўлган туйғусининг уйғониши, рекламанинг таъсири, савдо маданияти сифатининг зўрлиги кабиларни киритиш мумкин. Савдо кластерининг таърифида мана шу барча жараёнлар ўз аксини топмоғи лозим. Агар ушбу талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, савдо кластерига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин.

Савдо кластери деганда, сотиш жараёнида иштирок этадиган моддий, молиявий ва номоддий неъматларнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиш жараёнини яхлит ҳолда самарали амалга ошириш учун бир қанча ўзаро боғлиқ бўлган шахслар ва хўжа-лик юритувчи субъектларнинг алоҳида бир соҳа доирасида бирлашиши тушунилади.

Савдо кластерининг таърифини назарий жиҳатдан қуйидагича изоҳлаш мумкин: **Биринчидан,** ушбу кластер таркибида савдонинг амалга оширилишини ўзида ифода этадиган сотиш жараёни акс этганлигидир. Чунки сотиш жараёни бўлмаса, моддий неъматларга эгаликнинг ўзгариши савдо соҳасига кирмайди.

Иккинчидан, сотиш жараёнида иштирок этадиган моддий, молиявий ва номоддий

[1]М.Портер. Конкуренция. – М.: издательский дом “Вильямс”. 2011.

неъматларнинг иштироки инобатга олинган. Ҳозирги пайтда савдо объекти нафақат товар ва бошқа моддий бойликлар, балки номоддий бойликлар ҳам сотилади. Зеро, номоддий бойликларнинг ҳам бозори ва қиймати мавжуд.

Учинчидан, савдо жараёнида юқоридаги номи тилга олинган неъматлар бир шахс қўлидан иккинчи шахс қўлига ўтиш жараёнини эгалик ҳуқуқи ҳам ўзгаради. Бу савдо соҳасининг ва унда кўрсатиладиган хизматларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шу туфайли савдо кластерининг таърифида ушбу ҳолатнинг бўлиши объектив заруриятдир.

Тўртинчидан, савдо жараёнини яхлит ҳолда самарали амалга ошириш учун бир қанча ўзаро боғлиқ бўлган шахслар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг алоҳида бир соҳа доирасида бирлашиши ҳам таърифда ўз аксини топганлиги, унинг юқори самарадорлигидан далолат беради. Чунки савдони амалга ошириш учун барча кучлар бирлаштирилади ва бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар занжири ҳосил қилинади. Бу эса кластернинг муҳим хусусиятларидан биридир.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, савдо кластерини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, ҳали савдо кластерининг мазмуни тўлиқ очиб берилган эмас экан. Шу туфайли бир қанча хулосаларга келинди.

Биринчидан, савдо кластерининг замонавий инновацион омил сифатидагитушунчаси ва унинг назарий масалалари бўйича илмий-назарий жиҳатдан асосланган фикрлар нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунё олимлари ўртасида ҳам тадқиқотлар етарли эмас экан.

Иккинчидан, кластер атамасининг хорижий давлатларда қўлланилишига қарамасдан, МДҲ мамлакатларида ва ўзимизда ҳам луғатларда ва илмий адабиётларда етарли даражада қўлланилмасдан келинаётганлигига гувоҳ бўлдик.

Учинчидан, кластер атамаси ва унинг таърифи билан боғлиқ назарий масалалар ўрганилиб, савдо кластери атамасининг таърифи илк бор ишлаб чиқилди ва назарий жиҳатдан ушбу таъриф асослаб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу илмий тавсияларнинг иқтисодиёт фанларининг назарий қисмига ва амалиётга қўлланилиши, кластер атамаси билан боғлиқ тушунчанинг турли тармоқларда қўлланилиши мумкинлигини кўрсатиш билан бирга, уларнинг савдо соҳаси билан боғлиқ жиҳатларининг такомиллашувчига ҳам олиб келади. Пировардида, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида олиб борилаётган кластер механизмларидан фойдаланиш билан боғлиқ устувор вазифаларнинг амалиётда ўз аксини топишига ҳам хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
2. Русча-ўзбекча луғат. – Т.: “Ўзбек совет энциклопедияси” бош редакцияси, 1983. 1-жилд – 680 бет, 2-жилд – 672 бет.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдлик. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. 1-жилд – 680 бет, 2-жилд – 672 бет, 3-жилд – 688 бет, 4-жилд – 608 бет, 5-жилд - 592 бет.
4. Большой экономический словарь. – М.: “Институт новой экономики”нашриёти, 1999. – 1246 бет.
5. Ожегов С.И. Словарь русского языка.- М.: “Русский язык”, 1982. – 816 бет.
6. Математический энциклопедический словарь. “Советская энциклопедия”, 1988. – 847 бет.
7. Большая экономическая энциклопедия. – М.: «Эксмо», 2007. – 816 бет.
8. Алимова М.Т. Туристик кластер ҳудудий рақобатбардошликни оширишнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизми сифатида. // ”Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика ИАК материаллари. (2012 йил 17 февраль), Самарқанд, СамИСИ, 2012. - 178-182-бетлар.
9. Қурбанова Д.М. Вопросы формирования туристического кластера в Узбекистане.//Хизматлар бозори: муаммо, ечимлар ва истиқболлар. Халқаро ИАА материаллари. 2012 йил 29-30 июнь. Самарқанд, 2012. -111-113-бетлар.
10. Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақловчи корхоналарда самарадорлик: мазмуни, мезонлари, кўрсаткичлари, омиллари ва уларни баҳолаш йўллари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2012 – 76-79-бетлар.
11. М.Портер. Конкуренция. – М.: Издательский дом “Вильямс”. 2011.

О.Пардаев, У.Нормуродов **Сущность торгового кластера как инновационный фактор и его теоретические аспекты** **Аннотация**: В статье рассматривается концепция торгового кластера как инновационного фактора и его теоретические вопросы. Были исследованы теоретические вопросы касающиеся кластера и впервые разработана и теоретически обоснована концепция торгового кластера. **Ключевые слова:** торговля, кластер, торговый кластер, материальное богатство, товар, нематериальное богатство, финансовый ресурс, деньги, торговый процесс, права собственности	**O.Pardaev, U.Normurodov** **The concept of trade cluster as an innovative factor and its theoretical issues** **Abstract**: The article discusses the concept of trade cluster as an innovative factor and its theoretical issues. Theoretical issues about the cluster have been explored, and the definition of a trade cluster has been developed and is theoretically based for the first time. **Keywords**: Trade, cluster, trade cluster, tangible wealth, commodity, intangible wealth, financial resource, cash, trading process, ownership rights.

Fazilat Esirgapovna Jomonqulova – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti dotsenti, t.f.n
Nuriddin Shukurovich Tojiyev – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti o‘qituvchisi

KORXONA OMBORXONASI ISHINI AVTOMATLASHTIRISH DASTURI

Annotatsiya: Ushbu maqolada axborotlashgan iqtisodiyot tushunchalari, uning rivojlanishi va mamlakatimiz iqtisodiyotining taraqqiy etishida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining roli ta’kidlab o‘tilgan
Kalit so‘zlar: Axborotlashgan iqtisodiyot, axborot, texnologiya, tizim, axborot texnologiyasi, axborotlashgan jamiyat, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari.

“Men bilaman, axborot bu eng qimmatli tovar.
Siz rozi emas-mi?”[1]

Kirish. Har bir iqtisodiy barqaror mamlakat borki, aholi turmush tarzini yaxshilanishiga, xizmat ko‘rsatish sifatini oshirilishiga katta e’tibor qaratadi. Shu qatorda bizning mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar ham jadal sur’atlarda odimlamoqda. Lekin tan olib aytish kerakki, bu sohadagi kamchiliklar hali anchagina. Hozirgi paytda ishlab chiqarishni modernizatsiya va diversifikatsiya qilish, uning hajmini oshirish hamda ichki va tashqi bozorlarda raqobatbardosh mahsulotlar turlarini kengaytirishga davlat miqyosida ahamiyat berilmoqda. Axborot tizimini ishlab chiqishdan maqsad - tashkiliy loyihalashtirish, texnologik va boshqa jihatlarini hisobga olgan holda tizim faoliyatining samaradorligini oshirishdir .

Hozirgi davrda fan va texnikada ko‘p qo‘llaniladigan tushunchalardan biri –tizimdir . Tizim - yunoncha so‘z bo‘lib, tashkil etuvchilardan iborat bir butunlik degan ma’noni anglatadi. Tizimlarni ularning turli belgilariga qarab turkumlash mumkin. Umuman olganda, tizimlar oddiy yoki mavhum bo‘lishi mumkin.

Mavzuga doir adabiyotlar tahlili. Ma’lumotlar ombori - tartiblangan ma'lumotlarni saqlovchi va qayta ishlovchi axborot modeli hisoblanadi. Soddaroq qilib aytganda, bir xil turdagi axborotlarni o‘zida saqlovchi va berilgan so‘rovlar orqali ularni taqdim etuvchi model. Misol uchun, kitoblar javoni, bu ma'lumotlar ombori hisoblanadi, ya'ni bir xil turdagi(kitoblarni) obyektlarni o‘zida saqlaydi, yoki bo‘lmasa telefon raqamlar yozilgan kitobcha, bu yerda ism, telefon raqam kabi bir xil tipdagi ma'lumotlar saqlanadi, bu ham ma'lumotlar ombori. (Ma’lumotlar bazasini boshqarish sistemasi. A . Sattorov . Toshkent 2006-y).

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqotning metodologik asosida ma’lumotlarni aniqlash, ma’lumotlarning tizimi va turini, shuningdek bu ma’lumotlar o‘zaro qanday bog’langanligi berilgan , ayrim hollarda siz ma’lumotlarni tekshirishning format va xususiyatlarini aniqlash hamda ma’lumotlarni turli usullar bilan qayta ishlash mumkinligini tahlil qilishingiz

[1] Gordon Gecco, Wall Street filmidagi Michael Douglas rolidan

mumkin.Ixtiyoriy maydonni tanlash, filtrlash va ma’lumotlarni saralash mumkinligi ko‘rsatilgan . Ma’lumotlarni unga o‘zaro bog’langan boshqa ma’lumotlar bilan birlashtirish va yakuniy natijani hisoblash usullaridan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar. Moddiy tizimlar asosan moddiy obyektlar to‘plamidan tashkil topadi . O‘z navbatida moddiy tizim anorganik (mexanik , ximik) va organik (biologik) tizimga yoki aralash tizimga ajratiladi. Moddiy tizimlarda asosiy o‘rinni ijtimoiy tizim egallaydi. Bunday tizimning xususiyatlaridan biri insonlar o‘rtasidagi munosabatlarni aks ettirishdir.

Mavhum tizimlar inson ongining mahsuli bo‘lib, har xil nazariyalar , bilimlar, gipotezalardan iborat. Yangi axborot texnologiyasi ham moddiy tizim unsurlarini (matematik modellar , inson bilimlari va hokazo) o‘z ichiga oladi . Shu orada axborot-texnologiyalariga ta’rif berib o‘tish maqsadga muvofiqdir.

Axborot texnologiyasi - obyektining, hodisa yoki jarayonning (axborot mahsulotning) ahvoli haqida yangicha ma’lumotlarni yig‘ish , qayta ishlash va uzatish vositalari hamda usullari majmuasi (boshlang‘ich ma’lumotlar) dan foydalanish jarayonidir.

Axborot texnologiyasining maqsadi axborotlarni inson tahlil qilishi va shu asosda biror ishni bajarish bo‘yicha qaror qabul qilishi uchun ishlab chiqarishdan iborat.

Shunday qilib, tizim bu o‘zaro bog‘liq va yagona maqsadga erishish uchun ma’lum bir qoida asosida o‘zaro munosabatda bo‘ladigon unsurlar to‘plami. Bu unsurlar to‘plami oddiy unsurlar yig‘indisidangina iborat bo‘lmay , har bir unsur ham o‘z navbatida tizim bo‘lishi mumkin.

Yangi axborot tizimlari tashkilot tuzilmasinini qayta qurush, faoliyat doirasini kengaytirish , yangi aloqalarni o‘rnatish , yangi mahsulotlar va xizmatlar yaratish uchun qudratli vosita bo‘lib xizmat qiladilar.

Axborot texnologiyalari tashkilotdagi katta bo‘lmagan o‘zgarishlardan butun tuzilmani qayta qurishgacha bo‘lgan turli bosqichlarda qo‘llanilishi mumkin .

Tashkiliy asosni to‘rtta asosiy turi ko‘rsatilgan:

- Avtomatlashtirish;
- Ratsionalllashtirish;
- Reinjiniring;
- Paradigmani o‘zgartirish(asosiy ishlash prinsiplarini o‘zgartirish);

Tashkiliy o‘zgarishlarning ham kuchli ham zaif tomonlari bor. Avtomatlashtirish va ratsionalllashtirish eng ko‘p qo‘llaniladigan usullardan hisoblanadi. Nisbatan sekin kechadigan va sezilarli bo‘lmagan bu o‘zgarishlar katta foyda keltirmaydi , lekin ularni qo‘llash barobarida xavf darajasi ham yuqori bo‘lmaydi. Reinjiniring va paradigmani almashtirish kabi tezkor , miqyosi va salmog‘i katta bo‘lgan strategiyalar katta foyda keltirishi mumkin , lekin ulardan foydalanishda xavf darajasi ham ancha yuqori bo‘ladi.

Korxona ishini avtomatlashtirish - axborot texnologiyalari eng ko‘p qo‘llaniladigon soha hisoblanadi. Birinchi axborot tizimlari odamlarga ishlari yanada samarali va unumliroq bo‘lishi uchun zarur bo‘lgan cheklovlar va to‘lov vedimostlari bilan ishlash tizimlari, aeroport vokzallardagi bankomatlar va terminalllar - mohiyatiga ko‘ra qiyin bo‘lmagan , lekin ko‘p vaqt va kuch sarf etilishini talab etadigan jarayonlarni avtomatlashtirishga xizmat qiluvchi birinchi avlod tizimi namunalaridir . Tashkilotlardagi miqyosi salmoqliroq bo‘lgan o‘zgarishlar tartibot(protsedura) larini ratsionallashtirish yordamida amalga oshiriladi.

Avtomatlashtirish aksariyat hollarda ishlab chiqarish jarayonining yangi nuqson va kamchiliklarni ochib beradi. Ratsionnallashtirish esa standart operatsional protseduralarni optimallashtirish hamda keyingi avtomatlashtirish orqali ushbu jarayonlarning samaradorligini oshirish uchun tizimdagi mavjud ,, zaif’’ bo‘g‘inlarni bartaraf qilishdan iboratdir. Masalan, MOEN kompaniyasining yangi tizimi nafaqat yangi kompyuter texnologiyalari qo‘llanilgani uchun balki ish jarayonini yaxshiroq tashkil etish imkoniyati yaratilgani tufayli boshqa tizimlardan afzalroq hisoblanadi.

MS ACCESS nuqtai nazaridan ma’lumotlar bazasi bu yozuvlar va umumiy masala bo‘yicha o‘zaro bog‘langan obyektlar to‘plamidir.

MS ACCESS- ma’lumotlar bazasini boshqarish sistemasining fayli ma`lumotlar bazasi haqidagi barcha axborotlarni o‘z ichiga oladi .

MS ACCESS - funksional to‘liq relatsion MBBS . Access turli manbalardan olingan ma’lumotlarni bitta relatsion ma’lumotlar bazasiga birlashtiradi. Tuzilgan formalar, so‘rovlar va hisobotlar ma’lumotlarni tez va samarali yangilash, savollarga javob olish, kerakli ma’lumotlarni qidirishni tashkil etish, ma’lumotlarni tahlil qilish, hisobot va diagrammalarni chop etish imkonini beradi.

MB da har bir manbadan kelgan ma’lumot alohida jadvalda saqlanadi. Bir necha jadvallardagi ma’lumotlar bilan ishlaganda, ular o‘rtasida bog’lanish o‘rnatiladi. Ma’lum talablarga javob beruvchi ma’lumotlarni qidirish va tanlash uchun so‘rovlar tuziladi . Shu bilan birga so‘rovlar bir vaqtning o‘zida bir necha yozuvlarni yangilash yoki o‘chirish , maxsus hisoblashlarni bajarish imkonini beradi .

Jadvallarga ma’lumotlarni kiritish , ularni ko‘rish yoki o‘zgartirish uchun formalardan foydalaniladi. Forma bir yoki bir necha jadvallardan ma’lumotlarni standart yoki foydalanuvchi tomonidan tuzilgan maket asosida tanlash va ularni ekranga chiqarish imkonini beradi .

Ma’lumotlarni tahlil qilish va ma’lum tartibda chop etish uchun hisobotdan foydalaniladi. Masalan: ma’lumotlarni guruhlovchi va natijalarni hisoblovchi hisobotni tuzish va chop etish mumkin.

Access quyidagilarni amalga oshirish imkonini beradi : Ma’lumotlarni aniqlash - siz ma’lumotlar bazasida aynan qanday axborot saqlanishini aniqlashingiz, ma’lumotlarning tizimi va turini, shuningdek bu ma’lumotlar o‘zaro qanday bog’langanligini berishingiz mumkin . Ayrim hollarda siz ma’lumotlarni tekshirishning format va xususiyatlarini bilishingiz mumkin.

Ma’lumotlarni qayta ishlash - ma’lumotlarni turli usullar bilan qayta ishlash mumkin . Ixtiyoriy maydonni tanlash, filtrlash va ma’lumotlarni saralash mumkin. Ma’lumotlarni unga o‘zaro bog’langan boshqa ma’lumotlar bilan birlashtirish va yakuniy natijani hisoblash mumkin.

Ma’lumotlarni boshqarish - siz ma’lumotlar bilan tanishish, ularni tahrir qilish va yangi ma’ lumotlar qo‘shish uchun kim huquqli ekanligini ko‘rishingiz mumkin.

Xulosa va takliflar. Hozirgi kunda iqtisodchining ish joyini kompyutersiz tasavvur qilish qiyin bo‘lib qoldi. Davr taqozosi bilan bu universal texnikanig imkoniyatlari mutaxassislar tomonidan to‘liq o‘rganilishi kerak . Shuning uchun ham komputerda ishlashni bilish ishga qabul qilishda muhim o‘rin tutadi. To‘g‘ri hozirgi kunda faqat oddiy “electron office” ni dasturiy ta’minlashni bilish talab etilmoqda. Ammo talablar yildan yilga ortmoqda chunki kompyuterda ishlagan iqtisodchi , moliyachi, hisobchi, rejalashtiruvchi, tahlilchi, menejer va boshqalarning asosiy ish quroliga aylandi. Avtomatlashtirilgan axborot texnologiyalari (AATEX) mutaxassisga iqtisodiy jarayonlarni boshqarishda samarali foydalanish imkonini bermoqda. Boshqaruv shakllari va usullarini takomillashtirish fan texnika yutuqlari, elektron hisoblash mashinalari va boshqa texnik vositalar yordamida axborotni jamlash, qayta ishlash uzatish, qonunlari va usullarini o‘rganish , axborot kommunikatsion texnologiyalari to‘g’risida chuqurroq bilimga ega bo‘lish taqozo etiladi.

Zamonaviy kompyuterlar va kommunikatsiyalarnning rivojlangan vositalari asosida axborot texnologiyalarini iqtisodiyotga qo‘llash sohasi juda keng ko‘lamli bo‘lib u xizmat yozishmalarining eng oddiy vazifalarini ta’minlashdan boshlab to qabul qilingan qarorlarning murakkab vazifalarini tahlil va qo‘llab quvvatlashgacha bo‘lgan turli nuqati nazarlarni o‘z ichiga oladi. Kompyuterlar lazerli va optik texnik ommaviy axborot vositalari va kommunikatsiyalarning xilma-xil turlari shu jumladan yo‘ldoshli aloqa muassasalari, korxonalar, tashkilotlar, firmalar, ularning mehnat jamoalari va ayrim mutaxassislarga o‘zlarining kasbiy, ilmiy, madaniy va hatto maishiy manfaatlarini amalga oshirish uchun barcha zaruriy axborotlarni kerakli vaqtda va to‘liq hajmda olishga imkon beradi. Axborot jarayonlari xo‘jalik ishlarini yurituvchi iqtisodiy obyektlarni o‘zaro aloqalarining kuchlari sifatida turli xil texnologik qarorlardan foydalanish asosida ko‘riladi hamda axborotlarni mehnat , moddiy va moliyaviy vositalarni tejovchi muhim qimmatli resurslar qatoriga kiritishga imkon beradi.

Vaqt pul bilan o‘lchanadigan sohalarda, texnologiyalar hal qiluvchi ahamiyatga ega. Nazoratni kuchaytirish, yanada aniq chegaralar belgilash, shuningdek bir onda olinadigan ma’lumotlar menejerlarning og‘ir ish kunlarida biroz tin olish imkoniyatini beradi. Holdan toydiruvchi buxgalteriya hisoboti masalalari bilan shug‘ullanish o‘rniga boshqaruvchilar va korxona egalari mijozlar bilan shaxsan muloqot qilish imkoniyatiga ega bo‘ladilar. Uzoq va og‘ir ishlashni talab qiladigan shafqatsiz raqobat mavjud sohada bo‘sh vaqtning mavjud bo‘lishi bu qimmatbaho aktivdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Ma’lumotlar bazasini boshqarish sistemasi. A . Sattorov . Toshkent 2006-y (28 , 29 –betlar)
2. E.F. Jomonkulova, M.K.Nizomov, N.Sh. Tojiev. Issues On Using Digital Economy In The Service Sector. International Journal of Advanced Science and Technology.Vol. 29, No. 7., (2020), pp. 2015-2019.
3. E.F. Jomonkulova, M.K.Nizomov , The Notion Of Information And Its Significance In The State Economy, European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 2020, Volume 7, Issue 3, Pages 2786-2789

Ф. Джомонкулова, Н.Тожиев

Программное обеспечение для автоматизации корпоративного склада

Аннотация: В данной статье освещаются понятие и развитие информированной экономики, значение информационных и коммуникационных технологий в росте национальной экономики.

Ключевые слова: информационная экономика, информационное общество, информационно-коммуникационные технологии.

F.Jomonkulova, N.Tojiyev

Enterprise warehouse automation software

Abstract: This article highlights the concept and the development of an informed economy, the importance of information and communication technologies in the growth of the national economy.

Keywords: information economy, information society, information and communication technologies.

Бахриддин Бурибоевич Рахматов – СамИСИ Менежмент кафедраси доценти

ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА СТРАТЕГИК ЁНДАШУВ

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда рақамлаштиришга стратегик ёндашув уни самарали амалга оширишнинг кенг қамровли масалалари назарий мушоҳада ва индексли ёндашув усуллари орқали тадқиқ этилди. Хорижий амалиётга таяниб, рақамли иқтисодиёт ривожланишининг индекс кўрсаткичлар таҳлил этилиб, хулоса ва таклифлар ифода этилган.

Калит сўзлар: менежер, бошқариш, глобаллашув, рақамлаштириш, стратегия, ёндашув, иқтисодиёт, индекс.

Кириш. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, ер юзининг умумий бойлигининг 66 фоизи — 365 триллион АҚШ доллари инсон капитали асосида яратилар экан ақл-заковат ва илм-фаннинг акси рақамли оламда кечади.

Ўзбекистонда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши, энг аввало, пухта ва мукаммал ташкилий-ҳуқуқий механизмларни шакллантириш, қолаверса, инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш бўйича давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг узвий ҳамкорлигини таъминлаш, барча соҳа ва тармоқларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни рақамли технологиялар билан қамраб олиш, бу борада замонавий билимларни чуқур эгаллаган, интеллектуал салоҳиятли кадрларни етиштириш, шу орқали, мамлакатда “ахборотлашган жамият” муҳитини яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, **“Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз.**

Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади”.

Халқаро амалиётининг кўрсатишича, рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, шу давлатдаги ривожланиш кўрсаткичларидан бири деб қабул қилинган. Агар ушбу кўрсаткичга назар ташласак, бу кўрсаткичлар бизнинг юртимизга нисбатан, ривожланган мамлакатларда юқорилигини кўришимиз мумкин.



1-расм. Рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши,%[1]

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун имкониятлар, шарт-шароитлар етарлича бўлса-да, уни тезлаштиришга салбий таъсир этувчи қуйидаги омиллар мавжуд;

интернет тезлиги ва сифатининг пастлиги,

рақамли бизнесда монополияларнинг мавжудлиги,

ахборот технологиялари бўйича қонунчиликнинг замондан ортда қолганлиги,

компьютер саводхонлиги бўйича билимлар даражасининг пастлиги,

ахборот технологиялари соҳасида профессионал мутахассисларнинг етишмаслиги,

ахборот технологиялари киберхавфсизлигининг етарли даражада таъминланмаганлиги.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Рақамли Ўзбекистон — 2030“ стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора –тадбирлари**“ тўғрисидаги 5 октябр 2020 йилдаги ПФ-6079-сонли «**Рақамли Ўзбекистон — 2030“** Фармони, қабул қилиниб, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали Ўзбекистонни дунё миқёсидаги рақобатбардошлигини оширишдек, стратегик вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бериш кўзда тутилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. “Рақамли иқтисодиёт” атамаси илк бора илмий амалиётга испаниялик ва америкалик социолог, тадқиқотчи Мануел Кастелс томонидан чоп этилган “Ахборот даври: иқтисод, жамият ва маданият” монографияси орқали киритилган. Аммо, шу пайтга қадар унинг назарий томонлари турли хил талқин қилинмоқда. Масалан, Д.Белл томонидан “Постиндустриал иқтисодиёт”[2], О.Тоффлер фикрича “Ахборотлашган иқтисодиёт”[3], В.Кувалдин эса “Мегаиқтисодиёт”, И.Ниинилуто “Ахборот ва алоқага асосланган иқтисодиёт” Б.Гейтс“Техноиқтисодиёт ёки рақамли иқтисодиёт”, Д.Тапскотт “Билимларга асосланган иқтисодиёт” деган фикрларни олға суради.

Ўзбекистонда „Рақамли иқтисодиётнинг концептуал ва амалий масалалари етакчи олимлар академик И.Искандаров, Қ.Абдурахмонов, С.Ғуломов ва б.қ. томонидан кенг тадқиқ қилинган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мамлакатимизда рақамлаштиришга стратегик ёндашув уни самарали амалга оширишннинг кенг қамровли масалалари назарий мушоҳада ва тизимли ёндашув усуллари орқали тадқиқ этилди. Хорижий амалиётга таяниб, рақамли иқтисодиёт ривожланишига индекс кўрсаткичлар таҳлил этилиб, айрим фикрларни мазкур мақола доирасида ифода этдик.

Таҳлил ва натижалари. Мамлакатда ахборот технологиялари ривожини баҳолаш бўйича халқаро рейтингларда ҳудуднинг ривожланиш ҳолатини акс эттирувчи бир вақтнинг ўзида бир

[1] http://mitc.uz/uz/news/view/1186

[2] https://royallib.com/book/bell_daniel/gryadushchee_ postindustrialnoe_obshchestvo vvedenie.html

[3]https://royallib.com/book/toffler_elvin/ revolyutsionnoe_bogatstvo.html

нечта параметрларни ҳисобга оладиган қуйдаги индекслар келтирилган.



2-расм.Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ҳолати кўрсаткичлари

Мамлакатда ахборот технологияларининг ривожланиш даражасини баҳоловчи халқаро рейтинглардаги қуйдаги кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга.[1]

1. **Рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши,**

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.



3-расм. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши

2. **Ўзекистонда рақамли иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми.**

4-расм. Ўзекистонда рақамли иқтисодиётга киритилган ингвестициялар,трлн.сўм

[1] Кутбитдинов Ю., Исмаилов Б. Исследование цифровой экономики Узбекистана: инвестиции в IT-сектор за 4 года выросли в 4 раза GSMA Mobile Connectivity Index

3. **АКТ соҳасида, интернет тезлиги, унинг мамлакатимиз ҳудудини қамраб олиши ва аҳоли фойдаланиши учун қулайлиги,**



5-расм. Республика ҳудудларини юқори тезликдаги интернет билан қамраб олиш даражаси,%

Юртимиз таҳлилчиларининг охирги маълумотларига кўра, 35 миллиондан ортиқ аҳолига эга Ўзбекистон Республикасида интернет фойдаланувчилари сони 27,2 миллиондан ошган. Ҳозирги вақтда 95 фоиз аҳоли масканлари мобил интернет билан қамраб олинган бўлса, 54 фоиз уй хўжаликларида юқори тезликдаги интернетга уланиш имкони яратилган.

4. **Электрон тижоратнинг ривожланиш даражаси**,



6-расм. Ўзекистонда фаолият юритаётган Интернет-дўконлар, дона

5. **Электрон ҳукумат тизимида давлат хизматларининг улуши,**

Ўзбекистонда 2017 йилда Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг (Ягона портал, DPI – my.gov.uz) янги талқини ишга туширилди, бу эса ягона электрон платформа ҳисобланади. Фуқаролар ва тадбиркорлар давлат хизматларини ва улар бўйича зарур маълумотларни олишлари мумкин.

Айни пайтда ЯДЭХКП да кўрсатилаётган хизмат турлари сони 20 та йўналиш бўйича 300 дан ортиқга етди.

1. **Ташкилотларнинг мутахассислар билан таъминланиши.**

Бугунги кунда Ўзбекистонда ахборот технологияларига ихтисослашган 100 та мактаб фаолият юритмоқда. Келгуси икки йилда бундай муассасаларни 205 тага етказиб, 30 мингдан зиёд ўқувчиларни ўқитиш режалаштирилган.



7-расм. Ўзбекистонда электрон форматда кўрсатилаётган давлат хизматлари улушини,фоиз

Хулоса ва таклифлар.Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва уни куламини кенгайтириш борасида қуйдаги таклифларни амалга ошириш лозим деб уйлаймиз

- фойдаланувчилар гуруҳини ҳисобга олган ҳолда интернет тезлиги ва сифатининг ошириш,
- рақамли бизнесда янги моделлар яратиш орқали мавжуд монополияларга барҳам бериш,
- ҳар бир ҳудудда компьютер саводхонлиги бўйича билимлар даражасини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ва утказиш,
- ахборот технологиялари соҳасига чет эллик профессионал мутахассисларин жалб этиш,
- ахборот технологияларни киберхавфсизлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси –Т:,Ўзбекистон, 2021,464 бет.
2. “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили“Давлат дастури. https://strategy.uz/index.php?news=1106
3. «Рақамли Ўзбекистон—2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 октябрь 2020 йилдаги ПФ-6079-сон Фармони.
4. “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора –тадбирлари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон Қарори.
5. Рақамли иқтисодиёт ва “Электрон ҳукумат” тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 май 2019 йилдаги ПҚ-4321-сон Қарори.
6. http://mitc.uz/uz/news/view/1186
7. https://royallib.com/book/bell_daniel/gryadushchee_ postindustrialnoe_obshchestvo__vvedenie.html
8. [1]https://royallib.com/book/toffler_elvin/ revolyutsionnoe_bogatstvo.html

Б.Рахматов

Стратегический подход к развитию цифровой экономики в Узбекистане

Аннотация: В статье методами теоретического наблюдения и индексного подхода изучен стратегический подход к цифровой экономике в нашей стране, комплексные вопросы его эффективной реализации. На основе зарубежной практики проанализированы индексные показатели развития цифровой экономики, даны выводы и предложения.

Ключевые слова: менеджер, управление, глобализация, цифровизация, стратегия, подход, экономика, индексы.

B.Rakhmatov

Strategic approach to the development of the digital economy in Uzbekistan

Abstract: The article studies the strategic approach to the digital economy in our country, the complex issues of its effective implementation using the methods of theoretical observation and the index approach. Based on foreign practice, index indicators of the development of the digital economy are analyzed, conclusions and suggestions are given.

Keywords: manager, management, globalization, digitization, strategy, income, economy, index.

САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Рузибой Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.
Шухрат Исроилович Исмоилов – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси
Уктам Абдуғани ўғли Абдурайимов – СамИСИ ассистенти

МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада сархил мева ва сабзавотларнинг инсон ҳаётидаги ўрни, уларнинг организм учун зарур бўладиган физиологик фаол моддаларнинг манбаи эканлиги бўйича маълумотлар келтирилган. Шунингдек, мева ва сабзавотларни ишлаб чиқариш истиқболларига эътибор қаратилган.
Калит сўзлар: Мева, сабзавот, витамин, макроэлемент, микроэлемент, углевод, глюкоза, фруктоза, яшаш даражаси, яшаш сифати.

Кириш. Албатта ҳар бир соғлом фикрловчи инсонга ҳаётида сиз учун энг қадрли нарса нима деган саволга соғлигим деб жавоб бериши табиийдир.

Ҳақиқатан ҳам халқимизнинг “Агар соғлигинг ёмон бўлса бойлик ва шон-шуҳратинг ҳеч нарсага арзимайди” деган ҳикматли гапи жуда ўринлидир.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, инсоннинг соғлиғини ва узоқ умр кўришини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, тури, таркиби, биологик қиймати каби кўрсаткичлар билан ҳам боғлиқдир. Шу сабабли мамлакатимизда аҳолини юқори сифатга эга бўлган ва турли хил ассортиментдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мева ва сабзавотларнинг кимёвий таркибини тадқиқ этиш, сақлашда ва ташишда бўладиган нобудгарчиликларни камайтириш, уларни қайта ишлашда чиқитсиз технологияларни жорий қилиш муаммолари бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари бажарилган.

Масалан, бу борада мамлакатимизда илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчилар қаторига академик М.Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари, Тошкент давлат аграр университетининг Х.Ч.Бўриев, Р.Ж.Жўраев, О.А.Алимов каби олимларини, шунингдек собиқ Самарқанд кооператив институти “Озиқ-овқат товаршунослиги” кафедраси профессор-ўқитувчиларидан З.В.Коробкина, А.В.Нацвин, В.С.Капул, Г.Н.Кругляков, М.Ҳ.Абдинова, С.Б.Мурадова, Р.Нормахматовларни киритиш мумкин. Бу борада илмий-тадқиқот ишларини бажарган россиялик олимлар Ф.В.Церевитинов, А.А.Колесник, М.А.Николаева, А.Ф.Джафаров, М.Н.Журавлева, Л.Г.Елизарова, В.Л.Кретович, М.А.Николаева, Л.В.Метлицкий ва бошқалар ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Мавзу юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик ва физик-кимёвий усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Маълумки, инсон ўзининг ҳаёт фаолияти учун зарур бўладиган оқсил, ёғ, углеводлар, витаминлар, минерал моддалар ва бошқа хилма-хил бирикмаларни озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш орқали олади. Демак, инсон ўз организмини ҳаёт учун зарур бўладиган бу моддалар билан доимий таъминлаб туриши учун мувозанатлашган овқатланишни ташкил этиши зарур. Биз мувозанатлашган овқатланиш деганда истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибида инсоннинг нормал ривожланиши ва фаолият юритиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, кексалик жараёнларини секинлаштириш ва инсон умрини узайтириш учун зарур бўладиган моддалар билан керакли даражада таъминлашни тушунамиз. Ана шундай овқатланишни ташкил этишда мевалар ва сабзавотларнинг ўрни беқиёсдир (2).

Чунки соғлом овқатланишнинг муҳим шарти бўлган фойдали моддалар, айниқса, ҳўл мевалар, сабзавотлар таркибида бўлади (3).

1-жадвал

Мева ва сабзавотларнинг кимёвий таркиби

Мевалар ва сабзавотлар	Миқдори, % ҳисобида						
	Сув	Углевод	Оқсил	Пектин моддаси	Клетчатка	Кислоталар	Кул
Мевалар:							
Олма	84,1	14,9	0,3	1,0	1,0	0,5	0,3
Узум	81,6	18,0	0,8	0,7	0,6	0,7	0,5
Нок	85,0	11,6	0,3	0,8	0,6	0,2	0,4
Гилос	82,9	12,9	1,0	0,3	0,2	0,6	0,5
Ўрик	82,9	15,2	1,0	0,9	0,8	1,1	0,6
Шафтоли	85,6	9,8	0,5	0,6	0,6	0,5	0,5
Апельсин	85,2	6,4	0,9	0,4	2,5	1,2	0,6
Лимон	87,4	2,1	0,9	0,6	2,5	5,2	0,5
Олхўри	87,0	9,5	0,8	1,2	0,5	1,0	0,5
Сабзавотлар:							
Картошка	77,8	18,5	2,0	0,2	0,4	0,2	0,1
Помидор	94,1	3,4	1,0	0,3	0,6	0,4	0,6
Карам	92,2	3,5	1,4	0,1	1,0	0,2	0,8
Бош пиёз	86,0	9,0	1,4	0,3	0,7	0,2	1,0
Саримсоқ	80,0	3,2	6,5	-	0,8	0,1	1,5
Сабзи	88,2	7,5	1,2	0,4	1,1	0,2	1,0
Лавлаги	87,6	6,3	1,6	-	0,9	0,5	1,0
Шолғом	89,5	5,0	1,5	0,3	0,8	0,11	1,5
Қовун	88,5	9,0	0,6	-	0,6	0,2	0,6
Тарвуз	89,0	8,7	0,7	-	0,5	0,1	0,6

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, мевалар ва сабзавотлар таркибидаги кимёвий моддаларнинг энг кўп миқдори углеводларга тўғри келади. Уларнинг таъми, консистенцияси ва бошқа бир қатор хусусиятлари таркибидаги углеводларнинг миқдори ва ўзгаришига боғлиқ. Мевалар таркибидаги углеводларнинг тури ва сифатига қараб бир-биридан кескин фарқ қилади. Бу фарқ айниқса эрувчан углеводларда ва хусусан қандларда яққол кўринади.

Яхши пишиб етилган мевалар таркибида қандлар 25-30% гача бўлади. Баъзан, узум, ўрик каби мевалар таркибида қанд миқдори улар қуруқ моддасининг 50-60 % ни ташкил этади. Олма таркибидаги эрувчан углеводлар асосан глюкоза, фруктоза ва сахарозадан иборат.

Кўпчилик меваларда, масалан хурмо, узум, олча ва гилосларда сахароза деярли учрамайди. Улардаги асосий эрувчан қанд глюкоза ва фруктозадан иборат. Олхўри, ўрик, шафтоли каби данакли меваларда эса сахароза ҳам учрайди. Сабзавотларда ҳам эрувчан углеводларнинг таркиби ҳар хил бўлади. Карам, помидор, бақлажонда фруктоза ва глюкоза, лавлагида эса сахароза кўп бўлади.

Мева ва сабзавотлар таркибида учрайдиган асосий полсахаридларга крахмал, целлюлоза, гемицеллюлоза ва пектин моддалари киради. Мевалар ва сабзавотлар таркибида учрайдиган барча полисахаридлар ичида миқдор жиҳатдан жуда кам ўзгарадигани целлюлоза бўлиб, унинг миқдори 0,2-2,5 % ни ташкил этади. Масалан, олма, ўрик, олхўри каби данакли меваларда целлюлоза 0,5-1,0 %, цитрус мевалари 2,5 %, карам ва сабзида 1,0 %, помидорда 0,9 %, пиёзда эса 0,7 % ни ташкил этади (1-жадвал).

Мевалар ва сабзавотлар нафақат инсон организми учун углеводлар манбаи, балки витаминлар ва минерал моддаларнинг ҳам муҳим манбаи ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгач, барча соҳалардаги каби мевачилик ва сабзавот-

чиликда ҳам кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, соҳибкорлик ва боғдорчилик соҳаларида чуқур табиий ўзгаришлар рўй бериб, ялпи маҳсулот етиштиришнинг асосий қисми деҳқон ва фермер хўжаликлари зиммасига юклатилди. Давлатмиз томонидан аграр соҳага доимий эътибор қаратилиши ўлароқ, кейинги йилларда ҳосилдорликнинг барқарор равишда ўсиши туфайли етиштирилаётган ҳосил миқдори тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Мамлакатимизда сўнгги йилларда картошка, мева ва сабзавотлар етиштиришнинг тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигини 2-жадвал маълумотларидан билишимиз мумкин (4).

2-жадвал

Республикада картошка, мева ва сабзавотларни ишлаб чиқаришнинг динамикаси, млн. тонна ҳисобида

Т/р	Маҳсулот номи	Йиллар						
		2005	2012	2014	2015	2017	2019	2020
1.	Картошка	0,92	2,06	2,50	2,69	3,02	3,09	3,15
2.	Сабзавотлар	3,52	7,77	9,30	9,90	11,93	10,22	10,43
3.	Мевалар ва резавор мевалар	0,95	2,05	2,50	2,73	3,08	2,76	2,82
4.	Узум	0,64	1,21	1,51	1,56	1,75	1,61	1,62
5.	Полиз маҳсулотлари	0,62	1,42	1,72	1,85	2,09	2,07	2,14
	Жами	0,65	14,51	17,53	18,73	21,37	19,75	20,16

2-жадвалда келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, республикамизда сўнгги йилларда картошка, мевалар ва сабзавотлар ишлаб чиқариш ҳажми тез суръатлар билан ўсиб борган. Масалан, 2020 йилда республикамизда картошка ишлаб чиқариш ҳажми 2005 йилдагига нисбатан 3,43 марта, 2015 йилдагига нисбатан эса 1,47 мартага ўсган. Шундай ўсиш тенденцияси мевалар ва сабзавотлар ишлаб чиқариш бўйича ҳам кузатилади.

Мевалар ва резавор мевалар ишлаб чиқариш 2020 йилда 2015 йилдагига нисбатан 1, 03 марта ўсган бўлса, сабзавотлар ишлаб чиқариш эса қарийб 1, 06 марта ўсганлигини кузатиш мумкин. Бу эса республикамиз аҳолиси рационида қимматли озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланадиган узум, ҳўл мева ва сабзавотларнинг ҳиссаси тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мамлакатимизда истиқболда ҳам мева ва сабзавотларни ишлаб чиқаришни оширишга кенг имконият мавжуд. Бундай имкониятларга пахта яккаҳокимлигини тугатиш ҳисобига бўшаган ерларда боғдорчилик ва сабзавотчилик экинларини экиш, бу борада кластер тизимини жорий этиш, етиштиришнинг замонавий агротехнологияларини қўллаш, сақлашда ва ташишда бўладиган нобудгарчиликларни камайтириш, мева ва сабзавотларни қайта ишлашнинг кам чиқитли технологияларини жорий этиш ва бошқалар ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида келтирилган фикрлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, мева ва сабзавотлар таркибида инсон организмида тез ҳазм бўладиган углеводлар, витаминлар ва микронутриентларга бой бўлганлиги учун уларнинг ўрнини ҳеч қандай озиқ-овқат маҳсулоти боса олмайди.

Мева ва сабзавотларнинг кимёвий таркиби маҳсулотнинг тури, помологик ва хўжалик ботаник навлари, етиштириш шароитлари ва бошқа омилларга боғлиқ равишда ўзгарувчан ҳисобланади.

Республикамизда картошка, мева ва сабзавотлар ишлаб чиқариш ҳажми мустақилликка эришган кунларимиздан бошлабоқ тез суръатлар билан ўсиб борган.

Бугунги кунда мева ва сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида эришилган ютуқларимиз республика аҳолисини микронутриениларга бой маҳсулотлар билан узлуксиз

таъминлашга, республика экспорт салоҳиятини оширишга, пировардида аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишига хизмат қилади.

Шулар асосида қуйидаги таклифларни берамиз:

- республикамизда мева ва сабзавотларни ишлаб чиқаришнинг муҳим шартларидан бири, янги боғлар ва сабзавотчилик хўжаликларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланалди;

- данакли ва субтропик меваларнинг биологик қиймати юқори ва улар шифобахшлик хусусиятига эга эканлиги учун айнан шу мевалар боғларини ташкил этишга эътибор бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

- ҳар бир истеъмолчи ўз рационида доимий равишда ҳўл мевалар ва сабзавотларнинг бўлишига эътибор қаратиши соғлиғини сақлаш ва умрини узайтиришнинг муҳим омили эканлигини тушуниб етиши ва унга амал қилиш муҳим вазифадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 15 декабрдаги ПҚ-52 сонли Қарори.

2. Пол Брэгг. Соғлиқ ва узоқ яшаш сирлари. Тошкент, “Наврўз”, 2017, 194-195-бетлар.

3. Нормахматов Р., Пардаев Ғ. Я., Исмоилов Ш. “Озиқ-овқат маҳсулотлари экспертизаси объектлари”. Дарслик. Тошкент, “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”, 2021 йил.

4. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги 2017-2020 йилларда. Тошкент, 2021 йил.

Р.Нормахматов, Ш.Исмоилов, У.Абдурайимов

Значение фруктов и овощей и перспективы развития их производства

Аннотация: В данной статье приводятся данные по химическому составу, пищевей ценности картофеля, плодов и овощей, а также анализируется производство плодоовощной продукции в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: фрукты, овощи, витамины, макроэлементы, микроэлементы, углеводы, глюкоза, фруктоза, уровень жизни, качество жизни.

R.Normakhmatov, Sh.Ismoilov, U.Abdurayimov

The importance of fruits and vegetables and prospects for the development of their production

Abstract: This article provides data on the chemical composition, nutritional value of potatoes, fruits and vegetables, and also analyzes the production of fruits and vegetables in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: fruits, vegetables, vitamins, macroelements, microelements, carbohydrate, glucose, fructose, standard of living, quality of life.

Қулмамат Жонузоқович Мирзаев - СамИСИ,“Рақамли иқтисодиёт” кафедраси мудири, профессор, и.ф.д.

Ахрор Содиқович Шералиев-СамИСИ, “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН АГРОСЕРВИСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация: Агросервисни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш Республика иқтисодий салоҳиятини оширишда муҳим масалалардан ҳисобланади. Шу жихатдан мазкур мақолада агросервисни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари илмий асосланган.

Калит сўзлар: механизмлар; агросервисда иқтисодий ўсиш; агросервисда интеграциялашув ва кооперация; иқтисодий-молиявий, ижтимоий-маданий ва меёрий хуқуқий механизмлар.

Кириш. Республика иқтисодиётида турли тармоқ ва соҳаларни самарали ривожлантиришнинг муҳим йўлларидан бири давлат томонидан тартибга солиш механизмларидан тўғри фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Айниқса табиий иқлим ва иқтисодий субъектив омилларга боғлиқ бўлган аграр соҳада ушбу жараён жуда муҳим

аҳамиятга эга. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 30-мақсадида “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермер даромадини камида 2 баробар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш. Қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ва структуралашнинг янги механизмларини амалга ошириш”[1] масаласи кўрсатиб ўтилганлиги хам бежиз эмас.

Бугунги кунда агросервисни давлат томонидан тартибга солишнинг механизмларидан фойдаланиш қуйидаги аниқ вазифаларни бажаради, жумладан:

- агросервис соҳасининг жадал иқтисодий ўсиши ва иқтисодий ривожланиши;
- фойдаланилмаган ички омиллардан самарали фойдаланиш;
- агросервис корхоналарида тўлиқ ва бандликка эришиш ва унинг самарадорлигини таъминлаш;
- сервисда нархнинг барқарор даражасини таъминлаш;
- агросервисни амалга оширувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тизимли тартибга солиш;
- соҳада агрокластер ва корпорациялар интеграциялашувини йўлга қўйиш;
- агросервисни келгусида ривожлантириш узоқ йилларга мўлжалланган параметрларини белгилаб олиш ва бошқалардан иборат.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Агросервиснинг мазмун моҳияти бир қатор хорижлик ва Ўзбекистонлик олимлар ҳамда мутахассислар, жумладан, К.Р.Макконнелл[2], Ф.Котлер[3] ҳамда Республикамиздаги олимлардан М.Қ.Пардаев[4], М.М.Мухаммедов[5], Қ.Ж.Мирзаев[6], Ж.М.Қурбонов[7] ва бошқаларнинг қаламига мансуб бўлган дарсликларда, ўқув қўлланмаларда ҳамда илмий мақолаларда ўз аксини топган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг методологик асоси агросервис бўйича нашр қилинган назарий ва амалий маълумотларни, тегишли қонун ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш натижасида шакллантирилиб, изланишнинг илмий мушоҳада, тарихийлик ва мантиқийлик, таҳлил ва синтез усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Агросервис соҳасида давлат томонидан тартибга солиш механизмлари асосида таъсир этадиган ва тартиблайдиган жараёнлар қуйидагилардан иборат:

-агросервиснинг умумхўжалик жараёнлари, яъни соҳада иқтисодий цикл, пул муомаси, иш билан бандлик, инвестициялар, илмий тадқиқот, илмий тажриба, нархлар;

-соҳанинг бошқа йирик тармоқлар, яъни саноат, қурилиш, молия соҳалари билан иқтисодий муносабатларга киришиши;

-соҳада фаолият юритувчи субъектларни ижтимоий қўллаб қувватланиши.

Аграр соҳада сервис хизмати корхоналарда иш билан бандлигини тартибга солиш, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасида мувозанатни бозор иқтисодиёти нуқтаи назаридан нормал тартиблаштириш ва уларнинг мувозанатини қўллаб-қувватлаш имкониятини яратади. Бундай нисбат соҳанинг малакали ишчиларга бўлган эҳтиёжини қондириш шарт-шароитларини яратади ва уларнинг иш ҳақлари ишловчиларда етарли меҳнат мотивациясини вужудга келтиради. Бу эса ишчи кучига бўлган талаб билан унинг таклифи ўртасидаги мувозанатнинг ҳаддан ташқари ўсиб кетиши олдини олади, ҳамда аҳолининг иш

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ПФ-60 сон фармони 2022 йил 28 январ

[2] Макконнелл К.Р., Брю С.Л., Экономикс – Принципы, проблемы и политика. /В 2 –х томах. Пер.с анг. – Тактин. Римол. 1993. Т.: 1. – 398 с.

[3] Котлер Ф. Основы маркетинга. М. Прогресс. 1992. – 734 с.

[4] Пардаев М.Қ. “Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари” (назарий жиҳатлар) // Сервис. – Самарқанд, 2009. – № 1. Б. 37-44.

[5] Мухаммедов М.М., Исхакова С.А., Мардонов Б.Б., Уринбаева Ю.П., Мухаммедова З.М., Халиков Й.М., Аграр ислоҳотлар ва аҳоли бандлиги. // Монография. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2015. Мухаммедов М.М., Исхакова С.А., Мардонов Б.Б., Уринбаева Ю.П., Мухаммедова З.М., Халиков Й.М., Тўрабеков С., Қишлоқ хўжалиги: Даромадлар ва моддий рағбатлантириш. // Монография. – Самарқанд.: “Зарафшон”, 2017.

[6] Мирзаев Қ.Ж., Агросервис иқтисодиёти // Монография. – Тошкент «Иқтисод-Молия», 2013.

[7] Қурбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис // Сервис. – Самарқанд, 2009. - №1. – Б. 56-64.

билан бандлик даражаси кескин пасайиб кетишига йўл қўймайди. Бунинг оқибатида ишсизлар сони кескин ўзгариши олдини олиш натижасида, истеъмол талаби ва солиқ тушумлари камайиб кетишининг олди олинади.Агросервисни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари қуйидаги 1-расмда келтирилган.

Агросервисни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари

↙ ↓ ↘

Иқтисодий-молиявий
* агросервисни ривожлантириш учун турли хилдаги имтиёзли кредитлар ажратиш, Субсидиялар бериш
* агросервисни ривожлантириш учун ушбу тармоқ корхоналари учун солиқ имтиёзларини бериш, солиқ юкини камайтириш, айрим ҳолларда солиқлардан озод қилиш орқали
*агросервисни алоҳида тизим сифатида давлат томонидан рағбатлантиришни йўлга қўйиш
*давлат томонидан турли хил қўшимча имтиёзлар берилиши

Ижтимоий-маданий
*агросервис хизматларини аҳолининг даромадини оширишга йўналтириш
* ахолининг ўзини ўзи банд қилган қатламига турли хил имтиёзлар бериш,
*агросервис корхоналарида ижтимоий имтиёзлардан фойдаланишни кучайтириш
*агросервис корхоналари ходимларининг хизмат вазифасининг мураккаблиги бўйича иш хаққи (мехнат ҳаққи) беришни тизимли ташкил этиш
*агросервис корхоналари ходимларининг хизмат кўрсатишда ўзига хос меҳнат мунасабатларини шакллантириш
* агросервис корхоналарида меҳнат муносабатларида коррупцияга қарши тизимли ишларни ташкил этиш

Меъёрий-ҳуқуқий(бошқарув)
* агросервис корхоналарини ривожлантириш бўйича алоҳида қонун ишлаб чиқиш.
*мавжуд меҳнат кодекси меъёрларига агросервис хизматлари билан боғлиқ бўлган алоҳида меъёрларни киритиш
* агросервис корхоналарини ривожлантиришни Президент қарорлари ҳамда Вазирлар маҳкамаси қарорлари орқали тартибга солишни кучайтириш
* агросервис корхоналарида хизмат кўрсатиш ходимлари учун махсус меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш (меҳнатга ҳақ тўлаш, кўрсатилган хизматлар улушини аниқлаш ва б.)

1-расм. Агросервисни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари

Ушбу расмдан кўриниб турибдики агросервиснинг келгуси тараққиёти соҳани давлат томонидан тартибга солишга бевосита боғлиқ ҳисобланади. Бунда давлатнинг иқтисодий, молиявий, ижтимоий-маданий, меёрий-хуқуқий механизмлари муҳим ҳисобланади. Ушбу механизмлардан самарали фойдаланган холда ушбу йўналишда хориж тажрибасини ўрганиш тақозо этади.

Давлат томонидан тартибга солиш механизмларининг муҳим объектларидан бири пул муомаласидир. Шу сабабдан соҳада пул муомаласини тартибга солишнинг асосий йўналиши инфляцияга қарши курашиш агросервис хизматларини ошириш, сифатини яхшилашҳисобланади. Шу орқали соҳада ишловчиларнинг даромадлари ҳам ошиб боради.

Фан-техника тараққиёти натижасида тармоқ ва соҳалардаги самарадорлик ва рақобатбардошликни ошириш рағбатлантирилади. Бу эса давлат томонидан ажратиладиган турли иқтисодий-молиявий шарт-шароитлар, субсидия ва субвенциялаш асосида амалга

ошириш белгиланган.

Давлат томонидан тартибга солишнинг агросервисдаги бош мақсади соҳанинг тузилмаларида иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка эришиш, мавжуд аграр соҳа роивожланишини мустаҳкамлаш ва зарур ҳолларда такомиллаштириб бориш, тез ўзгариб бораётган хозирги шароитга иармоқни тараққиёт стратегиясига мослашиб бориш ҳисобланади. Демак, давлат томонидан тартибга солиш агросервисни ривожлантиришнинг характерли, асосий белгиси ҳисобланади. Шу боисдан кўплаб ривожланган мамлакатларда тармоқлар ва соҳалар тараққиётида давлатнинг иқтисодиётга аралашуви мавжуд.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан келиб чиқиб, агросервисни давлат томонидан тартибга солишни тизимли ташкил этиш қуйидаги иқтисодий натижадорликка олиб келади:

биринчидан, агросервиснинг кейинги тараққиёти аграр соҳани смарали ривожлантиришини таъминлайди;

иккинчидан, агросервис корхоналари тараққиёти бутун тармоқда янги иш жойларини ташкил этишни, ўсиб бораётган аҳолининг ишга бўлган талабини қондиради;

учинчидан, агросервисни Давлат томонидан тартибга солиш агросервисни ривожлантиришда соҳага фан-техника тараққиёти натижаларини қўллаш тезлаштирилади;

тўртинчидан, агросервисни рақамли технологиялар асосида ривожлантириш, янги хизмат кўрсатувчи замонавий технологияларни қўллаш мумкин бўлади;

бешинчидан, агросервисни Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш натижасида хориж давлатлари тажрибасини жорий этиш имконияти кенгаяди;

олтинчидан, агросервис тизимида Давлат томонидан агросервис субъектлари ва истеъмолчилари ўртасида иқтисодий муносабатларни, жумладан, баҳо, шартнома каби муносабатларни қонуний тартибга солади.

еттинчидан, Давлат агросервис соҳаси учун етарли, замонавий кадрлар (бакалавр, магистр, илмий ходимлар) етказиб беришда фаол иштирок этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ПФ-60-сон Фармони 2022 йил 28 январ.
2. Котлер Ф. Основы маркетинга. М. Прогресс. 1992. – 734 с.
3. Макконнелл К.Р., Брю С.Л., Экономикс – Принципы, проблемы и политика. /В 2 –х томах. Пер.с анг. – Тактин. Римол. 1993. Т.: 1. – 398 с.
4. Пардаев М.Қ. “Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари” (назарий жиҳатлар) // Сервис. – Самарқанд, 2009. – № 1. Б. 37-44.
5. Мухаммедов М.М. ва бошқ. Аграр ислоҳотлар ва аҳоли бандлиги. // Монография. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2015.
6. Мухаммедов М.М. ва бошқ. Қишлоқ хўжалиги: Даромадлар ва моддий рағбатлантириш. // Монография. – Самарқанд.: “Зарафшон”, 2017.
7. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис иқтисодиёти // Монография. – Тошкент «Иқтисод-Молия», 2013.
8. Қурбонов Ж.М. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис // Сервис. – Самарқанд, 2009. - №1. – Б. 56-64.

К.Мирзаев, А.Шералиев

Организационно-экономические механизмы государственной поддержки агросервиса

Аннотация: государственная поддержка агросервиса является одним из важных вопросов повышения экономического потенциала республики. С этой точки зрения в данной статье научно обоснованы организационно-экономические механизмы государственной поддержки агросервиса.

Ключевые слова: механизмы, экономический рост в агросервисе, интеграция и кооперация в агросервисе, финансово-экономические, социально-культурные и нормативно-правовые механизмы.

Q.Mirzaev, A.Sheraliev

Organizational and economic mechanisms of state support for agroservices

Abstract: The state support of agroservice is one of the important issues of increasing the economic potential of the republic. From this point of view the article provides a scientific basis for organizational and economic mechanisms of state support of agroservice.

Keywords: mechanisms, economic growth in agroservice, integration and cooperation in agroservice, financial-economic, socio-cultural and regulatory mechanisms.

Хусниддин Абдимўминович Пардаев – ТДИУ таянч докторанти

ПОМИДОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАНЖИРИДА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИНГ ИСТИҚБОЛ ПРОГНОЗЛАРИ

Аннотация: мақолада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш занжирида деҳқон ва томорқа хўжаликлари томонидан етиштирилаётган помидорга талаб ва таклифнинг истиқбол прогнозлари замонавий таҳлил методлари орқали ҳисоблаб топилган. Прогнозни амалга оширишда ARIMA моделидан фойдаланилган.

Калит сўзлар: ARIMA, деҳқон ва томорқа хўжаликлари, озиқ-овқат, помидор ишлаб чиқариш, экспорт, қолдиқ маҳсулот, қўшилган қиймат, талаб ва таклиф прогнози.

Кириш. Ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида аҳоли хўжаликларининг барқарор озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол учун етиштириш, юқори ҳосил олиш ва даромад олиш манбаси сифатида ўрни юқори.[1] Жаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти(ФАО)нинг 2020 йилги статистик маълумотларига қараганда дунёдаги экин майдонларнинг атиги 12%и майда хўжаликлар ҳиссасига тўғри келса-да[2], улар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган жами маҳсулотнинг 80% дан ортиғини ишлаб чиқаради.[3] Мазкур майда хўжаликларнинг асосий қисми қишлоқ ҳудудларида жойлашган бўлиб, улар хўжалик фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг реализациясида трансакцион харажатлар ва таваккал қилиш даражасининг юқорилиги каби кўплаб муаммоларга дуч келади.[4]

Ўзбекистонда деҳқон ва томорқа хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда улуши юқори ва қишлоқ ҳудудларида истиқомат қиладиган оила хўжаликларининг 1/3 қисмининг даромад манбаидир. Иқтисодиётнинг ривожланиб бориши, деҳқон ва томорқа хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштиришни, маҳсулот ишлаб чиқариш занжиридаги субъектлар ўртасида иқтисодий муносабатларни яхшилашни талаб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Қишлоқ хўжалигидаги майда хўжаликларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш занжиридаги иштироки муҳим эканлигини ҳисобга олиб, улардаги маҳсулот ишлаб чиқиш билан боғлиқ номувофиқликларини камайтириш, даромадини ошириш йўллари ҳамда қўшилган қиймат занжирига субъектлар билан шартномалар тузиш орқали киритилиш имкониятлари бир қанча маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўрганилган. Хорижий олимлардан Bellemare M.F., Boys K.A., Train K.E., Wang H.H., Dennis O.O. va Abebe G.K. кабилар ўрганилаётган муаммога яқин бўлган тадқиқотларни дунёнинг турли ҳудудларида амалга оширишган.

Республикамиз олимларидан, Умурзаков Ў.П., Чариев Қ.А., Иватов И., Хушматов Н. С., Ҳасанов Ш.Т., Абсаматов А.Э., Санаев Ғ.Н., Джанибеков Ў., Қодиров А., Эгамбердиев Ф.Т. ва бошқаларнинг илмий ишларида томорқа хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бозорини либераллаштириш, фермер хўжаликлари маҳсулот сотиш бозорлари билан тузиладиган шартнома шартлари таҳлил қилинган ва ривожлантириш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот методи. Мазкур мақолада диалектик таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, ARIMA, илмий абстракция, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Помидор ишлаб чиқариш занжирида субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш учун ишлаб чиқариш ва унинг талаби

[1] Wünsche J. F., Fernqvist F. The Potential of Blockchain Technology in the Transition towards Sustainable Food Systems //Sustainability. – 2022. – Т. 14. – №. 13. – С. 7739.

[2] Ер майдони икки гектардан кам бўлган хўжаликлар жами фермер хўжаликларининг 80 % ни ташкил қилади.

[3] Gomez y Paloma S., Riesgo L., Louhichi K. The role of smallholder farms in food and nutrition security. – Springer Nature, 2020. – С. 251.

[4] Abebe G. K. et al. Contract farming configuration: Smallholders' preferences for contract design attributes //Food Policy. – 2013. – Т. 40. – С. 14-24.

миқдорини прогнозлаштириш талаб қилинади. Прогнозлаштириш, субъектларга маҳсулот билан боғлиқ ахбортларни олдиндан таъминлаш,[1] маҳсулот исрофгарчилигини камайтириш,[2] рискларни камайтириш[3] ҳамда самарали ҳамкорликни амалга ошириш имкониятини беради.[4]

Прогнозлаштириш иқтисодиётда кенг қўлланиладиган таҳлил вазифаларидан бири бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш занжирининг барча бўғинларида иқтисодий муносабатларни режалаштиради ва қарор қабул қилиши учун ахборот беради. Бундан ташқари, тизимдаги субъектларнинг стратегик режаларини тузишида йўналиш беради ҳамда натижаларни кўрсатувчи индикатор вазифасини бажаради.[5]

Таҳлилни амалга оширишда Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси томонидан 2011-2021 йилларда тўпланган иккиламчи маълумотлардан фойдаланилди. Таҳлилни амалга оширишда STATA дастурининг 2015 йил сериясидан қўлланилди.

Иқтисодий прогнозлаштиришни амалга оширишнинг 130 дан ортиқ методлари мавжуд бўлиб, улар умумий ҳолатда экстраполяция, эксперт ва моделлаштириш методларига бўлинади. Биз тадқиқотимизда экстраполяция методи гуруҳидаги вақт қаторлари бўйича миқдорий методларидан фойдаланган ҳолда таҳлилни амалга оширдик. ARIMA модели мазкур йўналишдаги таҳлилларни амалга оширишда энг мақбул модел сифатида танлаб олинди. ARIMA модели интеграциялашган вақтли қаторларни моделлаштиришга имкон беради. Таҳлилда қўлланилган маълумотларнинг статистик тавсифи қуйидаги 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал.

Ўзгарувчиларнинг статистик таҳлили*

Ўзгарувчилар	Кузатувлар сони	Ўртача қиймат	Ўртача қийматдан оғиш	Энг кичик қиймат	Энг катта қиймат
Истеъмол талаби, %	11	42.084	4.354	33.461	47.371
Қайта ишлаш корхоналари талаби, %	11	10.013	1.448	7.287	11.923
Экспорт, %	11	26.585	2.285	23.235	29.989
Қолдиқ маҳсулот, %	11	21.318	6.868	11.994	35.876
Ишлаб чиқариш, минг тонна	11	160.237	17.896	138.058	185.418
D Истеъмол талаби	10	.044	.144	-.237	.242
D Қайта ишлаш корхоналари талаби	10	.064	.179	-.191	.368
D Экспорт	10	.006	.119	-.168	.188
D Қолдиқ маҳсулот	10	.04	.597	-.423	1.528
D Ишлаб чиқариш	10	.008	.186	-.191	.343
***Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида.**					

Кузатилган даврда вилоят аҳолиси помидорни ўртача истеъмоли жами ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 42,1%ини ташкил қилган. Озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтаи-назаридан олиб қаралганда, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёшига, жинсига ва касбий фаолияти гуруҳлари учун соғлом овқатланишни таъминлашга қаратилган ўртача кунлик рационал овқатланиш нормативлари” номли 0007-20-сонли

[1] Zhao X., Wang P., Pal R. The effects of agro-food supply chain integration on product quality and financial performance: Evidence from Chinese agro-food processing business //International Journal of Production Economics. – 2021. – Т. 231. – С. 107832.

[2] Ciccullo F. et al. Implementing the circular economy paradigm in the agri-food supply chain: The role of food waste prevention technologies //Resources, Conservation and Recycling. – 2021. – Т. 164. – С. 105114.

[3] Nyamah E. Y. et al. Agri-food supply chain performance: an empirical impact of risk //Management Decision. – 2017.

[4] Saurabh S., Dey K. Blockchain technology adoption, architecture, and sustainable agri-food supply chains //Journal of Cleaner Production. – 2021. – Т. 284. – С. 124731.

[5] Eksoz C., Mansouri S. A., Bourlakis M. Collaborative forecasting in the food supply chain: a conceptual framework //International journal of production economics. – 2014. – Т. 158. – С. 120-135.

қарорида белгиланган нормалар бўйича аҳолининг помидор истеъмоли миқдори тиббий меъёрга нисбатан таъминланиб келмоқда. Истеъмол миқдорининг ўзгариши 4,4%ни ташкил қилган. Ушбу даврда ишлаб чиқаришнинг ўртача миқдори 160,2 минг тоннани ташкил қилиб, ўртачадан оғиш 17,9 минг тоннага тенг. Шундан, қайта ишлаш корхоналари томонидан 10%, жами экспорт (Қўшни вилоятлар билан биргаликда жами) 26,6% ва қолдиқ маҳсулотлар 21,3% га тенг бўлган.

Прогнозлаштиришни амалга оширишда таҳлил учун қўлланилаётган маълумотларга мувофиқ бўлган статистик моделни танлашда вақт серияларини стационар ёки йўқлигини текширилди.

Помидор ишлаб чиқариш занжирида кузатилаётган ҳар бир ўзгарувчи бўйича прогнозни амалга ошириш учун моделлар танланди (2-жадвал). Танланган моделлар AIC ва BIC тестлари натижаларига кўра, ишлаб чиқариш прогнозлари учун (2,2,2), қайта ишлаш (3,2,2), экспорт (3,3,3), қолдиқ маҳсулотни аниқлашда (3,3,0) ва истеъмол талабини аниқлашда (3,2,0) бўлганда энг мақбул деб топилди.

2-жадвал

Самарқанд вилояти деҳқон ва томорқа хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган помидор ва унинг истеъмол талаби прогнози

	Ишлаб чиқариш (2,2,2)	Қайта ишлаш (3,1,3)	Экспорт (3,3,3)	Қолдиқ маҳсулот (3,2,3)	Истеъмол талаби (3,2,0)
Ўзгармас қиймат	.64	.05	.13	-.45	.51
L1.ar	-.83	-1.92***	-.35	-1.88***	-1.61***
L2.ar	-.83**	-1.91***	-.90***	-1.86***	-1.59***
L3.ar		-.95***		-.97***	-.71
L1.ma	-1.79*	.28	-2.39	.81	
L2.ma	1.00	-.28	2.39	-.81	
L3.ma		-1.00	-1.00	-1.00	
AIC	56.1	33.01	45.42	65.90	59.36
BIC	56.5	34.19	45.82	66.38	59.75

*** p<0.1, ** p<0.05, *** p<0.01 қавс ичидагилар стандарт хатолик ҳисобланади**

Манба: Статистик маълумотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоби

Моделлар бўйича ҳар бир кузатилаётган кўрсаткични 2026 йилгача бўлган прогноз натижалари ҳисоблаб топилди (1-расм). Олинган натижаларга кўра, деҳқон ва томорқа хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилаётган помидор 2026 йилга бориб 173,9 минг тоннага етади. Ишлаб чиқариш прогноз қилинаётган йиллар давомида ўсиб бориш тенденциясида бўлиб, унинг йиллик ўсиб бориш тренди 1,4% га тенг бўлиши прогноз қилинди.

Маҳсулотни қайта ишлаш даражаси сўнгги 10 йил давомида йиллик ўртача 10%ни ташкил қилган бўлса, унинг даражаси 2026 йилга бориб 12%га тенг бўлишини кўрсатди. Ушбу кўрсаткич прогноз натижалари бўйича ўсиб бориш трендида бўлиб, у 0,25% га тенг бўлганлиги аниқланди. Маҳсулотнинг экспорт миқдори жами маҳсулотга нисбатан ўртача 26,6%ни ташкил қилган.

Прогноз модели натижасига кўра, экспорт маҳулотлари камайиш тенденциясида бўлиб, 2026 йилга бориб унинг даражаси 22,4%га тенг бўлиб, 0,4% камайиб бориш трендини кўрсатди.

Таҳлилларга кўра, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган помидорнинг реализация қилинмасдан қолган қисми сезиларли даражада юқори бўлган. Ушбу кўрсаткич сўнгги 10 йилда жами маҳсулотга нисбатан ўртача йиллик 21%ни ташкил қилган.

Даврлар бўйича дисперциясининг кичик қиймати 11,9 ва катта қиймати 35,8 %ни ташкил қилган. Бундан шуни англаш мумкинки, кузатилган йилларда қолдиқ маҳсулот дисперсия оралиғи жуда катта бўлиб, маҳсулот талабга нисбатан бир текисда ишлаб чиқарилмайди. Маҳсулотга реал талаб ахбороти ассимметрик бўлиб, маҳсулот юқори таваккалчиликда ишлаб чиқарилади.



***Қайта ишланган маҳсулот экспортидан ташқари**

1-расм. Самарқанд вилояти деҳқон ва томорқа хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган помидор ва унинг истеъмол талаби прогнози. www.samstat.uz**, Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида.**

Ҳолат бўйича қолдиқ маҳсулотнинг прогноз кўрсаткичлари ҳам ҳисоблаб топилди. 2026 йилга бориб унинг кўрсаткичи 14,8%га тенг бўлиб, йиллик 0,65% камайиш трендида бўлади.

Помидорнинг аҳоли истеъмоли прогноз кўрсаткичлари ҳам ҳисоблаб топилди. Аҳоли истеъмоли аҳоли сонининг ўсиб бориши билан параллел тенденцияда бўлиб, унинг йиллик ортиб бориш даражаси 0,76%га тенг бўлиши асосланди.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижаларидан хулоса қилиб, Самарқанд вилоятида деҳқон ва томорқа хўжаликлари томонидан ёзги мавсумда помидор ишлаб чиқаришнинг ортиши, истеъмол талаби ва қайта ишлаш миқдорининг мунтазам равишда ортиб бориши ижобий ҳол албатта. Аммо, қолдиқ маҳсулот даражасининг 21%да сақланиб қолганлиги деҳқонлар даромадига салбий таъсир кўрсатади.

Олиб борилган тадқиқотда прогноз натижаларидан келиб чиқиб, Самарқанд вилоятида помидор ишлаб чиқариш занжирида қуйидаги қўшилган қийматни ошириш чораларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

- қайта ишлаш корхоналари монополлигини камайтириш мақсадида туманларда қайта ишлаш корхоналари сонини ошириш;
- деҳқон ва томорқа хўжаликлари даромадларини кафолатлаш мақсадида уларни қайта ишлаш корхоналари билан иқтисодий ҳамкорликни амалга оширишини рағбатлантириш

чораларини қўллаш;

- тизимда трансакцион харажатларни камайтириш мақсадида субъектлар ўртасида шартномавий муносабатларни юзага келишини таъминлаш ва шу йўл билан экспортни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abebe G. K. et al. Contract farming configuration: Smallholders’ preferences for contract design attributes //Food Policy. – 2013. – Т. 40. – С. 14-24.
2. Ciccullo F. et al. Implementing the circular economy paradigm in the agri-food supply chain: The role of food waste prevention technologies //Resources, Conservation and Recycling. – 2021. – Т. 164. – С. 105114.
3. Eksoz C., Mansouri S. A., Bourlakis M. Collaborative forecasting in the food supply chain: a conceptual framework //International journal of production economics. – 2014. – Т. 158. – С. 120-135.
4. Gomez y Paloma S., Riesgo L., Louhichi K. The role of smallholder farms in food and nutrition security. – Springer Nature, 2020. – С. 251.
5. Nyamah E. Y. et al. Agri-food supply chain performance: an empirical impact of risk //Management Decision. – 2017.
6. Saurabh S., Dey K. Blockchain technology adoption, architecture, and sustainable agri-food supply chains //Journal of Cleaner Production. – 2021. – Т. 284. – С. 124731.
7. Wünsche J. F., Fernqvist F. The Potential of Blockchain Technology in the Transition towards Sustainable Food Systems //Sustainability. – 2022. – Т. 14. – №. 13. – С. 7739.
8. Zhao X., Wang P., Pal R. The effects of agro-food supply chain integration on product quality and financial performance: Evidence from Chinese agro-food processing business //International Journal of Production Economics. – 2021. – Т. 231. – С. 107832.

Х.Пардаев

Перспективные прогнозы спроса и предложения в цепочке производства томатов

Аннотация: В статье с использованием современных методов анализа рассчитаны будущие прогнозы спроса и предложения на помидоры, выращиваемые мелкими фермерами в цепочке производства продуктов питания. Для прогнозирования использовалась модель ARIMA.

Ключевые слова: ARIMA, мелкие хозяйства, продовольствие, производство томатов, экспорт, остаточный продукт, добавленная стоимость, прогноз спроса и предложения.

Kh.Pardaev

Prospective forecasts of supply and demand in the tomato production chain

Abstract: In the article, future forecasts of supply and demand for tomatoes grown by smallholders in the food production chain were calculated using modern analysis methods. The ARIMA model was used for forecasting.

Keywords: ARIMA, smallholders, food, tomato production, export, residual product, value-added, demand and supply forecast.

Ахрор Содиқович Шералиев – СамИСИ катта ўқитувчиси

РЕСПУБЛИКАДА АГРОСЕРВИС БОЗОРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада агросервис бозорининг зарурияти, ташкилий-иқтисодий тузилмаси ҳамда уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари илмий асосланган.

Калит сўзлар: агросервис бозори, бозор сегментлари, агросервисда талаб ва таклиф, рақобат муҳити, нарх.

Кириш. Хозирги даврда, бозор - ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг кўп қиррали мураккаб алоқаларини, уларнинг ўзаро бир-бирларига бўлган таъсирини боғлайдиган бўғин, жамият тараққиётида модда алмашинувини таъминлайдиган жараён сифатида шаклланди. Бозор тушунчасига жуда кўплаб таърифларни келтиришимиз мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. К.Р.Макконел ва С.Л.Брюлар бозорни маҳсулот ва хизматларни сотувчи ва сотиб олувчиларни қўшувчи механизм деб аташади[1].

[1]Кепбелл.Р.Макконелл,Стенли Л. Брю. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Том 1.- Таллинн: 1993, стр.77

Н.Тўхлиевнинг фикрича: “Бозор товар ишлаб чиқариш қонунлари асосида ташкил қилинган айрибошлаш, товар ва пул муомаласи муносабатларининг йиғиндиси, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги муҳим боғловчи бўғиндир[1].

А.Ўлмасов ва А.Ваҳобовлар қаламига мансуб “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида: “Бозор - бу харидорлар билан сотувчилар орасидаги иқтисодий алоқалар, уларни бир-бирига боғлайдиган механизмдир”[2], дейилган.

Б.Ю.Ходиев ва Ш.Ш.Шодмоновлар муаллифлигида ёзилган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида эса: “Бозор – ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчилар ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлашжараёнида вужудга келадиган муносабатлар мажмуаси”[3], деган таъриф берилган.

Шу билан бирга Республикамиздаги бир қатор олимларнинг **“хизмат кўрсатиш бозори”** тўғрисидаги, айниқса алоҳида олинган тармоқ ва соҳалардаги бозор тўғрисидаги илмий қарашлари чуқур таҳлил қилишни тақозо этади.Айниқса бу борада қатор илмий адабиётларни чоп этган олимлардан профессор М.Қ.Пардаев, М.М.Мухаммедов, Қ.Ж.Мирзаевларнинг фикрлари эътиборга моликдир.

Юқорида келтирилган таърифларда бозорнинг моҳияти қайсидир даражада очиб берилган. Улар асосида айтиш мумкинки, бозор-ишлаб чиқарувчи (сотувчи)лар ва истеъмолчи (харидорлар)лар ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнида бўладиган муносабатларни боғлайдиган тузилмадир.

Тадқиқот методологияси. Агросервис бозорини ва унинг назариясини ўрганишда тадқиқот методологияси сифатида илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, монографик тадқиқ этиш, таққослаш ва солиштириш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Бозорнинг асосий белгилари – сотувчи ва харидорларнинг ўзаро келишуви, эквивалентлилик тамойили асосида айирбошлаш, сотувчиларнинг харажатлари қопланиб, фойда олиши ва тўловга қодир бўлган харидорларнинг талабини қондириш ва рақобатчиликдан иборатдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, бозорнинг моддий асосини жой эмас, балки товар ва пулнинг ҳаракати ташкил этади. Бозор тушунчаси иқтисодиётнинг тўртта фазаси (ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнлари)дан фақат айирбошлаш жараёнидаги иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади. Бозорда хеч қандай бойлик яратилмайди, ишлаб чиқарилмайди, кишиларги бахт, ризқу-рўз ҳам улашилмайди, лекин унда – турли мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда мавжуд бўлган минглаб корхоналарда ишлаётган миллионлаб кишилар томонидан яратилган товар ва хизматлар, кўчмас мулклар, иқтисодий ресурслар, ишчи кучи пулга сотилади ва сотиб олинади.

Бозор мураккаб тузилишга эга. Шу сабабдан, уни туркумлашга ҳар хил мезонлар асос қилиб олинади. Булар бозорнинг етуклик даражаси, сотиладиган ва сотиб олинадиган маҳсулот тури, бозор субъектлари хусусиятлари, бозор миқёси, иқтисодий алоқалар характери ва бошқалар.

Бозорнинг етуклик даражасига қараб ривожланмаган бозор, эркин (классик) бозор, ҳозирги замон ривожланган бозорларга бўлинади. Ривожланмаган, шаклланаётган бозор кўпроқ, тасодифий характерга эга бўлиб, унда товарга товар айирбошлаш усули (бартер) кўпроқ қўлланилади. Бозорнинг бу тури тарихан ҳали ҳақийқий пул келиб чиқмаган даврга тўғри келади. Лекин ҳозирги даврда ҳам айрим мамлакатларда пул инқирозга учраб, ижтимоий ишончни йўқотган, бозор иқтисодиётига ўтаётган даврларда ҳам бу бозор амал қилиши мумкин.[4]

Ўзбекистон иқтисодиётининг янги ривожланиш босқичига ўтаётган даврда асосий эътибор хизматлар бозори фаолиятини ҳар томонлама интенсивлаштиришга, инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий этган ҳолда ривожлантиришга қаратилмоғи зарур.

[1]Тўхлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993, 13 бет.
[2] Ўлмасов А., Ваҳобов А., Иқтисодиёт назарияси. - Т.: “Шарқ” нашриёти, 2010, 90 бет.
[3]Ходиев Б.Й., Шодмонов Ш.Ш. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: “Баркамол файз медиа”, 2017, 160 бет.
[4]Қ.Ш.Мирзаев, Э.Шавқиев, Б.Жонзоқов “Инновацион иқтисодиёт” бет 89-91.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан бир қаторда, аҳолининг хизматларга бўлган талаби ортиб бормоқда. Хизматлар иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллай бошлади. Натижада хизматлар бозори иқтисодиётнинг муҳим бўғинига айланмоқда.

Замонавий иқтисодиётнинг глобал тенденцияларидан бири – кўрсатилаётган хизматларнинг кескин даражада ўсиши ҳисобланади. Давлат статистик органлари маълумотларига кўра ривожланган давлатлар ялпи миллий маҳсулотидаги хизматлар ҳиссаси ҳозирги кунда 2/3 дан 3/4 гача ташкил қилмоқда. АҚШ да хизматлар бозорида ишловчилар, умумий банд бўлганларнинг 77 фоизни ташкил этган ва башоратларга кўра, ушбу соҳа яқин йилларда янги иш жойларининг 90 фоизни таъминлаши лозим.

Ривожланган давлатларда аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида хизматларнинг ҳиссаси 50-80 фоизни ташкил этади. Республикамизда эса ушбу кўрсаткич бор – йўғи 10-15 фоизни ташкил этади, холос.

Хизматлар бозорида аксарият ҳолларда тижорат ташкилот (корхона)лар фаолият юритишади. Улар таркибига савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, туристик ва консалтинг фирмалари, хусусий тиббий муассасалар, авиакомпаниялар, банклар, маълумотларни компьютерда қайта ишлаш бюролари, юридик, суғурта, кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчи компаниялар ва бошқалар киради.

Ана шундай хизматлар бозори турлари орасида агросервис хизматлари бозори алоҳида ўринга эга. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики Республика бозорлари ичида агросервис бозори қуйидаги хусусиятларга эга:

биринчидан, ушбу бозор аграр соҳа жараёнлари, айниқса қишлоқ хўжалиги табиий ва иқтисодий омиллари билан бевосита боғланган (табиий шарт-шароитлар яхши бўлган йили агросервис бозори ҳам юқори даражада бўлади);

иккинчидан, ушбу бозор Республикадаги “тўйинмаган” бозорлар сирасига кириб, унинг истеъмолчиларининг талаби ниҳоятда юқори ва уни қониқтириш маълум бир даврни талаб этади;

учинчидан, агросервис бозори хизматлар бозори ичида янги шаклланаётган бозорлардан ҳисобланиб, у ўзига хос янгича ёндашувни, айниқса уни рақамлаштириш зарурлигини тақозо этади.

Республика ҳудудлари бўйича табиий ва моддий ресурслардан қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланиш самарадорлигини ошириш давлатимиз раҳбари ва хукуматининг доимий диққат-эътиборида бўлиб, бу йўналишда инновацион технолигиялар ва ресурстежамкор ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни ривожлантириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва тадбиркорлик субъектларининг сармояларини жалб қилишни иқтисодий рағбатлантириш мақсадида ҳар йили тегишли фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлар биринчи навбатда ҳудудий иқтисослашган инфратузилма субъектлари фаолиятини барқарор ривожлантириш, улар фаолиятини диверсификациялаш ва модернизациялаш асосида кўрсатилаётган ишлар, таъминот, хизмат турларини кенгайтириш ва логистика тизимида рақобатни шакллантириш, агросаноат мажмуаси соҳаларидаги хўжалик субъектларига, шу жумладан фермер ва деҳқон хўжаликларига ўз муддатида сифатли хизмат кўрсатишга қаратилган.

Агросервис бозорини тизимли фаолият юритиш учун унда амалга оширилаётган молиявий-иқтисодий жараёнлар ва уларга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш талаб этилади. Бундай омиллар таъсирини ўрганишда иқтисодий жараённи таҳлил қилиш ва билишнинг бир қатор усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот ишида агросервис бозорини фаолиятини самарали ташкил этишда бозор омилларини ўрганишда муҳим бўлган **SWOT** таҳлил усулидан фойдаланилди (1-жадвал). Ушбу таҳлил амалга оширилиши натижасида агросервис бозорининг кучли томонлари, заиф томонлари, имкониятлари ва хавф-хатарларини аниқлаш имкониятига эга бўлинди.

1 - жадвал

Агросервис бозори самарали фаолиятини ташкил этишнинг SWOT таҳлили

Кучли томонлари (агросервис бозори)	**Заиф томонлари (агросервис бозори)**
• агросервис субъектлари орасида мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида ЯИМни яратишда иштирок этишини кучайтириш; • агросервис корхоналарида юқори иқтисодий самара берадиган жараёнларни кенгайтириш; • Республикада агросервисни ривожлантириш бўйича меъёрий хуқуқий асосларнинг шакллантирилганлиги; • агросервисни ривожлантириш Республика иқтисодиётининг ривожи билан боғлиқ “Тараққиёт стратегияси” га мос холда ривожлантириш имкониятининг тизимли ташкил этилганлиги; • агросервисни ривожлантириш орқали соҳага сарфланадиган харажатларни камайтириш ҳамда мехнат унумдорлигини ошириш имкониятининг мавжудлиги; • маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланиш асосида агросервис хизматларини амалга ошириш имкониятининг юқорилиги; • доимий ўзгариб турадиган бозорда агросервис корхоналар фаолиятини тартибга солиш жуда осон ва арзон кечиши.	• агросервис фаолият турини кенгайтириш учун Республикада молиявий ресурсларнинг чекланганлиги; • агросервис хизматларини ривожлантириш табиий шарт-шароитлар ва иқлим ўзгаришларига боғлиқлиги; • агросервис жараёнини амалга оширишда аграр соҳанинг мехнатни ташкил этишда мавсумийликка бевосита боғланганлиги; • агросервис хизматларини амалга оширишда меҳнат жараёнинг кам механизациялашганлиги; • аграр соҳада кўпгина тармоқ ва соҳаларда яратилган маҳсулотларнинг асосий қисми, қўл меҳнати ёрдамида ярати-лишининг агросервисни амалга оширишда муаммоларни юзага келтириши; • агросервисдан олинадиган даромаддаги бизнес-жараён занжирининг анча қисқалиги; • агросервисни ривожлантиришнинг субъектив омилларга боғлиқлиги.
Имкониятлари (агросервис бозори)	**Хавф-хатарлари (агросервис бозори)**
• агросервис бозори ресурсларини ишлаб чиқариш мақсадларида бирлаштиради; • агросервисда қарорларни қабул қилишда катта эркинлик мавжудлиги; • агросервис фаолиятини амалга оширишда соҳада ишловчи оила аъзоларининг ижодий ва интеллектуал қобилиятлари билан иштирок этиш имкониятининг мавжудлиги; • агросервис бозорида мулк ва маблағлар ҳисобидан, хизмат кўрсатишни кенгайтириш имкониятининг борлиги; • агросервис тизимида ишловчи ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига кредитларни олишда бирмунча афзалликларга эгалиги; • агросервисни ривожлантириш бўйича хукумат дастурларига киритилганлиги ва шу асосда хизматлар соҳасини янада ривожлантириш мумкинлиги;	• янги рақобатчи корхоналарнинг пайдо бўлиши; • корхонанинг банкрот бўлиб қолиши; • турли кутилмаган ўзгаришлар ва фавқулотда ҳолатларнинг пайдо бўлиши; • агросервис бозорида турли низоларнинг пайдо бўлиши натижасида бизнеснинг барбод бўлиш эҳтимолининг мавжудлиги; • агросервисни ривожлантириш табиат инжиқликларига боғлиқлиги; • агросервис соҳасини рақамлаштиришда замонавий кадрларнинг етишмаслиги.

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, агросервис бозорини биз кучли деб ҳисоблаган томонларга асосланган омиллар (агросервис субъектлари орасида мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида ЯИМни яратишда иштирок этишини кучайтириш, агросервис корхоналарида юқори иқтисодий самара берадиган жараёнларни кенгайтириш, Республикада агросервисни ривожлантириш бўйича меъёрий хуқуқий асосларнинг шакллантирилганлиги ва хокозо) дан иборат бўлса, унинг заиф (агросервис фаолият турини кенгайтириш учун Республикада молиявий ресурсларнинг чекланганлиги, агросервис хизматларини ривожлантириш табиий шарт-шароитлар ва иқлим ўзгаришларига боғлиқлиги, агросервис жараёнини амалга оширишда аграр соҳанинг мехнатни ташкил этишда мавсумийликка бевосита боғланганлиги ва ҳокозо) томонларини ифодаловчи

омиллармазкур бозор рейтингига салбий таъсир кўрсатиши ифодаланган. Шу билан бирга агросервис бозорининг келгуси тараққиётини белгилаб берувчи омиллар (агросервис бозори ресурсларини ишлаб чиқариш мақсадларида бирлаштириши, мулк ва маблағлар ҳисобидан хизмат кўрсатишни кенгайтириш имкониятининг борлиги ва ббошқалар), ҳамда ушбу бозорнинг келгуси тараққиётига тўсиқ бўлувчи хавф-хатар омиллари (янги рақобатчи корхоналарнинг пайдо бўлиши, корхонанинг банкрот бўлиб қолиши, турли кутилмаган ўзгаришлар ва фавқулотда ҳолатларнинг пайдо бўлиши, агросервисни ривожлантириш табиат инжиқликларига боғлиқлиги ва бошқалар)каби жихатларга кўпроқ аҳамият бериш соҳа самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб агросервис бозори (АСБ) ни Республикамизда ривожлантириш асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

биринчидан, агросервис бозорини алоҳида хизматлар соҳасининг бозори сифатида мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини белгилаб бериш;

иккинчидан, агросервис бозорини ўсиб бораётган талаб асосида унга мос агросервис хизматларига бўлган таклифнинг мувозанатини шакллантириш;

учинчидан, агросервис бозорини Ўзбекистон Республикасининг “тараққиёт стратегияси” талабларидан келиб чиққан ҳолда унинг бозор сегментларини такомиллаштириш;

тўртинчидан, агросервис бозори келгуси тараққиётини мавжуд ички имкониятларини чуқур таҳлил этиш асосида мавжуд ресурс ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда белгилаб олиш;

бешинчидан, Республика агросервис бозорини жаҳон агросервис бозори билан интеграциясини тизимли амалга оширишни йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Кепбелл.Р.Макконелл, Стенли Л. Брю. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Том 1.- Таллинн: 1993, стр.77
2.Тўхлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993, 13 бет.
3.Ўлмасов А., Ваҳобов А., Иқтисодиёт назарияси. - Т.: “Шарқ” нашриёти, 2010, 90 бет.
4.Ходиев Б.Й., Шодмонов Ш.Ш. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: “Баркамол файз медиа”, 2017, 160 бет.
5.Қ.Ш.Мирзаев, Э.Шавқиев, Б.Жонзоқов “Инновацион иқтисодиёт” бет 89-91.

А.Шералиев	**A.Sheraliev**
Основные направления формирования агросервисного рынка в Республике Узбекистан	**The main directions of the formation of the agricultural service market in the Republic of Uzbekistan**
Аннотация: В данной статье научно обоснованы потребность и организационно-экономическая структура агросервисного рынка, а также основные направления его развития.	**Abstract:** This article scientifically substantiates the need, organizational and economic structure of the agroservice market and the main directions of its development
Ключевые слова: агросервисный рынок, сегменты рынка, спрос и предложение в агросервисе, конкурентная среда, цена.	**Keywords:** agroservice market, market segments, supply and demand in agroservice, competitive environment, price.

Гулноза Шукрулло қизи Болбекова – СамИСИ Иқтисодий таҳлил ва статистика кафедраси 2-курс MQB-121-гуруҳ магистранти.

САНОАТДА МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ ДИЭЛЕКТРИК ЎТКАЗУВЧАНЛИК САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация: ушбу мақолада саноат корхоналарида мева ва сабзавотларнинг диэлектрик ўтказувчанлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари ёритилган. Комплекс диэлектрик ўтказувчанлик характерланиб, экспериментал методикаси ва ишлатиладиган асбоб-ускуналар берилган. Шунингдек, тажриба жараёнида ҳисоблаш методикаси ва меваларнинг (ўрик, олма, олхўри) ва сабзавотларнинг (сабзи, картошка, лавлаги ва пиёз) турли ўлчамдаги тўла ва кесилган турлари диэлектрик хусусиятларининг натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: диэлектриклар, диэлектрик хусусиятлар, микротўлқинли қиздириш, частота диапазони, микротўлқинли майдоннинг кириш чуқурлиги, резонанс, тўлқин ўтказгич, эркин ва секин тўлқинлар усули.

Кириш. Маълумки, жаҳон миқёсида инсоннинг кундалик овқатланиши рационида табиий витаминлар, микро ва макро элементларга бой бўлган мева-сабзавотлар, жумладан, қуритилган олма ва олхўри, картошка ва сабзини ва унинг қайта ишланган маҳсулотларини замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқариш, бунда табиий компонентларни максимал сақлаб қолиш, шунингдек, маҳсулотларнинг истеъмолбоп сифатларини яхшилаш, уларнинг озуқавий хавфсизлиги ва биологик қийматини ошириш, сифатли мева ва сабзавотлар шарбатини олиш технологияларини ишлаб чиқиш йўналишларида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги хом-ашёларини қайта ишлаш технологик жараёнларини такомиллаштириш ва янгиларини яратиш бўйича муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси «қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш»[2] вазифалари белгилаб берилган. Бу борада табиий компонентлари юқори даражада сақланган витамин, углевод, минерал моддаларга бой мева-сабзавотлардан шарбат олиш, қуритиш ва экспортбоп қилиб қадоқлашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Мева ва сабзавотларни электр энергияси таъсирида қайта ишловида уларнинг электрофизикавий хусусиятларини билиш муҳим ҳисобланади. Чунки, мева-сабзавотларни электрофизикавий қайта ишловида (электоплазмолиз, электрофлотация, ЎЮЧ ва КН электромагнит майдонда қиздириш ва ҳ.к) жараёнлар механизмини билиш, электр жиҳозларни лойиҳалашда, конструкциясини яратишда, уларнинг транспортли органларини ҳаракат тезлигини аниқлашда, мева-сабзавотларнинг қайта ишловидаги режимларини ҳисоблаш учун зарурдир. Маҳсулотларнинг электрофизикавий хусусиятларининг асосийларидан бири, бу уларнинг диэлектрик ўтказувчанлиги ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Саноатда мева ва сабзавотларни қайта ишлашнинг диэлектрик ўтказувчанлик самарадорлигини ошириш борасида МДҲ ва хорижий мамлакатлар олимлари анча тадқиқотларни олиб борганлар. Булар жумласига И.А. Рогов, А.В. Горбатов[1], Ф. Эли[2], О.П. Гудкин[3], Б.И. Герасимов, Н.В. Злобина, С.П. Спридонова[4]кабиларни киритиш мумкин. Мамлакатимиз олимлари ҳам ушбу муаммодан четда қолган эмаслар. Булар жумласига И.Т. Абдукаримов, М.Қ. Пардаев[5], О.Э. Эрназаров[6], Ж.М. Курбанов, А.М. Остапенков[7] кабиларни киритиш мумкин. Уларнинг асарларида мева ва сабзавотларни қайта ишлашнинг диэлектрик ўтказувчанлик самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларнинг ечимлари ўз ифодасини топган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, макон ва замон, тизимли ёндашув каби услублардан, натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлганда молиявий-иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларидан, улар ўртасидаги боғлиқлик стахостик бўлганда иқтисодий-математик ва статистик усуллардан ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги вақтда мева ва сабзавотларни диэлектрик ўтказувчанлигини ўта юқори частотали (ЎЮЧ) диапазонда, турли методлар билан экспериментал аниқлаш мумкин. Бу методлар танланиши маҳсулотнинг таркибига, температурага ва қайси частотали диапазонда ўлчашга боғлиқ.

Вазифаларнинг турли-туманлигидан диэлектрик хусусиятлар кўрсаткичларининг уни-

[1] Рогов И.А., Горбатов А.В. Физические методы обработки пищевых продуктов. – М.,Пищевая прмышленность. 1974.
[2] Эли Ф. Диэлектрические измерения. Москва. 1967 г. Изд. «Атомиздат». 340 с.
[3] Гуткин О.П. Всеобщее управления качеством: Учебник для вузов.-М.: Радио и связ, 1999.
[4] Герасимов Б.И., Злобина Н.В., Спридонова С.П. Управления качеством: Учебное пособие. – М.:Кнорус, 2005.
[5] Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К. Анализ показателей эффективности труда в кооперативной торговле. – М.: Экономика, 1978. – 78 с.
[6] Эрназаров О.Э. Инновациялар асосида саноат корхоналари самарадорлигини ошириш. Диссертация. – Т.: ТДТУ, 2021.
[7] Курбанов Ж.М., Остапенков А.М. Определение длины волноводной камеры в зависимости от влагосодержания продукта. /Журн. А.Н. МССР. Электронная обработка материалов №6. 1986. с.55-56.

версал ўлчаш методикаси йўқ. Диэлектрик хусусиятларни ўлчаш методлари қуйидаги асосий кўрсаткичлар билан фарқ қилади: частота диапазони, диэлектрик ўтказувчанликни ўлчаш чегараси ва нурни ютиш тангенс бурчаги, бу катталикларни ўлчаш аниқлиги, қўлланилаётган намуна материалининг миқдори, тажриба ўтказиш температура интервали, маҳсулотларнинг қаттиқ, суюқ, газ ҳолатида ҳам методнинг ўлчаш яроқлилиги, намуна тайёрлашнинг мураккаблиги, асбобнинг нархи, тажрибанинг қулайлиги ва ҳисоблашнинг мураккаблиги. Ҳозирги вактда ЎЮЧ диапазонида умумий қабул қилинган методларига: резонансли, тўлқинли, узатгичли, озод тўлқин методи ва секин тўлқинларга асосланган методлар киради.

Маълумки, маҳсулотнинг ўтказувчанлик комплекси ε^*диэлектрик ўтказувчанлиги билан тавсифланади ва диэлектрик (маҳсулотлар)нинг диэлектрик хусусиятини унинг ток ўтказувчанлиги характерлайди.

Диэлектрикда (ҳамма мева-сабзавотлар диэлектрик ҳисобланади) бўладиган комплекс текисликда ε^* комплекс диэлектрик хусусиятиε' ҳақиқий вектор билан тавсифланади ва поляризацион жараёнлар билан характерланади ва улар “аралаш” токлар ва унинг “минимум” кисми ўтказувчи ток билан тавсифланади [3]. Бундаги электромагнит майдон (ЭММ) нинг электрик қисми таъсирида минимал қисми диэлектрикнинг таъсирини англатади ва $\varepsilon'' = \frac{\sigma}{\vartheta}$ билан белгиланади. Уларни тангенс бурчак билан ҳам тавсифлаш мумкин: $tg\delta = \frac{\varepsilon''}{\varepsilon'} = \frac{\sigma}{\vartheta} \cdot \frac{1}{\varepsilon'}$. $tg\delta$ бурчак қанча катта бўлса, энергиянинг катта қисми диэлектрик таъсирига (қиздиришга, клеткасини бузишга, шарбатини чиқаришга ва ҳ.к) сарфланади. (Расм.1.)



1-Расм. Комплекс диэлектрик ўтказувчанлик $tg\delta$ бурчагини аниқлаш

Комплекс диэлектрик ўтказувчанлик ва унинг таркибий қисми ε' ва ε'' катта даражада таъсир этувчи майдон частотаси, температура ва бошқа физик-механик хусусиятларга боғлиқ бўлади.

Бизлар “қисқа туташув” методи билан мева-сабзавотларнинг диэлектрик ўтказувчанлигини махсус қурилмада ўлчадик. Мева-сабзавотлар диэлектрик ўтказувчанлигини аниқлаш қурилмасининг блок схемаси 2-расмда келтирилган.

Г – ЎЮЧ генератор ўлчагич; Ф – ферритли вентил; НО – йўналтирилган ростлагич; ДГ – детекторли головка; О – оциллограф; Н – изланадиган диэлектрик тўлқин узатгич бўлаги (юклама); АТТ – ўзгарувчан аттенюатор; ИЛ – ўлчаш чизиғи; РП – регистрацияловчи асбоб (микроамперметр М-95 ёки ўлчагич кучайтиргич У2-4); ВИ – тўлқин узатгич бурилиши.



2-Расм. Мева-сабзавотлар диэлектрик ўтказувчанлигини аниқлаш қурилмасининг блок схемаси

Диэлектрик ўтказувчанликни ўлчовчи қурилмада ЎЮЧ сигналини ўлчаш манбаи бўлган Г генератор мавжуд. Генераторнинг стабил ишлаши учун юкламадан электромагнит

тўлқинларини қайтарувчи таъсирини бартараф этиш учун ферритли вентилдан фойдаланилади. Йўналтирилган вентил НО ЎЮЧ энергиянинг бир қисмини қайтариб юбориш учун хизмат қилади. Ундан детектор бош ДТ орқали О оцилографга жўнатади. О оцилограф генератордан бериладиган қувват даражасини бир текисда таъминлаш индикатори бўлиб хизмат қилади.

Бошқариладиган аттенюатор АТТ генератор қувватидан қатъи назар, қувватни ўзгартириш имкониятини беради. Ўлчаш линияси ИЛ қурилманинг асосий элементи ҳисобланиб, тўлқин ўтказгичдаги тўлқин узунлиги, турғун тўлқин коэффициентини Р, минимум электр майдонини D_R. силжиши билан ўлчаш учун қўлланилади.

Мева ва сабзавотларнинг диэлектрик хусусиятларини (ўтказувчанлигини) аниқлаш қуйидаги тажриба усули бўйича амалга оширилади:

1. Қурилмани ишлашга тайёрлашда тажрибаларни ўтказиш учун ГЗ-10А ЎЮЧ генератори ва М95 микроамперметри ва ташқи штангаси ёқилади (2-расм).

2. Тўлқин ўтказгичнинг эгилган қисмига диэлектрик (маҳсулот) билан тўлдирилмаган қисқа циркуляр қисми уланади.

3. Генераторни қиздиргандан сўнг, тўлқин ўтказгич чизиғи детекторининг ҳолатини ўзгартириш орқали ўтказгич ичидаги турган тўлқин минимумининг ихтиёрий йўналтирувчи текисликка нисбатан ҳолати (D_R) топилади.

4. Турган тўлқиннинг туташ минимуми орасидаги масофани ўлчаб, тўлқин ўтказгичдаги тўлқин узунлигининг ($\lambda_в$), олинган масофанинг икки марта қийматига тенг қилиб ҳисобланади.

5. Тўлқин ўтказгичнинг қисқа туташув қисми ўрганилаётган мева-сабзавот маҳсулоти билан диэлектрикнинг тўлқин ўтказгич четларига бемалол сиғадиган тарзда тўлдирилади. Бунинг учун олдиндан маълум бир тўртбурчаклар шаклига маҳсулотни кесиб, тартиб билан тўлқин ўтказгичга жойлаштирилади.

6. Турган тўлқин минимумининг D_1 га мос ёзувлар текислигига нисбатан ҳолати ўлчанади.

7. Турган тўлқин туриш коэфициенти $\rho_1 = (\frac{I_{max}}{I_{min}})^{-\frac{1}{2}}$ ўлчанади.

Бунда, I_{max} –турган тўлқин максимумидаги микроамперметр кўрсатиши

I_{min} – турган тўлқин минимуми.

8. Шунга ўхшаш ўлчанаётган маҳсулотнинг бошқа l_2 қалинлигининг D_2 ва ρ_2 катталиклари аниқланади.

9. Шундан сўнг олинганлар ёрдамида $\beta = 2\,\pi/\lambda_в$ катталиги ҳисобланади.

10. Аниқланадиган D_1 ва ρ_1 катталикларини қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисоблаймиз:

$$\varphi_1 = 2\,\beta\,(D_1 - D_R - l_1) \quad и \quad |\Gamma_1| = \frac{\rho_2 - 1}{\rho_1 - 1}.$$

11. Комплекс сон қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$C_1 < -\psi_1 = \frac{1}{j\rho l}\,(\frac{1-|\Gamma_1|e^{j\varphi_1}}{1+|\Gamma_1|e^{j\varphi_1}}).$$

12. $C_1 < -\psi = \frac{th\,(T_1<\tau_1)}{T_1<\tau_1}$ тенгламани T_1ва τ_1 га нисбатан ечими топилади.

13. Худди шундай бир нечта комплекс сонлар ҳисобланади:

$$y_{1.} = \left(\frac{T}{\beta l_1}\right)^2 [\cos 2\,(\tau_1 - 90^0) + \; j \sin 2\,(\tau_1 - 90^0)]$$

14. Худди шундай l_2 қалинликдаги диэлектрик учун ҳисобланади:

$$\varphi_2 = 2\,\beta\,(D_2 - D_R - l_2) \quad и \quad |\Gamma_2| = \frac{\rho_2 - 1}{\rho_2 + 1}.$$

15. Иккинчи комплекс C_2 сони ҳисобланади:

$$C_2 < -\psi_2 == \frac{1}{j\beta l}\,(\frac{1-|\Gamma_2|e^{j\varphi_2}}{1+|\Gamma_2|e^{j\varphi_2}})$$ ва қуйидаги тенгламани ечими топилади

$$C_2 < -\varphi_2 = \frac{th\,(T_2<\tau_2)}{T_2<\tau_2}.$$

16. Шу тарзда бир нечта комплекс сонлар топилади:

$$y_2 = \left(\frac{T_2}{\beta l_2}\right)^2 [\cos 2\,(\tau_2 - 90^0) + \; j \sin 2\,(\tau_2 - 90^0)].$$

17. Энди топилган y га мос қуйидаги формулалар ёрдамида ε' ; ε'' ; $tg\delta$ ҳисобланади:

$$y = g + j\beta \;; \quad \varepsilon' = \frac{g + \left(\frac{\lambda_в}{2\,a}\right)^2}{1 + \left(\frac{\lambda_в}{2\,a}\right)^2} ; \varepsilon'' = \frac{B}{1 + \left(\frac{\lambda_в}{2\,a}\right)^2} ; \; tg\delta = \frac{\varepsilon''}{\varepsilon'},$$

бунда, a – тўлқин ўтказгичнинг кенг девори узунлиги ҳисобланади.

Мева ва сабзавотлар диэлектрик хусусияти (ўтказувчанлиги) экспериментал тадқиқоти, юқорида келтирилган методика бўйича олиниб ва ҳисобланиб, олинган натижалар жадвалга киритилди:

1-жадвал

Мева ва сабзавотларнинг диэлектрик ўтказувчанлиги

Т/р	Мева-сабзавотлар номи	Шарбат миқдори ,%	Диэлектрик ўтказувчанлик $f = 2300$ мГц $t = 20^0$С		
			ε'	ε''	$tg\delta$
1.	Олма: -Симиренко -Аппорт	 85,8 78,4	 60,2 59,6	 16,1 14,9	 0,26 0,25
2.	Ўрик: - данаги ва пўсти билан диаметри 24 мм - данаги ва пўсти билан диаметри 26 мм -нимталанган $\delta = 15$ мм данаги билан -нимталанган данаксиз	 80,5 80,5 80,5 80,5	 63,7 62,5 64,1 64,4	 17,1 17,8 18,2 18,3	 0,28 0,28 0,29 0,29
3.	Олхўри: - данаги ва пўсти билан диаметри 34 мм - данаги ва пўсти билан, диаметри 30 мм -нимталанган$\delta =$ 18мм, данаги билан -нимталанган данаксиз $\delta =$16 мм,	 80,0 80,0 80,0 80,0	 61,4 61,1 62,3 61,8	 16,8 16,7 16,9 16,7	 0,27 0,26 0, 26 0,26
4.	Сабзи қаламча кесилган	75,5	56,7	15,4	0,27
5.	Картошка: брусочка кубик- 15 мм картошка пўсти билан диаметри 40 мм картошка пўсти билан диаметри 15 мм	 81,0 81,0 81,0	 59,6 59,3 56,7	 15,8 15,6 14,7	 0,26 0,27 0,27
6.	Лавлаги: қаламча лавлаги диаметри 60 мм 80 мм	 84,5 84,5	 57,1 57,9	 14,9 15,2	 0,26 0,25
7.	Бош пиёз Ярим ҳалқа	 89,4	 53,8	 14,3	 0,28

Жадвалдан маълумки, мева ва сабзавотларнинг диэлектрик ўтказувчанлиги турлича бўлар экан. Уларнинг қиймати асосан мева ва сабзавотларнинг таркибий шарбати (сув) миқдорига боғлиқ. Шунингдек, уларнинг таркибий қисмларининг ҳам таъсири мавжуд. Мева-сабзавотларнинг катталиги ўзгариши уларнинг қийматига таъсир этади, лекин турли шакл бериб кесилиши ўзгармайди. Умуман олганда, турли ҳисобларда мева ва сабзавотлар диэлектрик ўтказувчанлиги сонининг ўртача қийматини қўллаш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Мева ва сабзавотлар диэлектрик ўтказувчанлиги уларнинг турлари, намлик миқдори, ЎЮЧ ва ЭММ частотасига боғлиқ равишда ўзгаради. Мева ва сабзавотларнинг катталиги ўзгариши уларнинг қийматига таъсир этади, лекин турли шаклда бўлиши диэлектрик ўтказувчанлигини ўзгартирмайди. Техникавий ҳисобларда уларнинг ўртача қийматини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса натижасида қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

- Саноатда самарадорликни оширишда диэлектрик ўтказувчанлик ва унинг таркибий қисмларини тўғри танлаш;
- Мева ва сабзавотлар диэлектрик хусусияти (ўтказувчанлиги)ни экспериментал тадқиқотида мавжуд омилларни аниқ танлаш;
- Самарадорликни ошириш учун мева ва сабзавотлар диэлектрик ўтказувчанликни баҳолаш ва хулосавий таҳлилий жараёнларни оптимал амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Зарафшон “ газетаси. 2020 йил 25 январь.10-11-сон, 4- саҳифа.
2. Курбанов Ж.М., Ходжаева У.Р. Электрофизические методы воздействия на продукты питания сервисных предприятий, монография. “Iqtisod-moliya”. Ташкент, 2012, 159 с.4.
3. Рогов И.А., Горбатов А.В. Физические методы обработки пищевых продуктов. – М.,Пищевая прмышленность. 1974. 583 с.
4. Эли Ф. Диэлектрические измерения. Москва. 1967 г. Изд. «Атомиздат». 340 с.
5. Рогов И.А., Некрутман С.В., Лысов Г.Г. Техника сверхвысотного нагрева пищевых продуктов. М.: Легкая промышленность. 1981.-197 с.
6. Курбанов Ж.М., Остапенков А.М. Определение длины волноводной камеры в зависимости от влагосодержания продукта. /Журн. А.Н. МССР. Электронная обработка материалов №6. 1986. с.55-56.

Г.Болбекова

Эффективность диэлектрической проводимости промышленной переработки фруктов и овощей

Аннотация: в данной статье описаны результаты исследования по определению диэлектрической проводимости овощей и фруктов на промышленных предприятиях. Охарактеризована комплексная диэлектрическая проводимость, приведены экспериментальная методика и используемое оборудование. Представлены методика расчета в экспериментальном процессе и результаты диэлектрических свойств фруктов (абрикосов, яблок, слив) и овощей (моркови, картофеля, свеклы и лука) разного размера.

Ключевые слова: диэлектрики, диэлектрические свойства, СВЧ-нагрев, диапазон частот, глубина проникновения СВЧ-поля, резонанс, волновод, метод свободных и медленных волн.

G.Bolbekova

Dielectric conductivity efficiency of industrial processing of fruits and vegetables

Abstract: this article describes the results of a study on the determination of the dielectric conductivity of fruits and vegetables at industrial enterprises. Complex dielectric conductivity is characterized, experimental methodology and used equipment are given. Calculation methodology in the experimental process and the results of the dielectric properties of fruits (apricots, apples, plums) and vegetables (carrots, potatoes, beets and onions) of different sizes are presented.

Keywords: dielectrics, dielectric properties, microwave heating, frequency range, microwave field penetration depth, resonance, waveguide, free and slow wave method.

МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ

Даврон Рафеев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, и.ф.н.

МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИ - КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ИСЛОҲОТЛАРИ АСОСИЙ МЕЗОНИ

Аннотация: мақолада маҳаллабай ишлаш тизими, камбағалликни қисқартириш бўйича ислоҳотларнинг бош мезони эканлиги, уни иқтисодий ҳолат сифатидаги тавсифи ва таҳлили ёритиб берилган.
Калит сўзлар: маҳаллабай ишлаш тизими, маҳалла, камбағаллик, хатлов, аҳолига бериладиган кўмак ва ёрдам, даромад, кредит, субсидия, ўсиш нуқталари (драйвер), ижара, ўқитиш, тадбиркорлик, ҳоким ёрдамчилари.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, аҳолини янги иш ўринлари, кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш орқали камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг “Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш” 6-устувор йўналишида ҳам мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш алоҳида (85-мақсад) белгиланган.[1]

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда камбағал аҳоли мавжудлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида биринчи марта расман қайд этилди. Мурожаатномада “Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир. Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим”[2] деб таъкидланди.

Шу сабабли мамлакатимизда кам таъминланган ва эҳтиёжманд аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларни тадқиқ қилиш ва ўрганиш бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Сир эмас, юртимизда камбағаллик кўп йиллар давомида “ёпиқ мавзу” бўлиб келди. Бу категориянинг ўрнига дардимизни хаспўшлаш учун “кам таъминланганлик”, “эҳтиёжмандлик” деган тушунчалардан фойдаландик. Оқибатда камбағаллик исканжаси ҳақиқатда камайиб қолмади ва остонамиздан бутунлай йўқ бўлиб кетмади.

Халқ билан мулоқотнинг бугунгидай самарали тизими ҳақиқий аҳволни кўзгудагидай намоён этди. Одамларнинг аслида қандай ҳаёт кечираётгани, уларнинг энг оғриқли нуқталари ошкор бўлиб қолди.

Ҳозирги кунда ҳудудларимизда, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолининг аксарият қисми

---

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда имзоланган "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлар миллий базаси https://lex.uz/uz/docs/5841063.

2Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://uza.uz/oz/politics/.

етарли даромад манбаига эга эмас. Дунёнинг бошқа мамлакатларидаги сингари бизда ҳам камбағал қатлам мавжуд. Улар тахминан 12 - 15 фоизни ташкил этиши ҳам рост.[1]

Ушбу жараён инобатга олиниб, мамлакатда аҳолининг бандлиги ва яшаш шароити бўйича таркибий тузилиши, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, аҳолини янги иш ўринлари, кафолатли даромад манбаи ва муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш бўйича жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида ахборотларга асосланган мантиқий таҳлил усуллари қўлланилди. Бунда билиш назариясининг макон ва замон, таҳлил ва синтез каби услубларидан ва ёндашувларидан ҳам фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Камбағаллик – ҳар бир шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг яшаши, меҳнат қобилиятини сақлаши, авлодни давом эттириши учун зарур бўлган минимал эҳтиёжлар маълум доирасини қаноатлантирмайдиган иқтисодий ҳолатнинг тавсифидир.

У оилани боқиш ва кийинтириш, мактабда ўқиш ёки касалхонада даволаниш, ўз ерида истеъмол маҳсулотларини етиштириш ёки яшашга имкон берадиган даромад топадиган ишга эга бўлиш, шунингдек, кредитларни олиш ҳуқуқи имкониятларининг йўқлигида намоён бўлади.[2]

Жорий пайтда камбағаллик вақтинчалик ва сурункали (доимий узоқ вақт такрор давом этадиган) камбағаллик билан фарқланади.

Иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий нуқтаи назардан энг хавфли камбағаллик шакли сурункали камбағаллик ҳисобланади. Бу ҳолда жамиятнинг маълум гуруҳларида ёки алоҳида минтақаларда камбағаллик кўпайиши чекланган вазият тизимли равишда тасвирланади, яъни, одамларнинг бир неча авлоди қачонлардир камбағалликни келтириб чиқарган омиллар ва сабабларни енгишга қодир бўлмайдилар.

Вақтинчалик камбағаллик – оила турмуш даврининг маълум босқичлари билан ёки мавсумий тебранишлар билан ёхуд фавқулодда ҳолатлар билан боғлиқ, қайтар ҳолатдир. Вақтинчалик камбағалликнинг намоён бўлиши нисбатан кам ижтимоий хавфлидир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бутун дунёда ва жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам пандемия даврида вақтинчалик камбағалликнинг кўпайиши содир бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг бу борада изчил амалга ошираётган сиёсатини ҳукумат таркибида Бош вазирнинг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимини киритилиши ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, хусусан, ушбу вазирлик ҳузурида Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилишида янада яққол кўриш ҳамда мазкур масаланинг нақадар долзарблигини англаш мумкин.

Ушбу ислоҳотлар, хусусан, маҳалаббай ишлаш тизими республикада илк бор, Самарқанд вилоятида *(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 майдаги “Самарқанд вилоятида эксперимент тариқасида маҳаллабай ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5105-сонли Қарори)* 2021 май ойида Ургут, Булунғур ҳамда Пастдарғом туманларида, июль ойида *(Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги “Маҳаллабай ишлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 398-сонли Қарори)* қолган шаҳар ва туманларда *(Маҳаллабай ишлаш марказлари орқали)* ташкил этилган.

Ушбу тизим орқали дастлаб Самарқанд вилоятидаги маҳаллаларнинг ҳар 3 тасида бир нафардан маҳаллабай ишлаш инспекторлари фаолияти йўлга қўйилиб, қишлоқ жойларида ишсизлик даражаси юқори ва оғир маҳаллалар билан ишлаш орқали ижобий натижаларга эришилди. Ушбу тажриба ва ижобий натижалар инобатга олиниб, маҳаллабай ишлаш тизимини ривожлантиришнинг муҳим локомотиви сифатида 2022 йил январь ойидан (ПФ-29//03.12.2022) республиканинг барча маҳаллаларида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари лавозими таъсис этилди.

---

[1] Шерзод Мустафокулов, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Университет 3.0» халқаро ўқув, илмий-инновацион тадқиқотлар маркази директори, иқтисодиёт фанлари докторининг 2020 йил https://xs.uz/uzkr/post/kambagallik-ajb-emas-biroq.

[2] Руководство по измерению бедности. ЕЭК, ООН, Нью-Йорк-Женева, 2017 г. с.4

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳоким ёрдамчиларига берилган ваколат ва ҳуқуқлар доирасида маҳаллабай ишлаш тизими орқали аҳолига бериладиган кўмак ва ёрдам *(ижарага ер бериш, кредит, субсидия, касбга ва тадбиркорликка ўқитиш, доимий ва мавсумий ишга жойлаштириш, ўз-ўзини банд қилиш орқали норасмий сектордаги фуқаролар фаолиятини қонунийлаштириш ва бошқалар)* ҳар бир маҳалла аҳолиси, айниқса, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи ўзгариши, бандлиги таъминланиши ва муқим даромадга эга бўлишида кенг имкониятлар яратмоқда.

Жумладан, ҳоким ёрдамчилари томонидан дастлаб, ҳар бир маҳалла хонадонларида ўтказилган хатловларда аҳолини қийнаётган муаммолар, хонадон тоифалари ҳамда аҳоли даромадларини ошириш учун фойдаланаётган «ўсиш нуқталари» ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашуви ўрганиб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал

Самарқанд вилоятида ҳоким ёрдамчилари томонидан ўтказилган хатлов натижалари [1]

№	Туман	Маҳал-лалар сони	Ўрга-нилган хона-донлар сони	Хонадоннинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи							
				биринчи тоифа		*иккинчи тоифа*		*учинчи тоифа*		*тўртинчи тоифа*	
				сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
1	Самарқанд ш.	215	119 892	11 612	9,7	42 638	35,6	7 962	6,6	57 680	48,1
2	Каттақўрғон ш.	36	19 057	2 414	12,7	7 692	40,4	1 108	5,8	7 843	41,2
3	Булунғур т.	55	32 687	6 507	19,9	8 342	25,5	2 387	7,3	15 451	47,3
4	Жомбой т.	38	33 325	4 383	13,2	11 198	33,6	2 830	8,5	14 914	44,8
5	Иштихон т.	62	44 445	9 826	22,1	9 306	20,9	3 130	7,0	22 183	49,9
6	Каттақўрғон т.	69	52 775	9 476	18,0	15 463	29,3	3 589	6,8	24 247	45,9
7	Нарпай т.	57	38 614	8 150	21,1	11 540	29,9	2 722	7,0	16 202	42,0
8	Нуробод т.	39	29 994	5 151	17,2	11 784	39,3	1 866	6,2	11 193	37,3
9	Оқдарё т.	35	32 304	4 471	13,8	7 811	24,2	4 323	13,4	15 699	48,6
10	Пастдарғом т.	107	66 894	9 142	13,7	22 997	34,4	5 596	8,4	29 159	43,6
11	Пахтачи т.	59	32 569	5 914	18,2	10 498	32,2	2 610	8,0	13 547	41,6
12	Пайариқ т.	65	48 147	9 914	20,6	12 402	25,8	5 100	10,6	20 731	43,1
13	Самарқанд т.	74	47 486	7 598	16,0	18 740	39,5	3 491	7,4	17 657	37,2
14	Тайлоқ т.	50	36 575	7 672	21,0	10 898	29,8	3 426	9,4	14 579	39,9
15	Ургут т.	120	83 403	13 881	16,6	27 188	32,6	7 634	9,2	34 700	41,6
16	Қўшработ т.	45	21 856	3 698	16,9	7 110	32,5	1 482	6,8	9 566	43,8
	Жами:	**1 126**	**740 023**	**119 809**	**16,2**	**235 607**	**31,8**	**59 256**	**8,0**	**325 351**	**44,0**

Самарқанд вилоятида 2022 йилнинг 9 ойида 1126 нафар ҳоким ёрдамчилари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 740 мингдан ортиқ хонадонлар хатловдан ўтказилган. Уларнинг:

- 119,8 минг таси (16,2 %) **биринчи тоифа** *(даромади кам, ишсиз аъзолари бўлган, ўз ишини бошлашга қизиқиши катта, шунингдек даромад топишга, касб ўрганишга ҳаракат қилаётган)* **эҳтиёжманд (оғир) хонадонлар;**

- 235,6 минг таси (31,8 %) **иккинчи тоифа** *(доимий даромадга эга, қўшимча даромад топиш истаги бор)* **ўрта хонадонлар;**

- 59,3 минг таси (8,0 %) **учинчи тоифа** *(ногиронлиги бор ва касал аъзолари бўлган,боқувчисини йўқотган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонлар))* **эҳтиёжманд (оғир) хонадонлар;**

- 325,4 минг таси (44 %) **тўртинчи тоифа** *(иқтисодий аҳволи яхши ва ўзига тўқ хонадонлар)* **намунали хонадонлар** эканлиги аниқланган.

Шунингдек, аҳоли хонадонларида ўтказилган хатлов жараёнида вилоятдаги 1 126 та маҳаллаларнинг 298 таси чорвачилик ва паррандачилик, 331 таси савдо ва хизмат, 264 таси

[1] Маҳаллабай ишлаш маркази ва маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини ўзаро боғлиқ ҳолда рақамлаштиришни назарда тутувчи online-mahalla.uz электрон платформаси маълумотлари.

деҳқончилик ва иссиқхона, 123 таси боғдорчилик, 34 таси кичик ишлаб чиқариш, 10 таси ҳунармандчилик ва 66 таси бошқа йўналишларда маҳаллаларда аҳоли даромадларини ошириш учун фойдаланаётган «ўсиш нуқталари» ва тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашув эканлиги аниқланган.[1]

Маҳаллаларнинг ўсиш нуқталари (драйвер) бўйича дастлаб, аҳолига аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида *(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги 20-сонли Қарори асосида)* сабзавотчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун жорий йил январь-сентябрь ойларида ишсиз, кам таъминланган ва эҳтиёжманд бўлган 30 863 нафар қишлоқ аҳолисига 6 488 га ер майдонлари 0,10 гектардан 1 гектаргача аукцион орқали 10 йилга ижарага берилган.

Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида имтиёзли тарзда берилаётган кредитлар аҳолининг маҳаллалар ўсиш нуқталари (драйвер) асосида даромадларини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Шу мақсадда 2022 йил январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича 29 131 нафар жисмоний ва юридик шахсларга 668,9 млрд.сўм имтиёзли кредитлар ажратилган бўлиб, ушбу молиявий манбалар маҳаллаларда, хусусан қишлоқ жойларида айниқса, ишсизлар, ёшлар ва хотин-қизларнинг кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда кўмак бўлмоқда.

Хусусан, ушбу молиявий кўмак ёрдамида ҳоким ёрдамчилари томонидан шакллантирилган 3,2 мингдан ортиқ "маҳаллабай" микролойиҳалардан 2,6 минг таси ишга туширилиб, 12,4 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилган.[2]

Ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оила аъзолари бўлган қишлоқ аҳолисини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошлашига кўмак бериш мақсадида *(Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг)* Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2022 йил январь-сентябрь ойларида 4 547 нафар фуқароларга 8,6 млрд.сўм субсидия маблағлари ажратилган.

Маҳаллабай ишлаш тизимида, ишсиз, муқим даромадга эга бўлмаган қишлоқ аҳолисини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йил ўтган даврида 24 102 нафар талабгорлар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилган бўлса, уларнинг аксарияти қишлоқ аҳолиси ҳисобига тўғри келади.

Ҳокимлар ёрдамчилари фаолияти давомида қишлоқ жойларидаги маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашда ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Жумладан, 2022 йилнинг 9 ойида қишлоқ жойларидаги маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари кўмагида 3610 км ариқлар тозаланиб, 7490 нафар оилаларни сув билан таъминлаш мақсадида 1213 та вертикал суғориш қудуқлари ўрнатилди. Хатлов жараёни ва учрашувларда аҳоли билдирган фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, маҳаллий ҳокимлик, тегишли тармоқлар ва маҳалла фаоллари билан биргаликда 2530 км қишлоқ йўллари шағаллаштирилди, 1302 км йўлларга асфальт ётқизилди, 141 км пиёдалар йўлаклари қурилди, 741 та трансформатор, 17937 та симёғоч ва 16966 та тунги чироқлар янгисига алмаштирилган.[3]

Юқорида қайд этилган барча йўналишларда амалга оширган ишлар аҳоли даромадини ошириш, бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, маҳаллабай ишлаш орқали амалга оширилган ишларнинг самараси ва қишлоқ аҳолиси ҳаётидаги ўзгаришларни аниқлаш мақсадида ҳоким ёрдамчилари кўмак берган аҳоли хонадонларида даромадлари ўзгариши ҳам таҳлил қилиб борилмоқда.

Масалан, 2022 йилнинг ўтган 9 ойи давомида ҳоким ёрдамчилари томонидан вилоят бўйича 82 мингга яқин кўмак берилган хонадонларнинг бугунги кунга қадар 68 976 тасида

[1] Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси маълумотлари.

[2] Маҳаллабай ишлаш маркази ва маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини ўзаро боғлиқ ҳолда рақамлаштиришни назарда тутувчи online-mahalla.uz электрон платформаси “Янги лойиҳа” бўлими маълумотлар базаси.

[3] Маҳаллабай ишлаш маркази ва маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини ўзаро боғлиқ ҳолда рақамлаштиришни назарда тутувчи online-mahalla.uz электрон платформаси “Йўл харита” бўлими маълумотлар базаси.

аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлари ўзгариши бўйича сўровнома ўтказилганда, уларнинг 68 869 таси *(99,8 %)* да оила аъзоларининг 1 ойда жон бошига даромади ўртача 521 минг сўмдан 923 минг сўмга *(77,3 фоиз)* ошганлиги маълум бўлди. [1]

Жумладан, ҳоким ёрдамчилари кўмак берган хонадонларда аҳоли жон бошига даромади ўзгариши қишлоқ аҳолиси кўп бўлган Пахтачи *(203 %, 398 минг сўмдан 811 минг сўмга)* ва Нарпай *(197 %, 498 минг сўмдан 979 минг сўмга)* туманларида ҳам ижобий натижаларни кўрсатган.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, маҳаллабай ишлаш тизими ҳар бир маҳаллада аҳоли, хусусан, қишлоқ аҳолисини тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмаклашиш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, республика, вилоят, туман ва шаҳарларда кўрсатиладиган давлат хизматлари ва манзилли молиявий қўллаб-қувватлаш инструментларини бевосита маҳалла даражасига туширишга хизмат қилиб, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, муқим даромадга эга бўлиши ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиб, мамлакатимизда камбағалликни камайтириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар бош мезонига айланади.

Ўзбекистонда кейинги 10 йилда меҳнат ва кичик бизнес даромадларининг ўсиши камбағалликнинг қисқаришига олиб келганини инкор қилмаймиз. Иш ҳақи ва бизнесдан келадиган даромад манбалари аҳамияти тобора ортиши билан нафақалар, ижтимоий ёрдам дастурлари ва бошқа даромад турларининг роли камайгани ҳам рост.

Ушбу ишларни амалга оширишда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси фаолияти уйғунлигини таъминлаш муҳимдир.

Камбағалликни бартараф этишнинг тўғри ва энг самарали усули аҳоли бандлиги даражасини оширишдир. Одамлар учун уларга муносиб ва даромади юқори иш ўринларини яратиш мақсад сари дадил қадамдир. Бунинг учун, маҳаллалар, айниқса қишлоқ жойларида тадбиркорлик учун шарт-шароитлар, бизнес учун қулай муҳит яратиш ишларини жадаллаштириш зарур.

Президентимиз таъбири билан айтганда, камбағалликни камайтириш - бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.

Ушбу ислоҳотларни амалга оширишда мамлакатимизда камбағалликни расман аниқлаш учун камбағаллик чегарасини аниқлаш, камбағалликни аниқлаш услубиятини ишлаб чиқиш ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш тўғрисида махсус дастурлар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва маҳаллабай тарзда манзилли амалга ошириш талаб этилади.

Д.Рафеев	**D.Rafeev**
Система по работе махаллябай – ключевой критерий для реформ снижения бедности	**Mahallabay work system is a key criterion for poverty reduction reforms**
Аннотация: В статье описывается система по работе махаллябай как главный критерий реформ по сокращению бедности, ее описание и анализ как экономического состояния.	**Abstract:** The article describes the system for the work of mahallabay as the main criterion for reforms to reduce poverty, its description and analysis as an economic condition.
Ключевые слова: система по работе махаллябай, махалля, бедность, перепись, помощь и поддержка жителей, доход, кредит, субсидия, точки роста (драйвер), аренда, обучение, предпринимательство, помощники хокимов	**Keywords:** mahallabay work system, mahalla, poverty, census, assistance and support to residents, income, credit, subsidy, points of growth (driver), rent, training, entrepreneurship, assistant khokims

[1] Маҳаллабай ишлаш маркази ва маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини ўзаро боғлиқ ҳолда рақамлаштиришни назарда тутувчи online-mahalla.uz электрон платформаси “Аҳолининг даромадлари” бўлими маълумотлар базаси.

Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусова – СамИСИ таянч докторанти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш йўллари қараб чиқилган. Унда мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ва уни амалга ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган.
Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш, кмбағаллик, камбағаллик даражаси, аҳолининг бандлиги, фаровонликка эришиш йўллари.

Кириш. Мамлакатимизда инсон шаъни ва фаровонлигини ошириш йўлида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг 2020 йил 26 мартда имзоланган “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сонли Фармони эълон қилинди. Ушбу фармонда мамлакатимиз иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва иқтисодий ҳаётимизга бозор механизмларини кенг жорий қилиш йўналиш-лари белгилаб берилган. Бу вазифаларнинг бажарилиши олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга чиқаришни тақозо қилади. Бунинг учун давлатнинг иқтисодиётдаги ролини камайтириш ва хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Булардан келиб чиқиб, бугунги кунда қилинаётган ишларнинг натижадорлигини оширишга қаратилган иқтисодиётни бошқаришнинг аниқ ва шаффоф инновацион омилларни фаоллаштиришга йўналтирилган механизмларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Мазкур вазифаларни бажариш, энг аввало, ҳудудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилашга қаратилгандир. Бундаги муҳим вазифалардан бири камбағалликни қисқартиришга ҳам қаратилгандир. Ушбу вазифаларни бажариш учун кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларининг рақобатбардошлигини оширишни тақозо қилади. Чунки эркин иқтисодиёт шароитида рақобат муҳитининг мавжудлиги албатта ҳар бир хўжалик юритаувчи субъектларни ҳушёр бўлишликка, самарали фаолият кўрсатишга ундай-ди. Бунга эришиш учун тадбиркорликни ривожлантириш, бунга фундаментал шароитларни яратиб бериб, шунинг ҳисобидан янги ва барқарор иш ўринларини яратиш лозим бўлмоқда. Бунинг учун кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ чораларни кўриш ҳам керак бўлади. Бу ўз навбатида илмий асосланган тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Масаланинг айнан ушбу жиҳати ушбу мавзунинг ўта долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш йўллари билан мамлакатимизнинг кўплаб олимлари шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига Абдукаримов Б.А. Абдураҳмонов Х.Х., Арабов Н.У., Холмухамедов М.М Қудратов Ғ.Ҳ., Абдукаримов Б.А., Пардаев М.Қ. Ўринбаева Ю.П. Ураков Ж.Р. Очилов И.С. кабиларни[1] киритиш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мантиқий таҳлил, илмий абстракция, тизимли ёндашув, индукция ва дедукция, макон ва замон усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Аҳолининг фаровонлигини ошириш ва камбағалликни қисқартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-4653-сонли Қарори қабул қининди. Ушбу қарорни бажариш, яъни камбағалликка барҳам бериш учун мамлакатимизда кечиктириб бўлмайдиган масалалар сирасига киритиш мумкин бўлган тадбирлар ҳам белгилаб олишни тақозо қилади. Бизнинг фикримизча, булар қуйидагилардан иборат (1-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар жуда кўп экан. Буни биз англаган тадбирларнинг

[1] Ўшбу олимлар асарлари адабиётлар рўйхатида келтирилган.

1-жадвал

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури[1]

Т/р	**Камбағалликни қисқартиришга қаратилган тадбирлар номи**	**Камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларнинг мазмуни**
1.	Камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини жорий қилиш	Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини жорий қилиш,
2.	Аҳоли таъминотининг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш	Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий таъминоти, истеъмол саватчасининг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг фойдаланишни йўлга қўйиш.
3.	Аҳолиининг яшаш шароитлари а ижтимоий аҳволи ўрганилиб, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш	Ҳар бир маҳалла кесимида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан ҳамда аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ чораларни кўриш.
4.	Маҳалла бўйича аҳоли ижтимоий аҳволи танг бўлган қатламларининг рўйхатини шакллантириш ва уларнинг ҳар бирида қандай имкониятлар мавжудлигини ўрганилиши	Аниқланган ижтимоий аҳволи танг аҳоли қатламларининг шаклланган рўйхатини яна бир бор янгилаш ва уларнинг ҳар бирида қандай имкониятлар мавжудлигини ўрганилиши ва шунга асосланган ҳолда камбағалликни тугатишнинг аниқ манзилли йўналишларини маҳаллабай ишлаб чиқиш лозим бўлади.
5.	Камбағалликни қисқаришига юзаки қарамаслик ва расмиятчилик учун фақат рақамлар билан ҳисобот бериш билан чекланмасдан, балки реал ҳолат асосида баҳолаш лозим	Шуни инобатга олиш жоизки, мазкур масалада камбағалликнинг қисқаришига юзаки қарамаслик ва расмиятчилик учун фақат рақамлар билан эмас, балки реал ҳолат асосида баҳолаш лозим бўлади. Айрим ҳолларда майда нарсадек туюлган жараён катта мувоффақиятларга олиб келиши мумкин.
6.	Мамлакатимизда меҳнат бозори ва унинг таркибини сифат жиҳатдан ўрганиб чиқиш ва имкон қадар янги иш ўринларини очиш.	Мамлакатимизда меҳнат бозори ва унинг таркибини сифат жиҳатдан ривожлантириш, ишчи кучи миграцияси жараёнларини таҳлил қилиш, такомиллаштириш ҳамда меҳнат ресурсларини тақсимлаш, аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш принципини жорий қилиш эвазига бандлик муаммосини ҳал қилишга эришиш.
7.	Мамлакатимиз миқёсида истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдорлардаги даромадлар даражасини ҳудудлар кесимида ишлаб чиқиш	Мамлакатимиз миқёсида ва унинг барча ҳудудларида, уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдорлардаги даромадлар даражасини ишлаб чиқиш ва жорий қилинишини тезлаштириш ҳам мақсадга мувофиқ.
8.	Ҳар бир маҳаллада камбағаллик даражасини ва сонини аниқлаш	Камбағаллик даражасини ва сонинг маҳаллалар бўйича билиб олиб, уни бартараф қилиш ишларига аниқ манзилли тадбирлар билан киришиш лозим.
9.	Маҳалла ва оилани қўллаб-	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги

[1] Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

	қувватлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган чора тадбирларнинг ижросини таъминлашнинг тизимли назорати ўрнатилиши лозим	“Ўзбекистон Республикаси-нинг 2030 йилгача “Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси” ва “Саноатни ривожлантириш стратегияси”, “Камбағалликни қисқартириш дастури” кенг жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Уларнинг ҳар бир бандини назорат қилиб бажарилишини таъминлаб бориш лозим.
10.	Аҳолининг камбағал ва ишсиз қатламлари, айниқса аёллар ва ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларни касбга ўқитишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ	Маҳаллалар томонидан рўйхатга олинган аҳолининг камбағал ва ишсиз қатламлари, айниқса аёллар ва ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касбий таълим бўйича маҳаллий эҳтиёждан келиб чиқиб, бюджет ҳисобидан ўқув курсларини очиш ва уларни касбга тайёрлаш ишларини жадаллаштириш ҳам мақсадга мувофиқ.
11.	Ҳар бир ҳудуд бўйича камбағаллик даражасини аниқлаш, уларни баҳолаш бўйича тегишли индикаторлар ишлаб чиқиш.	Тегишли маълумотлар асосида ҳар бир ҳудуд бўйича камбағаллик даражасини аниқлаш, уларни баҳолаш бўйича тегишли индикаторлар ишлаб чиқиш, ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудудда қанчадан камбағал оилаларнинг мавжудлиги маҳаллалар кесимида аниқ белгилаш ва уларни камайтириш бўйича маҳаллий ҳокимият томонидан аниқ чораларни қўллаш.

бир қисми халос. Чунки ушбу масалага қандай ёндошилса, ўша йўналишда бир қанча имкониятларни ҳам топиш мумкин. Шундай қилиб, тадқиқот жараёнида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш мумкинлиги ҳақида бир қанча хулосаларга келинди ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини мукаммал бажариш учун бир қанча тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди. Булар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, камбағалликни қисқартириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни молиялаштириш лозим. Бу ҳар бир ҳудудлар кесимида, унинг қанча қисми Давлат бюдже-тидан, қанчаси маҳаллий бюджетдан, қанчаси тадбиркорлар ҳисобидан ажратилиши бўйича аниқ манбаларни ҳам белгилаш ва уларнинг назоратини олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Иккиинчидан, камбағалликни қисқартиришга қаратилган лойиҳаларни ўз муддатида ва сифатли бажаришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ҳам масаланинг ечимларидан биридир. Бунда ҳар бир ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари доирасида бартараф қилиш, ҳудуднинг эҳтиёжига мос бўлган янги иш ўринларини яратиш масаласига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Учинчидан, қаерда иш ўринлари яратилиши лозим ва мумкин бўлса, ўша жойда янги иш ўринларини яратиш чораларини кўриш. Бунда ҳудудлараро ривожланишнинг табақалашувини қисқартириш чораларини кўриш баробарида, қишлоқ ҳудудларда ҳам саноат зоналарини ташкил этиш, уларни жойлаштириш юзасидан услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш. Бунда мазкур ҳудудни ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширишни йўлга қўйиш.

Тўзртинчидан, ҳудудларда маҳалла кесимида оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш. Ушбу тадбир камбағалликни қисқартиришнинг муҳим омили сифатида, бу борадагимавжуд тўсиқ ва муаммоларни бартараф қилишга катта кўмак бўлади. Бунда мазкур соҳани молиялаштиришнинг содда тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг қўллаш ҳам лозим бўлади.

Бешинчидан, йирик тадбиркорларга сув иншоатларини қуриш ва уларни белгиланган тартибда фойдаланувчиларга сотиш тизимини жорий қилиш механизмини яратиш лозим. Чунки бу тадбир қишлоқ жойларда камбағалликни қисқартириш учун ишлатилмай келаётган ер участкаларини ҳозиргидек, ёшларга тақсимлаш тизимини янада давом эттириш ва

такомиллаштириш имконини яратади. Зеро, тақсимланган майдон лалми жойлардан бўлса ҳамма кишининг сув чиқариш имконияти бўлмайди ва озгина жойни суғориш учун жуда катта харажат қилишга ҳожат қолмайди.

Олтинчидан, мамлакатимизда давлат миқёсидаги ва ҳудудлар бўйича камбағалликни қисқартиришнинг бир қанча йўлларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилиш лозим. Бунда қабул қилинадиган ижтимоий-иқтисодий дастурларда белгиланган вазифаларни бажаришда камбағаллик даражасига таъсирини инобатга олиб, уни бутунлай бартараф этиш чораларини кўриш мақсадга мвофиқ.

Еттиинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишда асосий эътиборни камбағалликни қисқартириш масаласига йўналтириш мақсадга мувофиқ. Бунга эришиш учун мамлакатимизнинг камбағаллиги мавжуд бўлган ҳудудларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини янгидан барпо қилиш, аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Саккизинчидан, ёшларни бирорта мутахассислик бўйича тайёрлашда бир вақтнинг ўзида ҳам назарий, ҳам амалий билимга эга бўлишлигини таъминлаш. Бунда қайси мутахассис ёки қайси даражадаги ўқиши (ўрта, ўрта махсус, олий) бўлмасин, барчасида ўзини ўзи иш билан таъминлаш кўникмасига ўргатиш, уларга назарий ва амалий дарслар орқали шу соҳага оид билимларни беришни ўқув режасига киритиш лозим.

Тўққизинчидан, ҳозир ўқув муассасаларида ўқиётган талабаларни ўқув муассасасини битиргач қаердадир фаолият кўрсатиши бўйича аниқ руҳияти шаклланган бўлиши лозим. Шунда талаба ҳам шу корхона ёки муассасада ишлашни мўлжаллаб, шунга тайёргарлик кўриб боради. Албатта бунинг самараси юқори бўлиши учун рағбат (мативация) бўлади.

Ўнинчидан, аҳолида мавжуд томорқадан самарали фойдаланишга катта эътибор бериш ва бу тадбирни янада такомиллаштириш лозим. Масалан, шаҳарда 1 сотих ери бор киши тўрт бурчагига 4 та турли навдаги узум, ўртасига 2 та мевали дарахт (ўрин ва гилос) экиб парваришлаб ўсдирса, озиқ-овқат билан боғлиқ бир қисм муаммолари шу ерда ҳал бўлади, деярли бозорга бормайди. Бозорга кетадиган маблағларнинг тежалиши эвазига оилага яхшигина қўшимча даромад олиб келади.

Ўн биринчидан, бирор нарсага ихтисослашишдан олдин ички ва ташқи бозорни яхши ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бу тадбир ўзимиздаги мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишдек катта имкониятимиздан самарали фойдаланишга шароит яратади. Шунингдек, эспортбоб меваларни саралаш, стандартлаштириш, сақлаш масалаларига алоҳида аҳамият бериб, ностандарт бозор “тортмайдиган” маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳам аҳолининг моддий фаровонлигини янада ошириш имконини беради.

Ўн иккиинчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта имкониятлардан бири эканлигини инобатга олиб, ушбу соҳани алоҳида камбағалликни тугатишга йўналтири лозим бўлади. Чунки халқаро меҳнат ташкилоти таҳлилларига кўра, сервис индустриясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқартириши исботланган. Аммо Ўзбекистонда бу соҳа салоҳиятидан тўла фойдаланилмаётгани таъкидланган. Демак хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш объектив зарурият эканлигини унутмаслик керак.

Ун учинчидан, ҳизмат кўрсатиш соҳаси келажакда аҳолини иш билан таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантиришда ҳам роли катта бўлади. Мамлакатимизда бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳозирда 35 фоизни ташкил этмоқда Аммо буни кўпайтириш учун жойларда маиший ускуналарни таъмирлаш устахоналари, кимёвий тозалаш шохобчалари, компьютер дизайнерлиги, бухгалтерия, реклама, пуллик тиббий хизмат каби тадбиркорлик субъектларини очиш эвазига мазкур йўналишда камида 160 минг қўшимча иш ўрни яратиш мумкинлигини ҳам Президентимиз кўрсатиб ўтган эди.

Ўн тўртинчидан, камбағалликни қисқартишнинг муҳим омиллари ва йўналишларидан бири ички туризмни ривожлантириш масалаласидир. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, бу соҳада 200 мингдан зиёд аҳолини иш билан таъминлаш мумкин экан. Шунингдек, туризмга хизмат қилувчи умумий овқатланиш, транспорт, чакана савдо каби йўлдош тармоқларда яна кўплаб

иш жойлари ташкил этилиши ҳам мумкин. Муҳтарам Президентимиз 2020 йил апрелдаги видеоселекторида ҳар бир ҳудудда имконият ҳам, саёҳатчилар диққатига сазовор жойлар ҳам етарли эканини қайд этди. Мисол учун, Янгиқўрғон туманида 16 та дам олиш масканини тиклаш ҳисобига 1 минг 500 нафар аҳолини, Бўстонликда 10 минг ўринга мўлжалланган кўчма дам олиш масканлари ташкил этиш орқали 8 мингга яқин кишини иш билан таъминлаш мумкинлиги кўрсатиб берилган эди.

Ўн бешинчидан, Ўзбекистоннинг нафақат қадимий шаҳарларидаги сайёҳлик имкониятлари, балки соҳани ривожлантириш учун бошқа чексиз имкониятлардан ҳам фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун туризмга мутасадди бўлган ташкилотлар маҳаллий ҳокимликлар билан бирга янги ички туризм маршрутларини очиш, кўчма дам олиш масканларини кўпайтириш, тиббиёт ва соғломлаштириш туризмини тараққий эттириш бўйича аниқ манзилли чораларни кўриши мақсадга мувофиқ.

Ўн олтинчидан, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари сайёҳлар борадиган барча объектлар, меҳмонхона ва овқатланиш шохобчаларининг тегишли талабларга жавоб берадиган даражада ташкил қилинишини, тегишли инфратузилманинг яратилишини таъминлашга кўмаклашишлари лозим. Агар ушбу ҳуддудда бўш иш ўринлари бўлмаса шу соҳани ривожлантириш эвазига янги иш ўринларини яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги пайтда аксарият ёшлар ўзини-ўзи иш билан таъминлаш ҳақида ўйлаб кўриши лозим. Кўп ҳолларда ишсиз ёшлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига ёки хорижга иш ахтариб кетишга кўникиб қолишди. Бунинг ўрнига шу ерда ишлаш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ. Асосий эътибони шунга қаратиш лозим.

Умумий хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш масаласи бугунги кунда ўта долзарб бўлиб, у билан боғлиқ муаммолар ҳам, уларнинг ечимлари ҳам жуда кўп. Буларни аниқлаш ва ҳал қилиш фақат мутасадди вазирликларнинг ёки маҳаллий ҳокимиятларнинг иши эмас, балки ҳар бир оиланинг, шахсларнинг иши бўлмоғи лозим. “Мен камбағал бўлиб қолмаслигим учун нима қилишим керак?”, деган саволни ҳар бир киши, айниқса ёшлар ўзига бериши ва энг аввало, жавобини ўзи ахтариши лозим. Агар ўзининг “қўли калталик” қилиб қолсагина, давлатга, маҳаллий ҳокимиятга мурожаат қилиши имкониятларидан фойдаланиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Бундайларга маҳаллий ҳокимият, бор имкониятларини ишга солган ҳолда лаббай деб жавоб бериши – миллатимиз, халқимиз олдидаги бурчимиз, деб қараш одатий ҳолга айланди. Масъулият ҳар томонлама бўлмас экан, кўзланган муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартда имзоланган “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сонли Фармони. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 27 март. – 1-2 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-4653-сонли Қарори. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 27 март. – 1-2 бетлар.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январда имзолаган “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сонли қарори. // “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 28 январь. – 1-2 бетлар.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 апрелда имзоланган “Касаначиликни ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-214-сонли қарори. // “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 22 апрель. – 1-2 бетлар.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 июлда имзоланган “Хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-329-сонли қарори. // “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 23 июль. – 1-2 бетлар.
6. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. 2-нашр.– Т.: ”IQTISOD-MOLIYA”, 2010. – 384 б.,

7. Абдураҳмонов Х.Х., Арабов Н.У., Холмухамедов М.М. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифати. Ўқув қўлланма. Т.: “Тафаккур бўстони”. 2014. 242 б.
8. Қудратов Ғ.Ҳ., Абдукаримов Б.А., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти, 2016. – 508 бет,
9. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2011. – 172 б.
10. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Очилов И.С. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014. – 384 б.
11. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айрим муаммолари. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 264 бет.
12. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-услубий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 68
13. Ураков Ж.Р. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2013. – 127 бет.
14. Ўринбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. – Т.: “Фан” нашриёти, 2013. – 144 бет.
15. http/www.dissercat.com.
16. http/pscgspace/ cgiav/org.
17. http/setd/ohiolink/edv.

М.Мамаюнусова **Пути сокращения бедности за счет развития сферы услуг**	**M.Mamayunusova** **Ways to reduce poverty through service sector development**
Аннотация: в статье рассматриваются пути снижения бедности за счет развития сферы услуг. Также разработана программа мероприятий, направленных на сокращение бедности в нашей стране и научно-практические рекомендации по ее реализации. **Ключевые слова:** оказание услуг, бедность, уровень бедности, занятость населения, пути достижения благосостояния.	**Abstract:** the article considers ways to reduce poverty through the development of the service sector. It also developed a program of measures aimed at reducing poverty in our country and scientific and practical recommendations for its implementation. **Keywords:** service delivery, poverty, poverty level, population employment, ways to achieve well-being.

Асқар Ахрорович Сиддиқов – СамИСИ катта ўқитувчиси

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ИННОВАЦИОН СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада инновацион стратегиянинг моҳияти, умумий овқатланиш корхоналарининг инновацион стратегиясини ишлаб чиқиш тамойиллари ва услубий жиҳатлари, инновацион стратегиянинг соҳада инновацион фаолиятни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг юқори технологик ва техник таъминот даражасини таъминлаш ҳамда рақобат устунлигига эришишдаги ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган.
Калит сўзлар: стратегия, инновацион стратегия, стратегик режалаштириш, инновацион фаолият, умумий овқатланиш соҳаси, бошқарув тамойиллари, тадқиқот методологияси, ташқи муҳит.

Кириш. Бугунги кунда умумий овқатланиш соҳасида ташқи муҳит омилларининг ноаниқлиги ва ўсиш суръатларини жадаллаштириш кузатилаётган вазиятда барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун аввало технологик ривожланишни ҳамда инновацион фаолиятни жадаллаштириш зарур. Ўсиш суръатларини жадаллаштиришнинг муҳим омилларидан бири инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, стратегик мақсадларга эришиш йўлларини такомиллаштиришга қаратилган ҳолда соҳада инновацион ривожлантириш стратегиясини шакллантиришга қаратилган илмий-услубий тадқиқотларни олиб бориш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Корхоналарни инновацион ривожлантириш

муаммолари ва бошқарувнинг умумий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан Ж.Ж.Ламбен[1], И.Ансофф[2], К.Гроонросс[3], бошқарувнинг стратегик масалалари хорижлик олимлардан А.Томпсон ва А.Дж.Стрикленд[4], П.Друкер[5], Р.Каплан[6], М.В.Бородина[7], К.В.Пивоваров[8], В.А.Сидякова[9]ларнинг илмий ишларида, ўзбекистонлик олимлардан Б.А.Абдукаримов[10], Т.С.Шарипов[11], М.М.Мухаммедов[12], И.Х.Шукуров[13], Р.Ж.Қурбонова[14]ларнинг ишларида кенг ўрганилган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид назарий тадқиқотларни ўрганишда индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил, монографик кузатув, анализ ва синтез, мантиқий таҳлил, моделлаштириш усуллардан фойдаланилган. Тадқиқот натижаларини умумий яхлит тарзда ифодалаш мақсадида жадвал ва расмлардан фойдаланилган.

Таҳлиллар ва натижалар. Умумий овқатланиш соҳасида инновацион ривожланиш истиқболларини белгилашда стратегик режалаштириш ва бошқариш воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам мамлакатни инновацион ривожлантиришга йўналтирилган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан “Ўзбекистон-2030” стратегияси қабул қилинган. Ушбу стратегияда Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ ва ўрта муддатли истиқболдаги прогноз кўрсаткичлари ва уларга эришиш чора-тадбирлари келтирилган[15].

Ушбу стратегиядан ташқари биз тадқиқ қилаётган умумий овқатланиш соҳасини ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар ва йўл хариталари ҳам белгиланган:

- “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сон” Қарори, 27.01.2022 йил;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-6119-сон Фармони 27.11.2020 йил;

Албатта, умумий овқатланиш соҳаси корхоналари томонидан ишлаб чиқилган стратегиялар, стратегик ривожланиш йўналишлари бир-биридан фарқ қилади. Бироқ, бизнинг фикримизча, стратегик режалаштириш жараёни чуқур таҳлилларга, тадқиқот услубиятига ва масалага илмий ёндашувни талаб этади. Бугунги кунда умумий овқатланиш соҳасида инновацион стратегияни ишлаб чиқишнинг ягона услубий ёндашувини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири сифатида стратегиянинг таркибий тузилиши, режалаштириш услубияти

---

[1] Ламбен Ж.-Ж. Менеджмент, ориентированный на рынок / Перев. с англ. под ред. В.Б. Колчанова. – СПб.: Питер, 2004.–800 с

[2] Ансофф И. Стратегическое управление Текст / И. Ансофф. – Москва: Экономика, 2009. – 331с.

[3] Gronroos, C. Service Management and Marketing: Managing the moment of truth in the service sector / C. Gronroos. - Cambridge, Mass: Marketing Science Institute, 1990

[4] Томпсон мл., Артур А. Стратегический менеджмент: концепция и ситуация для анализа / Артур А.Томпсон мл., А.Дж. Стрикленд III.; пер с англ – 12-е изд.. – Москва: Издательский дом «Вильямс», 2006. – 928 с.

[5] Drucker, P.F. Innovation and entrepreneurship / P.F. Drucker. – New York: Harper & Row, Publishers, 1985. – 278 p

[6] Каплан Р. Сбалансированная система показателей: от стратегии к действию Текст / Р. Каплан, Д. Нортон. – Москва: Олимп-бизнес, 2010. – 320 с.

[7] Бородина М.В. Особенности формирования кластера сферы услуг на рынке продуктов питания крупного промышленного центра (на примере г. Красноярска): дис...канд.экон.наук: 08.00.05 / Бородина Марина Владимировна. – Москва, 2014.-161 с.

[8] Пивоваров К.В. Организационно- экономический механизм развития систем быстрого питания: автореф. дис... канд.экон. наук: 08.00.05/ Константин Владимирович Пивоваров.- М., 2002.- 15с.

[9] Сидякова В.А. Повышение качества услуг предприятий общественного питания: дис...канд.экон.наук: 08.00.05 /Сидякова Валентина Александровна.– г. Княгинино

[10] Б.А.Абдукаримов ва бошқ. Ички савдо иқтисодиёти. Ўқув қўлланма - Т.: ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ - Т, 2014. - 320 с.

[11] Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида) и.ф.н дисс.автореферат: 08.00.05 / Шарипов Тўлқин Саидахмедович. -С.: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2010.- 25 б.

[12] Мухаммедов М.М., Алтынбаев Р.И. и др. Экономика торговли.Учебное пособие. Самарканд, 1998.

[13] И.Х.Шукуров. Ресторан сервисини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. - Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2021.-354 б

[14] Р.Ж.Курбанова. Сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш(Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналари мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореферат: 08.00.05 / Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2019.– 52 б.

[15] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони.

ва усулларини танлаш, фаолиятни прогнозлаш усуллари ва кўрсаткичлари, стратегик режани амалга оширувчи бошқарув тизимининг такомиллашган тузилмаси ҳамда самарали назорат тизимини ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Умумий овқатланиш корхоналарини инновацион ривожлантириш стратегияси бир нечта қисмлардан иборат бўлиб, стратегиянинг мақсади, вазифалари, талаб этиладиган асосий ресурслар, вазифаларни амалга ошириш восита ва усуллари, ривожланишнинг асосий йўналишлари ҳамда кутилаётган натижалар тўлақонли акс эттирилиши лозим. Инновацион ривожлантириш стратегиясининг мақсад ва вазифалари ўзаро сабаб-оқибат боғлиқлигида тадқиқ қилиниши керак.

Инновацион стратегиянинг ишлаб чиқиш ва амалга ошириш технологияси одатда инновацион менежмент усулларини ўз ичига олади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, инновацион стратегияни ишлаб чиқишнинг ягона услубий ёндашуви ишлаб чиқилмаганлиги сабабли умумий овқатланиш соҳаси учун муайян услубий базани шакллантириш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ[1].

Айрим ҳолларда стратегия тушунчаси биринчи навбатда муайян ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ тушунтирилади. Айрим адабиётларда эса бу аввало узоқ муддатли режалаштириш жараёни бўлиб, корхонанинг бозордаги хатти-ҳаракатини белгилаб беради.

Илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида стратегия тушунчасининг умумий овқатланиш соҳасидаги ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, муаллифлик ёндашувидаги таърифини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча “умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегияси” бу -:

биринчидан, инновацион ривожланиш йўналишларини аниқлаб берувчи ва асословчи дастур;

иккинчидан, умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболдаги мақсади;

учинчидан, умумий овқатланиш корхонасини инновацион ривожлантириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш жараёни;

тўртинчидан, умумий овқатланиш соҳасининг стратегик мақсадларга эришиши учун илгари сурилган бизнес фалсафаси;

бешинчидан, стратегия умумий овқатланиш соҳасининг ташқи муҳит хусусияти ва мавжуд ресурслар нуқтаи назаридан муайян позицияси (миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи, бизнеснинг янги йўналиши).

Бизнинг фикримизча, ***умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегияси – соҳада инновацион фаолиятни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг юқори технологик ва техник таъминот даражасини таъминлаш орқали рақобат устунлигига эришишга қаратилган ҳаракатлар дастуридир***.

Инновацион стратегия инновацион масалаларга доир бошқарув қарорларини қабул қилиш самарадорлиги билан баҳоланади.

Инновацион стратегияни амалга ошириш умумий овқатланиш соҳаси ресурслари, таъминотчилари ва истеъмолчиларини яхлит тизим сифатида бирлаштирувчи, уларнинг иқтисодий имкониятларидан юқори даражада фойдаланиш имконини берувчи ягона ташкилий-иқтисодий механизмни ўзида акс эттириши лозим. Шу билан бирга бунда молиялаштириш ва инвестициялаш, мақсадли-дастурий ва лойиҳавий бошқариш ҳам талаб этилади. Стратегияни амалга ошириш механизми кўзланган мақсадларга эришиш ва чора-тадбирлар самарадорлиги билан баҳоланади.

Стратегик режалаштириш бир томондан илмий ва амалий фаолиятни ўз ичига олади, иккинчи томондан эса бу корхонанинг бозордаги мавқеи, бизнес концепцияси, миссияси, узоқ муддатли истиқболда режалаштирилган мақсад ва вазифаларга эришиш орқали фаолият

[1] Трофимов О.В. Формирование эффективных инновационных стратегий предприятий: проблемы и решения Текст / О.В. Трофимов // Экономические науки. Экономика и управление. – 2010. – №9 (70).

самарадорлигини ва инновацион йўналтирилганлигини таъминлаш ҳамдир. Стратегик режалаштириш концепциясига кўра “экстраполяцияга асосланган прогнозлашда барча кўрсаткичлар ўтган давр кўрсаткичларига асосланган ҳолда баҳоланади ва унга эришиш бўйича чора-тадбирлар белгиланади. Стратегик режалаштириш эса бунга қўшимча равишда прогноз қийматлардан четланишнинг моҳиятини очиб бериш ва уни бартараф этиш, тенденцияни аниқлаш орқали стратегик тузатиш ва қўшимчалар киритишга асосланади”.

Умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегияси стратегик режалаштириш жараёнида шаклланган иш ҳужжатидир. Бугунги кунда хизматлар соҳаси корхоналарида, шу жумладан биз томонимиздан тадқиқ қилинаётган умумий овқатланиш соҳасида ҳам жуда кўплаб ривожлантириш дастурлари, йўл харитаси ёки ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқилмоқда. Бу бир томондан фаолиятнинг келажакка йўналтирилганлигини ҳам изоҳлайди, бошқа томондан эса ушбу режа, дастур ва йўл хариталари ташқи муҳитнинг таъсирларига рақобатбардош бўлиши учун мунтазам равишда тузатишлар киритилиб бориши ҳам талаб этилади. “Ташқи муҳит ва технологияларнинг жадал ривожланиб бораётганлиги билан изоҳланадиган бугунги даврда стратегик режани инновацион ривожлантириш стратегиясига уйғунлаштириш мақсадга мувофиқ, чунки ташқи муҳитнинг салбий таъсирлари оқибатида ҳар қандай режанинг “ижобий” жиҳатлари “салбий” кўрсаткичга эришиши, аксинча, “салбий” тенденциялар турли тузатишлар орқали корхона фойдаси учун хизмат қилиши мумкин бўлади.

Стратегик бошқарув ва режалаштиришга оид услубий ёндашувларни таҳлил қилиш асосида умумий овқатланиш соҳасида инновацион стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни ушбу ёндашувларни умумлаштириш асосида амалга оширлиши мақсадга мувофиқ деган хулосага келдик. Бизнинг фикримизча, бу *бир томондан* умумий овқатланиш соҳасида инновацион стратегиянинг истиқболга йўналтирилганлигини таъминлашга, *иккинчидан*, муайян вақт оралиғида амалга оширилиши, ташқи муҳит омилларининг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида мунтазам равишда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб борилиши лозим.

Умумий овқатланиш соҳасида инновацион стратегиянинг моҳияти узоқ муддатли истиқболда рақобат устунлигига эришишни таъминлашга йўналтирилган таркибий-тузилмавий, сифат ўзгаришларининг рўй бериши билан изоҳланади. Стратегияни амалга ошириш механизми эса соҳани тубдан модернизация қилиниши, хизмат кўрсатиш жараёнларининг янги техника ва технологияларга асосланган ҳолда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, истеъмол ва маркетинг соҳаларида янгиликларнинг киритилиши орқали рўй беради.

Инновацион стратегиянинг муҳим жиҳатлари сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

– бизнес портфелини бошқариш ва амалга оширишга йўналтирилганлиги;

– ўсишга йўналтирилганлиги; мураккаблиги, бошқарувнинг функционал даражаларида амалга оширилиши;

– рақобатбардошликни таъминлашга қаратилганлиги;

– фаолиятнинг диверсификациялашувини талаб этиши;

– бозор муҳитининг ўзгаришларига мослашувчанлиги.

Инновацион стратегияни шакллантиришда қуйидаги муҳим омилларни ҳам эътиборга олиш лозим:

– ресурс омиллар (нау-хау, патент, ихтиро, илмий-техник ишланмалар, технологик жараёнлар, янги хомашё ва материаллар, меҳнат, ахборот ва инвестицион салоҳият);

– институционал омиллар (фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, инновацион, илмий-техник, ТИФ, ижтимоий сиёсат, тадбиркорликка оид қонунчилик, мафкуравий жараёнлар);

– бозор омиллари (рақобат даражаси ва изчиллиги, корхонанинг мавқеи, истеъмол таомиллари ва истеъмолчи хулқ-атвори, УОК ҳаётийлик даври);

– инновацион омиллар (илмий-техник тараққиёт даражаси, технологик укладлар).

Ташқи муҳит омилларининг ноаниқлиги ва ўсиш суръатлари чекланган макроиқтисодий вазиятда умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш

стратегиясини ишлаб чиқишда қуйидаги 1-расмда келтирилган тамойилларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз:

1-расм. Умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш тамойиллари

Умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг концептуал модели 2-расмда келтирилган.

2-расм. Умумий овқатланиш соҳасининг инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишнинг концептуал модели[1]

Хулоса ва таклифлар. Фикримизча, умумий овқатланиш соҳасини инновацион

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишларига биринчидан, соҳанинг энг муҳим корхоналари ва фаолият турлари бўйича ривожланиш прогнозларини ишлаб чиқиш, иккинчидан, иштирокчиларнинг ўзаро инновацион ҳамкорлигини амалга ошириш, соҳа иштирокчиларнинг турдош ва бошқа фаолият турларини режалаштириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

– бугунги кундаги иқтисодий жараёнларнинг динамик ва тез ўзгарувчан шароитда умумий овқатланиш соҳасида инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга тизимли ёндашиш, шу билан бирга, кўзда тутилган кўрсаткичларга эришиш ҳам соҳага хос бўлган услубий ёндашувдан келиб чиқиши мақсадга мувофиқ;

– инновацион стратегия умумий овқатланиш соҳасининг ташқи муҳит хусусияти ва мавжуд ресурслар нуқтаи назаридан муайян позицияси сифатида олиб қараш;

– умумий овқатланиш соҳасида инновацион фаолиятни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг юқори технологик ва техник таъминот даражасини таъминлаш орқали рақобат устунлигига эришишга қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш асосида инновацион ривожлантириш имкониятларини ошириш мумкинлиги;

– умумий овқатланиш соҳасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда соҳага оид тамойилларга кенг урғу қаратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 433-сон Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони. 2021 йил ноябр.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-6119-сон Фармони 27.11.2020 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5853-сон Фармони, 23.10.2019 йил.
5. Ансофф И. Стратегическое управление Текст / И. Ансофф. – Москва: Экономика, 2009. – 331с.
6. Б.А.Абдукаримов ва бошқ. Ички савдо иқтисодиёти. Ўқув қўлланма - Т.: ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ - Т, 2014. - 320 с.
7. Q.J.Mirzayev va boshq. Restoran menejmenti. O‘quv qo‘llanma, Samarqand, S.: “TURON NASHR” 2020 y.– 332 b
8. Ламбен Ж.-Ж. Менеджмент, ориентированный на рынок / Перев. с англ. под ред. В.Б. Колчанова. – СПб.: Питер, 2004. – 800 с.
9. Пивоваров К.В. Организационно- экономический механизм развития систем быстрого питания: автореф. дис... канд.экон. наук: 08.00.05/ Константин Владимирович Пивоваров.- М., 2002.- 15с.
10. Р.Ж.Курбанова. Сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш(Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналари мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.автореферат: 08.00.05 / СамИСИ, 2019.– 52 б.
11. Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида) и.ф.н дисс.автореферат: 08.00.05 / Т. Шарипов. -С.: СамИСИ, 2010.- 25 б.

А.Сиддиков

Методологические аспекты разработки инновационной стратегии предприятий общественного питания

Аннотация: В данной статье описаны сущность инновационной стратегии, принципы и методологические аспекты разработки инновационной стратегии, роль и значение инновационной стратегии в стимулировании инновационной деятельности, обеспечении высокого уровня технологической и технической поддержки производства и сервиса и достижение конкурентного преимущества сферы предприятий общественного питания.

Ключевые слова: стратегия, инновационная стратегия, стратегическое планирование, инновационная деятельность, сфера общественного питания, принципы управления.

A.Siddikov

Methodological aspects of developing an innovative strategy for public catering enterprises

Abstract: This article describes the essence of an innovation strategy, the principles and methodological aspects of developing an innovation strategy, the role and importance of an innovation strategy in stimulating innovation, providing a high level of technological and technical support for production and service, and achieving a competitive advantage in the catering sector.

Keywords: strategy, innovation strategy, strategic planning, innovation activity, public catering, management principles.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС

Йигитали Муратович Ўринов – Бухоро муҳандислик-технология институти тадқиқотчиси

ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИДА ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мақолада чакана савдо корхоналарида хизматлар сифати ва унинг хусусиятлари, хизматлар сифатига қўйиладиган талаблар, хизматлар сифати мезонлари ҳамда чакана савдо корхоналари хизматлари сифатининг асосий йўналишлари тадқиқ этилган.
Калит сўзлар: сервис иқтисодиёти, чакана савдо, хизмат кўрсатиш сифати, рақобат устунлиги, хизмат кўрсатиш жараёни, истеъмолчилар.

Кириш. Ҳозирги шароитда чакана савдо корхоналарида хизматлар сифатини ошириш масаласига инновацион ёндашиш талаб этилмоқда. Рақамли технологияларни, замонавий илмий ютуқларни чакана савдо корхоналарига жадал жорий қилиш орқали уларнинг фаолиятини кенгайтириш ва чакана савдо хизматини кўрсатиш жараёнлари самарадорлигини ошириш имконини берадиган янги рақобат устунликларини яратиш зарур. Бу эса чакана савдо корхоналари фаолиятини оптималлаштириш орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Чакана савдо корхоналарида хизматлар сифатини ошириш масалалари иқтисодий адабиётларда кам ўрганилган. Хусусан, Б.А.Абдукаримов[1], М.Қ.Пардаев[2], Н.Ш.Ватолкина[3], И.Ш.Дзахмишева[4], В.Ф.Егоров[5] каби олимлар сервис фаолияти, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётига бағишлаб дарслик, ўқув қўлланмалар ва бошқа ўқув ва илмий адабиётларни ёзганлар. Аммо ушбу асарларда сервис корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланиш асосида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалалари атрофлича ўрганилмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ёндашув, гуруҳлаш усуллари қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Иқтисодий тараққиёт, рақобатнинг кучайиши, мураккаблашиши ва сотиладиган истеъмол товарлари ассортиментининг сезиларли даражада ошиши билан чакана савдо корхоналарида кўрсатилаётган хизматлар сифати масаласи долзарблиги ошмоқда ва ушбу хизматлар сифати истеъмол бозорида корхонанинг муваффақиятига эришиш учун зарур шарт-шароитлардан бирига айланди. Чакана савдо хизматларини кўрсатиш «фойдалилик» иқтисодий категорияси билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу истеъмолчининг товар фойдалилигини оширадиган товар ва хизматлар истеъмолидан қониқишидир. Хизматлар реализацияси қўшилган нафлилик қонунига бўйсунади, унга мувофиқ муайян бир маҳсулот истеъмолининг ўсиши билан бошқа товарлар истеъмоли ўзгаришсиз қолса, умумий нафлилик ошади, лекин кичикроқ миқёсда амалга ошади.

Кўрсатилаётган хизматлар сифати хорижий ривожланган мамлакатларда ҳам муҳим аҳамиятга эга. АҚШ статистик маълумотларга кўра, сўнгги 25 йилда янги маҳсулотларнинг 80%га яқини сотувдан кейинги хизматлар ва ахборот хизматлари ёмонлиги сабабли муваффақиятга эришмайди[6]. АҚШ корхоналари раҳбариятининг 41 фоизи фикрига кўра,

[1] Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти фанидан маърузалар матни I қисм. - Самарқанд. СамИСИ, 2007. 128 б.
[2] Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод-молия», 2008. - Б. 133.
[3] Ватолкина Н. Ш. Методы оценки качества услуг: сравнительная характеристика / Н. Ш. Ватолкина // Russian Journal of Management. – 2016. – Т. 4., № 3. – С. 374-382.
[4] Дзахмишева И.Ш. Методика отценки конкурентоспособности услуг в розничной торговой сети / И.Ш.Дзахмишева // Маркетинг в России и за рубежом. - 2004. -№3. - С. 93-108.
[5] Егоров В.Ф. Организация торговли: учебник /В. Ф: Егоров. - СПб.: Питер, 2006. - 352 с.
[6] США. Наши деловые партнеры. – М.: Международные отношения, 1991. – С. 15.

мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш энг янги замонавий технологиялар ёки моддий маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги инновациялардан муҳимроқдир[1].

Қўшилган нафлиликнинг камайиши «тартибли танлов» назариясининг асоси бўлиб, унга кўра истеъмолчилар турли товар ва хизматларнинг фойдалилигини таққослаш, истеъмол таркибини оқилоналаштириш жараёнида умумий нафлиликни максимал даражада ошириш асосида чекланган уй хўжалиги бюджетини сарфлайди.

Чакана савдо хизматлари ундан фойдаланиш жараёнида маълум бир фойдали хусусиятга эга ва шу билан бирга, чакана савдо корхоналарига ташриф буюрган мижозлар уларни нафақат истеъмол товарларини сотиб олиш нуқтаи назаридан, балки хизматларга бўлган бошқа эҳтиёжларини қондириш нуқтаи назаридан ҳам қабул қиладилар.

Сотувчилар томонидан тақдим этиладиган хизматларнинг фойдалилиги, шу жумладан, бизнинг фикримизча, чакана савдо корхоналарида ҳам турли нуқтаи назардан савдо жараёнларининг самарадорлигини белгилайди (1-расм).

1-расм. Истеъмол товарлари ва хизматларини айирбошлаш самарадорлиги бўйича хизматлар нафлилиги[2]

Шундай қилиб, хизматларнинг нафлилиги бевосита «хизмат кўрсатиш сифати» тушунчасига боғлиқ.

Нафлилик нуқтаи назаридан, чакана савдо корхоналари хизматларининг сифати кўрсатилаётган хизматлар бозор субъектларининг ушбу хизмат тури учун тўлашга тайёр бўлган нархини ҳисобга олган ҳолда муайян эҳтиёж ва умидлар тўпламига қанчалик мос келишини ва айирбошлаш жараёнларининг самарадорлиги нуқтаи назаридан хизматларнинг нафлилигини ифодалайди.

Бизнингча, чакана савдо корхоналарини хизмат кўрсатиш сифатининг тўрт жиҳати кўриб чиқилиши зарур (2-расм).

Таъкидлаш лозимки, хизматларнинг барча тўртта сифати бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Янги замонавий чакана савдо ускуналарни ўрнатиш (техник жиҳат) хизмат кўрсатиш тезлигини оширади, сотиш техникасини такомиллаштириш ва харидорга хизматни олиш вақтини қисқартириш имконини беради (функционал жиҳат). Хизматлар сифати этник жиҳати узоқ муддатда муҳим аҳамиятга эгадир, чунки харидорлар учун зарарли ҳолатларни олдини олишга қаратилган бўлиб, бино ва иншоотлар ҳолатига, сотилаётган товарлар сифатига ва ассортиментига боғлиқдир (техник жиҳат).

Чакана савдо корхонасининг хизматлари сифатига қўйиладиган талаблар уларнинг хусусиятлари асосида таснифланади (1-жадвал).

[1] США. Наши деловые партнеры. – М.: Международные отношения, 1991. – С. 20..
[2] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-расм. Чакана савдо хизматлари сифатининг хусусиятлари[1]

1-жадвал

Чакана савдо корхоналари хизматлари сифатига қўйиладиган талабларнинг таснифи[2]

Талаблар тури	Талаблар	Талаблар хусусияти
Умумий	Функционал	Хизматларни ўз вақтида кўрсатилиши; сифатли маҳсулотлар мавжудлиги; товарлар ассортименти мавжудлиги; керакли маълумотлар тақдим этилиши; сотувчиларнинг малакаси.
	Ижтимоий	Аҳолига талаб этилган хизматлар кўрсатилиши; хизматларни ижтимоий, мақсадли йўналтирилганлиги; маҳсулотни сотиб олиш, хизмат кўрсатилиши вақти; кўрсатилган хизматлардан қониқиш даражаси.
	Меҳнат шароитлари	Хоналарнинг санитария-гигиена ҳолати; мижозлар учун хизматлар қулайлиги; бинога кириш ва чиқиш ҳамда маҳсулотлар жойлашуви қулайлиги; истеъмолчилар учун маълумотларнинг мавжудлиги; ходимларнинг хушмуомалалиги ва хайрихоҳлиги.
	Эстетик жиҳат	Иш ўринлари ва сотув зали жиҳозланиши; хоналар дизайни; товарларнинг жойлашуви.
	Технологик жиҳат	Корхона таъминоти; сотув хоналарининг технологик жиҳозланиши; маълумотларни қайта ишлашнинг техник жиҳозларини мавжудлиги; хизмат кўрсатишни самарали йўлга қўйиш учун технологик шарт-шароитларнинг мавжудлиги.
	Хавфсизлик	Сотиладиган товарлар хавфсизлиги; технологик асбоблар

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
[2] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

		хавфсизлиги; қадоқлар хавфсизлиги ва қулайлиги; ходимлар хавфсизлиги (махсус кийим, санитария-гигиена талаблари ва бошқалар); бино ва иншоотлар хавфсизлиги; маҳсулотларни сақлаш хавфсизлиги.
	Атроф-муҳит муҳофазаси	Атроф-муҳитни қадоқлар, транспорт, асбоб-ускуналардан зарарланишини муҳофаза қилиш.
Махсус	Тезкорлик	Хизматларни тезкор ва ўз вақтида кўрсатиш; ходимларнинг хизмат кўрсатишга хоҳиши.
	Шикоятлар билан ишлаш	Шартнома шартлари ва сотув қоидалари бузилиши ҳолатида шикоятларни тезкор ва ўз вақтида кўриб чиқиш.
Мажбурий	Меҳнат шароитлари	Белгиланган меъёрларга талаб даражасида хоналарнинг санитария-гигиеник ҳолати.
	Функционал аҳамият	Савдо корхонаси турига талаб этилган ассортимент мавжудлиги.
	Хавфсизлик	Бино, ускуналар, қадоқлаш, ходимлар ва бошқаларнинг хавфсизлиги.
Тавсиявий	Меҳнат шароитлари	Бинога кириш ва чиқиш ҳамда маҳсулотлар жойлашуви қулайлиги.
	Функционал аҳамияти	Маълумотларнинг очиқлиги, аниқлиги ва ўз вақтида тақдим этилиш ва бошқалар.

Истеъмолчиларнинг товарлар ва хизматлардан қониқишини белгиловчи омиллар қуйидагилар: компаниянинг имижи; истеъмолчилар кутишлари; концептуал жиҳатдан маҳсулот ва хизматларнинг сифат жиҳатларидан иборат мустаҳкам таркибий қисмларга ва хизматдаги истеъмолчи билан боғлиқ бўлган интерактив элементлар бўлган инсонпарварлик таркибий қисмларига бўлинган идрок этилган сифат; ҳис этилган қиймат.

Яширин ўзгарувчиларнинг ҳар бири истеъмолчи сўрови орқали кузатилган икки-олтита ўлчанадиган ўзгарувчилар (кўрсаткичлар) билан аниқланади. Яширин ўзгарувчилар нуқтаи назаридан истеъмолчининг содиқлиги қуйидаги истеъмолчи хоҳиш-истакларини ифодаловчи бир нечта кўрсаткичлар билан белгиланади: такрорий харид; худди шу компаниядан бошқа маҳсулотни сотиб олиш; рақобатчига ўтиш (нархга чидамлилик); ушбу брендни/компанияни бошқа истеъмолчиларга тавсия этиш.

Келтирилган маълумотларини умумлаштириш орқали чакана савдо корхоналари хизматлари индивидуал сифат моделини таклиф қилиш имконини беради.

Хизматлар сифати корхона фаолиятининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, уни ошириш аҳамиятли даражада корхонанинг бозорда яшаб қолиши, илмий-техник тараққиёт суръати, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши, корхонада фойдаланиладиган барча кўринишдаги ресурсларни тежаш орқали аниқланувчи интенсив ривожланиш кўрсаткичидир.

Хулоса ва таклифлар. Чакана савдо корхоналари хизматлари сифатига қўйиладиган талаблар функционал, ижтимоий, меҳнат шароитлари, эстетик ва технологик жиҳатлари бўйича ҳамда хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ умумий ва махсус хусусиятларига кўра гуруҳларга таснифланади. Чакана савдо корхоналарида хизматлар сифатини ифодаловчи мезон ва кўрсаткичлар уларнинг истеъмол хусусияти билан аниқланади. Шунга кўра, чакана савдо корхоналарида хизматлар натижадорлигини таъминлаш, истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш, кўрсатиладиган хизматлар муддатини қисқартириш, истеъмолчиларнинг товарлар ва хизматлардан қониқишини белгиловчи омиллар аниқланди.

Чакана савдо корхоналарида хизматлар сифатини ошириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Чакана савдо корхоналарида хизмат кўрсатиш тезкорлиги ва тартиби бўйича меъёрларга тузатишлар киритиш ҳамда хизмат кўрсатувчи персоналнинг компетенциясини ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш.

2. Кўрсатилаётган хизматларнинг санитария-гигиена талабларига мослигини доимий мониторингини ўтказиб бориш.

3. Чакана савдо корхонасини замонавий техника ва мосламалар билан таъминлаш ва

жиҳозлаш;

4. Чакана савдо корхонасининг хизматлар хавфсизлиги, ишончлилиги ва ижтимоий талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

5. Иш ўринлари ва сотув залининг жиҳозланиш даражаси, хоналарнинг дизайни ва товарларнинг жойлашуви кабиларни харидорлар талабига мослаштириш.

Й.Уринов **Качество обслуживания и его характеристики в предприятиях розничной торговли** **Аннотация:** В данной статье исследовано качество услуг в предприятиях розничной торговли и его характеристика, требования к качеству услуг, критерии качества обслуживания и основные направления качества услуг предприятий розничной торговли. **Ключевые слова:** сервисная экономика, розничная торговля, качество обслуживания, конкурентное преимущество, сервисный процесс, потребители.	**Y.Urinov** **Quality of service and its characteristics in retail enterprises** **Abstract:** The article studies the quality of services in retail trade enterprises and its characteristics, requirements for the quality of services, criteria for the quality of service and the main directions of the quality of services of retail trade enterprises. **Keywords:** service economy, retail trade, service quality, competitive advantage, service process, consumers.

Фарход Анварович Сафаров – докторант СамИЭС, PhD.

МЕТОДЫ ОЦЕНКИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ

Аннотация: в статье рассмотрены основные подходы и методы оценки социально-экономического развития сферы услуг. Приведена классификация методов оценки, на основе которых разработан алгоритм проведения оценки социально-экономической эффективности предприятий сферы услуг. Предложены рекомендации по ранжированию регионов на основе данной методики.
Ключевые слова: эффективность, сфера услуг, экспертная оценка, стоимостная оценка, рейтинговая оценка, интегральная оценка, ранжирование.

Введение. В экономике Узбекистана сфера услуг занимает значимое место. Наряду с тем, что на долю сферы услуг приходится более трети ВВП страны, она является индикатором состояния трансформации экономики с индустриальной в постиндустриальную стадию. В данном контексте развитие сферы услуг можно рассматривать как драйвер в бурно развивающейся в последние годы экономики нашей республики.

Развитие сферы услуг, в первую очередь характеризуется эффективностью в данном направлении. Само понятие «эффективность» играет важную роль в деятельности любого хозяйствующего субъекта, управлении территорией, людьми и другими социальными, экономическими процессами, происходящими в обществе. В этой связи важное значение имеет проведение анализа и оценки подходов авторов в научной среде к определению категории «эффективность» и «социально-экономическая эффективность» по отношению к сфере услуг. При этом необходимо рассмотреть не только значение понятия эффективность, а в более широком смысле определить сущность понятия «социально-экономическая эффективность». На основе полученных выводов необходимо сформировать методику оценки эффективности сферы в целом, а также социально-экономической эффективности в частности.

Анализ использованной литературы. Сегодня можно встретить в современной научной литературе различные подходы к оценке эффективности. Следует выделить целевой подход, который отражает выполнение целевых показателей, заложенных в различные виды нормативных и плановых документов. Также следует отметить системно-ресурсный подход, отражающий эффективное использование имеющихся ресурсов. Р. Стирз предлагает для оценки эффективности использовать интегративный подход, который предполагает совокупный анализ и оценку показателей. Также следует отметить. что ряд современных

западных авторов делают акцент на оценке эффективности ориентируясь на удовлетворенности потребностей участников рынка услуг (Ч. Барнард, Г. Георгиу, Д. Роулс, Т. Стирс, Р. Нортон, Д. Каплан)[1]. М. Уэйтс предлагает проводить количественную и качественную оценку эффективности субъекта через интегрированный показатель добавленной стоимости[2]. В области методов оценки эффективности Горшков М.К. и Шереги Ф.Е. характеризуют оценку экспертов как заключение эксперта, в результате проведения процедуры сравнения объектов, их свойств в соответствии с выбранными критериями[3]. Лиотар Ж.-Ф. под экспертной оценкой предлагает рассматривать суждение высококвалифицированных специалистов, выраженное в форме содержательной, качественной или количественной оценки объекта, направленное на дальнейшее его использование при принятии каких либо решений[4]. Бешелев С.Д., Гурвич Ф.Г. отмечают в своих работах, что экспертная оценка это средняя, или модальная, характеристика из высказанных группой компетентных специалистов мнений о каком-либо процессе при условии, что удалось достичь согласованности или близости взглядов[5].

Методология исследования. Данное исследование основано на методах научного абстрагирования, индукции и дедукции, анализа и синтеза, а также анализа статистических и логических данных.

Основная часть. При определении методологии оценки социально-экономической эффективности сферы услуг важен механизм, который оказывает влияние на экономику территории, в рамках нашего исследования такой территорией выступает республика Узбекистан. Механизмы следует рассматривать в развитии экономики территории и населении территории. Эффективность реализации сферы услуг на территориальном уровне оценивается такими показателями как приростом ВВП (ВРП), пополнение бюджета за счет налоговых поступлений от сферы услуг, ростом малого и среднего бизнеса, создании дополнительных рабочих мест. Для оценки эффективности сферы услуг для населения предлагается оценить в улучшении качества жизни населения, возможность трудоустройства на предприятия сферы услуг и удовлетворение населением качеством предоставляемых услуг.

Кроме того, все методы оценки социально-экономической эффективности развития сферы услуг представлены как косвенные методы, которые применяются при использовании косвенных методов, прямые методы предусматривают использование стоимостных оценок при оказании услуг и смешанные методы, предусматривающие применение методов рейтинговой оценки полезности результатов оказания услуг.

Широко применяемые в экономике и статистике косвенные и прямые методы могут быть заложены в основу методов оценки социально-экономической эффективности развития сферы услуг. Косвенные методы не предполагают оценку показателей, которые непосредственно относятся к формированию сферы услуг. Представленные в результате проведенного исследования методы оценки социально-экономической эффективности развития сферы услуг позволяют в дальнейшем провести комплексную оценку социально-экономической эффективности отраслевого развития сферы услуг.

Метод экспертной оценки выступает уникальным и довольно распространённым методом, применяемым в экономической сфере. Довольно большое количество исследователей сходятся во мнении, что самой главной чертой метода экспертных оценок является его применение в ситуации, когда отсутствуют числовые показатели, позволяющие провести качественную оценку предмета исследования. В результате при выполнении общей задачи группами экспертов позволяет применять различные методы получившие общий термин «метод экспертных оценок».

---

[1]Barnard C. Organization and Management: Selected Papers. Cambridge, Mass. :Harvard University Press, 1938. P. 42.; Smith P. C., Kendall L. M., Hulin C. L. The measurement of satisfaction in work and retirement: a strategy for the study of attitudes. Chicago, Rand McNally, 1969.

[2] Waits M. J. The added value of the industry cluster approach to economic analysis, strategy development and service delivery. Economic development quarterly, February 2000, vol. 14, no 3, pp. 35–50.

[3] Горшков М.К., Шереги Ф.Э. Прикладная социология. — М.: Центр социального прогнозирования, 2003.

[4] Лиотар Ж.-Ф. Состояние постмодерна. — СПб., 1998.

[5] Бешелев С.Д., Гурвич Ф.Г. Экспертные оценки. — М.: Наука, 1973.



Рисунок 1. Классификация методов оценки социально-экономической эффективности развития сферы услуг.

Обязательным условием проведения экспертной оценки выступает качественный подбор специалистов, ученых – людей имеющие хорошие знания и опыт в той сфере по которой проводиться экспертная оценка. Также существуем мнение, что вероятность резуль-татов проведенной экспертной оценки может быть не велика. В этой связи качественный подбор экспертов позволяет снизить риски получения недостоверной, некачественной информации от экспертов. Если оценка была получена от группы экспертов, то «истинные» знания находятся в пределах оценки, а общее коллективное мнение считается надежным.

Экспертный метод предполагает проведение экспертизы количественных параметров и значений, а также оценку показателей, не имеющих количественных значений. В результате проведения экспертной оценки на основе количественных показателей применяются статистические и эконометрические методы, позволяющие определить отклонения от каких-либо значений. Такими значениями в экономике могут быть плановые показатели, прогнозные значения, среднестатистические и т.д. которые позволяют дать суждение о экономических процессах и явлениях как «плохой», недостаточно сформированный», недостигнутый и т.д. и наоборот «хороший», «достигнутый», «сформированный». В результате более широкое применение находят относительные оценки, позволяющие проводить сравнение по установленным критериям или правилам.

К прямым методам определения социально-экономической эффективности развития сферы услуг предлагается отнести методы стоимостной оценки результатов оказания услуг. В основу данного метода предлагается модель «затраты-выпуск». В качестве продукта предлагается рассматривать различные виды услуг. Предлагаемая модель имеет большое значение для проведения анализа и прогнозирования экономики в связи, с чем нашла широкое применение во многих странах мира.

Одним из прикладных направлений использования этой модели является анализ структурной декомпозиции (англ. Structural Decomposition Analysis, SDA), который позволяет оценить изменение различных результирующих показателей в результате влияния различных факторов за определенный промежуток времени. Ранее в качестве результирующего показателя выступал отраслевой выпуск продукции или оказание услуг, позже он стал включать и такие показатели как, формирование добавленной стоимости, эффекты от выбросов в окружающую среду, использование электроэнергии, и др.

В качестве смешанных методов оценки социально-экономической эффективности развития сферы услуг предлагается применение метода рейтинговой оценки полезности результатов оказания услуг. Метод рейтинга относиться к эмпирическим методам исследования позволяющий определить сильные и слабые стороны объекта исследования и на основе этого построить рейтинг с учетом сильных сторон или слабых сторон, в зависимости от поставленной цели исследования.

Рейтингование проводиться на основе экспертной оценки или на основе анализа показателей, результаты которых относят к определенному классу, разряду или категории. Полезность оказываемых услуг предлагается рейтинговать на основе проведенных опросов экспертов и на основе полученных результатов выстроить рейтинг услуг приносящие наибольшую пользу обществу и экономике страны и ее регионов в целом. Также следует

составить рейтинг услуг по доле в ВВП, по отраслевому распределению, по объему, приходящемуся на 1 жителя страны и ее регионов. Составленный рейтинг позволяет провести оценку конкурентоспособности стран и регионов по уровню развития сферы услуг, а также в процессе мониторинга в определенный промежуток времени оценить перемещение страны, региона или субъекта в рейтинговой таблице.

Для оценки социально-экономической эффективности деятельности предприятий сферы услуг предлагается применение метода *интегральной оценки*, который является методом смешанного типа предусматривающий применение количественных показателей и применение метода экспертной оценки значимости (веса) показателей /индикаторов. Представим алгоритм применения данного метода на Рисунке 2.



Рисунок 2. Алгоритм проведения оценки социально-экономической эффективности предприятий сферы услуг

На третьем этапе, исходя из полученных результатов экспертной оценки, проводиться расчет группового показателя по формуле 1, указанной на рисунке 2.

На четвертом этапе оценки социально-экономической эффективности предприятий сферы услуг на основе полученных результатов групповых показателей проводиться расчет интегрального показателя потенциала по формуле 2, указанной на рисунке 2.

На первоначальном этапе проведения оценки были определены пять групповых показателей: обеспечение основными фондами, работа с клиентами, работа с поставщиками ресурсов, качество управления и стабильность финансового положения.

На втором этапе проводиться экспертная оценка индикаторов каждого группового показателя. В качестве экспертов могут выступать научные сотрудники в сфере оказания услуг. Руководители и сотрудники министерств и ведомств, руководители организаций и предприятий, имеющих отношение к сфере услуг. Экспертам предлагается оценить вес каждого индикатора группового показателя от 0 до 100 распределив 100 баллов среди всех предлагаемых индикаторов. В результате проведенной экспертной оценки каждый индикатор получает свой вес в групповом показателе. Следует100 баллов прировнять к коэффициенту равному единице.

На пятом этапе полученные результаты интегральной оценки ранжируются по трем уровням.

Для ранжирования регионов следует использовать формулу 3:

$$h = \frac{X_{max} - X_{min}}{n}, \quad (3)$$

где, h-интервальная длина; - максимальное и минимальное значение генеральной совокупности; n - количество заданных групп.

Заключение и предложения. На основе расчетов, проведенных исходя из статистических данных по регионам республики, с применением вышеуказанной методики, регионы ранжируются по определению их в три группы:

- низкий уровень социально-экономической эффективности предприятий сферы услуг;
- средний уровень социально-экономической эффективности предприятий сферы услуг;
- высокий уровень социально-экономической эффективности предприятий сферы услуг.

Данная картина даёт нам возможность определения дальнейшей стратегии развития каждого отдельно взятого региона, исходя из его слабых и сильных направлений. В этом этапе также формируется план по ликвидации воздействия негативных факторов на развитие сферы услуг, который подразумевает привлечение дополнительных финансовых, технологических, интеллектуальных и прочих ресурсов.

Анализ методик оценки социально-экономической эффективной деятельности компаний, оказывающих услуги позволяет сделать вывод, что их применение имеет целевую направленность с учетом сложившихся условий в на рынке услуг.

Ф.Сафаров

Хизмат кўрсатиш соҳаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиши самарадорлигини баҳолаш усуллари

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолашнинг асосий ёндашувлари ва усуллари муҳокама қилинади. Унда баҳолаш усулларининг таснифи берилган, бу тасниф асосида хизмат кўрсатиш корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилган. Ушбу методология асосида ҳудудларни тартиблаш бўйича тавсиялар таклиф этилади.

Калит сўзлар: самарадорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси, эксперт баҳолаш, қийматли баҳолаш, рейтинг баҳолаш, интеграл баҳолаш, тартиблаш.

F.Safarov

Methods for assessing the socio-economic efficiency of the service sector development

Abstract: The article discusses the main approaches and methods for assessing the socio-economic development of the service sector. A classification of assessment methods is given, on the basis of which an algorithm for assessing the socio-economic efficiency of service enterprises has been developed. Recommendations for ranking regions based on this methodology are proposed.

Keywords: efficiency, service sector, expert assessment, cost assessment, rating assessment, integral assessment, ranking.

Bobir Xo‘jaqul o‘g‘li Qilichov – SamISI, Menejment kafedrasi assistenti

XIZMAT KO‘RSATISH KORXONALARINING SAMARALI RIVOJLANISH STRATEGIYASI

Annotatsiya: Maqolada xizmat ko‘rsatish sohasida faoliyat yuritayotgan korxonalarning samarali rivojlantirish strategiyalari, korxonalarda uzoq muddatli strategiyalarni ishlab chiqish, maqsadlarni, imkoniyatlar va resurslarni aniqlash jarayoniga jiddiy yondashish va boshqaruv samaradorligini oshirish yo‘llari ko‘rsatib berilgan.

Kalit so‘zlar: Strategiya, Strategiyani amalga oshirish, Yuqori darajali strategik fikrlash va boshqarish, avtoritar, Difersifikatsiya, Muvaffaqiyatli strategiya.

Kirish. Rivojlanib borayotgan mamlakatimizda xizmat ko‘rsatish korxonalarining soni va mamlakatimiz iqtisodiyotidagi o‘rni kundan kunga ortib bormoqda. Bozorning to‘xtovsiz o‘zgarib turuvchi sharoitlari korxonalarga uzoq muddatli strategiyalarni ishlab chiqish, maqsadlarni, imkoniyatlar va resurslarni aniqlash jarayoniga jiddiyroq yondashishni talab qilmoqda. Bu ish rejalashtirish asosida amalga oshiriladi,

Xizmat ko‘rsatish korxonalarida strategiyani amalga oshirish bu - amaliy ma’muriy ish bo‘lib, tashkil etish, moliyaviy rejalashtirish, kerakli siyosatni yuritish, motivlarni va kompaniya madaniyatini hamda boshqarish usullarini yaratish, qisqasi kompaniya maqsadlarini amalga oshirishga xizmat qiluvchi hamma harakatlar majmuasidan iborat.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Iqtisodiy adabiyotlarda menejment nazariy asoslari va amaliy masalalari xorijiy va mamlakatimiz olimlaridan Gorfinkel Ya., Popadyuk T. G. Kruglova N. Yu., Kruglov M.I., Lapigin Yu.N., Kliff Baumen, Michael A., Paul Trott, Pervaiz Ahmed, Charles Shepherd, Yo‘ldoshev N.Q., Akbarxodjayeva Z.Z., Nazarova G.G, Salixova N.M., Muxamedjanova G.A., Axmedov I.A., Ismailova N.S., Umarxodjayeva M.G., Abdullayev A.M., Axmedov K., Fattaxov A.A. kabilarning ilmiy ishlarida ko‘rib chiqilgan.

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqot jarayonida tizimli yondashuv, mantiqiy fikrlash, guruhlash, taqqoslash, statistik kuzatish usullaridan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar. Bozorning to‘xtovsiz o‘zgarib turuvchi sharoitlari korxonalarga uzoq muddatli strategiyalarni ishlab chiqish, maqsadlarni, imkoniyatlar va resurslarni aniqlash jarayoniga jiddiyroq yondashishni talab qilmoqda. Bu ish rejalashtirish asosida amalga oshiriladi, unda muhim rolni marketing egallaydi.

Strategiyani amalga oshirish bu - amaliy ma’muriy ish bo‘lib, tashkil etish, moliyaviy rejalashtirish, kerakli siyosatni yuritish, motivlarni va kompaniya madaniyatini hamda boshqarish usullarini yaratish, qisqasi kompaniya maqsadlarini amalga oshirishga xizmat qiluvchi hamma harakatlar majmuasidan iborat.

Strategiyani yaratish va amalga oshirish jarayoni o‘zaro bog‘liq beshta vazifani bajarishni o‘z oldiga maqsad qilib qo‘yadi:

1. Korxona qanday biznesda faoliyat ko‘rsatadi, strategik tasavvurni shakllantirish ya’ni: missiyani va maqsadlarni aniqlash.
2. Strategik tasavvurni va missiyani qayta shakllantirish.
3. Qo‘yilgan maqsadlarga erishish strategiyasini yaratish.
4. Tanlangan strategiyani sifatli va samarali tatbiq etish.
5. Faoliyat natijalarini baholash, yangi an’analarni aniqlash va uzoq muddatli rivojlanishga nisbatan moslashtiruvchi harakatlarni belgilash.(1- rasm).



1-rasm.Strategik boshqaruvning besh vazifasi

Korxonaning ko‘rinishi qanday bo‘lishi va qanday raqobat mavqiyiga ega bo‘lishi lozimligini aniqlash bu korxonaning strategik tasviri yoki ko‘rinishi demakdir. Ushbu hol korxonaning boshqaruv tasviridir. Korxonaning strategik ko‘rinishini va uning missiyasini e’lon qilish bilan birga rahbarlar «maqsadlar his-tuyg’usini» ijrochilarda shakllantirishlari lozim.

Korxonaning o‘ziga xos xususiyatlaridan qat’i nazar bajarilishi lozim bo‘lgan asosiy talablar mavjud bo‘lib, quyidagilardan iborat:

- strategiyani muvaffaqiyatli amalga oshirishga qodir tashkilot tuzish;
- strategik muvaffaqiyatni belgilab beruvchi qadriyatlar zanjiridagi faoliyat turlariga yetarlicha resurslarni yo‘naltirish uchun budjetlarni qayta ko‘rib chiqish;
- strategiyaga mos keluvchi yo‘nalish va jarayonlarni belgilash;
- doimiy rejalashtirish va takomillashishni ta’minlash uchun eng yaxshi texnika va amaliyotni joriy qilish;

- rag‘batlantirish va mukofotlash tizimini strategiyani yuqori darajada bajarish va belgilangan maqsadlarga erishi bilan bog‘lash;
- strategiyani qo‘llab-quvvatlovchi ishchi muhit va korporativ madaniyatni yaratish;
- strategiyani amalga oshirish va bu jarayonda uni takomillashtirish uchun zarur bo‘lgan ichki rahbarlikni (liderlikni) ta’minlash.

Zamonaviy rahbar o‘z kompaniyasining mavqeyini va ushbu mavqega ta’sir etuvchi muhit qanday o‘zgarishini tasavvur etishi lozim. U o‘z biznesini shunchalik yaxshi bilishi lozimki, zarurat tug‘ilganda muayyan o‘zgarishlarni amalga oshirishni aniq bilishi kerak. «Raqobatchilar bizning usullarimizni, prinsiplarimizni, imkoniyatlarimizni asosan bilishadi, ular o‘z ustunligidan foydalanish imkoniyatiga ega. Muvaffaqiyatlarimiz farqi strategiyalarni yaratilish va amalga oshirishdadir» deydi muvaffaqiyatli korxonaning ijrochi-direktori.

Menejerlar turli usullar yordamida rahbarlikni amalga oshirishlari mumkin. Ular juda faol va ahamiyatli yoki aksincha ko‘rimsiz, kichik bir rolni o‘ynashi mumkin. Ular avtoritar tarzda yoki konsensus asosida qaror qabul qilishi, vakolatlarini yuborishi, strategiyani amalga oshirishga jalb qilinishlari yoki chetda turib boshqalarni tezroq yoki ehtiyotkorlik bilan harakat qilishga undashlari mumkin. Menejerlarning strategiyani amalga oshirish jarayonini boshqarishi bir qator omillarga bog’liq: ularning tajribasi va biznes sohasidagi bilimlari; ularning mazkur sohada yangi ishtirokchi yoki yetarli tajribaga ega ekanligi; kompaniyaning boshqa xodimlari bilan shaxsiy munosabatlari; ularning muammolarni hal qilish, ma’murlik va shaxslararo munosabatlar sohasidagi qobiliyati; ularning hokimligi; ular afzal ko‘ruvchi rahbarlik usuli; ularning belgilangan maqsadga erishish uchun o‘ynashi lozim bo‘lgan rolni ko‘rishi.

Strategik rejani amalga oshirishda hamma rahbarlar qatnashadi. Difersifikatsiyalashgan kompaniyalarda strategiyani boshqarishning 4 pog‘onasi mavjud:

- ijrochi – direktor va kompaniya darajasidagi boshqa oliy rahbarlar;
- muayyan biznes yo‘nalishida foyda va zararlar uchun javobgar va strategiyani shakllantirish huquqiga ega rahbarlar;
- biznes ichida funksional zonalar uchun javobgar (ishlab chiqarish, marketing, moliya, ilmiy izlanishlar va kadrlar) rahbarlar;
- asosiy ishlab chiqarish bo‘limlarining rahbarlari javobgarligi.

Strategiyani shakllantirish va tatbiq etish oliy rahbariyat zimmasida bo‘lganligi uchun direktorlar kengashining strategik roli strategik muammolarni to‘g‘ri hal etishni nazorat qilishdan iboratdir. Direktorlar kengashi muhim strategik harakatlarni nazorat qiladi va strategik rejalarni rasmiy quvvatlaydi. Kamdan-kam vaziyatlarda direktorlar kengashi strategiyani yaratishda yetakchi rol o‘ynaydi. Strategik boshqaruv jarayonida direktorlar kengashining roli strategik harakatlarni tanqidiy baholash va kelajak strategiyasini amalga oshishini ta’minlashdan iborat. Direktorlar kengashining asosiy vazifalaridan yana biri oliy rahbariyatning strategiyasini yaratish va amalga oshirish sohasidagi malakasini nazorat qilish ya’ni, direktorlar kengashi ijrochi-direktori va boshqa rahbarlar o‘z vazifasini qanday bajarayotganini baholashdan iboratdir.

Rahbarning vazifasi noqulay vaziyatga ijobiy ta’sir etuvchi tezkor strategiyalarni qo‘llab, vaziyatni nazoratga olishdir. Muvaffaqiyatli strategiyaning ma’nosi shundan iboratki, noqulay vaziyatlarga, shafqatsiz raqobatga va ichki muammolarga qaramasdan korxona kuchli bozor mavqeyini saqlab qolishi lozim.

Korxona moliyaviy va strategik maqsadlarni alohida belgilashi lozim. Moliyaviy maqsadlarning mavjud emasligi, moliyaviy resurslarni yuqori tavakkalchilik bilan sarflanishiga sabab bo‘ladi. Natijada korxonaning o‘sishi va raqobatbardoshligi pasayadi. Korxona strategik maqsadlari shuning uchun muhimki, ular korxona raqobat mavqeyini mustahkamlaydi va biznesning rivojlanish yo‘nalishini ko‘rsatadi.

Xulosa va takliflar. Olib borilgan o‘rganish va kuzatishlarimiz davomida Xizmatlar sohasi menejmenti mohiyati va xususiyatlarini tadqiq etish orqali bir qator xulosalar, taklif va tavsiyalar ishlab chiqildi.

Boshqaruv tizimini ishlab chiqishda quyidagi omillarni hisobga olish talab qilinadi:

- Xizmat ko‘rsatadigan kompaniyaning joylashuvi asosan boshqa omillar bilan emas, balki iste’molchilarning joylashuvi bilan belgilanadi;
- Samaradorlikni hisobga olishdan avval, iste’molchilarning ehtiyojlari va istaklarini inobatga olish lozim;
- Ishlarni kunlik rejalashtirish aksariyat holatlarda iste’molchilarning xatti-harakatlariga bog‘liq bo‘ladi;

- Xizmatlar sifatini aniqlash va o‘lchash bir muncha qiyin hisoblanadi;
- Xodimlar iste’molchilar bilan yaxshi muloqotga kirisha olishlari kerak;
- Ishlab chiqarish quvvatlari talabning o‘rtacha miqdoriga qarab emas, balki iste’molchilar talabining eng yuqori miqdoriga qarab hisob-kitob qilinadi;
- Xodimlarning samaradorligini hisob-kitob qilish mushkul, chunonchi unumdorlikning past bo‘lishi xodimlar faoliyatining talab darajasida emasligiga emas, balki iste’molchilar tomonidan talabning yetarli bo‘lmasligiga ham bog’liq bo‘lishi mumkin;
- Odatda yirik kompaniyalarning xizmatlar sohasida faoliyat ko‘rsatishi unchalik ham ko‘p ko‘zga tashlanavermaydi (aviakompaniyalar, banklar bundan mustasno);
- Ba’zi holatlarda xizmatlar sohasida ishlab chiqarish va marketingni bir-biridan farqlash bir muncha qiyinchilik tug‘diradi.

Iste’molchilarga xizmat ko‘rsatishni boshlashdan avval ko‘zda tutilgan natija va xizmat ko‘rsatish sifatini namoyish etishni qiyinlashtiruvchi xizmatlarni ilg‘ash darajasining qiyinligi rahbarlarning nafaqat mijozlarga xizmat ko‘rsatish jarayonining o‘ziga, balki bilvosita ko‘rsatadigan boshqa omillarga ham alohida e’tiborini talab qiladi. Bunday omillar sirasiga binolarning joylashishi va ularning interyeri, jihoz va asbob-uskunalarning qulayligi va dizayni, xodimlarning tashqi ko‘rinishi va xulq-atvori, tashkilotning ish tartibi kabilarni kiritishimiz mumkin

Xizmatlarning geterogenligi ularni standartlashtirish imkoniyatlarini qiyinlashtiradi, Ba’zida esa imkonsiz qilib qo‘yadi. Shu sababli, me’yor va qoidalardan foydalanish asosida xodimlarning faoliyatini rejalashtirish, rag‘batlantirish va nazorat qilish uchun tovarlar ishlab chiqarishning an’anaviy usullari iste’molchilarga xizmat ko‘rsatish borasija har doim ham qo‘l kelavermaydi. Xizmat ko‘rsatish sifatini nazorat qilish qiyinlashadi va maxsus yondashuvlarni talab qiladi, chunki bu nafaqat tashkilotning moddiy va mehnat omillariga, balki muayyan mijozlarga ham ko‘p jihatdan bog‘liq sanaladi.

Xizmatlarni saqlash imkonining yo‘qligi servis menejmentining asosiy muammolaridan biri hisoblanadi, chunki u zaxiralarni yaratish hisobiga talabning o‘zgarishiga tez va oson moslashishga imkon bermaydi. Ushbu muammo nisbatan barqaror talabga ega xizmatlar: binolarni tozalash, audio va video apparaturalarni ta’mirlash kabilar borasida kamroq seziladi. Biroq, kun, hafta yoki mavsum davomida eng yuqori talab mavjudligi bilan tavsiflanuvchi (transport, tibbiyot, kurort inshootlari va boshqalar) xizmatlarni saqlash imkoniyatlarining mavjud emasligi talabning pasayishi davrida xodimlar va jihozlarning turib qolishi va talabning eng yuqori cho‘qqisida daromad yo‘qotilishi tufayli faoliyat samaradorligining keskin pasayishiga olib keladi. Bu menejerlarni boshqaruv qarorlarini qabul qilishda ushbu muammoning ta’sirini kamaytirish yo‘llarini izlashga, xizmatlarga talab hajmi va tuzilishini aniqlashga yordam beradigan statistik kuzatish usullaridan foydalanishga majbur qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati.

1. Yo‘ldoshev N.Q., Akbarxodjaeva Z.Z. Innovatsion menejment. Darslik. – T.: «IQTISODIYOT», 2019. – 321 bet.
2. Nazarova G.G Salixova N.M., Muxamedjanova G.A., Axmedov I.A., Ismailova N.S. Xalqaro menejment. /prof. A. Sh. Bekmurodov tahriri ostida (darslik).–T.:TDIU, 2011-y.
3. Pardaev MD., Isroilov J.I. Xususiy korxonalar faoliyati tahlilining nazariy va metodologik muammolari, (Monografiya), T:"Fan va texnologiya", 2007. - 163 b.
4. Yo‘ldoshev N.Q. va boshqalar. «Innovatsion menejment». Darslik. TDIU. 2011 y. – 312 b
5.www.gov.uz– O‘zbekiston Respublikasi hukumat portali.
6. www.lex.uz– O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi.

Б.Киличов

Стратегия эффективного развития предприятий сферы услуг

Аннотация: В статье изложены эффективные стратегии развития предприятий, работающих в сфере услуг, способы разработки долгосрочных стратегий на предприятиях, серьезного подхода к процессу определения целей, возможностей и ресурсов и повышения эффективности управления.

Ключевые слова: стратегия, реализация стратегии, стратегическое мышление и управление высокого уровня, авторитарная, дифференцированная, успешная стратегия.

B.Kilichov

Effective development strategy of service enterprises

Abstract: the article provides effective development strategies of enterprises operating in the service sector, development of long-term strategies at enterprises, a serious approach to the process of determining goals, opportunities and resources, and ways to increase the efficiency of management.

Keywords: strategy, Strategy Implementation, high-level strategic thinking and management, authoritarian, difersification, successful strategy.

ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ

Дилафруз Бахтиёровна Набиева – докторант 2 курса Международного университета туризма «Шелковый путь»
Дилбар Хасановна Асланова – Научный руководитель: профессор, к.э.н.

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ УДОВЛЕТВОРЕННОСТИ И ЛОЯЛЬНОСТИ ПОТРЕБИТЕЛЕЙ ГОСТИНИЧНОГО БИЗНЕСА

Аннотация: в статье произведен анализ литературных источников по проблеме создания системы обеспечения удовлетворенности и лояльности клиентов компаний и даны рекомендации по включению мероприятий по обеспечению удовлетворенности и лояльности клиентов в стратегии компаний гостиничного бизнеса.
Ключевые слова: удовлетворенность клиента, лояльность клиента, стратегия, компания, гостичный бизнес, финансовая информация, потребитель.

Введение. В последние годы многие фирмы как в Узбекистане так и за рубежом особое внимание уделяют вопросам влияния удовлетворенности и лояльности клиентов, потому что повышение удовлетворенности и лояльности является важным элементом стратегий их развития. В рамках реализации такой стратегии они внедряют системы CRM (управления отношениями с клиентами), проводят опросы потребителей. Однако фирмы не придают особого значения тому, каким образом результаты повышения удовлетворенности и лояльности могут повлиять на принятие решений. В результате система повышения удовлетворенности и лояльности потребителей, а также анализа результатов может оказаться неспособной предоставить менеджерам данные, жизненно важные для формирования и реализации стратегии. Пути повышения удовлетворенности и лояльности потребителей должны стать составной частью стратегии организации, в противном случае они постепенно утрачивают свое значение.

Анализ литературы по теме. Изученные научные работы по теме свидетельствуют о том, что внимание к удовлетворенности и лояльности потребителей положительно влияет на основные результаты деятельности организации: сокращении затрат, повышении производительности, увеличении числа повторных покупок.

Имеется множество литературных источников, из которых можно узнать, что такое удовлетворенность и лояльность, каковы виды удовлетворенности и лояльности и их факторы, какие имеются связи между удовлетворенностью и лояльностью и финансовыми результатами, как внимание к удовлетворенности и лояльности потребителей способствует повышению финансовых результатов компании. Многие исследователи подробно описывали методики опросов потребителей, составления и тестирования вопросов, выбора шкал и статистической обработки полученных данных. К числу таких исследователей можно отнести Ф. Райхельда, Р. Каплана, Д. Нортона, Дж. Гитомера, Д. Гремлера, С. Брауна, Дж. Гриффин, Р. Раста, А. Захорика, Т. Вавры, Р. Оливера и др. ученых, которые фактически сформировали новую область в менеджменте, связанную с изучением удовлетворенности и лояльности потребителей и значительно повлияли на распространение программ удовлетворенности и лояльности потребителей в компаниях по всему миру.

Но в месте с тем есть аспекты, которые недостаточно исследованы. Например, вопросы построения целостной системы повышения удовлетворенности и лояльности потребителей, как составной части стратегии компании, а также выбор контрольного предела, который позволял бы определять, когда потребитель недоволен (или нелоялен) и это недовольство вызвано особыми, несистемными факторами, на которые следует немедленно обратить внимание. В данной статье поставлена цель разработать методику определения влияния уровня удовлетворенности и лояльности потребителей на результаты деятельности компаний

гостиничного бизнеса.

Изученные материалы позволили заключить, что тема обеспечения и повышения удовлетворенности и лояльности потребителей весьма популярна. Экс-руководитель General Electric Джек Уэлч в одном интервью сказал: «Три самые важные вещи, которые нужно измерять в бизнесе, — это удовлетворенность потребителей, удовлетворенность сотрудников и движение финансовых потоков. Если вы повышаете удовлетворенность потребителей, ваша доля на глобальном рынке тоже обязательно увеличится» [1] Тем не менее, на практике зачастую наблюдается значительное расхождение с подобным стремлением. В частности, по данным опроса института Джурана менее 30% менеджеров убеждены в том, что их программы в области удовлетворенности потребителей добавляют экономическую стоимость [2].

В общем и целом существует три источника, откуда к любой компании (назовем ее «компания А») приходят потребители [3]. Это прошлые потребители компании А, потребители, перешедшие от конкурентов компании А, потребители, которые только пришли на рынок.

Соответственно у потребителей есть три варианта действий по отношению к определенной товарной категории в следующий раз. Они могут: снова купить продукт у компании А, купить продукт у конкурентов компании А, уйти с рынка.

В самом общем виде, управление удовлетворенностью и лояльностью есть комплекс мероприятий, который позволяет компании развивать отношения с потребителями. Для того, чтобы понимать, способствует ли существующая система управления ростом удовлетворенности и лояльности, последние нужно измерять. Система управления мониторингом удовлетворенности и лояльности должна способствовать принятию грамотных управленческих решений на каждом уровне управления и в конечном итоге - вести к улучшению взаимоотношений с потребителями, росту числа постоянных клиентов и в конечном счете - улучшению финансовых результатов [4, 5]

Р. Каплан и Д. Нортон еще в 1990 году в своих трудах указали, что одной финансовой информации недостаточно для руководства компанией, обязательно следует собирать среди прочего также информацию об удовлетворенности и лояльности потребителей. [7, 8]

Они отмечают что, три источника получения информации об удовлетворенности и лояльности потребителей.

1) Внутренние источники в организации: владельцы бизнеса, высшее руководство, среднее звено управления, «работники переднего края».

2) Внешние источники - не потребители: маркетинговые агентства, институты исследования общественного мнения, СМИ и пр.

3) Внешние источники - потребители.

Нужно отметить что пользоваться внутренними источниками наиболее просто и дешево. В самом общем виде, нужно найти сотрудников, которые могут дать ответ, насколько в данном периоде (неделе, месяце) удовлетворены и лояльны наши потребители (здесь мы будем иметь в виду лояльность, основанную на отношениях). Информация, которую они могут предоставить, важна и ее безусловно следует добыть. Однако достоверность такой информации не всегда высока. Конечный пользователь информации об удовлетворенности — это владельцы бизнеса, то есть те, кто жизненно заинтересован в том, чтобы их бизнес процветал и приносил прибыль. Из теории информации известно, что при каждой передаче информация искажается примерно на 60% [9]. Соответственно чем дольше цепочка между конечным потребителем и стратегическим звеном поставщика, тем меньше ценной информации будет получено. Серьезные ограничения на получение неискаженной обратной связи от потребителей через сотрудников накладывает система управления, в которой людям выгодно скрывать информацию (особенно негативную). Поэтому для успеха важно придерживаться принципа отказа от идеи наказания [10]. Вывод: информация, полученная по внутренним каналам связи, может быть полезна, однако ее достоверность может вызывать сомнения.

Внешние источники информации в лице разного рода агентств по исследованию рынка способны предоставить предприятию весьма ценную информацию об удовлетворенности потребителей. Разного рода массовые исследования мнения потребителей стали популярны в разных странах мира примерно с конца 1980-х годов. Среди наиболее известных «индексов» — а так называются данные по удовлетворенности, полученные в ходе такого рода исследований, можно выделить американский индекс удовлетворенности потребителей - ACSI, шведский «барометр» удовлетворенности потребителей - SCSB, европейский индекс удовлетворенности потребителей - ECSI . С 1999 года такой индекс появился и в России, его «учредитель» - Стокгольмская Школа Экономики в Санкт-Петербурге [11].

Методология исследования. В статье используются такие методы, как анализ и синтез, индукция и дедукция, логический анализ.

Анализ и результаты. Данные исследования дают весьма полезную информацию по рынку в целом. Хотя иметь такую информацию в качестве ориентира для бенчмаркинга удовлетворенности по отрасли весьма полезно, но для того, чтобы учитывать свою собственную специфику деятельности, требования конкретных потребителей и уметь быстро среагировать на те или иные показатели удовлетворенности, массовые исследования вряд ли могут помочь.

Итак, остается последний источник информации - сам потребитель. Похоже, что именно его придется беспокоить для получения такой важной для нас информации, тем более что и искажения такой информации будут минимальны. Как же это сделать?

Некоторые исследователи и менеджеры считают, что данные о претензиях и жалобах дают достаточно информации об удовлетворенности клиентов.

В самом общем случае 50% потребителей, у которых возникают проблемы, никогда не высказывают претензию продавцу. Из тех же, кто это делает, только 50% довольны решением проблемы. Например, по данным исследования отелей Великобритании, проведенного фирмой Template Surveys при спонсорской поддержке SGS United Kingdom Limited, GS Magazine, Hotel & Restaurant Magazine и сайта Expotel.co.uk. [12], каждый второй (50%) посетитель отелей имел какие-то претензии к качеству. Из этих 50% только 58% (что составляет 29% от общего числа посетителей) высказывали свои претензии персоналу отеля. И больше половины тех, кто высказывал свои претензии (58%, что составляет 16% всех посетителей), оставались недовольными результатами ответов на претензии [12].

Другие исследования подтверждают данную точку зрения. Исследование Office of Consumer Affairs, 1979 [13] свидетельствует, что лишь 9,5% потребителей, которые недовольны качеством (но не высказали претензию) вернуться снова (10% - по данным Драго Дубровски [14] и от 10 до 30% - по данным TARP [15]).

Похоже, сама возможность высказать жалобу уже положительно действует на возврат потребителей: по данным [13] 19% недовольных потребителей, которые высказали жалобу, готовы вернуться даже если они не получили при этом удовлетворительного ответа. (По данным TARP [15], таких потребителей от 20% до 70%).

Согласно данным Ле Бефа 68% всех потребителей, которые решили покинуть компанию, делают это из-за индифферентного отношения со стороны компании (руководства, персонала и пр.), в то время как из-за низкого качества продукта уходят только 14%. Такую же цифру — 68 % получила в свое время в результате исследований датская компания Caravell, один из крупнейших в Европе производителей холодильного оборудования. [2] По данным Японского центра производительности для социально-экономического развития 40% уходов клиентов происходят по причине плохого обслуживания. [16]

С учетом анализа всех трех источников получения обратной связи от потребителей следует признать, что лучший источник информации о мнениях и предпочтениях потребителях — сами потребители. Соответственно основной акцент в ликвидации информационного барьера между руководством поставщика и конечным пользователем должен делаться именно в этой области.

Проанализировав взгляды ученых на удовлетворенность и лояльность потребителей, пути повышения удовлетворенности и лояльности потребителей, обоснована целесообразность создания системы повышения удовлетворенности и лояльности в компании, в том числе в компаниях гостиничного бизнеса.

Если в компании существует четкая стратегия, ей жизненно важно постоянно следить за ходом реализации стратегии и оперативно реагировать на значительные отклонения от плана, выявлять зарождающиеся тенденции, учитывать непредусмотренные стратегическим планом события. Если стратегия компании предполагает и декларирует повышение удовлетворенности клиентов, в особенности, если в качестве средства реализации стратегии применяется сбалансированная система показателей [7], тогда периодическое повышение удовлетворенности потребителей обязателен.

Стратегию тогда можно считать сформулированной, когда она доведена до сведения всех сотрудников компании, участвующих в ее реализации. Если такой стратегии не разработано, или же она неизвестна персоналу, тогда проведение процессов теряет смысл. Информация, полученная в его ходе, не сможет лечь в основу корректирующих действий стратегического характера.

Высшее руководство компании должно взять на себя обязательство реагировать на результаты мониторинга, то есть учитывать их как в тактическом, так и стратегическом планах. Это означает, что оно публично, в выступлениях и презентациях признает повышение удовлетворенности и лояльности важным «входом» в процесс стратегического планирования и анализа со стороны руководства.

Процесс повышение удовлетворенности и лояльности будет иметь успех только в том случае, если сотрудники будут воспринимать ее важной, а для этого нужны два условия: высшее руководство должно считать данную программу важной, программа должна соответствовать реальным условиям окружения компании.

Анализ ситуации на рынке не менее важен, чем наличие стратегии. Например, монопольной организации имеет смысл заниматься мониторингом удовлетворенности клиентов только в том случае, если она преследует цели роста, который ограничен неудовлетворенностью клиентов (ценой, качеством и пр. параметрами). Маловероятен успех программы на рынке, который еще далек от насыщения. Рынок, где потребители «берут все, что дают» еще не «созрел» для таких серьезных программ, как опросы удовлетворенности. Аналогичная ситуация возникает когда компания производит не брендовый товар, например хлеб, соль, доски и пр. [93]

В рамках анализа рыночной ситуации следует учесть и выполнение требований потребителей. Вполне вероятна ситуация, что общий уровень выполнения требований потребителя по определенной услуге весьма низок, так как ни один из существующих производителей не предлагает потребителям тот уровень обслуживания и качества, который им требуется. В таком случае нужно акцентировать усилия на удовлетворении базовых потребностей и только после этого начать исследования удовлетворенности: ведь настоящая конкуренция происходит на уровне желаемых потребностей.

Выводы и предложения. На основании изучения мнений специалистов, а также на базе личного опыта мы пришли к выводу, что во-первых для того чтобы создать систему повышения удовлетворенности и лояльности потребителей необходимо иметь в организации четкую стратегию в области удовлетворенности потребителей. Во вторых на рынке должна быть достаточная конкуренция, в-третьих в компании необходимо создать благоприятный стиль управления, нацеленный на поиск решений, а не виноватых. В-четвертых, должен быть в наличии бюджет для регулярных исследований удовлетворенности и лояльности клиентов. Решение повышение реализации этих пунктов, направленных на удовлетворенности и лояльности потребителей должно принимать высшее руководство организации.

В организации должна быть создана система управления мониторингом удовлетворенности и лояльности клиентов, что способствовала бы принятию грамотных управленческих решений на каждом уровне управления и в конечном итоге приводила к улучшению финансовых результатов.

Список использованной литературы:

1. Ткачук Т. Вперед за аутсайдерами // Секрет фирмы (Москва). — 18.04.2005— с. 14—20.

2. Vavra T. Improving Your Measurement of Customer Satisfaction: A Guide to Creating, Conducting, Analyzing and Reporting Customer Satisfaction Measurement Programs. ASQ Quality Press, 1997.
3. Rust R., Zahorik A. «Customer Satisfaction, Customer Retention and Market Share», Journal of Retailing, vol. 69, No. 2, Summer 1993, pp. 193-215.
4. Лояльность на рынках b2b // Торговое оборудование в России (Москва). — 11.02.2005.
5. Власова Д., Ядова Е. Анализ лояльности клиентов // Экономика и жизнь (Москва). — 05.03.2005 — с. 34.
6. Канлан Р., Нортон Д.. Сбалансированная система показателей. От стратегии к действию. Пер. с англ. — М.: Олимн-Бизнес, 2003.
7. Horvath & Partners. Внедрение сбалансированной системы показателей. Пер. с нем. — М.: Альпина Бизнес Букс, 2005
8. Почепцов Г. Информация и дезинформация. — К.: Ника-Центр, Эльга, 2001.
9. Нив Г. Пространство доктора Деминга. Пер. с англ. — М.: Альпина Бизнес
10. Букс, 2005.
11. www.sseru.org
12. www.templatebusiness.com/surveys
13. http://www.mass.gov
14. Dubrovski D., GEA College of Entrepreneurship, Slovenia. Доклад на 6-м международном конгрессе но TQM, Санкт-Петербург, 2001.
15. Technical Assistance Research Program Consumer Complaint Handling in America: An Updated Study. Washington, D.C.: The Office of the Special Adviser to the President for Consumer Affairs, 1986.
16. Маслов Д., Белокоровин Э. Удовлетворение потребителей по-японски.
17. Certified Quality Manager: ASQ courses, 1998.
18. Levitt T. «After the Sale is Over» Harvard Business Review, September/October, 1983.
19. Yi, Youjae, «A Critical Review of Customer Satisfaction». Review of Marketing, 1989. Chicago: American Marketing Association, 1991
20. Стандарт ГОСТ Р ИСО-9001:2001
21. Куликова 3. О целесообразности управления лояльностью // Практический Маркетинг (Москва). — 18.12.2004 — с. 6-9.

D.Nabieva, D.Aslanova

Ways to increase customer satisfaction and loyalty in the hotel business

Abstract: The article analyzes literature sources on the problem of creating a system for ensuring customer satisfaction and loyalty of companies. Furthermore, it provides recommendations on the inclusion of ways to ensure customer satisfaction and loyalty in the strategies of hotel business companies.

Keywords: customer satisfaction and loyalty, strategy, company, hotel business, financial information, consumer.

D.Nabiyeva, D.Aslanova

Mehmonxona biznesida mijozlarning qoniqish va sodiqligini oshirish yo'llari

Annotatsiya: Maqolada mijozlarning ehtiyojini qondirish va ularni doimiy mijozlar bo‘lishini ta'minlash tizimini yaratish muammosi bo‘yicha adabiy manbalar tahlil qilingan va mehmonxona biznesi kompaniyalari strategiyalariga mijozlarning qoniqishi va doimiyligini ta'minlash usullarini kiritish bo‘yicha tavsiyalar berilgan.

Kalit so‘zlar: mijozlar ehtiyojini qondirish va doimiy mijozlar, strategiya, kompaniya, mehmonxona biznesi, moliyaviy ma'lumotlar, iste'molchi.

Мохигул Эркиновна Ахтамова – старший преподаватель кафедры Менеджмента СамИЭС

МИРОВОЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ТУРИЗМА И ЕГО ИСПОЛЬЗОВАНИЕ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: В статье подробно рассмотрены понятия и значения экологического туризма в мире, современное состояние и перспективы его развития. Изучен мировой опыт стран в сфере экологического туризма и их роль в развитии отрасли туризма.

Ключевые слова: мировой опыт, глобализация, развитие, экологический туризм, экозона, путешествие, турист, доход

Введение. В условиях глобализации туризм стал одним из важных социальных, экономических и культурных факторов. Как известно, экологический туризм является составной частью туризма, и сегодня устойчивое развитие туристического рынка даёт возможность создавать новые рабочие места и развивать смежные отрасли. По данным Всемирной туристской организации, «доходы от экологического туризма в 2021 году составляют 185,87 млрд долларов США, а к 2027 году ожидается достижение данного показателя в 333,8 млрд долларов США, а количество экотуристов от 38,9 млн человек до 71,6 млн на человека». В нашей стране экологический туризм вносит весомый вклад в повышение эффективности туристско-рекреационных ресурсов, сохранение и охрану природы, улучшение благосостояния местного населения.

В развитых странах экологический туризм также является доходным бизнесом. Так, например, система национальных парков США является крупнейшей в мире системой привлечения туристов. В начале 90-х гг. XX в. национальные парки, управляемые федеральным правительством США, принимали ежегодно около 270 млн. туристов; парки отдельных штатов, управляемые их правительствами, принимали за тот же период еще около 500 млн. посетителей. При этом в ряде штатов число туристов более чем в 5 раз превышало численность населения самого штата. В Канаде национальные парки федерального значения принимали в те же годы до 20 млн. посетителей, провинциальные парки - еще около 47 млн. туристов. Положительные прогнозы экспертов относительно развития экологического туризма в ряде европейских стран, таких как Швейцария, Австрия, Германия, близки. По их мнению, росту объема экотуристских поездок будут способствовать: возрастающее значение каждодневных проблем экологического характера в направляющих туристских странах; увеличение целевой экотуристской группы за счет детей, которым прививается сознательное отношение к охране окружающей среды; усилий, прилагаемый для обеспечения туризма в принимающих странах.

Анализ литературы по теме. Известно, что государством определён ряд первоочередных задач по устранению проблемных ситуаций, возникающих в сфере экотуризма при становлении нового Узбекистана. В частности, количество внутренних туристов увеличится до 12 миллионов в рамках программы «Путешествуй по Узбекистану» по третьему приоритетному направлению Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы. В стратегии так же предусматривается увеличить количество иностранных туристов, посещающих республику до 9 млн. человек. Реализация данной задачи показывает необходимость проведения научных исследований по эффективному использованию огромного экотуристического потенциала регионов на основе углубленного изучения внутренних возможностей устойчивого развития сферы экологического туризма в нашей стране, совершенствования системы оценки эффективности отрасли и формирования национальной системы экотуризма за счёт увеличения потока приезжих туристов. В связи с этим проведение научных исследований по развитию экологического туризма и повышению его эффективности является актуальной темой.

В становлении и развитии экотуризма большой вклад внесли зарубежные и отечественные учёные: Гуджин Г.С., Беликов М.Ю. и Клименко Е.В., Болтабоев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., *Тухлиев* Н., Абдуллаев Т., Мухаммедов М.М., Пардаев М.К., Асланова Д.Х., Алимова М.Т. и другие широко освещают в научных исследованиях.

Методология исследования. В ходе исследования был изучен передовой опыт зарубежных стран по развитию экотуризма. Использованы официальные статистические данные по экотуризму. В статье эффективно использовались такие методы, как статистическое наблюдение, системный подход, обобщение, сравнительный анализ, синтез.

Анализ и результаты: исследователи связывают появление экологический туризма с массовой заинтересованностью туристов в природные и культурно-исторические ресурсы. Экологический туризм призван обеспечить баланс экологических, социально-культурных и экономических интересов, которые в совокупности составляют основу концепции устойчивого развития, принятой в 1992 году в Рио-де-Жанейро. Современные исследователи,

ориентированные на данную тему, отмечают необходимость повышения экологической грамотности туристов и пропаганды их экологической ответственности как важнейшего условия развития экологический туризма. Наиболее перспективными и востребованными на сегодняшний день направлениями экологического туризма являются: природно-познавательный, реабилитационный, сельский и эколого-этнографический туризм. Массовое развитие экологического туризма привело во всем мире к осознанию того факта, что именно природные и культурные ценности являются главным достоянием народа, обеспечивающего, помимо огромного эстетического наслаждения и гуманного отношения к животным, и значительную экономическую прибыль. Поэтому правительства и местные органы управления многих стран принимают радикальные, подчас жесткие меры по предотвращению разрушения, истощения и деградации ресурсов экологического туризма. За любые нарушения режима с туристов взыскивается штраф, причем штрафные суммы за нарушения, возникшие в заповедных и близких к ним местах, достигают очень больших размеров.

Следует отметить опыт такой развитой страны, как Канада, как яркий пример развития экотуризма по описанным выше направлениям и мерам. Большая часть этой страны расположена вблизи Арктики, что создает основу для развития туризма в Арктике и имеет большое значение для сохранения уникальных представителей местной флоры и фауны.

Арктическая экозона характеризуется экстремальными природно-климатическими условиями, наличием разнообразных и важных запасов минерально-сырьевых и других природных ресурсов, высокой долей местного населения в населении арктических регионов, концентрацией экономических и социальных объекты. По данным Статистического управления Канады, в 2020 году туристическая индустрия принесла более 73,4 миллиарда долларов государственных доходов. Это равно доходу от совокупной доли сельского, лесного и рыбного хозяйства в ВВП.

Заповедник - территория строго охраняется флорой и фауной. Уникальные, неповторимые природные ландшафты организуются государством в целях сохранения и разведения редких, исчезающих видов животных. Деятельность человека в заповедниках запрещена. Допускаются только научные исследования. Когда мы используем заповедники по международным экологическим моделям, в первую очередь необходимо разработать маршруты экотуризма. При этом необходимо следовать принципам построения маршрута экотуризма.

Деятельность ботанических, геологических, зоологических и ландшафтно-охранных и природоохранных отрядов организуется по полевым приказам (заказникам) в природоохранных порядках, т.е. на особо охраняемых природных территориях. Если будет доказано, что охраняемые редкие виды растений или животных в орденах увеличились или восстановились и нет опасности в будущем, деятельность отрядов ордена и охраны прекращается.

Национальные парки, считающиеся одним из основных мест отдыха экотуристов и выезда на природу, - весь природный комплекс служит для отдыха людей. Охота, рубка деревьев и прополка строго запрещены. Сегодня в странах, где налажена открытая туристическая деятельность, насчитывается 86 национальных парков, которые очень привлекательны для экотуристов.

Природные заповедники являются крупнейшим, наиболее благоприятным ресурсом и объектом экологического туризма. Однако этот потенциал еще недостаточно используется в развитии экотуризма в Узбекистане. Однако стоит отметить, что до сих пор ведущими странами мира не разработаны рекомендации по путям или методам использования заповедных зон в развитии экотуризма.

В текущем процессе глобализации между различными направлениями (туристическими направлениями) формируется сильная конкурентная среда для привлечения путешественников со всего мира на мировой туристический рынок. Как страна, стремительно входящая на мировой туристический рынок, Узбекистан имеет свой потенциал и возможности. Такая туристическая привлекательность нашей республики характеризуется

хорошо сохранившимися памятниками средневековой восточной культуры, созданием нашим государством достаточных условий (нормативно-правовых, экономических) для развития отрасли. Этот район также привлекает посетителей, интересующихся историческим туризмом, поскольку он расположен на перекрестке Великого шелкового пути. В нашей стране зарегистрировано 9608 объектов культуры, из них 7300 являются древними архитектурными и археологическими объектами, 200 из них включены в список всемирного культурного наследия ЮНЕСКО.

Сегодня, в систему охраняемых природных территорий Узбекистана входят девять государственных заповедников общей площадью 2164 км², два национальных парка площадью 6061 км², девять государственных заказников площадью 12186,5 км² и один Республиканский центр по разведению редких видов животных (Экоцентр «Джейран»).

В настоящее время насчитывается 2600 охраняемых природных «площади» в 124 странах мира. Общая площадь этих заповедников составляет 4 млн. кв. км, или занимает 3% суши. В связи с этим мировой опыт показывает, что страны с развитым экотуризмом, как Скандинавский полуостров, Канада, Коста-Рика, Кения, Танзания, Карибское море и Океания, открывают в мире новые возможности для привлечения иностранных туристов и увеличения потока внутренний туризм от их природного климатического потенциала. Однако недостаточно иметь природный потенциал – требуется ряд дополнительных усилий для его сохранения и устойчивого развития. В связи с этим, согласно мировой практике, развитие отрасли по следующим направлениям определит новые возможности для развития экотуризма в Республике Узбекистан:

1) повышение инвестиционной привлекательности экологического туризма (привлечение местных и иностранных инвесторов);

2) создание благоприятных социально-экономических условий в сфере экологического туризма на основе развития бизнеса и предпринимательства;

3) формирование кадров, отвечающих требованиям времени, что обеспечивает максимальное удовлетворение потребностей экотуристов;

4) развитие инфраструктуры экотуризма, отвечающей требованиям национального и международного природоохранного законодательства;

5) проводить разъяснительную работу среди потенциальных экотуристов о необходимости сохранения природы и уважения обычаев местного населения, на территории которого расположен объект экотуризма;

6) уделение особого внимания развитию экотуризма в сочетании с паломническим туризмом в сочетании с природными чудесами и т. д.

Вывод и предложения. Теоретические исследования показывают, что сезонность природно-климатических условий республики, наличие различных природных зон, разнообразие флоры и фауны создают новые возможности для экотуристов в выборе экотуристских ресурсов и объектов. Они отражены в следующем, включая:

- во-первых, широкое использование имеющихся возможностей наших национальных парков и государственных природных заповедников, имеющих привлекательность для привлечения экотуристов в экологический туризм в республике;
- во-вторых, из опыта применения международных моделей экологического туризма известно, что страны, реализующие эту практику, разрабатывают программы развития экологического туризма в национальных парках и заповедниках, находящихся под охраной государства. Это требует проведения глубоких исследований в этом направлении в масштабах нашей Республики;
- в-третьих, страны, развивающие экологический туризм, разрабатывают программы развития экологического туризма на особо не охраняемых природных территориях внутри страны. Поэтому изучение конкретных направлений «диких» путешествий имеет важное значение в экологическом туризме.

Таким образом, объектами экологических туров могут быть как охраняемые терри-

тории, предназначенные для поддержания естественного экологического баланса в ландшафтах, так и культурные исторические ландшафты, воссозданные человеком с помощью экологических знаний, а также экосистемы, разрушенные в силу нерационального характера природы, которые демонстрируют ущерб, причиненный окружающей среде в результате пренебрежения природоохранным законодательством. Научно-обоснованное планирование и разработка модели экологического туризма в исследуемых регионах будет способствовать сохранению природного и культурного разнообразия, повышению уровня экологического образования посетителей, снижению экологических затрат на развитие региональной экономики и вовлечение местного населения в туристическую деятельность.

Список использованной литературы:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» № ПФ-60 от 28 января 2022 года;
2. Постановление *Кабинета Министров Республики Узбекистан* «О Стратегии действий по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан на 2019-2028 годы» № 484 от 11 июня 2019 года;
3.Национальная Стратегия экотуризма Австралии, Департамент туризма, Канберра, 1992
4.Де Вос, А., Камминг, Г.С., и Мур, Калифорния (2016). Актуальность пространственной изменчивости атрибутов экологический туризма для экономической устойчивости охраняемых территорий. Экосфера, 7(2), 1–19.
5. *Тухлиев* Н., Абдуллаев Т. *Экологический туризм:* сущность, тенденции и стратегия развития.–Т.:2006, стр 85.
6. Тухлиев И.С. и другие Экологический туризм: мировой опыт и перспективы развития в Узбекистане, -С.:2018 год
7. Асланова Д.Х., Алимова М.Т. Структурная модель агроэкотуристского кластера посёлка Миронкуль,Б.:2020

M.Ahtamova

O‘zbekiston respublikasida ekologik turizmni rivojlantirish va undan globallashish shartlarida foydalanish bo‘yicha jahon tajribasi

Annotatsiya: Maqolada dunyoda ekologik turizm tushunchalari va ma’nolari, hozirgi holati va rivojlanish istiqbollari atroflicha ko‘rib chiqiladi. Mamlakatlarning ekologik turizm sohasidagi jahon tajribasi va ularning turizm industriyasini rivojlantirishdagi o‘rni o‘rganildi.

Kalit so‘zlar: jahon tajribasi, globallashuv, rivojlanish, ekologik turizm, ekozona, sayohat, turist, daromad.

M.Ahtamova

World experience in the development of ecological tourism and its use in the conditions of globalization in the Republic of Uzbekistan

Abstract: The article discusses in detail the concepts and meanings of ecological tourism in the world, the current state and prospects for its development. The world experience of countries in the field of ecological tourism and their role in the development of the tourism industry have been studied.

Keywords: world experience, globalization, development, ecological tourism, ecozone, travel, tourist, income.

Мансур Мардонович Ибрагимов – СамИСИ, “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доцент в.б.

Машраб Мансурович Мардонов – ТДАУ, Самарқанд филиали Иқтисодиёт мутахассислиги I босқич магистранти

ТУРИЗМ КОРХОНАЛАРИ ҲИСОБ СИЁСАТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада туризм корхоналарида ҳисоб сиёсатини шакллантириш масалалари ёритилган. Ҳисоб сиёсатининг моҳияти ва зарурати, шунингдек туризм корхоналарида ҳисоб сиёсатининг умумий, услубий, техникавий ва ташкилий жиҳатлари бўйича тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: ҳисоб сиёсати, умумий бўлим, услубий жиҳатлар, техникавий бўлим, ташкилий бўлим, халқаро стандартлар

Кириш. Республикамизда кейинги йилларда туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб – қувватлаш, туризм билан шуғулланувчи корхоналарга имтиёзлар яратиш, шунингдек, туризм соҳаси учун инфратузилмани шакллантириш борасидаги тадбирлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5611-сонли Қарорида “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”га мувофиқ Европа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан товар айланмаси, ташиладиган йўловчилар сони ва инвестицияларни кўпайтириш учун республикадаги транспорт алоқа тизимини тубдан яхшилаш мақсадида хорижий алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Қарори билан тасдиқланган „Ўзбекистон Республикасини 2022-2026 йилларда Ривожлантириш Стратегияси“да 35-мақсад: «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг» дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш белгиланган.

Ушбу мақсадни амалга ошириш борасида қуйидаги вазифалар белгиланган:

“Тўсиқсиз туризм инфратузилмасини мамлакатнинг асосий туризм шаҳарларида кенг жорий қилиш. 2026 йилгача туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 2 баравар ошириб, 520 минг нафарга етказиш.

300 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга ошириш, 25 минг иш ўрнини яратиш.

Самарқандни «Туризм дарвозаси»га айлантириш орқали келгуси беш йилда туризм хизматлари ҳажмини камида 10 бараварга ошириш. Туризм соҳасида 40 минг киши бандлигини таъминлаш. 2022 йилда «Боқий шаҳар» тарихий мажмуасини ўз ичига олган Самарқанд туризм марказини ва зарурий инфратузилмани ташкил этиш.” [3]

Табиийки туризм соҳаси давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда бошқа омиллар таъсирида жадал ривожланаётган бир пайтда туризм корхоналарининг молия- хўжалик фаолиятини тўғри ташкил этиш, уларнинг пул оқимларини самарали бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Умуман барча субъектларда бўлганидек, туризм корхоналарида ҳам ҳисобни юритиш, ҳисоботлар тузиш жараёнидаги дастлабки муҳим вазифа ҳисоб сиёсатини шакллантириш бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирда бошқа йўналиш корхоналаридаги каби туристик корхоналарда ҳам ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилади ва унга мувофиқ ҳисоб ишлари юритилади. Аммо уларнинг барчаси ҳам мукаммал ва халқаро стандарт (МҲХС) талабларига тўлақонли равишда мос эмас. Ҳисоб сиёсати 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” [4], МҲХС “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар” стандарти [5] асосида тузилади.

Ушбу МҲХСнинг мақсади ҳисоб сиёсатини танлаш ва ўзгартириш учун мезонларни ўрнатиш ҳамда ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатоларни тузатишни ҳисобга олиш тартибини ва уларга тегишли очиб бериладиган маълумотларни белгилашдан иборат.

Ҳозирда ҳам баъзи туризм корхоналарида ҳисоб сиёсати ҳисоб тизимини халқаро стандартларга ўтказилиши шароитида ҳисобдаги ўзгаришларга мос равишда тузилмаётганлигини кўришимиз мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳисоб сиёсати тушунчаси ва уни шакллантириш услубиёти хорижий ва маҳаллий олимларимиз томонидан кенг тадқиқ қилинган.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”да ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф берилган: «Ҳисоб сиёсати» деганда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш учун, уларнинг тамойиллари ва асосларига мувофиқ, хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан қабул қилинган қоида ва усуллар мажмуаси тушунилади» [4].

Профессор Н.Жўраев берган таърифга кўра «Ҳисоб сиёсати -бу хўжалик субъектлари

фаолиятини тартибга солувчи қонуний-меъёрий ҳужжатларда рухсат этилган бухгалтерия ҳисобининг муқобил усуллари ва шаклларидан корхона танлаб олган ҳамда эълон қилган бухгалтерия ҳисоби тизимидир» [6].

Профессор А. Ибрагимов ҳисоб сиёсатига «Ҳисоб сиёсати – бу танланган корхонада унинг хўжалик фаолиятини юритишга тўлиқ жавоб берадиган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари йиғиндисидир» деб таъриф берган. [7]

Профессор Р.Холбеков ҳисоб сиёсатига «Корхона ҳисоб сиёсати деганда, корхонада бухгалтерия ҳисобининг ҳукумат томонидан қабул қилинган қонун, тартиб, фармонлардан фойдаланиб ҳамда корхонанинг ўзига хос технологик хусусиятларини инобатга олиб ташкил қилиниши тушунилади» деб таъриф беради. [8]

Профессор М. Тулаходжаеванинг фикрига кўра «Ҳисоб сиёсати деганда, хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва уларнинг тамойиллари ва асосларига мувофиқ равишда молиявий ҳисоботларни тузиш учун қўлланиладиган усулларнинг жамланмаси тушунилади» [9].

М.Темирханова фикри бўйича «Ҳисоб сиёсати - бу бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг муқобил тамойиллари ва қоидаларига асосланиб, хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан қабул қилинган мақбул усуллар ва қоидалар мажмуаси тушунилади». [10].

Д.Сативалдиева ҳисоб сиёсатига қуйидаги таърифни беради: «Ҳисоб сиёсати - бу бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг муқобил тамойиллари ва қоидаларига асосланиб, хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан қабул қилинган мақбул усуллар ва қоидалар мажмуасидир».

Россия олимларидан О.В.Рожнова ва С.Н.Гришкиналарнинг фикрига кўра: «Ҳисоб сиёсати – корхона асосий фаолияти доирасида ва умумий қабул қилинган қоидалар асосида корхонабухгалтерия ҳисобини юритишнинг аниқ усул ва шакллари йиғиндисидир» [11].

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 8-сон «Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар»нинг 5-бандида ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф берилган: «Ҳисоб сиёсати – бу тадбиркорлик субъекти томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, усуллар, одатлар, қоидалар ва амалиётлардир»[5].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот иши жараёнида умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ҳисоб сиёсатини шакллантириш борасида, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари ҳисоб сиёсати, ички ҳисоб ва ҳисобот тизими ишлаб чиқилишини таъминлаши шарт деб ёзиб қўйилган.

Бунга мувофиқ корхона ҳисоб сиёсатини шакллантиришда қуйидагиларўз тасдиғини топиши лозим:

- ҳисоб ва ҳисоботни тўлақонли ва белгиланган вақтда асосий ва илова ҳисобларни ўзида мужассамлаштирган бухгалтерия ҳисоби счетларининг ишчи режаси;
- хўжалик жараёнларини расмийлаштириш учун қўлланиладиган бирламчи ҳужжатлар шакли, шунингдек ички бухгалтерия ҳисоботини юритиш учун зарур бўлган ҳужжатлар шакли;
- мажбуриятлар ва мулк турларини баҳолаш усули ҳамда инвентаризацияўтказиш тартиби;
- ҳисобот ахборотларини қайта ишлаш технологияси ва ҳужжат айланмаси қоидалари;
- хўжалик жараёнлари устидан назорат қилиш тартиби;
- бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳал этилиши зарур бўлган бошқа бир қатор масалалар.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳисоб сиёсатини шакллантириш мажбурияти ва бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш учун жавобгарлик айнан корхона раҳбарига юклатилади. Шунинг учун замонавий раҳбар бу масалаларни яхши англаши лозим.

Туризм фаолияти билан шуғулланаётган туристик корхоналарда, ҳисоб сиёсати тўрт қисмга 1- “Умумий бўлим” 2- “Услубий бўлим”, 3- “Техникавий бўлим” ва 4- “Ташкилий бўлим” ажратган ҳолда шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир.

Умумий бўлимда ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, тамойиллари акс эттирилади.

Услубий бўлимда бухгалтерия ҳисоби объектлари бўлган узоқ муддатли ва жорий активлар, хусусий капитал ва мажбуриятларни тан олиш, баҳолаш, ҳисоб рақамларида акс эттиришнинг танлаб олинган усуллари ва амортизация ҳисоблаш тартиби акс эттирилади.

Техникавий бўлимда туризм корхоналарида ҳужжатлар айланиши, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва уларни юритиш, хўжалик операциялари ҳисобини юритиш, ҳисобварақларга ёзувлар, ҳужжатлар шакллари, инвентаризацияни ўтказиш муддатлари ва тартиби кўрсатилади

Ташкилий бўлимда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш бухгалтерия ишини танлаб олинган ташкилий шаклини, ҳисоб ходимлари меҳнатини ташкил қилиш усулини, функционал мажбуриятларни бухгалтерлар ўртасида тақсимлашни танланган вариантини, ҳужжатлар айланишининг ташкил қилинишини, туризм соҳасида бош ҳисобчига қўйилган малакавий талаблар, бош ҳисобчининг вазифалари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги баён этилади.

Туризм фаолияти билан шуғулланаётган корхоналарда ҳисоб сиёсатини шакллантиришда бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги объектларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ.

Узоқ муддатли активлар бўйича: асосий воситалар, номоддий активлар, инвестициялар, капитал қўйилмалар.

Жорий активлар бўйича: пул маблағлари, товар-моддий захиралар ва дебиторлик қарзлари.

Хусусий капитал бўйича: устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда (зарар).

Узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича: меҳнат ҳақи ва ушланмалар, меҳнат ҳақига нисбатан ажратмалар, мол етказиб берувчилардан қарздорлик, бюджетга солиқлар бўйича тўловлар, банк кредитлари ва бошқа кредиторлик қарздорликлар.

Даромадлар: асосий фаолият даромадлари, молиявий фаолият даромадлари ва инвестицион фаолиятдан олинган даромадлар.

Харажатлар бўйича: туризм корхонаси томонидан кўрсатилган хизматлар таннархи, давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар.

Ҳисоб сиёсатининг ушбу умумий жиҳатлари бўйича ҳар бир туризм корхонаси ўзининг молия-хўжалик фаолиятидаги хизмат турлари ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Корхоналарнинг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда, эътибор асосан унинг услубий жиҳатларига қаратилиши лозим. Амалда баъзи туризм корхоналарида ҳисоб сиёсати таркиби кўпроқ бухгалтерия ҳисобининг объектлари бўйича 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” миллий стандартини кўчириб қўйиш билангина чекланилмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

1. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга мувофиқ туризм корхоналари ҳисоб сиёсатини шакллантиришда қуйидагилар ўз тасдиғини топиши лозим:

- ҳисоб ва ҳисоботни тўлақонли ва белгиланган вақтда асосий ва қўшимча ҳисобларни ўзида мужассамлаштирган бухгалтерия ҳисоби счетларининг ишчи режаси;
- хўжалик жараёнларини расмийлаштириш учун қўлланиладиган бирламчи ҳужжатлар шакли, шунингдек ички бухгалтерия ҳисоботини юритиш учун зарур бўлган ҳужжатлар шакли;
- мажбуриятлар ва активларни баҳолаш усули ҳамда инвентаризацияўтказиш тартиби;
- ҳисобот ахборотларини қайта ишлаш технологияси ва ҳужжат айланмаси қоидалари;
- хўжалик жараёнлари устидан назорат қилиш тартиби;

- бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳал этилиши зарур бўлган бошқа масалалар.

2. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг аниқ бир йўналиши бўйича корхонанинг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда, қонун ва меъёрий ҳужжатларларда кўзда тутилган усулларнинг бир нечта вариантларидан биттасини танлаш орқали амалга оширилади. Корхонада танланган ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисоби тизимини тўлалигини таъминлаши лозим. Шунинг учун у ҳисоб жараёнининг барча услубий, техник ва ташкилий жиҳатларини қамраб олиши керак.

3. Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритиш, шу жумладан ҳисоб сиёсатини шакллантиришда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари жорий қилиниши лозим. Халқаро стандартларда (БҲХС 1-сон) бухгалтерия баланси “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот” деб номланади. Туризм корхоналарида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритиш, ҳисоботларни мазкур стандартлар асосида тузиш корхоналар учун ташқи инвестицияларни жалб этишда, корхоналарга бўлган ишончни янада ошишига замин яратади. Бунда “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот” (Бухгалтерия баланси) асосан қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим бўлади:

-туристик корхоналарининг соф активлари ҳолати;

-мос даврга нисбатан туристик корхона фойдасининг ҳажми;

-туристик корхоналар томонидан тўланадиган солиқ мажбурияти;

-туристик корхоналарининг бизнес ҳолати ва унинг келажаги.

Шундай қилиб, туризм корхоналарида ҳисоб сиёсатини стандартлар асосида пухта ишлаб чиқиш тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда пухта ҳисоб юритиш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. (Янги таҳрири) 2016 й. 14 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611 Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон Фармони „2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида".
4. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) 1-сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот». 1998.
5. БҲХС 8 “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”. 2012 йил 1 январь.
6. Жўраев Н. Корхонанинг ҳисоб сиёсати. // Ж. Мулкдор. №49-50. 1998.
7. Ибрагимов А. ва бошқ. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.2008 й.
8. Холбеков Р. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма. 2012 й.
9. Тўлаходжаева М.М. и другие. Финансовый учет. Учебное пособие, разработанное на основе Национальных и МСБУ. – Т.: АПБД Узбекистана. 2001.-305 с.
10. Темирханова М.Ж. Туризм корхоналарида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Иқтисодиёт ва инновациялар илмий электрон журнали. №1, 2018 йил.
11. Учетная политика предприятия : Формирование, раскрытие / О.В. Рожнова, С.Н. Гришкина. - М. : Экзамен, 2001. - 158, [1] с. : табл.; 21 см.; ISBN 5- 8212-0244-2

М.Ибрагимов, М.Мардонов

Особенности учетной политики туристических предприятий

Аннотация: В данной статье раскрыты вопросы формирования учетной политики в туристических компаниях. Изучена сущность учетной политики и ее необходимость, а также даны предложения по общим, методическим, техническим и организационным аспектам учетной политики.

Ключевые слова: учетная политика, общий раздел, методические аспекты, технический раздел, организационный раздел, международные стандарты.

M.Ibragimov, M.Mardonov

Features of the accounting policy of tourism enterprises

Abstract: This article covers the issues of accounting policy formation in tourism enterprises. Studied the essence and necessity of the accounting policy, as well as recommendations on the general, methodological, technical and organizational aspects of the accounting policy in tourism enterprises have been formulated.

Keywords: policy of account, general section, methodological aspects, technical section, organizational section, international standarts.

МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ

Фарход Умирзакович Турсунов – СамИСИ, “Менежмент” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент

КОРХОНАНИНГ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШИНИ БОШҚАРИШДА АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ЎРНИ

Аннотация: мақолада корхоналарда ҳужжатлар айланишини автоматлаштиришда барча бўлинмаларнинг биргаликда ишлашини таъминлаш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, инсон, коммуникация, инвестиция ва бошқа хизмат кўрсатиш ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича асосий йўналишлар келтирилган.
Калит сўзлари: тараққиёт стратегияси, ахборот тизими, стратегик бошқариш, самарадорлик, коммуникация, инвестиция, мижоз, хизмат кўрсатиш.

Кириш. Ҳозирги вақтда корхоналар амалиётида стратегик бошқаришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Замонавий бошқаришнинг сифати корхоналар самарадорлигини белгилаб беради. Шу боис корхоналарга энг замонавий техника ва технологияларни жалб этиш бугунги кундаги устувор вазифалардан бири саналади.

Корхоналар ўз тараққиётининг концепциясини, стратегиясини ҳамда дастурини ишлаб чиқиши зарур. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” номли китобида “Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш лозим” деб таъкидлаган.

Ҳар қандай корхонанинг узоқ муддатли ютуқлари ишлаб чиқилган стратегияга боғлиқ бўлади. Агар корхонанинг ривожланиш стратегияси бўлмаса у ёки бу хатоликлар билан ишлаб чиқилган бўлса, бу ҳол корхонага бозорда барқарор ва мустаҳкам ўрин эгаллаш учун имкон бермайди. Замонавий корхоналарда стратегик режалаштириш ҳамда бошқаришнинг энг илғор усулларидан фойдаланиб келинмоқда, аммо янгидан ташкил этилаётган корхоналарда ўз стратегияларини белгилашда ташқи ва ички муҳитнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига мослаша олмаяпти. Бу эса стратегик бошқаришда ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш зарурлигини кўрсатади ва корхона ривожланишини стратегик механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Корхонанинг стратегик ривожланишини бошқаришда ахборот тизимини ўрни бўйича хорижий иқтисодчи олимлар Р.С.Каплан, Д.П.Нортон И.Ансофф, М.Портер ва бошқаларнинг, шунингдек Республикамиз иқтисодчи олимларидан Р.С.Муратов, И.А.Джалолова, С.Ш.Орипов, М.М.Мухаммедов, М.Қ.Пардаев, Ҳ.Н.Мусаев, И.О.Улашев, Ш.А.Атамурадов, Г.Ш.Хонкельдиева, Р.Р.Абдураупов ва бошқа олимларнинг бир қатор амалга оширган тадқиқотларини кўришимиз мумкин.

Тадқиқот методологияси. Мақолада тизимли ёндашув, ҳодиса ва жараёнларнинг қиёсий таҳлили, абстракт фикрлаш, билиш назарияси, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, монографик ва мантиқий ёндашув усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай ижтимоий иқтисодий ва ташкилий-хизмат кўрсатиш тизимини бошқариш ахборот алмашуви билан боғлиқ. Бошқарув қарорларининг бажарилишини таъминлаш учун бошқарув жараёнида ҳар лаҳзада тизимнинг ҳолати, олдинга қўйилган мақсадларга эришиш ёки эришилмаётганлик тўғрисида маълумотлар олиниши керак. Бошқарув органи бошқарув объекти тўғрисида ахборот олади, уни таҳлил қилади, қарор қабул қилади ва уни яна бошқарув объектига юборади, шу тариқа, тизимда ахборот оқимлари доимий равишда ҳаракатда бўлади. Бошқарув жараёнида зарур ахборот қайд этилади, сақланади, тўпланади, қайта ишланади ва узатилади.

Ушбу тадбирлар мажмуи бошқарувнинг ахборот жараёнларини ташкил этади. Бошқарувнинг ахборот жараёнларида иқтисодий ахборот муҳим ўрин тутади. Корхонанинг молиявий ҳисоботини тузишда ахборотни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш

амалга оширилади. Буни техник жиҳатдан амалга ошириш учун ишни ташкил этишнинг тегишли шакллари, техник воситалар, маълумотларни ўзгартириш усуллари ва тегишли малакага эга бўлган ходимлар талаб этилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ахборот-коммуникациялар технологияларидан фойдаланмаётган ташкилотлар деярли қолмади ва улардан аксариятининг ҳозирги вақтдаги муаммоси у ёки бу жараёнларни автоматлаштирилмаганлигида эмас, балки узоқ муддатли режаларсиз ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида тасаввурга эга бўлмасдан туриб амалга оширилган стихияли автоматлаштириш оқибатидир.

Корхонани тезкор бошқариш тизимида компьютерлар кўпроқ қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилади:

-хизмат кўрсатишнинг тезкор режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

-хизмат кўрсатиш жараёнлари учун зарур бўлган техникалар захираларининг ҳаракатини назорат қилиш;

-буюртмаларни назорат қилиш;

-хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш;

-тўловлар тушумини рўйхатга олиш;

-ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар.

Телекоммуникациялар тизимларининг ривожланиши рақамли ва матнли ахборотга ишлов беришнинг барча техник воситаларини корхона ичидаги ягона ахборот тизимига бирлаштириш имконини берди. Бир вақтнинг ўзида ҳисоблаш техникаси ва матнли ахборотга автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш воситаларидан фойдаланишга асосланган ахборот тизими энг самарали ҳисобланади.

Корхона фаолиятининг самарадорлиги корхонада ҳужжатлар айланиши қандай ташкил этилганлигига боғлиқ. Корхонани бошқариш сифатига ҳужжатларни шакллантирилганлиги, ахборотни қабул қилиш-узатишнинг тезкорлиги ва сифати, маълумот-ахборот хизмати ишлашининг уйғунлашганлиги, ҳужжатларни сақлаш, қидириб топиш ва улардан фойдаланишнинг аниқ ташкил этилиши каби омиллар таъсир кўрсатади.

Ҳужжатлар айланишини автоматлаштириш асосан қуйидагилар учун зарур:

-корхонада содир бўлаётган яхлит манзарани шакллантириш;

-барча бўлинмаларнинг уйғунлик билан ишлаши;

-мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш;

-инсон, коммуникация, инвестиция ва бошқа хизмат кўрсатиш ресурсларидан самарали фойдаланиш.

Хулоса ва таклифлар. Кўплаб мамлакатлар тажрибаси ҳозирги динамик ривожланаётган дунёда ахборот-коммуникация технологиялари иқтисодий ривожланишнинг локомотиви эканлигини, мамлакатга инвестициялар жалб этилишига, янги иш ўринлари ташкил этилишига, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга ва бошқарувга татбиқ этилишига, ахборот айирбошлашда чиқимлар қисқартирилишига кўмаклашишини кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарурлигини белгилайди:

-интернет ресурсларидан фойдаланган ҳолда ташқи алоқаларни таъминлашда зарур бўлган тармоқ ресурсларини интеграциялаш;

-ҳужжатларнинг электрон айланишининг ягона тизимини жорий этиш;

-оммавий электрон хизматларнинг бошланғич рўйхатини белгилаш, тегишли порталлар ташкил этиш, улар билан боғлиқ бўлган интерактив ахборот айирбошлашни шакллантириш;

-бизнес субъектлари ва аҳоли учун интернет ресурсларига киришни таъминлайдиган ахборот–коммуникация инфратузилмасини шакллантириш муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2022 йил.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. – Т.: «Ўзбекистон», 2017 йил.

3. Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик.-Т.: ТДИУ, 2013 йил.
4. Борисова О.В. и другие. Корпоративные финансы. Учебник и практикум.- М.: Юрайт, 2015 год.
5. Веснин В.Р. Управление персоналом в схемах. М., 2007 год
6. Перекрестова Л.В., Романенко Н.М., Сазонов С.П. Финансы и кредит. Учебник. М.: изд. центр «Академия», 2013 год.
7. Донцова О.И., Логвинов С.А. Инновационная экономика: стратегия и инструменты формирования: Учебное пособие. - М.: НИЦ ИНФРАМ, 2015 год.
8. Гадоев Е.Ф, Кузиева Н.Р, Ашурова Н.Б. Солиқ сиёсати стратегияси Ўқув қўлланма. – Т.: EL-PRESS. 2013 йил.
9. Доклад Торгового представительства Российской Федерации в Финляндии. Материал rusfintrade.ru за 2015 год.
10. Доклад Центра аналитического и методологического сопровождения Российской Федерации. Израиль. Отчет по результатам изучения мирового опыта в области развития инновационной деятельности. 2013.
11. Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А. Инновацион менежмент. Дарслик. – Т.: ТДИУ. 2012 йил.
12. Завгородняя В.В. Особенности финансирования науки и инноваций в зарубежных странах на примере Великобритании и Китая. Журнал «Молодой ученый», №7, 2017. С 245-250.
13. Мутанов Г.М. Инновации: создание и развитие. – Алматы, Казах университет, 2012, -224 с.
14. www.mineconomy.uz – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги расмий ахборот сайти.
15. www.mf.uz - – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий ахборот сайти.
16. www.uza.uz - – Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги расмий ахборот сайти.

Ф.Турсунов

Роль информационной системы в управлении стратегическим развитием предприятия

Аннотация: В статье представлены основные направления обеспечения взаимодействия всех подразделений при автоматизации документооборота на предприятиях, повышении качества обслуживания клиентов, эффективного использования человеческих, коммуникационных, инвестиционных и других сервисных ресурсов.

Ключевые слова: стратегия развития, информационная система, стратегическое управление, эффективность, коммуникация, инвестиции, клиент, сервис.

F.Tusunov

The role of the information system in managing the strategic development of an enterprise

Abstract: The article presents the main directions for ensuring the interaction of all departments in the automation of workflow at enterprises, improving the quality of customer service, the effective use of human, communication, investment and other service resources.

Keywords: development strategy, information system, strategic management, efficiency, communication, investments, client, service.

Диёр Ҳақбердиевич Холмаматов – СамИСИ доценти, PhD

МАРКЕТИНГ ЛОГИСТИКАСИ: АСОСИЙ ҚАРАШЛАР, НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Аннотация: мақолада маркетинг логистикаси тушунчасининг назарий асослари, маркетинг логистикаси бўйича илгари сурилаётган қарашлар, маркетинг логистикаси амалиётини товар ҳаракати тизимини ташкил этиш билан боғлиқлиги ёритилган. Шунингдек, харидлар ва етказиб бериш тизимида маркетинг логистикаси бўйича ёндашув келтирилган.

Калит сўзлар: маркетинг, логистика, маркетинг логистикаси, товар ҳаракати, таъминот занжирлари, рақобат устунлиги, етказиб бериш, харидлар, товар-моддий ресурслар оқими, маркетинг-микс.

Кириш. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш йўналишида йирик саноат тармоқлари ва ҳудудий корхоналар ўртасида саноат

кооперациясини ривожлантириш, маҳаллий рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги стратегик бозорларни топиш, ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш каби мақсадлар белгилаб қўйилган [1]. Ушбу мақсадларни амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётида товар-моддий ресурслар ҳаракатини ташкил этиш ва бошқариш масаласини янада долзарблаштирмоқда.

Чунки ҳудудлараро товарлар ҳаракати натижасида саноат ишлаб чиқариш, маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, ҳудудий корхоналар ўртасида саноат кооперацияси йўлга қўйилади. Товар ҳаракатини ташкил этишда эса маркетинг ва логистика фаолияти асосий ўринда туради.

Замонавий ёндашувларга кўра товар ҳаракати тизимида маркетинг ва логистиканинг функцияларини бирлаштириш, яъни маркетинг логистикасидан фойдаланиш назарияси илгари сурилмоқда. Шу билан бирга маркетинг логистикасининг бизнес жараёнлари амалиёти шаклланмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Маркетингнинг замонавий концепциялари шаклланиши билан бирга 1990 йилларнинг ўрталарида “маркетинг логистикаси” атамаси назарий жиҳатдан илмий манбаларда ишлатила бошланди. Маркетинг бўйича етакчи мутахассис олим Ф.Котлер (1998) маркетингнинг муҳим таркибий қисми ва элементи бўлган товар тарқатишнинг стратегик муаммолари логистика ва маркетинг билан боғлиқлигини таъкидлайди[8]. Ф.Котлер охирги вақтларда маркетинг логистикаси атамаси тобора кенг қўлланилаётганини таъкидлаб, у товарларнинг нафақат товар ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига томон ҳаракати жараёнини, балки товарлар ва материалларнинг таъминотчилардан корхоналарга етказиб берилишини ҳам ўзи ичига олишини ўз илмий тадқиқотларида кўрсатиб ўтган [8].

Россиялик олим Г.Л.Багиев (1998) маркетинг логистикаси атамасини ўзининг маркетингнинг изоҳли луғатига киритди. Г.Л.Багиев маркетинг логистикаси барча турдаги оқимларни оптималлаштиришда логистика билан маркетинг фаолиятини уйғунлигини таъминлайдиган усул сифатида талқин қилган[2].

Польшалик мутахассис Dwiliński (1998) маркетинг логистикасини логистика ва маркетингнинг изчилигида буюртма қилинган товарларни ўз вақтида етказиб беришни кафолатлайдиган, тегишли транспорт воситаларидан фойдаланилган ҳолда энг қисқа вақт ичида ва энг арзон нархларда товар ҳаракати тизими сифатида тавсифлайди[7].

2000 йиллардан кейин маркетинг логистикаси бўйича тадқиқотлар, қарашлар астасекинлик билан кўпайиб борди. Маркетинг логистикасининг бизнес жараёнлари бўйича ҳам илмий қарашлар шаклланди. Жумладан, М.Кристофер ва Х.Пеклар (2005) ўзларининг тадқиқотларида маркетинг логистикасининг бизнес жараёнларига эътибор қаратган.

Бизнес жараёнларда логистиканинг функциялари ёки операцияларини алоҳида бошқаришдан замонавий амалиётда маркетинг логистикаси концепциясини жорий этиш жадал тус олмоқда. М.Кристофер ва Х.Пеклар ўзларининг тадқиқотларида корхоналар фаолияти бозорга йўналтирилган бўлиши учун функционал тўсиқларни ҳал қилишида интеграция жараёнларига эътиборни қаратиш кераклигини асослаб берди[9]. Замонавий адабиётларда маркетинг ва логистиканинг бизнес жараёнлардаги мазмуни кенг ва етарли даражада ўрганилган. Лекин маркетинг логистикасининг бизнес жараёнлардаги масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

М.Кристофер ва Х.Пеклар биринчилардан бўлиб маркетинг логистикасининг бизнес жараёнларини таснифини таклиф этишган [9]. Уларнинг таснифига кўра маркетинг логистикасининг бизнес жараёнлари қуйидагилардан иборат:

брендни ишлаб чиқиш (шу жумладан, янги маҳсулотни ишлаб чиқиш);

истеъмолчилар билан алоқаларни ривожлантириш (асосан, охирги истеъмолчиларнинг содиқлигини яратиш);

харидорларни бошқариш (воситачилар билан ўзаро алоқаларни яратиш);

етказиб берувчилар билан муносабатларни такомиллаштириш (етказиб бериш занжирида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш);

таъминот занжирини бошқариш (шу жумладан, буюртмаларни бажариш жараёни).

Мутахассислар Ryszard Barcik ва Marcin Jakubiec (2013) маркетинг логистикасини маркетинг-микс (товар сиёсати, нарх сиёсати, сотиш сиёсати, силжитиш сиёсати) ва логистика-микс (транспортировка, омборхона, захираларни ташкил этиш, қадоқлаш, буюртмаларни амалга ошириш ва сервис) бир тизим сифатида харидорларнинг эҳтиёжини юқори даражада қондиришга хизмат қилишини ўз тадқиқотларида кўрсатиб ўтган[10].

Россиялик мутахассислар А.А.Трифилова ва А.Н.Воронковлар (2011) маркетинг логистикасини моддий оқимларни (хом ашё, эҳтиёт қисмлар, материаллар) бошланғич манбасидан бошлаб, ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотни жисмоний тақсимотини режалаштириш, истеъмолчиларни эҳтиёжини самарали қондириш учун тайёр маҳсулотларни етказиб бериш ва тезкор бошқариш фаолияти деб таърифлайди[11].

Савдони ташкил этишда маркетинг логистикасининг ўрни А.Н.Германчукнинг илмий тадқиқотларида алоҳида эътибор қаратилган. Айнан А.Н.Германчук савдо маркетинги, савдо фаолиятида маркетинг ва логистикани аниқ туташадиган жиҳатларини кўрсатиб бериб, маркетинг логистикасининг рақобат устунлигини таъминлашдаги бизнес жараёнлари моделини ишлаб чиққан [4].

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, маркетинг логистикаси товар ҳаракатини ташкил этиш билан боғлиқ бизнес жараёнларнинг муҳим воситаси, замонавий усули бўлиб ҳисобланмоқда. Товар ҳаракатини ташкил этишда маркетинг логистикасини ривожлантириш масаласи долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Маълумки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги **22-мақсадга кўра** йирик саноат тармоқлари ва ҳудудий корхоналар ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш ва **28-мақсадга кўра**, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишнинг янги салоҳиятли бозорларини аниқлаш асосий масалалардан биридир [1]. Ушбу мақсадларни амалга оширишда маркетинг ва логистиканинг ўрнини аниқлаш, маркетинг ва логистика функцияларининг қиёсий таҳлили асосида маркетинг логистикаси бўйича асосий қарашлар ёритилди.

Маркетинг ва логистика функцияларининг синтез натижасида маркетинг логистикасини ривожлантириш йўллари асослаб берилган. Шунингдек, харидлар ва етказиб бериш занжирларида маркетинг логистикаси шаклланишини ёритишда монографик кузатув, абстракт-мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга ошириб келинаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида бозор иқтисодиёти тартиб-қоидалари тизимли равишда иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида амал қилмоқда. Товар ва молия бозорларида рақобат муҳити ўзгариши, барча тармоқларда рақобат интенсивлиги ошмоқда. Бу жараён эса корхоналарнинг рақобат устунлигига эришишлари учун барқарор ва узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш заруриятини кўрсатмоқда.

Корхоналар амалда рақобатчилик устунлигини таъминлаш, рақобатбардошликни сақлаб қолишни истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини сифат ва нарх уйғунлигида қондиришга имкон берадиган маркетинг концепцияларини қўллаш ва логистика нуқтаи назардан товар-моддий ресурслар оқимини оптималлаштириш орқали фойданинг етарлича юқори даражасини таъминлаш эвазига қўлга киритади.

Эркин бозор шароитида ўз самарадорлигини исботлаган корхона менежменти маркетинг ва логистика концепцияларини ўзаро бирлаштириш орқали эришганлигини бир қатор илмий изланишлар тасдиқламоқда. Мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда маркетинг ва логистиканинг ўзаро алоқадорлиги бўйича турли хил ёндашувлар мавжуд.

Энг асосий ёндашувларга кўра, маркетинг компанияда талабни шакллантириш, маҳсулотни силжитиш ва сотишни бошқариш жараёнлари тўпламидир. Логистика эса, омборлаштириш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказишда жисмоний тақсимотни амалга ошириш, ишлаб чиқариш корхоналарига хом ашё ва бошқа материал ресурсларни етказиб бериш, товар-моддий ресурслар ҳаракатини бошқариш жараёни билан боғлиқ масалаларни ечади. Ишлаб чиқариш жараёнларини ресурслар билан таъминлаш

муаммоларининг кучайиши, тобора ўсиб бораётган рақобат шароитида сотиш жараёнини оптималлаштириш билан боғлиқ омиллар 60-йилларда логистика концепциясининг пайдо бўлишига олиб келди.

Ҳозирги кунда логистика савдо операцияларини бошқариш, етказиб берувчилар ва истеъмол бозорларини таҳлил қилиш, товар ва хизматлар бозорида талаб ва таклифни мувофиқлаштиришни ўз ичига олади. Бундан кўриниб турибдики, маркетинг масалалари билан логистика масалалари туташмоқда.

Муаллифларнинг аксарияти маркетинг ва логистикани бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган мустақил ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолият йўналишлари деб ҳисоблайди.

1-жадвал

Маркетинг ва логистикани тадқиқот соҳаларининг қиёсий тавсифи

№	Кўрсаткичлар	Маркетинг	Логистика
1.	Тадқиқот объекти	Муайян товар ва хизматлар бозори ва конъюнктураси	Товар ва хизматлар бозорида ҳаракатланаётган моддий оқимлар
2.	Тадқиқот предмети	Товар ва хизматларни сотиш бўйича бозор хатти-ҳаракатларини оптималлаштириш	Моддий оқимларни бошқариш жараёнини оптималлаштириш
3.	Тадқиқот усуллари	Талаб ва таклифни, бозор конъюнктурасини ўрганиш усуллари	Моддий ресурсларни етказиб бериш занжирларини яратишга тизимли ёндашув
4.	Якуний натижалар	Компаниянинг ишлаб чиқариш-сотиш стратегияси бўйича тавсиялар	Логистика мақсадларига жавоб берадиган тизим лойиҳалари

Маркетинг воситаларидан фойдаланган ҳолда корхона ўз истеъмолчилари кимлиги, уларнинг қандай товарга, қанча миқдорда эҳтиёжлари борлиги аниқланади. Логистика воситалари корхонада товар-моддий ресурслар оқимларини оптимал ташкил этиш, тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга ўз вақтида, керакли ҳажмда, керакли жойга етказиб беришни таъминлайди. Кўриниб турибдики, корхона фаолиятидаги ушбу иккала восита ҳам турли хил функционал вазифаларни ҳал қилади ва ҳеч қандай ҳолатда бир-бирини алмаштирмайди. Улардан фақат биргаликда фойдаланиш корхонанинг самарадорлигини кафолатлаши мумкин. Корхоналар ўз фаолиятида маркетингдан ҳам, логистикадан ҳам мустақил фойдаланишлари мумкин.

Ишлаб чиқариш корхоналарига хом ашё, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар, жиҳозларни, ишлаб чиқариш корхоналаридан охирги истеъмолчигача тайёр маҳсулотларни етказиб бериш жараёнида товарлар ҳаракатини ташкил этиш амалиётида маркетинг ва логистикани бир-биридан ажратиб бўлмайди. Чунки, товар ҳаракати тизимида маркетинг ва логистика биргаликда корхонанинг ишлаб чиқариш, таъминот ва сотиш фаолиятининг умумий шартлари ҳамда сиёсатини шакллантиради.

Таъминот занжирларида харидлар ва етказиб бериш фаолиятида маркетинг ва логистика мустақил функцияларни бажаришидан кўра биргаликда ягона маркетинг логистика бўлиб функцияларнинг такрорланиши, функцияларнинг қисқариши, функцияларнинг жараёнларга айланиши ҳисобига самара беради.

2-жадвал

Харидлар ва етказиб бериш тизимида маркетинг логистикаси функцияларини маркетинг ва логистиканинг алоҳида функциялари билан қиёслаш (муаллиф ёндашуви)

Маркетинг	Логистика	Маркетинг логистикаси
1. Корхонанинг харид фаолияти бўйича маълумотлар базасини яратиш. 2. Узоқ муддатли ўзаро манфаатли шартларда етказиб берувчилар билан шерикликни ўрнатиш.	1. Товар оқими ҳаракатини таҳлил қилиш. 2. Буюртма қилинаётган товарлар таклифини аниқлаш. 3. Етказиб берувчилар базасини яратиш ва уларни танлаш, уларнинг	1. Ишлаб чиқариш корхоналарининг эҳтиёжларини ўрганиш. 2. Буюртмалар таркиби ва ҳажмини

3. Харидларни ташкил этиш бўйича қарор қабул қилиш учун товар ҳажми ва сифати, нарх, логистика, ташкилий шартларни оптималлаштириш. 4. Харидлар ассортиментини муваффақиятли янгилаш ва уларнинг ҳажмини кенгайтириш. 5. Харид қилиш имкониятларини таъминлаш учун фойдали ўринбосар товарларни топиш.	ишларини мувофиқлаштириш, функционал кўрсаткичларини баҳолаш орқали етказиб берувчилар билан ўзаро муносабатларни бошқариш (SRM - Supplier Relationships Management). 4. Маҳсулотларни сақлаш ва омборлаштиришни рационал ташкил этиш. 5. Маҳсулотларни сақлаш ва сотиб олиш харажатларини камайтириш усулларини амалга ошириш.	ўрганиш. 3. Етказиб берувчиларни танлаш ва уларни хизматларини баҳолаш. 4. Маҳсулотларни сақлаш ва харид қилиш харажатларини минималлаштириш.

Иккала воситани, яъни маркетинг ва логистикани бир вақтда, уйғунликда моҳирона ишлатиш, ҳар бирини алоҳида ишлатишга қараганда анча катта синергетик самара беради.

Хулоса ва таклифлар. Маркетинг логистикаси ғояси корхона ичида жиддий ўзгаришларни талаб қилади. Агар анъанавий маркетингда логистика функциялари ва тизимлари аниқ белгиланиши керак бўлса, маркетинг логистикасида эса асосий эътибор функциялардан жараёнларга ўтади.

Маркетинг логистикаси бозорнинг ривожланишига таъсир қилади. Чунки маркетинг логистикаси муайян корхонанинг бозор фаолиятини ривожлантиришда товарларни етказиб беришнинг юқори даражасини таъминлайди.

Маркетинг логистикасини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Маркетинг логистикасини ривожлантириш учун “ишлаб чиқариш-истеъмолчи” занжирида яхлит бизнес кооперациясини йўлга қўйиш лозим. Ишлаб чиқарувчи ва воситачи корхоналар ўртасида оралиқ омборхоналарни ташкил этиш. Товар захираларини ташкил этиш, қадоқлаш, ўраб-жойлаш, етказиб бериш ишларини ҳамкорликда, аутсорсинг асосида амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш лозим.

2. Маркетинг логистикасининг бизнес жараёнлар моделини ишлаб чиқишда бозорга йўналтирилган таъминот ва тақсимот занжирларида оптимал товар ҳаракати тизимини лойиҳалаштиришга эътибор қаратиш.

3. Маркетинг логистикасини ривожлантириш товар тарқатиш каналлари иштирокчилари функцияларини мувофиқлаштириш орқали истеъмолчи учун қиймат яратиш тизимини шакллантириш, юқори сифатли сервис орқали истеъмолчи эҳтиёжини қондирилишини таъминлайди. Пировардида товар ҳаракати тизими харажатларини оптималлаштириш орқали маркетинг фаолияти рентабеллиги оширилади.

4. Маркетинг логистикасининг бизнес жараёнлари моделини лойиҳалашда функционал элементларни, яъни маркетинг функционал элементлари (бозор тадқиқотлари, ассортимент сиёсати, нарх стратегиялари, силжитиш, сотишни рағбатлантириш) ва логистиканинг функционал элементлари (буюртмаларни бошқариш, транспорт, омборхона, захираларни бошқариш)ни мувофиқлаштириш асосида бир тизимни ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

2. Багиев Г.Л. Маркетинг: словарь и библиография. – СПб: Изд-во СПбГУЭФ, 1998. – 74 с.

3. BLAIK, P., 2001: Logistyka. Koncepcja zintegrowanego zarządzania, wyd. II, PWE, Warszawa.

4. Германчук, А. Н. Специфика организации трейд-маркетинга на предприятии / А. Н. Германчук // Фундаментальные и прикладные исследования в современном мире : матер. XXVII Междунар. науч.-практ. конф., 15 окт., 2019 г. – СПб. : Стратегия будущего, 2019. – С. 58-61.

5. Голиков Е.А. Маркетинг и логистика – новые инструменты хозяйствования. – М. : Издательство «Экзамен», 2006. – 220 с.

6. CIESIELSKI, M., 1999: Logistyka w strategiach firm, PWN, Poznań.

7. DWILIŃSKI, L., 1998: Wstęp do logistyki, Oficyna Wydawnicza PW, Warszawa.
8. Kotler, P. (1998) Marketing Management: Analysis, Planning, Implementation, and Control. 9th Edition, Prentice Hall, Upper Saddle River.
9. Кристофер, М. Маркетинговая логистика / М. Кристофер, Х. Пек. ; пер. с англ. И. Касимова. – М. : Издательский Дом «Технологии», 2005. – 200 с.
10. Ryszard Barcik, Marcin Jakubiec (2013). Marketing logistics. https://docplayer.net/4272544-Marketing-logistics-bielsko-biala-poland-email-rbarcik-ath-bielsko-pl-bielsko-biala-poland-email-m-jakubiec-ath-bielsko-pl.html
11. Трифилова А.А., Воронков А.Н. Маркетинговая логистика. Учебное пособие. Нижегород. гос. архит.-строит. ун-т – Н. Новгород: ННГАСУ, 2011. – 83 с.
12. Ergashxo‘jayeva Sh.J. Innovation marketing. Darslik.-T.: Cho‘lpon nomidagi NMIU, 2014. – 176 b.

Д.Холмаматов
Маркетинговая логистика: основные взгляды, теория и практика
Аннотация: В статье описаны теоретические основы концепции маркетинговой логистики, востребованные ранее взгляды на маркетинговую логистику, связь между практикой маркетинговой логистики и организацией системы товародвижения. Подход к маркетинговой логистике также представлен в системе закупок и доставки.
Ключевые слова: маркетинг, логистика, маркетинговая логистика, товародвижение, цепочки поставок, конкурентное преимущество, доставка, закупки, движение материальных ресурсов, маркетинг-микс.

D.Kholmamatov
Marketing logistics: basic views, theory and practice
Abstract: The article describes the theoretical foundations of the concept of marketing logistics, previously requested views on marketing logistics, the connection between the practice of marketing logistics and the organization of the goods movement system. An approach to marketing logistics is also presented in the procurement and delivery system.
Keywords: marketing, logistics, marketing logistics, goods movement, supply chains, competitive advantage, delivery, procurement, flow of material resources, marketing mix.

Musayev Bekjon Shukurillayevich – SamISI, Marketing kafedrasi dotsenti

INNOVATSION STRATEGIYALARDAN BOSHQARUV JARAYONIDA FOYDALANISH ZARURIYATI

Annotatsiya: Maqolada innovatsion strategiyalar mazmuni hamda uning boshqaruv jarayonida foydalanish zaruriyati keltirilgan. Bundan tashqari, innovatsiya tushunchasini strategiya tushunchasi bilan bog‘lab, korxona istiqbolini belgilashda ham uning ahamiyati yoritib berilgan.
Kalit so‘zlar: innovatsiya, innovatsion faoliyat, innovatsion taraqqiyot, innovatsion faoliyatni boshqarish, ixtiro, “aqlli” texnologiya, ilg‘or texnologiya, innovatsion strategiya, o‘zgaruvchan sharoit.

Kirish. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi shuni ko‘rsatmoqdaki, barcha sohalarda yuqori natijalarga erishish uchun ilm-fanga, innovatsiyalarga katta e’tibor berish orqali iqtisodiy jihatdan yuqori natijaga erishayotganligini va bunday mamlakatlarning mavqei, iqtisodiyoti kundan kunga mustahkamlanib bormoqda. Bu borada Prezidentimiz Sh.Mirziyoev Prezidentlik faoliyatining dastlabki kunlaridanoq ilm-fanni, innovatsion faoliyatni rivojlantirishga alohida e’tibor qaratib kelmoqda. Buning natijasida 2016 yil 30 dekabr kuni mamlakatimizning yetakchi ilm-fan namoyondalari bilan uchrashuvida “Bugungi zamon barcha sohalar qatorida ilm-fanni ham yangi bosqichga ko‘tarishni talab qilmoqda. Zotan, jamiyat oldida turgan dolzarb masalalarni ilm-fansiz yechish qiyin. Mazkur sohani va olimlarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash davlatimizning ustuvor vazifalaridandir” – deb ta’kidlagan edilar.

Bundan tashqari Prezidentimiz 2018 yilning 6 aprel kuni O‘zbekiston Fanlar akademiyasining akademik Sobir Yunusov nomidagi O‘simlik moddalari kimyosi institutiga tashrif buyurdi va institutning faollar zalida vazirlik va idoralar, oliy ta’lim muassasalari va O‘zFA ilmiy-tadqiqot institutlari rahbarlari, akademiklar, olimlar, yosh tadqiqotchilar bilan muloqot qildi va muloqot chog‘ida “Hamma sohaning kelajagi sizlarga, ilm-fanga bog‘liq. Bundan keyin mamlakatimizga kelayotgan har bir xorijiy investitsiyaning muayyan foizi ilm-fanni rivojlantirishga va ilmiy kadrlar

tayyorlashga yo‘naltiriladi. Ilm-fan rivojlansagina ertangi kunimiz haqida tasavvur qila olamiz” – deb ta’kidlab, bu masalaning ahamiyati qanchalik dolzarb ekanligini yana bir bor ko‘rsatmoqda.

Mamlakatimiz erkin bozor iqtisodiyotiga o‘tish hamda aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan yalpi ichki mahsulot hajmining oshishi ko‘pincha ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatish sohalari boshqaruvida innovatsiyalarni joriy etishga asoslangan holda raqobatbardoshlikni o‘zida mujassamlashtirgan strategiyalarni ishlab chiqish va uni amalda muvaffaqiyatli amalga oshirishga bog‘liqdir. Shunday ekan, bu borada mamlakatimiz Prezidenti Sh.Mirziyoev ta’kidlaganidek, “Xalqimiz dunyoqarashida innovatsiya muhitini yaratish eng muhim vazifamizdir. Innovatsiya bo‘lmas ekan, hech bir sohada raqobat, rivojlanish bo‘lmaydi. Bu sohadagi o‘zgarishlarni xalqimizga keng targ‘ib qilmasak, odamlarda ko‘nikma paydo qilmasak, bugungi davr shiddati, fan-texnikaning mislsiz yutuqlari bilan hamqadam bo‘lolmaymiz”1. Shunday ekan, bugungi kunda innovatsion faoliyatni boshqarish jarayonida tezkorlik bilan qo‘llash, korxonalarda boshqaruv faoliyatini innovatsion g‘oyalar va yangiliklar asosida tashkil etish zarurdir.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Bugungi kunda, innovatsiya va menejmentga oid ko‘plab ilmiy asarlar, darslik va o‘quv qo‘llanmalar yaratilgan. Jumladan, N.Q.Yuldoshev, Sh.A.Mirsaidova va Ye.D.Goldmanlarning “Innovatsion menejment” darsligi bo‘lib, unda korxonalarda innovatsion faoliyatni tashkil qilish kabi mavzular yoritilgan [5]. G.K.Taraxtiyeva monidan yozilgan “Innovatsion menejment” nomli o‘quv qo‘llanmasida esa, korxonalarda innovatsiya, innovatsiya jarayoni va modeli, korxonalarda innovatsiya jarayonini boshqarish, innovatsion faoliyatning tashkiliy strategiyasi va innovatsion rivojlanish strategiyasi kabi mavzular batafsil yoritib berilgan [6]. Shuningdek, Mirzayev Q.J., E.Sh.Shavqiyev va B.K.Janzakovlar tomonidan “Innovatsion iqtisodiyot” nomli darsligida iqtisodiyotda innovatsion faoliyatning o‘ziga xos xususiyatlari, innovatsion iqtisodiyotning ilmiy-uslubiy asoslari, innovatsion faoliyat infratuzilmasining tashkiliy, huquqiy va iqtisodiy masalalari, innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirish omillari, innovatsion iqtisodiyotda xizmatlar bozorini rivojlantirish, innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirishga ta’sir etuvchi omillar, jumladan, iqtisodiyotda innovatsion klasterni shakllantirish zaruriyati hamda uning tashkil etilishi va amal qilishi bilan bog‘liq masalalar yoritilgan [7]. Bundan tashqari, S.A.Salixovning “Innovatsion faoliyatni boshqarish” darsligida [8] hamda X.M.Abdusattarovaning “Innovatsiya strategiyasi” nomli o‘quv qo‘llanmasida ham mavzuga oid ma’lumotlar berilgan [9].

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqotning maqsadi hozirgi tez o‘zgaruvchan sharoitda innovatsion strategiyalarning korxonalar boshqaruvidagi zaruriyatini hisobga olib nazariy va amaliy taklif va tavsiyalar ishlab chiqish bo‘lganligi uchun, uni yoritish davomida monografik kuzatuv, mantiqiy tahlil, induksiya va deduksiya usullaridan keng foydalanilgan.

Tahlil va natijalar. “Innovatsiya” so‘zning ma’nosiga to‘xtalib o‘tsak, “Innovatsiya – bu kelajak degani. Biz buyuk kelajagimizni barpo etishni bugundan boshlaydigan bo‘lsak, uni aynan innovatsion g‘oyalar, innovatsion yondashuv asosida boshlashimiz kerak”[2].

“Innovatsiya” atamasi ingliz tilining “innovation” so‘zidan olingan bo‘lib, kiritilgan yangilik, ixtiro[3], degan ma’nolarni anglatishi belgilab qo‘yilgan.

Innovatsiya deyilganda, ilg‘or g‘oyalar asosida amalga oshirilgan ishlanmalar natijalarining fan va texnika yutuqlari, ilg‘or texnologiya va yangi ixtirolar sifatida turli sohalarda (iqtisodiy, ijtimoiy, ma’naviy hayotimizda, boshqaruv tizimi kabilarda) qo‘llanilishi bilan bog‘liq hodisa tushuniladi[4].

Innovatsion faoliyatni boshqarish jarayonida, ya’ni istiqbolni oldindan bashorat qilish va belgilashda uning ahamiyati nihoyatda beqiyosdir. Shu boisdan boshqarish jarayonida “innovatsiya” tushunchasini “strategiya” tushunchasi bilan bog‘lab olib borilsa maqsadga muvofiq bo‘lar edi. Sababi iqtisodiyotni modernizatsiya va diversifikatsiya qilish sharoitida samarali boshqaruv

[1] https://sputniknews-uz.com/20180110/7233394.html

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабр.

[3] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.II. Йе-М. – Т.: “Ўзбекистон миллий энсиклопедияси” ДИН, 2006. – 213-бет.

[4] Mirzayev Q.J., Pardayev M.Q. Xizmatlar sohasi iqtisodiyoti. O‘quv qo‘llanma. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2015. –73-bet.

faoliyatini istiqbolda oldindan bashorat va tasavvur qilgan holda, korxona faoliyatiga fan va texnikaning so‘nggi yutuqlarini, ilg‘or texnologiyalarni keng joriy etish va dolzarb muammoli masalalarni, ro‘y beradigan o‘zgarishlar va yuzaga kelishi mumkin bo‘ladigan imkoniyatlarni oldindan ko‘ra olish, xo‘jalik siyosati va strategiyasini ishlab chiqish va ushbu o‘zgarishlarga yangicha uslub, yangicha texnika - texnologiya orqali boshqarish degan ma’noni beradi. Bu borada Prezidentimiz Sh.Mirziyoev “Shuning uchun biz Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etdik va uning oldiga aniq vazifalarni qo‘ydik. Bu vazirlik nafaqat iqtisodiyot sohasida, balki butun jamiyat hayotida eng muhim loyihalarni amalga oshirishda o‘ziga xos lokomotiv rolini bajaradi, deb ishonamiz”[1] deb ta’kidlagan edi. O‘z-o‘zidan ko‘rinib turibdiki bugungi kunda innovatsion boshqaruv sohasi mamlakat miqyosida e’tibor berilayotgan bo‘lib, bu esa, yaqin kelajakda o‘z natijalarini beradi.

Boshqarish jarayonida innovatsiya strategiyaning mohiyatini yoritib beradigan bo‘lsak, korxonada turli tadbirkorlik, ishlab chiqarish, ilmiy-texnik, kadrlar, marketing va raqobat strategiyalari mavjud bo‘lib, ularda innovatsiya elementlari, yangiliklar mavjud bo‘lsagina ma’noga ega bo‘ladi. Shuning uchun innovatsion strategiya o‘zida yangiliklarni, ilg‘or g‘oyalar va texnologiyalarini, yangi ixtirolarni mujassam etgani uchun ham qolgan barcha strategiyalarni “yutib yuboradi”.

Innovatsion faoliyatga asoslangan korxona strategiyasi ilmiy-texnik taraqqiyotni shakllantiradi va rivojlantiradi, ya’ni innovatsion faoliyatning o‘rnini va boshqarish strategiyasini belgilab oldi. O‘z navbatida, innovatsion strategiya maqsadlarga erishish yo‘llarini va foydaliligini ta’minlashda korxona o‘zining ustuvor yo‘nalishlarini belgilab olishga yordam beradi, masalan:

- resurslardan oqilona, tejab tergab foydalanishga;
- yuqori samaraga va qulay ijtimoiy-iqtisodiy natijalarga erishishga;
- ishlab chiqarish sohasiga fan-texnika yutuqlarini yangiliklarni, ilg‘or g‘oyalar va texnologiyalarini, yangi ixtirolarni amalda qo‘llagan holda yuqori sifatliligiga, tejamkorligiga va amalga oshirilishiga erishish.

Demak, innovatsion strategiya yo‘nalishlarini belgilash, istiqbolli yo‘nalishlarga ustuvorlik berish, korxonani rivojlanishini ta’minlaydigan bir qator maqsadlarga erishish uchun yo‘l haritalarini ishlab chiqish maqsadga muvofiqdir.

Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida ayrim boshqaruv xodimlarining fikricha korxonada ishlab chiqarilayotgan mahsulot yaxshi va sifatli bo‘lishi yetarli, maqsadga erishayapmiz deb hisoblashadi. Aslida bu noto‘g‘ri, chunki u raqiblardan orqada qolmaslik uchun yangi texnologiyalarni paydo bo‘lishini diqqat bilan kuzatishi va ularni o‘z faoliyatiga boshqaruv qonuniyatlarini hisobga olib, ilmiy jihatdan yondoshgan holda tadbiq etishni rejalashtirish kerak. Umuman olgan korxonaning innovatsion strategiyasini ishlab chiqish jarayonida quyidagi ikkita asosiy maqsadni hisobga olish kerak:

1. boshqaruv faoliyatida korxona resurslarni adolatli taqsimlash va undan samarali foydalanish. Bunda korxona rahbariyati resurslarni korxonaning bosh maqsadidan kelib chiqqan holda taqsimlash kerak va ulardan samarali foydalanishni doimiy nazorat qilib borish zarurdir. Bu esa, ichki strategiya bo‘lib, ichki muhitni doimiy tahlil qilib borishni taqozo etadi va bu korxona faoliyatidagi kuchli va kuchsiz tomonlarni aniqlash imkonini beradi;
2. tez o‘zgarayotgan sharoitda korxonani tashqi muhitga tez moslashish. Bunda tashqi omillar (iqtisodiy o‘zgarishlar, siyosiy omillar, demografik vaziyatlar va boshqalar) o‘zgarishini hisobga olgan holda samarali moslashish vazifalarni ta’minlash kerak bo‘ladi.

Xulosa va takliflar. Korxonaning innovatsion strategiyasini shakllantirish – tashqi muhitdagi o‘zgarishlarni va u bilan bog‘liq bo‘lgan asosiy omillar (iqtisodiyot, siyosat, bozor, texnologiya, raqobat)ni hisobga olish, asosiy raqiblarni belgilash va ularning bozordagi o‘rinlari (bozordagi ulushi, sotishlar hajmlari maqsadlari va h.k)ni aniqlash zarur. Shuningdek, raqiblarning kuchli va kuchsiz tomonlarini sinchkovlik bilan o‘rganish va ularning natijalarini shaxsiy ko‘rsatkichlar bilan

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабр.

solishtirish raqobat kurashi strategiyasini yaxshiroq o‘ylab ko‘rishga imkon beradi.

Hozirgi tez o‘zgaruvchan sharoitda korxonalar boshqaruvida innovatsion strategiyaning zaruriyati yuqori bo‘lganligini hisobga olgan holda quyidagi nazariy va amaliy taklif va tavsiyalarni ishlab chiqdik. Jumladan:

- korxona istiqbolini belgilashda, rejalarni shakllantirishda innovatsion strategiyaga alohida e’tibor qaratish lozim. Chunki, korxonada turli tadbirkorlik, ishlab chiqarish, ilmiy-texnik, kadrlar, marketing va raqobat strategiyalari ishlab chiqiladi va ularda innovatsiya elementlari, yangiliklar mavjud bo‘lmasa ma’noga ega bo‘lmaydi. Shuning uchun innovatsion strategiyani korxona boshqaruviga samarali joriy etish maqsadga muvofiqdir;
- korxonalar boshqaruvida rahbarlar mavjud muammolarning muhimlik darajasiga e’tiborli bo‘lishi va korxonaning ustuvor vazifalarini, korxonaning bosh maqsadidan kelib chiqqan holda belgilashi (bunda ikkinchi va uchunchi darajadagi masalalarga, mayda ishlarga berilmasligi) kerak;
- korxona rahbarlari ilm-fan yutuqlariga, yangiliklarga doimiy qiziquvchan bo‘lishi va doimiy xodimlar tomonidan innovatsiyaga bo‘lgan tashabbuslarini qo‘llab-quvvatlash kerak;
- boshqarish jarayonida rahbarlar falsafaning “inkorni inkor etish qonuniga” doimiy amal qilish kerak. Bunda rahbarlar o‘ziga va korxonaning har bir bo‘limi faoliyatiga nisbatan ochiq tanqidiy baho bera olishi kerak;
- yuqori pog‘onadagi rahbariyat korxonaning ichki va tashqi ahvolidan har doim to‘liq xabardor bo‘lib turishi kerak va boshqalar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. https://sputniknews-uz.com/20180110/7233394.html
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi // Xalq so‘zi, 2017 yil 23 dekabr.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.II. Е-М. – Т.: “Ўзбекистон миллий энсиклопедияси” ДИН, 2006. – 213-бет.
4. Mirzayev Q.J., Pardayev M.Q. Xizmatlar sohasi iqtisodiyoti. O‘quv qo‘llanma. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2015. –73-bet.
5. Yuldoshev N.Q., Mirsaidova Sh.A., Goldman Ye.D. Innovatsion menejment. Darslik. – T.: TDIU, 2011.
6. Taraxtiyeva G.K. Innovatsion menejment. O‘quv qo‘llanma. –T.: “Fan texnologiya ”, 2013, 208 bet.
7. Мирзаев Қ.Ж., Э.Ш.Шавқиев, Б.К.Жанзаков. Инновацион иқтисодиёт. Дарслик. – Самарқанд: «Зарафшон», 2021. –310 б.
8. Салихов С.А. Инновацион фаолиятни бошқариш. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2013.
9. Abdusattarova X.M. Innovatsiya strategiyasi. O‘quv qo‘llanma – T.: TDIU, 2011.

Б.Мусаев

Необходимость применения инновационных стратегий в процессе управления

Аннотация: В статье представлены содержание инновационных стратегий и необходимость их использования в управленческом процессе. Кроме того, связывая понятие инноваций с понятием стратегии, выделяется его значение в определении будущего предприятия.

Ключевые слова: инновация, инновационная деятельность, инновационное развитие, управление инновационной деятельностью, изобретательство, «умная» технология, передовая технология, инновационная стратегия, меняющиеся условия.

B.Musaev

The need to apply innovative strategies in the management process

Abstract: The article presents the content of innovative strategies and the need for their use in the management process. In addition, by linking the concept of innovation with the concept of strategy, its importance in determining the future of the enterprise is highlighted.

Keywords: innovation, innovation activity, innovation development, innovation management, invention, smart technology, advanced technology, innovation strategy, changing conditions.

Boyjigitov Sanjarbek Komiljon o‘g’li – SamISI “Marketing” kafedrasi assistenti

KORXONADA MARKETING FAOLIYATI SAMARADORLIGINI BAHOLASHDA IQTISODIY KO‘RSATKICHLARNING PROGNOZ PARAMETRLARINI ISHLAB CHIQISH

Annotatsiya: Mazkur maqolada korxonada marketing faoliyati samaradorligini baholashda iqtisodiy ko‘rsatkichlarning prognoz parametrlarini ishlab chiqish asoslari va xususiyatlari o‘rganilgan va nazariy asoslangan, amaliy ifodasini topgan. Bundan tashqari korxonani kelgusi yilgi prognoz parametrlari SPSS dasturi asosida prognoz qilingan va o‘rganilgan. Korxona strategiyasi bo‘yicha xulosa va takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: Iqtisodiy prognoz, marketing samaradorligi, ekstropolyatsiya qilish, statistik modellashtirish, dinamik qatorlar, SPSS 19 dasturi, prognozlashtirish modellari.

Kirish. Tashqi muhitning tez o‘zgarishi mahalliy sanoat korxonalari rivojlanishini boshqarishning usullari, tizim va yondashuvlarini takomillashtirishni talab etadi. Korxona rivojlanishini boshqarishning tashkiliy mexanizmini takomillashtirish uning yoki u tomonidan sotiluvchi mahsulotning shunday sifatlarini oshirishga yo‘naltirilishi kerakki, bu sifatlar ularning bo‘lg’usi raqobatchilaridan ustunlikka ega bo‘lishlariga olib kelishi kerak. Korxonalarda sifatli boshqaruvni ta’minlash uchun raqobat borasida istiqbolli strategiyalar ishlab chiqilishi, shuningdek, xo‘jalik boshqaruvining barcha jabhalari bo‘yicha zarur tashkiliy chora-tadbirlar ko‘zda tutilishi kerak. Bunday chora-tadbirlar doirasida sanoat korxonalari faoliyatiga doir ayrim ko‘rsatkichlarning istiqboldagi prognozini ishlab chiqamiz.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Prognozlashning ekstrapolyatsiya usulidan foydalanilganda, o‘tgan davrga oid real iqtisodiy ma’lumotlardan kelgusi davrlar uchun asos sifatida foydalaniladi. Prognozlashning ushbu usulida boshlang’ich ma’lumotlardan foydalanib turli ko‘rinishdagi fuksiyalarni tuzish amalga oshiriladi. Bunda iqtisodiy ko‘rsatkichlarning o‘zgarishi dinamik xususiyatlarga ega bo‘lib, vaqt o‘zgarishi bilan ularning miqdoriy ko‘rsatkichlarida barqarorlik yuzaga keladi.

Iqtisodiy prognozni shakllantirishda, odatda, ularni asoslovchi omil sifatida vaqt ko‘rsatkichiga murojaat qilinadi [1]. Ma’lumki, prognoz qilinayotgan ko‘rsatkich qiymatini nafaqat vaqt, balki unga ta’sir o‘tkazuvchi boshqa ko‘plab omillar belgilaydi. Ammo ushbu omillarning u yoki bu xususiyatlari ma’lum vaqt oralig’ida yuzaga keladi hamda ushbu xususiyatlar vaqt o‘tishi bilan o‘zgarib turadi. Shu bois, vaqt hodisasini barcha omillar xususiyatlarini umumiylashtiruvchi ko‘rsatkich sifatida qarash ma’qul bo‘ladi. Ekstrapolyatsiya usulida iqtisodiy ma’lumotlar aniq va to‘g’ri bo‘lishiga qattiq talab qo‘yiladi. Buning uchun birinchi bosqichida berilgan ma’lumotlar qayta ishlanib, undagi ahamiyatsiz ma’lumotlar olib tashlanadi. Ikkinchi bosqichda tahlil qilingan barcha statistik ma’lumotlar filtratsiya qilinadi. Uchinchi bosqichda prognoz uchun matematik funksiyalar tanlanadi. Bu bosqichda prognozlashning to‘g’ri va aniq bo‘lishi uchun funksiyalarni tanlash muhim ahamiyatga ega, biroq amaliyotda bu funksiyalar orasidan eng qulay funksiyani tanlash har doim ham oson bo‘lavermaydi [2].

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqot jarayonida adabiyotlar tahlili, korxonada marketing faoliyati samaradorligini baholashda iqtisodiy ko‘rsatkichlarning prognoz parametrlarini ishlab chiqishda statistik, dinamik qatorlarni ekstropolyatsiya qilish usullari va Fisher mezonlaridan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar. Dinamik qatorlarni ekstropolyatsiya qilish usullaridan biri ularni analitik formulalar yordamida tekislash hisoblanadi [3]. Bunda keltirilgan dinamik qatorning amaldagi har bir darajasi y_t ikkita hadning yig’indisi sifatida $y_t=f(t)+\varepsilon_t$ qaralib, bunda $f(t)$ – trendni namoyon etuvchi tarkib, ε_t – esa $M\varepsilon = 0$, $D\varepsilon = \sigma^2$ bo‘lgan tasodifiy miqdor. Dinamik qatorlarni tekislashdan maqsad, empirik ma’lumotlarga tayanib, aniqlangan formula asosida $\hat{y}_t=f(t)$ uning “nazariy” darajalarini aniqlashdir. Rivojlanish tendensiyalarini namoyish etuvchi eng qulay analitik formulalar quyida keltirilgan(1-jadval).

Aniqlangan model ahamiyatliligining tahlili “nolga teng gipoteza”ni tekshirish orqali amalga oshiriladi. “Nolga teng gipoteza”ni tekshirish dispersion tahlil yordamida amalga oshiriladi hamda “nolga teng gipoteza” N_0:$D_{fakt}=D_{qold}$ga qarshi alternativ gipoteza N_1:$D_{fakt}>D_{qold}$ tarzida ifodalanadi.

1-jadval

Prognozlashtirish modellari

№	Analitik shakli	Funksiya
1	$y= b_0+b_1^x t$	Chiziqli
2	$y =b_0+b_1\ln(t)$	Logarifmik
3	$y = b_0+ b_1/t$	Teskari
4	$y =b_0+ b_1t +b_2t^2$	Kvadratik
5	$y =b_0+ b_1t +b_2t^2+b_3t^3$	Kubli
6	$y =b_0^x b_1^t$	Tarkibli
7	$y =b_0^x t^{b1}$	Darajali
8	$y =e^{(b0+ b1/t)}$	S-funksiya
9	$y =e^{(b0+ b1^x t)}$	Rosta
10	$y =b_0^x e^{b1^x t}$	Eksponensial

Ushbu gipotezalarni tekshirish uchun F-Fisher mezonidan foydalaniladi [4].

Bunda mezonning haqiqiy qiymati quyidagi formula orqali aniqlanadi:

$$F = \frac{\sum_{i=1}^{n}(\hat{y}_i - \bar{y})^2 / k}{\sum_{i=1}^{n}(y_i - \hat{y}_i)^2 /(n-k-1)} = \frac{R^2}{1-R^2} * \frac{(n-k-1)}{k}, \quad (3.1)$$

bunda: $\sum_{i=1}^{n}(\hat{y}_i - \bar{y})^2 / k$ – bitta erkinlik darajasiga to‘g’ri keluvchi omilli dispersiya (erkinlik darajalari soni $\gamma 1=k$);

- $\sum_{i=1}^{n}(y_i - \hat{y}_i)^2 /(n-k-1)$ – bitta erkinlik darajasiga to‘g’ri keluvchi qoldiq dispersiya (erkinlik darajalari soni $\gamma 2=n-k-1$);
- n – kuzatuvlar soni;
- k - ko‘p omilli regressiya tenglamasidagi omillar(parametlar) soni.

F-Fisher mezonining haqiqiy qiymati ($F_{haqiqiy}$) mezonning kritik *($F_{jadv}(\alpha; k; n-k-1)$)* qiymati bilan taqqoslanadi. Agar $F_{haqiqiy}$> F jadval bo‘lsa, u holda aniqlangan model ahamiyatli hisoblanadi. Keltirilgan dinamik qatorlarning tahlili orqali ishlab chiqilgan modelda F-Fisher mezonining haqiqiy qiymati uning erkinlik darajalari soni surat bo‘yicha $\gamma 1=1$ va maxraj bo‘yicha $\gamma 2=6$ga teng bo‘lgan jadval qiymatidan (mohiyatlik darajasi p=0,95da), ya’ni F jadval = 5,99dan katta bo‘lsa aniqlangan model ahamiyatli bo‘ladi [5].

Samarqand viloyatida sanoat korxonalari ichida “Jomboy don mahsulotlari” AJ rivojlantirishning asosiy ko‘rsatkichlari sifatida: korxonada balans foyda, korxonada mehnat unumdorligi ko‘rsatkichi va mahsulot hajmi (mln. so‘m) kabi ko‘rsatkichlar tanlab olindi. **SPSS 19** dasturiy paket imkoniyatlaridan foydalanib, “Jomboy don mahsulotlari” AJni rivojlantirishning asosiy ko‘rsatkichlarini prognozlashning analitik tenglamalarini ishlab chiqdik.

2-jadval

“Jomboy don mahsulotlari” AJning balans foyda ko‘rsatkichini iqtisodiy-statistik prognozlash funksiyalari

№	Funksiyalar	R-kvadrat	Fisher koeffisiyenti
1	**$y= 1104,155+127,453^x t$**	**0,996**	**690,526**
2	$y =1175,280+341,949\ln(t)$	0,896	34,369
3	$y = 1812,086-641,250/t$	0,704	9,534
4	$y =1144,399+ 97,271t +4,312t^2$	0,994	263,204
5	$y =1269,841 - 60,528t +56,579t^2-4,978t^3$	0,995	506,855
6	$y =1149,362^x 1,086^t$	0,994	639,353
7	$y =1199,849^x t^{0,225}$	0,921	46,408
8	$y =e^{(7,510- 0,426/t)}$	0,742	11,531
9	$y =e^{(7,047+ 0,083^x t)}$	0,994	639,353

Balans foyda ko‘rsatkichi qiymatini prognozlash uchun $F-$Fisher mezonning haqiqiy qiymati $F_{haqiqiy}$ >5,99 bo‘lgan barcha funksiyalardan eng kattasi F_{haq} = 690,526 bo‘lib (690,526>5,99), unga birinchi funksiya y= 1104,155+127,453^{x}t mos kelib, bashorat qilish uchun ahamiyatli hisoblandi.

3-jadval

“Jomboy don mahsulotlari” AJda mehnat unumdorligi ko‘rsatkichi iqtisodiy-statistik prognozlash funksiyalari

№	Funksiyalar	R-kvadrat	Fisher koeffisiyenti
1	**y = 62,943+7,449t**	**0,996**	**453,988**
2	y = 66,416+20,608ln(t)	0,950	75,262
3	y =105,313-39,917/t	0,797	15,671
4	y =59,659+9,911t - 0,352t^2	0,994	230,388
5	y =66,644-1,125t +2,558t^2 -0,277t^3	0,995	375,780
6	y =65,338 ^{x} 1,089^{t}	0,981	206,847
7	y = 67,735$^{x}t^{0,239}$	0,970	127,314
8	y = $e^{(4,670-0,471/t)}$	0,837	20,606
9	y = $e^{(4,180+0,085t)}$	0,981	206,847

Mehnat unumdorligini bashorat qilish va ushbu jadvaldan prognoz uchun $F-$Fisher mezonning haqiqiy qiymati $F_{haqiqiy}$>5,99 bo‘lgan barcha funksiyalardan eng kattasi F_{haq}=453,988 bo‘lib (453,988>5,99), unga birinchi funksiya y = 62,943+7,449t mos kelib bashorat qilish uchun ahamiyatli hisoblandi. Mahsulot hajmini bashorat qilish va ushbu jadvaldan prognoz uchun $F-$Fisher mezonning haqiqiy qiymati $F_{haqiqiy}$>5,99 bo‘lgan barcha funksiyalardan eng kattasi F_{haq}=1435,188 bo‘lib (1435,188>5,99), unga birinchi funksiya y = 54739,214+4314,726t mos kelib bashorat qilish uchun ahamiyatli hisoblandi. Quyidagi jadval ma’lumotlari hosil bo‘ladi.

4-jadval

“Jomboy don mahsulotlari” AJda mahsulot hajmi ko‘rsatkichi iqtisodiy-statistik prognozlash funksiyalari

№	Funksiyalar	R-kvadrat	Fisher koeffisiyenti
1	**y = 54739,214+4314,726t**	**0,997**	**1435,188**
2	y = 56884,000+11816,014ln(t)	0,938	60,778
3	y =79120,343-22725,522/t	0,776	13,867
4	y =54310,018+4636,623t - 45,985t^2	0,997	589,587
5	y =56040,053-2460,349t +674,863t^2 -68,652t^3	0,998	415,253
6	y =55850,755 ^{x} 1,064^{t}	0,994	715,762
7	y = 57485,589$^{x}t^{0,172}$	0,957	88,409
8	y = $e^{(11,285-0,335/t)}$	0,809	16,980
9	y = $e^{(10,930+0,062t)}$	0,994	715,762

Umuman olganda 2018-2021 yillar davomida “Jomboy don mahsulotlari” AJ rivojlantirish ko‘rsatkichlarining prognoz ko‘rsatkichlari hamda ularni hisoblash uchun eng qulay funksiyalar ro‘yxati keltirildi (5-jadval).

5-jadval

“Jomboy don mahsulotlari” AJ rivojlantirish ko‘rsatkichlarining prognoz ko‘rsatkichlari [6]

	Ko‘rsatkich nomi	Prognoz uchun eng qulay funksiyalar	$F_{haqiqiy}$	Yillar	
				2020	2021
1	“Jomboy don mahsulotlari” AJning balans foyda ko‘rsatkichini iqtisodiy-statistik prognozlash funksiyalari, birlik	y= 1104,155+ 127,453t	690,526	1996,3	2123,8
2	“Jomboy don mahsulotlari” AJda mehnat unumdorligi ko‘rsatkichi iqtisodiy-statistik prognozlash funksiyalari, birlik	y = 62,943+7,449t	453,988	115,1	122,5
3	“Jomboy don mahsulotlari” AJda mahsulot hajmi ko‘rsatkichi iqtisodiy-statistik prognozlash funksiyalari, birlik	y = 54739,214+ 4314,726t	1435,188	84942,3	89257,0

“Jomboy don mahsulotlari” AJ rivojlantirish ko‘rsatkichlarining prognoz ko‘rsatkichlarining o‘rta muddatli prognoz ko‘rsatkichlari statistik modellar asosida ekstrapolyatsiya usulidan foydalangan holda taqdim qilindi. Unga ko‘ra, korxona balans foydasi, mehnat unumdorligi va mahsulot hajmi 2017-2021-yillardagi o‘sish dinamikasi va 2022-2024-yillardagi prognoz paratmetrlarini keltirmoqdamiz (1,2,3-rasmlarga qarang).



1-rasm. “Jomboy don mahsulotlari” AJning balans foydasining 2017-2021 yillardagi o‘sish dinamikasi va 2022-2024 yilladagi prognoz parametralari

Rasmdan ko‘rinib turibdiki, keyingi yillarda balans foyda hajmi o‘sish ko‘rsatkichiga ega hisoblanadi.



2-rasm. “Jomboy don mahsulotlari” AJda mehnat unumdorligining 2017-2021-yillardagi o‘sish dinamikasi va 2022-2024-yilladagi prognoz parametralari

Ko‘rinib turibdiki, korxonada mehnat unumdorligi ham 2020-2021-yillarda o‘sish ko‘rsatkichiga ega.

Rasm ma’lumotlaridan ma’lumki, korxonada 2022-2024-yillarda mahsulot hajmining qiymati o‘sish ko‘rsatkichiga ega.



3-rasm. “Jomboy don mahsulotlari” AJda mahsulot hajmining 2017-2021-yillardagi o‘sish dinamikasi va 2022-2024-yilladagi prognoz parametralari

Xulosa va takliflar. Kelgusi yillarda korxona marketing strategiyasiga binoan o‘z ish faoliyatini tashkil etsa, korxonaning sof foydasi hajmi ham oshib boravervdi. Zero, strategiya orqali rivojlanib borish har qanday korxona uchun juda muhim omil hisoblanadi. Tadqiqotimiz natijasida quyidagi xulosa va takliflarga keldik:

- Korxonada iqtisodiy parametrlarning prognozlarini ishlab chiqish va tahlil qilish orqali marketing faoliyati samaradorligini oshirish va baholashda asosiy mezon sifatida qarash mumkin.
- Korxona faoliyatida marketing xizmatini takomillashtirishda mehnat unumdorligining o‘rni beqiyos. Zero malakali kadrlar siyosati korxonada marketing faoliyati samaradorligining oshishiga zamin yaratadi. Shu sababdan, “Jomboy don mahsulotlari” AJ marketing xizmati bo‘limi xodimlarining marketingga bo‘lgan ichki standart meyorlarini ishlab chiqish va o‘qitish maqsadga muvofiq.
- Mahsulot hajmining oshib borishi korxonada marketing xizmatiga bo‘lgan ishonch va xarajatlarning ham o‘zgarishini ta’minlab beradi. Shuning uchun korxonada mahsulot hajmini oshirish orqali marketingga bo‘lgan e’tiborini oshirish imkoniyati yaratiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Song, Haiyan, Stephen F. Witt, and Gang Li. The Advanced Economics of Tourism Demand. Essex, UK: Routledge, 2008.
2. https://courses.lumenlearning.com/wm-microeconomics/chapter/economic-models/
3. Narkulova S. et al. THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ASPECTS OF THE STUDY CATEGORIES “INTERNET MARKETING” //Экономика и социум. – 2021. – №. 4-1. – С. 231-234.
4. Конспект лекций по курсу «Эконометрика» для студентов III курса дневного отделения всех специальностей. Автор: доцент Костромин Андрей Владиленович. Казанский государственный финансово – экономический институт Кафедра статистики и эконометрики. - Казань 2004. – с.17.
5. Kholmamatov D. Promote Upgrade After-Sales Service Strategic Skills //Indonesian Journal of Law and Economics Review. – 2019. – Т. 2. – №. 2. – С. 10.21070/ijler. 2019. V2. 8-10.21070/ijler. 2019. V2. 8.
6. Muallif tomonidan hisoblangan va ishlab chiqilgan.

С.Бойжигитов

Разработка прогнозных параметров экономических показателей при оценке эффективности маркетинговой деятельности предприятия

Аннотация: В данной статье изучены и теоретически обоснованы основы и особенности развития прогнозных параметров экономических показателей при оценке эффективности маркетинговой деятельности на предприятии, найдено их практическое выражение. Кроме того, на основе программы SPSS были спрогнозированы и изучены прогнозные параметры предприятия на следующий год. Разработаны выводы и предложения по стратегии предприятия.

Ключевые слова: экономическое прогнозирование, эффективность маркетинга, экстраполяция, статистическое моделирование, динамические ряды, программа SPSS 19, модели прогнозирования.

S.Boyjigitov

Development of forecast parameters of economic indicators in assessing the efficiency of marketing activity in the enterprise

Abstract: In this article the fundamentals and features of the development of predictive parameters of economic indicators in evaluating the effectiveness of marketing activities at an enterprise have been studied and theoretically substantiated, and their practical expression has been found. In addition, on the basis of the SPSS program, the forecast parameters of the enterprise for the next year were predicted and studied. Conclusions and proposals on the strategy of the enterprise have been developed.

Keywords: economic forecasting, marketing effectiveness, extrapolation, statistical modeling, dynamic series, SPSS 19 software, forecasting models.

Shakhnoza Shakarbekovna Narkulova – Senior Lecturer of the Department of Marketing

DIGITAL MARKETING DEVELOPMENT TRENDS IN UZBEKISTAN AND FOREIGN COUNTRIES

Abstract. The article analyzes the essential characteristics of digital marketing in a digital economy. The author highlights the main features and prospects for the development of digital signage technologies. The article discusses the specificity and current state of the main elements of digital marketing in the context of online promotion (creation of corporate websites, advertising, search engine optimization, content marketing, direct mailings, promotion in social media and instant messenger marketing).
Keywords: digital-marketing, digitalization, digital economy, Internet, digital marketing, digital signage, database, infomediaries, metamediaries.

Introduction. In modern conditions, digital information and communication technologies are a fundamental factor that has a multidimensional impact on all spheres of human life. The central technical prerequisites for the digitalization of the economy are the constant improvement of the main infrastructure elements of the system: the scale of 4G technology coverage is increasing, the introduction of 5G technology is predicted, and the overall level of Internet penetration in the country is increasing. By the beginning of this year, the number of mobile Internet users reached 21 million, or 91.3%. The State Statistics Committee provides these data.

While the total number of Internet subscribers as of January 1, 2022 in Uzbekistan amounted to 22,987.2 thousand, the share of mobile Internet subscribers accounted for 20,991.8 thousand.

Considering in comparison with the same period in 2021, the share of mobile Internet subscribers was 89.8%. The perception of digitalization and digitalization as an undeniable direction in the transformation of modern socio-economic systems actualizes research in the field of digital marketing.[1]

Analysis of the used literature. Such modern scientists explore various aspects of digitalization of marketing in the digital economy as Yu. A. Burtsev, S. A. Ryabichenko, T. V. Boldyreva, V. A. Bondarenko, O. V. Ivanchenko, O. N., Romantsov M. S., Starostin V. S. et al. In terms of content, digital marketing can be broadly described as a digitalized interactive form of marketing focused on using all forms of available digital channels to promote a brand.

Research methodology. The article uses the methods of scientific observation, comparative analysis and grouping of data. Research conducted by consulting companies and forecast data based on them were used.

Analysis and results. After analyzing the scientific works of modern scientists, we state the existence of different approaches to assessing the instrumental diversity of digital marketing, while such scientific positions can be perceived both as antagonistic and as complementary and not contradictory, but only emphasizing that or another aspect of the problem, the most significant from the standpoint of a particular researcher. So, in some works, digital marketing is directly identified with Internet marketing (integrating website building and SEO, Internet advertising, e-mail marketing, social media marketing and promotion using instant messengers). At the same time, within the framework of another approach (presumably more complete), it is noted that digital marketing also implies the development and implementation of certain techniques that allow you to receive attention and interaction with the target audience even in an offline environment. Such a perception indicates an omnichannel trend, the integration of offline and online strategies. An example is integrated communication campaigns, for example, organizing a promotion in retail with information support on social networks and on a promotional website, or an omnichannel approach in distribution - the ability to start a purchase in one place (for example, in an online store), and finish in another (pick up the goods from the retail point of sale). The mix of traditional and digital products in an online store also makes it difficult to distinguish between online and offline marketing.

Virtual (or augmented) reality technologies, big data analysis and other IT technologies that use the Internet environment to develop offline business. The results of the integration of

[1] https://www.uzreport.news/society/kolichestvo-polzovateley-mobilnogo-interneta-v-uzbekistane-priblizilos-k-21-tisyachi

environments can be observed not only at the instrumental, but also at the strategic level. When entering the Internet environment, changes and additions may be made to decisions on corporate strategies (for example, expanding the capabilities of portfolio strategies through the emergence of digital goods and services), functional strategies (due to the characteristics of the Internet audience and the specifics of consumer behavior on the network, will change approaches to the choice of strategies for the target market, positioning), etc.

The central tool of digital marketing in the context of omnichannel and the introduction of digital technologies into offline processes is digital signage - technologies for presenting content (video, animation, texts, images, interactive elements) from electronic (digital) media (displays, projection systems, etc.) .), installed in public places. Digital signage technologies allow you to broadcast content and interact with consumers who are outside the Internet, combining brand marketing into a single system. These technologies are an effective alternative to printed POS materials in terms of cost reduction and content update speed, allow offline retailers to integrate online and offline shopping, create new ideas and change the actual appearance of familiar stores. It should be noted that interest in digital signage solutions over the past few years has been steadily growing both in the world and in Uzbekistan. According to a study by the consulting company Global Market Insights, the global digital signage market will exceed $23 billion by 2023. According to other estimates, this figure will reach the level of $27-28 billion. Digital signage advertising increases the average purchase amount by almost by 30%, and the number of repeat purchases by 33%. Digital Signage outperforms conventional advertising in terms of contact duration (approximately 5 minutes), visibility (77% of visitors pay attention to digital advertising) and attractiveness.[1]

The digital signage solutions used in the B2C segment are becoming more and more complex. Digital electronic surfaces are integrated with social networks, mobile applications, loyalty cards, video surveillance, databases. This approach not only increases consumer engagement, provides information for marketers, but also makes it possible to change content in a timely manner. For example, when integrating with a warehouse system, run ads for the "last item" or promote sales of products that are nearing the end of their shelf life. According to experts, the key trend is the integration of digital signage with other automation technologies for salesrooms. In this case, there is a real opportunity to further improve the efficiency of its use. Thus, the integration of the marketing and production areas of automation, implemented directly on the retail space, as well as the BI (Business Intelligence) system, functioning at the business level as a whole, will allow you to quickly make decisions on how to change the broadcasting profile depending on the data from counters for tracking the flow of customers or the usage profile of information kiosks located in retail outlets.

The global digital advertising market in 2022 is valued at $602.25 billion—66.4 percent of the overall expenditure on media ads. This refers to advertising on internet-connected devices such as computers, mobile devices, and smart devices. Media ads include everything from email marketing and video content to search engine results and more.

The digital advertising spend in 2022 marks a 15.6 percent rise from the $521.02 billion spent in 2021. It may only be a fraction of an increase, but digital advertising growth is expected to continue in 2023.

The largest annual growth between 2021 and 2026 came in 2021 when digital ad spend increased 29.9 percent year over year.

Digital advertising growth is showing no signs of stopping. Experts’ projections indicate that the digital advertising market will continue to grow over the next few years, albeit with a slight slowdown in its pace.[2]

The digitalization of the economy has allowed the emergence of new categories of aggregators that are becoming an important link in the seller-consumer communication chain: for example, it is possible to differentiate infomediaries that collect and summarize information on the network; search agents representing both the seller and the buyer and providing a network search for the necessary information; metamediaries - agents representing a group of manufacturers and retailers, united by a certain situation of making a purchase.

[1] https://www.gminsights.com/industry-analysis/digital-signage-media-player-market
[2] https://www.oberlo.com/statistics/digital-ad-spend

Conclusions and suggestions. Thus, based on the analysis carried out, the following conclusions can be drawn.

1. In the digital economy, when information technologies for receiving, storing, processing and transmitting large amounts of data are used for in-depth analysis, the efficiency of business processes, understanding of customer needs and the profitability of existing and created assets increase.

2. Marketing is in constant development, among the trends it is important to single out revolutionary and evolutionary development paths. Because of taking into account revolutionary changes, it is necessary to rapidly phase out obsolete systems and ensure the introduction of new approaches that will enhance the effects of digital advantages.

3. The use of digital technologies in marketing makes it possible to provide constant feedback, develop individual offers, increase consumer interest in marketing programs, reduce the number of contacts with consumers, which radically improves marketing results. Digital marketing - creating a value proposition for consumers and additional value for business using digital technologies.

4. The development of digital marketing is steadily growing, which leads to its wide distribution in the future.

Based on the results of the above research, we can say that the development of this field is considered an urgent task today, and we have developed the following *proposals* for the effective implementation of these tasks:

- Development and implementation of specialized support systems and automation of marketing business processes and frameworks MIS;

- Implement of new tools and methods of data analysis based on modern approaches to knowledge management, business intelligence tools: *data warehouse technologies, OLAP and Data Mining;*

- Integration of marketing information systems with corporate information systems, external systems and sources of information and the transition to systems of marketing knowledge.

With the development of the Uzbek economy and its integration into global economic system, the application of digital marketing and marketing information systems will expand.

Resources:

1. Бурцев Ю.А., Рябиченко С. А. Особенности применения современных методов интернет-маркетинга в России // Вестник Московского государственного областного университета. 2016. № 1. С. 34—40.

2. Болдырева Т. В. Digital marketing как инструмент конкурентного преимущества компании будущего // Наука и общество. 2018. № 2 (31). С. 4-9.

3. Digital Signage: "hook" the buyer and start communication. URL: https://www.crn.ru/numbers/reg-numbers/detail.php? ID=120648

4. Interactive retail. URL: http://kiosks.ru/index.php/interactive-retail/

Sh. Narkulova

O‘zbekistonda va xorijiy davlatlarda raqamli marketingni rivojlanish tendensiyalari

Annotatsiya. Maqolada raqamli iqtisodiyotda raqamli marketingning asosiy xususiyatlari tahlil qilinadi. Muallif raqamli doska texnologiyalarini rivojlantirishning asosiy xususiyatlari va istiqbollarini yoritib beradi. Maqolada onlayn reklama kontekstida raqamli marketingning asosiy elementlarining o'ziga xosligi va hozirgi holati (korporativ veb-saytlarni yaratish, reklama, qidiruv tizimini optimallashtirish, kontent marketingi, to'g'ridan-to'g'ri pochta jo'natmalari, ijtimoiy tarmoqlarda reklama va messenjer marketingi) muhokama qilinadi.

Kalit so'zlar: raqamli marketing, raqamlashtirish, raqamli iqtisodiyot, Internet, raqamli marketing, raqamli doska**,** ma'lumotlar bazasi, infovositachi, metavositachilar.

Sh.Narkulova

Тенденции развития цифрового маркетинга в Узбекистане и зарубежных странах

Аннотация. В статье анализируются сущностные характеристики цифрового маркетинга в условиях цифровой экономики. Автор выделяет основные особенности и перспективы развития технологий цифровых вывесок. В статье рассматривается специфика и современное состояние основных элементов цифрового маркетинга в контексте онлайн-продвижения (создание корпоративных сайтов, реклама, поисковая оптимизация, контент-маркетинг, прямые рассылки, продвижение в социальных сетях и маркетинг в мессенджерах).

Ключевые слова: digital-маркетинг, цифровизация, цифровая экономика, интернет, digital-маркетинг, цифровая вывеска, база данных, инфопосредники, метапосредники.

UDK 339.13

Abdumutalib Alisherovich Azgarov – Assistant-teacher of department “Marketing”
Samarkand Institute of Economics and service

MARKETING RESEARCH AND WAYS TO PROMOTE THE CULTURAL OBJECTS OF SAMARKAND

Abstract: This article presents the results of the analysis and the recommended program for the marketing promotion of objects showing cultural services in the city of Samarkand
Keywords: objects of cultural services, promotion program, marketing tools, theater, concert, service marketing, SWOT analysis.

Introduction. Currently, in the Republic of Uzbekistan, as part of the ongoing work to improve the welfare and incomes of the population, important work is being carried out to increase the moral and legal consciousness of the people. In particular, it is necessary to widely promote the use of the population's right to recreation and cultural recreation. In addition to the economic effect of cultural and leisure centers, it is worth noting the growth of cultural and educational consciousness of people. To this end, this article describes in detail the work carried out by the Samarkand Institute of Economics and Service commissioned by the Public Fund "New Samarkand", which supports the socio-economic development of entrepreneurs in the Samarkand region, within the framework of the project "Marketing Program for the Services of Cultural Service Entities of the Samarkand Region".

Literature Review. The publication used mainly empirical data collected from various sources, and scientific literature of famous authors such as F. Kotler, Pavel Lebedev, Igor Mann and Harry Beckwith was used to develop a marketing program for regional cultural and educational institutions.

Research Methodology. This study is informational in nature and aims to provide examples of how to select and conduct marketing analyzes for various business purposes. It follows an opportunity and risk modeling method, focusing on expert review, field marketing research.

Data was gathered based on the following criteria:

I) Materials for publication were collected in the process of researching the cultural institutions of the city of Samarkand;

II) Recommendations for the marketing program are subjective, and are individual in nature for other marketing programs, since the development included special criteria and cultural and consumer values of the selected segmentation;

III) the search was restricted to the timeframe 2022 y.

The search was carried out between 1st June and 08th November, 2022. The results were then reviewed to eliminate duplication.

Analysis and results. The topic of the scientific article is considered relevant today, since the widespread promotion and popularization of the rich scientific, cultural and spiritual heritage of our country, assistance to compatriots in organizing cultural and educational events is one of the priority tasks for ensuring spiritual development and raising this area to a new level, which also supported by the Development Strategy of the new Uzbekistan for 2022-2026.

Based on the relevance of this topic, it is proposed to develop a marketing program to promote the cultural and educational institutions of the city of Samarkand, namely the following institutions:

- Regional musical theater named after H. Olimjon;
- Russian drama theater of Samarkand named after A.P. Chekhov;
- Regional puppet theater named after A. Juraev;

For this purpose, it is necessary to study the root problems of this area, decompose the stages of analysis and the steps of subsequent recommendations for promotion:

- study of infrastructure;
- audience segmentation analysis;
- analysis of intermediate groups;
- work with each representative of cultural and educational institutions;

- development of a marketing program;
- implementation of the marketing program;
- monitoring and further support.

First of all, on July 8, 2022, a meeting was held with representatives of the founders of the fund and representatives of these institutions, and as a result of a previously compiled marketing survey, the following problems were identified:

- in each object there are problems related to finances and fixed assets;
- representatives of objects have a demand for financial support, despite not using the full potential, which means a lack of motivation system;
- there is an unsatisfied demand for advertising strategies;
- the untapped potential of online sales, which is necessary in the period of transition to digitalization.

In addition, a segmentation analysis was carried out and the results were revealed in the following chart. In this graph, we can see the share of the permanent population of Samarkand region by region if it was 3514747 people as of January 1, 2022:



Chart 1. Potential audience segments of the services offered by the research object and their change forecast

In the next graph, the subject of marketing research, i.e., the potential audience of the researched subjects, is based on Samarkand sh. It can be seen that it represents the attraction of the population, and their segmentation by age:

From the graph, it can be seen that the main age category of consumers of cultural institutions are people in the age limits of 40-49 and 8-15.

Conclusion/Recommendations. The services offered by the research facility and its promotion program are detailed in the tune of:

- To provide information and control the sale of theatrical productions that are expected to be organized on the iticket.uz platform at least 1 month in advance. According to the contract, 10% of the ticket price will be kept for tickets sold through the iticket.uz platform and sales points (in order to prevent tickets from the theater box office from being sold to the same venue, it is necessary to divide the tickets in a 50/50 share according to the offer).
- Display of advertising posters in the following locations: a structure for passengers on the stairs in front of the theater gate; in front of markets, in crowded places;
- Using volunteer service before each production and concerts (setting up flyer distribution by theater staff, design and printing of flyer material as marketing team's task and expenses);



Chart 2. Potential audience segments of the services offered by the research objects and their change forecast

- To organize the performances of popular youth groups in the theater (in agreement with the teams of each institution), to ensure the duration of these performances, to ensure that the cost is covered by sponsors, because if the performances of the groups are paid, there is a risk of a sharp decrease in the number of participants, since the main audience is students. , as a result, theater is recognized among young people;

- Working with bloggers who have their own audience among young people on social networks (sending them invitations, ensuring the continuity of publishing theater posters on their accounts, ensuring that bloggers post short videos about the theater on their accounts before the performance of each stage play;

- Sale of "VIP guest" limited edition cards (with logo and theater director's signature) and promotion in front of the box office, through which additional income can be brought to the box office.

REFERENCES:

1. Decree of the president of the republic of uzbekistan on the development strategy of the new uzbekistan for 2022 — 2026, No. PF-60 dated 28.01.2022/
2. Schaubert O.Yu. (2016). Development of the marketing strategy of the enterprise. Problems of Economics and Management, (2 (54)), 60-64.
3. Fedorova Marina Sergeevna, Economics and Management, Young scientist №5 (28) May 2011.
4. https://vc.ru/marketing/347607-marketingovaya-strategiya-dlya-b2b
5. Development and organization of the marketing strategy of the organization. S.V. Kuzina, Federal State Educational Institution of Higher Education "Omsk State Technical University, Omsk, Russia.
6. https://azinkevich.com/sistema-marketinga/

A.Azgarov

Samarqand shahri madaniy xizmat ko‘rsatish obyektlarining marketing tadqiqotlari va ularni ommaviylashtirish yo’llari

Annotatsiya: Ushbu maqolada Samarqand shahridagi madaniy-ma'rifiy xizmatlar ko‘rsatuvchi ob’yektlarni marketing targ'iboti bo‘yicha tavsiya etilgan dastur va tahlil natijalari keltirilgan

Kalit so‘zlar: madaniy-ma’rifiy xizmat ko‘rsatish maskanlari, siljitish dasturi, marketing instrumentlari, teatr, konsert, xizmatlar marketingi, SWOT-tahlil.

А.Азгаров

Маркетинговые исследования и пути продвижения культурно-просветительских объектов города Самарканда

Аннотация: в этой статье приведены результаты анализа и рекомендуемой программы маркетингового продвижения объектов, оказывающих культурно-просветительские услуги в городе Самарканде

Ключевые слова: объекты культурно-просветительского обслуживания, программа продвижения, инструменты маркетинга, театр, концерт, маркетинг услуг, SWOT-анализ.

МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ

Абдумалик Бектемиров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.,
Абдуҳамид Абдумаликович Бектемиров – СамИСИ таянч докторанти

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ТАРМОҚЛИ ГРАФИКДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада инвестицион лойиҳаларни бошқаришда тармоқли график усулидан фойдаланиш таклиф этилган бўлиб, унинг бошқа усуллардан фарқли жиҳатлари асослаб берилган
Калит сўзлар: концептуал, стратегик, жорий (батафсил), оператив режалаштириш, Гант графиклари, тармоқли график, ишнинг эрта бошланиши ва эрта тугаши, ишнинг кеч бошланиши ва кеч тугаши, чизиқли график.

Кириш. Инвестицион лойиҳаларни иқтисодий баҳолаш ёрдамида уларнинг қанчалик самарали эканлигини аниқлаб, уни қабул қилиш ёки қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлса, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, яъни уларни муваффақиятли бошқариш ҳам ўта муҳим жараён ҳисобланади.

Лойиҳалар ўз мақсадлари миқёси бўйича техникавий, ташкилий, ижтимоий, иқтисодий ва махсус мақсадлардан иборат бўлади ва уларни бошқариш ҳам алоҳида хусусиятларга эга бўлади. Лойиҳаларни бошқаришдан асосий мақсад максимал фойда олиш, инвестицияланган капитални қайтариш, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини камайтириш, инвестицияларнинг режалаштирилган муддатларда қопланишини таъминлашдан иборат. Шунинг учун лойиҳаларни самарали бошқаришда энг мақбул вариантларни танлаш зарурати бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Инвестиция лойиҳаларини самарали бошқариш аввало уни бошқариш усулларини танлашга ва бошқарувчи кадрлар малакасига боғлик. Бу масала доимо долзарблигича қолмоқда. Бу соҳада Калтынюк Б.А., Кузык Б.Н., В.И.Кушлин, Ю.В.Яковец, Дикман Л.Г каби хорижлик иқтисодчи олимлар билан бир қаторда мамлакатимизнинг М.Қ.Пардаев, А.В.Ваҳобов, Н.С.Маликов [1-5] каби етук иқтисодчи олимларининг илмий ишларида инвестиция лойиҳаларини бошқариш йўллари кўрсатиб берилган. Шундай бўлса-да тадқиқотлар кўрсатадики лойиҳаларни бошқаришда қўлланилиб келаётган режалаштириш ва бошқарув усулларини такомиллаштириш зарурати сезилмоқда. Тадқиқотимизнинг асосий мақсади инвестиция лойиҳаларини самарали режалаштириш ва бошқариш усулларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқот методологияси илмий абстракция, кузатиш, қиёслаш, таҳлил ва синтез усулларига асосланган.

Таҳлил ва натижалар. Одатда инвестиция лойиҳаларини бошқаришда **концептуал, стратегик, жорий (батафсил), оператив** режалаштиришдан фойдаланилади. **Концептуал режада** инвестицион лойиҳанинг умумий мақсадини, лойиҳада иштирок этувчиларнинг ўзаро муносабатларини ифодалайди. **Стратегик режа** лойиҳанинг замон ва макон бирлигини вақт, баҳо ва бошқариш гуруҳининг мақсадига таянган вариантлилик асосида тузилади. **Тактик (жорий) режа** бу стратегик режанинг йил ва ресурслар кесимида батафсил аниқлаштирилган бўлаги ҳисобланади. **Оператив режалар** бу аниқланган барча четланишларни ҳисобга олган қисқа муддат (ой, ҳафта, кун, смена) учун тузилган режа.

Юқорида баён қилинган режа турларининг мазмун-моҳиятидан маълум бўладики, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида одатда асосан чизиқли графиклардан (Гант графиклари) фойдаланилади. Бундай графиклар жуда оддий ва кўргазмали, лекин улар алоҳида-алоҳида параллел ва параллел-кетма-кет бажариладиган ишларда ўзаро боғлиқлик муносабатларини акс эттирмайди. Натижада лойиҳада режалаштирилган ишлар, уларнинг бажарилиш вақти ва ресурслардан оптимал фойдаланиш бўйича аниқ маълумотларни

изоҳламайди. Шунинг учун инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида **тармоқли графиклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.**

Тармоқли графикнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

t – ишнинг давом этиш вақти;

n – ишнинг неча сменада ташкил этилганлиги;

N – ишни бажаришда қатнашувчи ходимлар сони;

$t^{эб}$ — ишнинг эрта бошланиш муддати;

$t^{эт}$ — ишнинг эрта тугаш муддати;

$t^{кб}$ — ишнинг кеч бошланиш муддати;

$t^{кт}$ — ишнинг кеч тугаш муддати;

R – ишнинг умумий резерви;

r – ишнинг хусусий резерви.

Тармоқли графикнинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:



- бажариладиган

- боғлиқлик ёки фиктив иш;

- ҳодиса, ишларнинг бошланиш ва тугаш вақтини белгилайди.

Тармоқли графикни ҳисоблашнинг энг самарали усули бу тўрт секторли ҳисоблаш усули ҳисобланади. Тармоқли графикни бу усулда ҳисоблаш учун тармоқли график ҳодисасини 4 та секторга бўламиз. Бўлинган секторларнинг вазифалари қуйидагича:

Тармоқли графикнинг вақт кўрсаткичларини ҳисоблаш учун аввало ишларнинг меҳнат харажатларини аниқлаш зарур бўлади. Ишларнинг меҳнат харажатлари қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q = \frac{V * H_b}{t_{см}}, \quad (1)$$

бунда, V – ишнинг ҳажми;

H_b — бир бирлик иш ҳажмини бажариш учун сарфланадиган меъёрий вақт;

$t_{см}$ — сменадаги соатлар сони.

Ишларнинг давом этиш муддатлари қуйидаги формула билан аниқланади:

$$t = \frac{Q}{N * n}, \quad (2)$$

Тармоқли графикда бошланғич ишларнинг эрта бошланиши 0 га тенг.

Ишларнинг эрта тугаши қуйидагича аниқланади:

$$t_{i-j}^{эт} = t_{i-j}^{эб} - t_{i-j} \quad (3)$$

Кейинги ишларнинг эрта бошланиши олдинги ишларнинг эрта тугашининг энг каттасига тенг бўлади, яъни

$$t_{j-k}^{эб} = \max\left(t_{i-j}^{эт}\right) \quad (4)$$

Шу йўл билан тармоқли график ҳодисаларининг чап томони тўлдирилади. Охирги ҳодисага келганда чап томондаги сон ўнг томонга кўчирилади ва охирги ишларнинг кеч

тугашини англатиб, барча ишларнинг умумий давом этиш вақтига (**T**га) тенг бўлади, яъни $t_{j-k}^{кт}$ = T.



1-расм. Тармоқли графикнинг шартли-эпизодик кўриниши.

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёни жуда кўп ишларни ўз ичига олади. Аниқ тушунчага эга бўлиш мақсадида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича **шартли-эпизодик** кўринишини тузамиз (1-расм). Фараз қилайлик лойиҳани амалга ошириш жараёнларининг тармоқли графиги шартли қуйидаги кўринишга эга бўлсин (1-расм). Тармоқли графикдаги (***i-j***), (***j-k***), (***j-l***), (***j-n***), (***k-l***), (***k-n***), (***l-m***), (***l-n***), (***m-n***) лар шартли равишда лойиҳани амалга оширишдаги ишларнинг номини билдиради.

Навбатдаги вазифа лойиҳани амалга ошириш бўйича тузилган тармоқли графикни ҳисоблашдан иборат. Тармоқли графикни тўрт секторли усул ёрдамида ҳисоблашларни амалга оширамиз. (2-расм). Тармоқли графикни ҳисоблаш натижаларига уни чизиқли шаклга келтирамиз (3-расм) ва унинг ёрдамида лойиҳани амалга оширишда қатнашадиган ходимлар сонининг ўзгариш графигини чиқарамиз (4-расм).



2 - расм. Тармоқли графикнинг эпизодик кўриниш ва уни 4 секторли усул ёрдамида ҳисоблаш

Иш коди	t_{i-j}	r_{i-j}	Ишлар бажарилишининг календар графиги								
m-n	4	0						2	2	2	2
i-n	5	0					5	5	5	5	5
l-m	1	0					1				
k-n	2	3					4	4			
k-l	0	0									
J-n	6	2		2	2	2	2	2	2		
J-l	2	1		4	4						
J-k	3	0		1	1	1					
i-j	4	0	1								
Иш кунлари ⟹			1	2	3	4	5	6	7	8	9

.

3-расм. Ҳисобланган тармоқли график ёрдамида тузилган чизиқли график

Лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган ходимлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаймиз. Бу ходимлардан фойдаланишнинг нотекислик коэффициенти ***(K_t)*** орқали аниқланади:

$$K_t = \frac{N_{max}}{N_{ўр}} \leq 1{,}5\,,$$

4-расм. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда қатнашувчи ходимлар сонининг ўзгариш графиги

бунда, N_{max} - сменадаги ходимларнинг максимал сони (график бўйича N_{max} = **13** киши);

$N_{ўр}$ - сменадаги ходимларнинг ўртача сони, (график бўйича $N_{ўр}$ = **7** киши).

Коэффициентнинг миқдори $K_t = \frac{13}{7}$ = **1,86** га тенг. Бундан кўринадики, $K_t \leq 1{,}5$ шарт бажарилмаяпти. Шунинг учун тармоқли графикка киритилган ишларнинг хусусий резервларидан фойдаланиб ишларнинг бошлаш ва тугаш муддатларини ўзгартириш орқали ходимлар сонининг ўзгариш графигини оптималлаштирамиз (4-5-расмлар).

Иш коди	t_{i-j}	r_{i-j}	Ишлар бажарилишининг календар графиги								
m-n	4	0						2	2	2	2
i-n	5	0					5	5	5	5	5
i-m	1	0					1				
k-n	2	3								4	4
k-l	0	0									
J-n	6	2		2	2	2	2	2	2		
J-l	2	1		4	4						
J-k	3	0		1	1	1					
i-j	4	0	1								
Иш кунлари ⟹			1	2	3	4	5	6	7	8	9

5-расм. Оптималлаштирилган чизиқли график

Тармоқли график ёрдамида тузилган чизиқли графикдан маълум бўладики (**k-n**), (**j-n**) ҳамда **(j-l)** ишлар хусусий резервга эга. Шу ишлар ичида **(j-l)** ишнинг бошланиш ва тугаш муддатларини унга мос бўлган хусусий резервидан фойдаланиб ўзгартирамиз (5-расм).

6-расм. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда қатнашувчи ходимлар сонининг оптималлаштирилган графиги.

Оптималлаштирилган чизиқли графикка мос равишда инвестиция лойиҳасини амалга оширишда қатнашувчи ходимлар сони ҳам ўзгаради (6-расм). Оптималлаштирилган графикка кўра N_{max} **= 11** кишига тенг.

У ҳолда ходимлардан фойдаланишнинг нотекислик коэффициенти $K_t = \frac{11}{7}$ **= 1,58** га тенг бўлади. Шундай қилиб лойиҳани амалга оширишда ходимлар сонининг ўзгариши оптималлаштирилди.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги келтирилган ҳисоб-китоблар ва натижалар асосида қуйидагиларни таклиф этамиз:

1. Инвестиция лойиҳаларини режалаштириш ва бошқаришда тармоқли графиклардан фойдаланиш.
2. Лойиҳа муддатларини аниқлашда тармоқли графикни ҳисоблашнинг 4 секторли усулидан фойдаланиш.
3. Тармоқли график ёрдамида тузилган чизиқли графиклар асосида ресурслардан фойдаланиш графигини оптималлаштириш.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни режалаштиришда тармоқли графикдан фойдаланиш лойиҳани назорат қилиш ва тартибга солишда ҳамда ресурсларни бошқаришда муҳим амалий аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Калтынюк Б.А. Инвестиционные проекты. Учебник. – Издательства Михайлова В.А. Санкт-Петербург.2000. 316-317 С.
2. Кузык Б.Н., Кушлин В.И., Яковец Ю.В. Прогнозироваиние и стратегическое планирование социально-экономического развития. М.: Издательство “Экономика”, 2006.
3. Дикман Л.Г. Организация и панирование строительного производства. Учебник.-М.: Высшая школа, 2001.
4. Пардаев М.Қ. Корхона молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. – Маъруза матни, СамИСИ, 2000 й.
5. Vahobov A.V., Malikov N.S. Moliya. Darslik, 2015 y.

А.Бектемиров, А.Бектемиров **Теоретические и практические аспекты использования сетевого графа в управлении инвестиционными проектами** **Аннотация:** В данной статье предлагается использование метода сетевого графа в управлении инвестиционными проектами и обосновываются его отличия от других методов. **Ключевые слова:** концептуальное, стратегическое, текущее (детальное), оперативное планирование, графики Ганта, сетевой график, раннее начало и раннее завершение работы, позднее начало и позднее завершение работы, линейная графика.	**A.Bektemirov, A.Bektemirov** **Theoretical and practical aspects of using a network graph in the management of investment projects** **Abstract:** In this article, the use of the network graph method in the management of investment projects is proposed, and its different aspects from other methods are justified. **Keywords:** conceptual, strategic, current (detailed), operational planning, Gantt charts, network chart, early start and early finish, late start and late finish, line graph.

Азиза Махомадризоевна Каримова – и.о.доцент СамИЭС, PhD

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА И РЕКОМЕНДАЦИИ ПО КРЕДИТНОЙ ПОДДЕРЖКЕ СУБЪЕКТОВ СФЕРЫ ТУРИСТИЧЕСКИХ УСЛУГ

Аннотация: в данной статье рассматриваются вопросы, связанные с совершенствованием механизма и рекомендации по кредитной поддержке предприятий сферы туристических услуг. Проведен анализ объема оказанных услуг по основным видам экономической деятельности. Предложен механизм решения организационных задач, основывающийся на взаимосвязи форм финансово-кредитной поддержки турпредприятий с учетом стадий его жизнедеятельности. А также даны предложения, направленные на повышение заинтересованности кредитных организаций в обслуживании развития туристических предприятий.

Ключевые слова: экономика, туризм, туристические услуги, туристические предприятия, турпродукт, банк, кредит, кредитный механизм.

Введение. Стремительное развитие сферы услуг является одним из приоритетных направлений Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. В результате успешной реализации программы развития сферы услуг в Республики Узбекистан на 2021-2023 гг. объем оказанных услуг в 2021 году увеличился почти на 20%, улучшилась отраслевая структура и ускорился количественный рост предприятий отрасли в 1,5 раза, что в свою очередь способствовало созданию дополнительно рабочих мест в 2022 году, расширению видов услуг, а также формирования современного и качественного рынка услуг.[1]

[1] Постановление Президента Республики Узбекистан от 27 января 2022 года. https://yuz.uz/ru/news/xizmatlar-sohasini-rivojlantirishga-oid-qoshimcha-chora-tadbirlar-togrisida

Туризм является одним из приоритетных направлений в области сферы услуг, которая признана наиболее перспективной сферой деятельности, имеющей важное значение для обеспечения экономического роста, занятости, роста культурного сознания граждан, укрепление дружеских отношений в мировом масштабе. И в мире индустрия туризма признана как один из прибыльных секторов развития современной экономике. Однако несмотря на столь приоритетную сущность и развитость сферы, существуют множество факторов, которые препятствуют развитию области, к числу которых относится и финансово-кредитная поддержка.

Анализ использованной литературы. Исследованиями области кредитной поддержки субъектов сферы туристических услуг вились многими как зарубежными, так и отечественными учёными к числу которых можно отнести: Н.Э.Соколинская, С.И.Ожегова, Я.Н.Калугина, В.Т.Батычко, Л.М.Куприянова, Н.Урманова, Д.Таджибаевой, Ж.Исакова, А.Баймуратова, И.Рахманова, Т.Маликов, Л.Зойирова и др.

Методология исследования. Данное исследование проводилось с использованием методов научного абстрагирования, индукции, синтеза, а также анализа статистических данных.

Основная часть. В современном мире главной целевой задачей и приоритетом государственной политики, является формирование и последовательная реализация концепции развития сферы услуг, придавая данному сектору статус - стратегически важного для экономики страны. Который обязан стать локомотивом для ускоренного развития всех регионов и сопряженных отраслей способствующий увеличению доходов местных бюджетов, обеспечению занятости, и повышению качества и уровня жизни населения.

Проведенные исследования показателей данных объема услуг по основным видам экономической деятельности оказанных со стороны субъектов малого бизнеса, демонстрируют следующее. (см.: табл.1)

Таблица 1

Объем оказанных услуг по основным видам экономической деятельности за 2017-2021гг[1]

(в % к предыдущему году)

№	Показатели	2017г	2018г	2019г	2020г	2021г
	Услуги - всего	**110,7**	**108,9**	**113,2**	**103,0**	**119,5**
1.	услуги связи и информатизации	121,3	115,9	108,3	123,8	126,4
2.	финансовые услуги	136,5	121,5	147,0	125,6	128,0
3.	транспортные услуги	109,9	104,5	106,7	91,4	115,7
4.	в том числе: услуги автотранспорта	102,1	101,6	105,1	101,4	115,5
5.	услуги проживания и питания	112,1	107,0	107,3	80,3	132,3
6.	услуги торговли	100,3	104,9	107,4	103,8	112,3
7.	услуги, связанные с недвижимым имуществом	106,6	107,9	104,7	90,0	123,1
8.	услуги в сфере образования	125,6	110,5	109,5	101,0	130,8
9.	услуги в сфере здравоохранения	116,9	113,4	114,7	94,8	128,5
10.	услуги аренды и проката	102,1	110,4	98,3	98,4	118,7
11.	услуги по ремонту компьютеров и бытовых товаров	102,6	104,2	107,1	94,5	122,9
12.	индивидуальные услуги	100,7	102,2	105,4	94,7	114,4
13.	услуги в области архитектуры, инженерных изысканий, технических испытаний и анализа	124,7	118,1	115,5	93,3	117,9
14.	прочие услуги	111,8	121,2	116,3	99,7	113,0

[1] Портал открытых данных Республики Узбекистан. Государственный комитет по статистике. https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/services

Опираясь на данные, приведенные в таблице 1, можно сделать вывод о том, что, объем оказанных услуг по основным видам экономической деятельности выявляет рост показателей с 110,7% в 2017 до 119,5 % в 2021 году. Однако также следует отметить, что данные некоторых видов услуг демонстрируют спад в 2020 году. Причиной которых является сложившаяся во всем мире пандемия коронавируса.

Однако несмотря на значительный рост показателей, следует отметить, что у большинства субъектов оказывающие услуги, в частности, туристический бизнес нуждается в финансово-кредитной поддержке. И для активации процессов финансово-кредитной поддержки предприятий сферы туристических услуг из различных финансовых источников, пристальное изучение механизмов финансово-кредитного регулирования их деятельности, опираясь на методические рекомендации процесса кредитования является значимо архиважным.

Сегодня некоторые меры по расширению сферы кредитования развития деятельности субъектов сферы туризма государством уже предпринимаются. К примеру, в соответствии с пунктом 11 Указа Президента Республики Узбекистан «О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристического потенциала Республики Узбекистан»140 открыта кредитная линия Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан в размере 200 млн. долл. США для софинансирования инвестиционных проектов по строительству гостиниц, прилегающей дорожной, инженерной и коммуникационной инфраструктуры.[1] При этом, Фондом реконструкции и развития Республики Узбекистан открыта кредитная линия 4 банкам: АКБ «Узпромстройбанк» - 20 млн.долл. США; АКБ «Асака» - 20 млн.долл. США; «NBU» - 10 млн.долл. США; АКБ «Агробанк» - 3 млн.долл. США.[2]

Цели такого кредитования являются:

– софинансирование инвестиционных проектов по строительству гостиниц;

– для закупки импортного оборудования, а также технологий для гостиниц;

– для покупки объектов, прилегающей дорожной, инженерной и коммуникационной инфраструктуры;

– финансирование покупки нового высокотехнологичного оборудования и программного обеспечения.[3]

Как было сказано выше, меры по расширению сферы банковского кредитования развития субъектов сферы туризма государством уже предпринимаются, но они являются недостаточными.

Кредитная поддержка субъектов сферы туризма является важным инструментом предотвращения и сокращения масштабов низкорентабельных или убыточных предприятий, неравенства, изоляции и незащищенности, содействия равным возможностям и равенству, а также инструментом стимулирования роста рентабельности, качества обслуживания туристов, роста инновационного турпродукта и стимулирования конкурентоспособности и роста занятости в субъектах сферы туризма. Это – инвестиции в деятельности туристических предприятий, нацеленные на адаптацию турпредприятий к изменениям в экономике и на туррынке. В связи с этим кредитную поддержку субъектов сферы туризма следует определять как «меры по предоставлению льгот, финансовой помощи в натуральной и денежной форме, направленные на гарантию обеспечения защиты и безопасности предприятий сферы туристических услуг и туристов - путешественников», в том числе: от потери здоровья в период пребывания туристов на туробъектах; от нехватки средств на оплату дополнительных услуг или помощи при наступлении события; от нехватки собственных средств, направленных на развитие турдеятельности от экономической изолированности и тд.

Кредитная поддержка субъектов сферы туристических услуг должна включать два основных направления:

– гарантии получить прибыль (доход) от оказания туруслуг;

[1] Данные официального сайта новости Узбектуризма. https://uzbektourism.uz/ru/newnews/view?id=618
[2] Там же
[3] Данные официального сайта новости Узбектуризма. https://uzbektourism.uz/ru/newnews/view?id=618

– доступ туристов к основным туробъектам по установленному маршруту.

Первое должно быть обеспечено на протяжении всей деятельности туристических предприятий, которое должно быть гарантировано на государственном уровне.

Кредитная поддержка предприятий сферы туристических услуг должна выступать в качестве минимальных норм, способных обеспечить рентабельную работу туристических предприятий, а качество обслуживания туристов - защиту туристов от тех или иных непредвиденных случаев, т.е. при наступлении событий.

Минимальная норма финансово-кредитной поддержки на государственном уровне должна включать в себя минимум четыре гарантии: первое, для обеспечения доступа к территориальному объекту, туробъект должен соответствовать вкусу туристов, и турист должен получить духовное наслаждение; второе, для обеспечения турпредприятиям минимальной прибыли (дохода) в целях обеспечения их эффективной деятельности; третье, для обеспечения туристов при наступлении событий денежными ресурсами для питания, лечения, приобретения других жизненно необходимых товаров (услуг); четвертое, для обеспечения уязвимых групп населения при возникновении у них потребности в туристическом отдыхе или путешествии, т.е. ТП при финансово-кредитной поддержке должны иметь возможность гарантированно обеспечить людям «достойный отдых», «достойное лечение», «достойную экскурсию» и т.п.

Подобная поддержка, может выражаться в денежном эквиваленте стоимости набора товаров (услуг) первой необходимости, устанавливаемая предприятиями сферы туризма в рамках стоимости турпродукта.

В рамках совершенствования кредитной поддержки предприятий сферы туристических услуг, нами предложен алгоритм решения организационных задач, основывающийся на взаимосвязи форм финансово-кредитной поддержки предприятий сферы туризма с учетом стадий его жизнедеятельности (рис.1)



Рис.1. Финансирование предприятий сферы туризма на разных этапах его жизнедеятельности[1]

Примечание:

[1] Разработана автором.

$0_г$<ТП>$1_г$ - туристические предприятия, сроком жизнедеятельности до 1 года
$1_г$<ТП>$3_г$ - туристические предприятия, сроком жизнедеятельности от 1 до 3 лет
$3_г$ <ТП и выше - туристические предприятия со сроком жизнедеятельности от 3-х лет и более

Кроме того, органам государственной власти рекомендуется: сочетать превентивные, стимулирующие и активные меры финансово-кредитной поддержки (услуги); способствовать продуктивной экономической активности и занятости населения в турпредприятиях; содействовать получению работниками турпредприятий образования и повышения квалификации, расширению возможностей оказывать качественные туруслуги; обеспечивать координацию турпредприятий с другими сферами в целях увеличения количества клиентов–туристов или потребителей инновационных турпродуктов (услуг).

Заключение и предложения. Таким образом в целях дальнейшего развития деятельности субъектов сферы туристических услуг, необходимо принять меры, направленные на повышение заинтересованности кредитных организаций в обслуживании развития туристических предприятий, в частности:

– внести дополнение к Закону Республики Узбекистан «О Туризме»[1]пункт о финансово-кредитной поддержке деятельности сферы туризма со стороны коммерческих банков Республики Узбекистан;

– уменьшить размер обязательных резервов в Центральном Банке для коммерческих банков, которые кредитуют проекты субъектов сферы туризма;

– решение проблем, связанные при невозможности обеспечения кредита субъектов сферы туризма, необходимо применять систему мер для решения проблем, на основе государственной поддержке, оказанной при кредитовании субъектов сферы туристических услуг;

– усовершенствовать систему подготовки и повышения квалификации предпринимателей сферы туризма, особенно в вопросах касательно кредитования субъектов сферы туризма, и повысить финансовую грамотность работников в вопросах финансирования, кредитования, инвестирования, налогообложения и качества услуг, оказываемых субъектами сферы туризма.

Список использованной литературы:

1. Закон Республики Узбекистан «О Туризме» №ЗРУ-549 от 18.07.2019 г.
2. Постановление Президента Республики Узбекистан от 27 января 2022 г. https://yuz.uz/ru/news/xizmatlar-sohasini-rivojlantirishga-oid-qoshimcha-chora-tadbirlar-togrisida
3. Портал открытых данных Республики Узбекистан. Государственный комитет по статистике. https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/services
4. Данные официального сайта новости Узбектуризма. https://uzbektourism.uz/ru/newnews/view?id=618

A. Karimova

Turistik xizmat ko'rsatish sohasidagi tadbirkorlik subyektlarini kredit orqali qo'llab-quvvatlash mexanizmi va tavsiyalarini takomillashtirish

Annotasiya: ushbu maqolada turistik xizmatlar sohasidagi korxonalarni kredit orqali qo'llab-quvvatlash mexanizmi va tavsiyalarini takomillashtirish bilan bog'liq masalalar ko'rib chiqilgan. Iqtisodiy faoliyatning asosiy turlari bo'yicha ko'rsatilayotgan xizmatlarning hajmi bo`yicha ko`rsatkichlari tahlil qilingan. Turistik korxonalarni faoliyat yuritish muddatlaridan kelib chiqqan holda kreditlash mexanizmi ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: iqtisodiyot, turizm, sayyohlik xizmatlari, sayyohlik korxonalari, sayyohlik mahsulotlari, bank, kredit, kredit mexanizmi.

A. Karimova

Improvement of the mechanism and recommendations on credit support of the subjects of the sphere of tourism services

Abstract: this article discusses issues related to the improvement of the mechanism and recommendations for credit support of enterprises in the field of tourism services. The analysis of the volume of services provided by the main types of economic activity is carried out. A mechanism for solving organizational tasks is proposed, based on the relationship of forms of financial and credit support for tourist enterprises, taking into account the stages of its life.

Keywords: economy, tourism, tourist services, tourist enterprises, tourist products, bank, credit, credit mechanism.

[1] Закон Республики Узбекистан «О Туризме» №ЗРУ-549 от 18.07.2019 г.

Dilrabo Malikova – senior lecturer, SamIES

CRITERIA FOR ASSESSING THE LEVEL OF ECONOMIC SECURITY OF COMMERCIAL BANKS

Abstract: The paper deals with the criteria for assessing the level of economic security of a commercial bank. In addition, the article discusses the importance of prudential supervision in ensuring the economic security of banks.
Keywords: commercial bank, economic security, financial security, evaluation criteria, risks, threats.

Introduction. Financial stability and sustainability of the banking sector is a fundamental condition for the successful implementation of the planned reforms and strengthening the confidence of business and the population in the national banking system. The strategy for reforming the banking system of the Republic of Uzbekistan for 2020-2025 provides for ensuring the financial stability of the banking system [1].

The above priority task determines the development and implementation of new mechanisms, as well as tools for ensuring the economic security of the banking sector, which will allow a quick response to emerging threats, preventing or minimizing their negative impact on the activities of commercial banks. In this connection, the primary task facing the banking system is to ensure the financial stability of commercial banks by increasing their economic security.

Literature Review. At the present stage of development of economic relations, the issues of security of activity are a priority in the activity and development of any economic system, as well as the banking sector of the economy. Aspects of economic security of economic entities are considered in the works of foreign scientists: W.Albrecht, J.Wentz, T.Williams, D.North, A.Pattox, J.L.Hoffman, P.Schweiser, O.I.Lavrushin, L.I. Abalkin, A.V. Taradaeva, A.A.Syumkina, E.V.Ilinich, R.A.Gritsenko, V.I.Nechaev, P.V.Mikhailushkin, K.R.Tagirbekov, V.V.Svetlova, S.V.Eshtokin and others.

Economic approaches to ensuring the economic security of commercial structures are considered by domestic scientists such as Sh.Z.Abdullaeva, A.A.Omonov, T.M.Koraliev, Kh.P.Abulkosimov, A.Ya.Abdullaev, S.S.Togaev, A.E.Ishmukhamedov, U.T.Hayitmatov and others.

Research Methodology. In a scientific article, empirical research methods were used, such as observation, comparison, as well as analysis, induction and deduction.

Analysis and Results. The choice of criterion is an important element in studying the economic security of a bank. The criterion for the economic security of a bank is a sign or a sum of signs, on the basis of which it can be concluded whether the enterprise is in economic security or not. The criterion should not only indicate the existence of the economic security of the bank, but also assess its level [2]. A quantitative assessment of the level of economic security should be obtained using indicators that are used in the planning, accounting and analysis of the bank, which is a necessary prerequisite for the practical use of this assessment.

In our opinion, there are 5 main criteria for assessing the economic security of a commercial bank:

- the values of the bank’s credit ratings of international rating agencies;
- the level of mandatory standards for the bank’s activities;
- the level of risks of a commercial bank;
- the effectiveness of ensuring the personnel security of the bank;
- the level of technical and information security of the bank.

To assess the economic security of a commercial bank, special criteria and indicators are used to comprehensively characterize the real economic situation and threats to the bank’s activities [3]. Criteria and indicators for assessing the economic security of a commercial bank have specific features associated with the peculiarities of the functioning of credit institutions.

The final assessment of the economic security of a commercial bank is a determination of the state of its security based on the analysis of a set of criteria (Table 1).

For any bank, it is important in the course of assessing its financial condition to obtain results that would accurately reflect the situation taking place in the bank. To this end, a sufficiently large

Table 1

Criteria for assessing the state of economic security of the bank

State	Characteristic
1. Stable	Indicators of economic security are within the threshold values, and the degree of use of the existing potential is close to the established norms and standards
2. Pre-crisis	Noncompliance of at least one of the indicators of economic security with the threshold value, while others approached the barrier values. At the same time, the technical and technological possibilities for improving the conditions and results of activity by taking preventive measures were not lost
3. Crisis	Noncompliance of most of the main indicators of economic security with the threshold value, there are signs of the irreversibility of the decline in services and partial loss of potential due to the exhaustion of the technical resource of technological equipment and areas, staff reduction
4. Critical	All barriers separating the stable and crisis states of activity development are violated, and the partial loss of potential becomes inevitable and unavoidable

To perform financial security tasks, each bank uses various analysis tools.

number of different methods have been developed that can be used to conduct a comprehensive assessment of the financial condition of a credit institution, but almost all of them are primarily based on the assessment of quantitative or qualitative information [4].

Despite the abundance of approaches to assessing the financial condition of a credit institution, each bank, mainly, must comply with the requirements put forward to it by the Central Bank of the Republic of Uzbekistan. The Central Bank of the Republic of Uzbekistan is a state body that regulates the field of banking and exercises powers of licensing, regulation and prudential supervision [5]. To perform prudential supervision, the Central Bank issues certain instructions and regulations that are mandatory for all credit institutions. In case of non-compliance with instructions and regulations in its activities, a commercial bank may be deprived of the license issued to it. Therefore, the most important point is the compliance of the bank with the conditions put forward to it by the Central Bank.

In connection with the above, first of all, it would be advisable to consider prudential standards.

1. Capital adequacy ratios:

- the authorized capital of the bank must be at least 100.0 billion soums;
- the size of the Tier 1 bank’s capital must not be less than the minimum size of the authorized capital of the bank;
- Tier 1 capital must be at least 75% of the regulatory capital;
- Tier 1 capital must be at least 60% of the bank’s regulatory capital;
- the ratio of regulatory capital to the total amount of risk-weighted assets must be at least 13%;
- the ratio of Tier 1 capital to the total amount of risk-weighted assets must be at least 10%;
- the ratio of Tier 1 capital to the total amount of risk-weighted assets must be at least 8%;
- the minimum value of the leverage ratio should be 6% [6].

2. The maximum amount of risk per borrower or group of related borrowers; the maximum amount of risk to related persons of the bank; maximum size of large credit risks:

- the maximum amount of risk per one borrower or a group of related borrowers should not exceed 25% of the Tier 1 bank’s capital;
- the maximum amount of risk per one borrower or a group of related borrowers for blank loans should not exceed 5% of the Tier 1 bank’s capital;
- the total amount of all major risks cannot exceed of the Tier 1 bank’s capital by more than 5 times;

- the maximum amount of risk per person associated with the bank must not exceed 25% of the Tier 1 bank’s capital;

- the maximum amount of risk attributable to all persons associated with the bank should not exceed 50% of the Tier 1 bank’s capital.

3. The maximum amount of investment; the maximum amount of acquired shares and stocks in the authorized funds (authorized capital) of legal entities:

- the amount of the bank’s investments in the authorized capital of a specific legal entity, as well as in other securities of this legal entity, should not exceed 15% of the bank’s Tier 1 regulatory capital;

- the size of the bank’s investments in the authorized capital and other securities of legal entities should not exceed 50% of the bank’s Tier 1 regulatory capital;

- the size of the bank’s investments in securities for sale and purchase should not exceed 25% of the bank’s Tier 1 regulatory capital.

3. Liquidity ratios:

- instant liquidity ratio must be at least 25%;

- liquidity coverage ratio must be at least 100%;

- the share of highly liquid assets of banks in total assets should be at least 10% at the end of the day;

- the rate of net stable financing must be at least 100%;

- the current liquidity ratio must be at least 30%.

4. Requirements for the classification and assessment of the quality of the bank’s assets, the formation of reserves against possible losses on the bank’s assets created on the basis of their classification;

5. Requirements for accrual of interest on the bank’s assets and crediting them to the bank’s income account;

6. Requirements for the acquisition and ownership of real estate and other property;

7. Limits of open currency position:

- in foreign currency of any kind;

- total amount of open currency positions;

- total amount of short currency positions;

- the total amount of long currency positions.

Maintaining the standards at a certain level guarantees the bank control over all kinds of risks that it assumes when carrying out financial and economic activities.

Conclusion/Recommendations. When assessing the level of economic security of a commercial bank, the orientation is aimed at providing conditions that will allow it to achieve maximum financial performance. In this regard, attention is paid to the financial security of a commercial bank as an object of influence of threats of criminal encroachment, assessment of the level of protection of the bank from external and internal threats and various destabilizing factors.

Summing up all of the above, we can conclude that the Central Bank exercises constant control over the commercial organizations accountable to it. By controlling their financial condition, the Central Bank monitors the entire set of activities, which allows it to timely make adjustments to the functioning of certain banks and, at the first sign of a deviation in their financial condition from the norm, immediately take appropriate measures to normalize the situation.

References

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “О стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020-2025 годы” (On the strategy for reforming the banking system of the Republic of Uzbekistan for 2020-2025) (reg. No УП-5992, May 12, 2020).

2. Тарадаева, А.В., Сюмкина, А.А. Теоретические аспекты экономической безопасности коммерческого банка / А.В. Тарадаева, А.А. Сюмкина // Вектор экономики. - 2017. - №4(10). – 38 p.

3. Семенов Константин Олегович. Концептуальная модель обеспечения экономической безопасности коммерческих банков // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. 2021. №5, 208-212 pp.

4. Хачатурян Г.Ю. Институциональные основы экономической безопасности банковской деятельности в современной экономике / Г.Ю. Хачатурян // Вестник университета (государственный университет управления). – 2015. №21. – 16 p.

5. Law of the Republic of Uzbekistan “О банках и банковской деятельности” (On banks and banking activities) (reg. No. 3РУ-580, November 5, 2019).

6. Regulation “О требованиях адекватности капитала коммерческих банков” (On the requirements for the adequacy of the capital of commercial banks) (reg. No. 2693, July 6, 2015).

D.Malikova
Tijorat banklarining iqtisodiy havfsizligi darajasini baholash mezonlari

Annotatsiya: Maqolada tijorat bankining iqtisodiy xavfsizligi darajasini baholash mezonlari keltirilgan. Bundan tashqari, maqolada banklarning iqtisodiy xavfsizligini ta’minlashda prudentsial nazoratning ahamiyati o‘z ifodasini topgan.

Kalit so‘zlar: tijorat banki, iqtisodiy xavfsizlik, moliyaviy xavfsizlik, baholash mezonlari, risklar, tahdidlar.

Д.Маликова
Критерии оценки уровня экономической безопасности коммерческих банков

Аннотация: В статье представлены критерии оценки уровня экономической безопасности коммерческого банка. Помимо этого, в статье рассматривается значение пруденциального надзора в обеспечении экономической безопасности банков.

Ключевые слова: коммерческий банк, экономическая безопасность, финансовая безопасность, критерии оценки, риски, угрозы.

Shermuxammad Bekmurot o‘g‘li Omonov – SamISI o‘qituvchi

SAMARQAND VILOYATI INVESTITSION FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA INVESTITSIYALARNI KO‘PAYTIRISH YO‘NALISHLARINI ISHLAB CHIQISH

Annotasiya: ushbu maqolada investitsion strategiyani shakllantirish orqali investitsion faoliyatini rivojlantirishda investitsiyalarni ko‘paytirish yo‘nalishlarini ishlab chiqish masalalari o‘rganilgan va investitsiya faoliyati shartlarini amalga oshirish masalalari yoritib berilgan. Bu jarayonni murakkabligi, investitsiya strategiyalarni shakllantirish, investitsion resurslarni izlab topish, muqobil investitsiya variantlarini baholashni takomillashtirishda mavjud muammo va ularning yechimi ko‘rsatib berilgan.

Kalit so‘zlar: raqobat, investitsiya, investor, investision muhit, investitsiyalarni rag’batlantirish, investitsiya fondlari, investor, pul mablag‘lari.

Kirish. Pandemiyaning salbiy oqibatlari tufayli jahonda rivojlangan davlatlar iqtisodiyotining o‘sish sur’atlari sekinlashayotgan bugungi kunda bir qator mamlakatlarning iqtisodiyotda erishgan yutuqlarining asosi bo‘lib, bozor iqtisodiyoti, mulk shakllarining takomillashuvi, iqtisodiyotda keskin tuzilmaviy o‘zgarishlar, investitsiyaviy quyilmalarning yalpi ichki mahsulotdagi ulushining ortib borishi kabilar bilan baholanmoqda.

Dunyo moliya bozorida institutsional investorlar o‘rtasida jiddiy raqobat kuzatilayotganiga qaramay, investitsiya fondlarining investorlar pul mablag‘larini jalb qilishdagi salohiyati oshib bormoqda. Birgina 2018 yil boshiga kelib, «dunyo bo‘yicha investitsiya fondlarining sof aktivlari qiymati deyarli 49,3 trln. dollarga yetdi. Ular tarkibida qimmatli qog‘ozlar bozorining anglo-sakson modeliga xos AQShda 17,4 foiz, Yevropa (german)ga xos modeli mamlakatlaridan Germaniyada 22,1 foiz, gibrid modeliga mansub davlatlardan Xitoyda 37,6 foiz va Rossiyada 52,4 foizga oshgan»[1]

Jahon mamlakatlari bo‘yicha investitsiya fondlari sof aktivlar qiymati oshishining notekisligiga qaramay, bu masala yuzasidan muhim ikki qonuniyat kuzatiladi: birinchidan, mamlakat qanchalik boy va uning rivojlanish darajasi nechog‘li yuqori va o‘sish sur’atlari barqaror bo‘lsa, unda investitsiya fondlari rivojlanishi uchun zarur imkoniyatlar mavjud; ikkinchidan, investitsiya fondlari rivojlanishiga oid tarixiy tajriba qanchalik katta bo‘lmasin, davlat tomonidan yaratilayotgan sharoit va dastaklar yuksalishning belgilovchi omili sifatida izohlanadi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Nazariy jihatdan, investitsiyaga iqtisodiy kategoriya sifatida turlicha ta’riflar berilgan. Iqtisodchi olim P. Samuelsonning fikricha, investitsiyalash daromadlarni joriy iste’mol uchun ishlatmasdan, ularni kelajakda ko‘proq foyda olib, faoliyatni kengaytirish uchun sarflash demakdir[2].

[1] ICI. Investment Company Fact Book, 2017.

[2] Самуэльсон Пол.А. Экономика. Издание 15-е. Пер. с англ. – М.: “Бином–КноРус”, 1999. –800 с.

L.Dj. Gitman, M.L. Djonklarning “Investitsiyalash asoslari” monografiyasida “Investitsiya – kapitalni joylashtirish usuli bo‘lib, u foyda qiymatini saqlab turishi va (yoki) uning o‘sishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatishi kerak”[1] deyiladi.

N.S. Guskov, S.S. Gutseriyev va boshqalarning “Investitsiyalar, ularni jalb etish shakllari va metodlari” darsligida “Investitsiya va kapital qo‘yilmalar sinonim bo‘lib, ularga investorlar tomonidan foyda olish maqsadida kiritiladigan mulkiy va intellektual boyliklarning hamma ko‘rinishlari kiradi”[2] deyiladi.

N.V. Igoshinning fikricha, “Investitsiyalar – sanoat, qishloq xo‘jaligi, transport va xalq xo‘jaligining boshqa tarmoqlariga uzoq muddatli kapital qo‘yilma ko‘rinishida kiritiladigan sarflarning yig‘indisidir”[3], deb ta’riflanadi.

Rossiyalik olim A.M. Margolin o‘zining “Investitsiyalar” darsligida “Investitsiyalar – pul mablag‘lari, maqsadli bank jamg‘armalari, qimmatli qog‘ozlar, texnologiyalar, mashina, asosiy vositalar va boshqa mulk ko‘rinishidagi kapital qo‘yilmalarni, shuningdek, pul qiymatiga ega bo‘lgan mulkiy va nomulkiy huquqlarni investorning strategik maqsadlarini ko‘zlab ishlab chiqarish va boshqa faoliyat obyektlariga kiritishdir”[4], deb ta’riflaydi.

Yuqoridagi ta’riflardan ko‘rinadiki, ishlab chiqarishni rivojlantirishda va barqaror iqtisodiy o‘sishni ta’minlashda asosiy omillardan biri hisoblangan kapitalni shakllantirishda investitsiyalar muhimligi bilan ahamiyatlidir.

Investitsiya faoliyati – investitsiya faoliyati sub’yektlarining investitsiyalarni amalga oshirish bilan bog‘liq harakatlari majmuidir[5].

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqotda bilish nazariyasining induksiya va deduksiya, mantiqiy yondoshuv, makon va zamon, qiyosiy tahlil, statistik tahlil, empirik baholash, tizimli va vaziyatli yondashuv, analiz va sintez, so‘rov usuli, shuningdek, iqtisodiy-matematik modellar, statistik va ekonometrik usullaridan foydalanilgan.

Taxlil va natijalar. O‘zbekiston Respublikasining “Investitsiya va infestitsion faoliyat to‘g‘risida”gi qonuniga ko‘ra investitsiyalar — investor tomonidan foyda olish maqsadida ijtimoiy soha, tadbirkorlik, ilmiy va boshqa faoliyat turlari obyektlariga tavakkalchiliklar asosida kiritiladigan moddiy va nomoddiy boyliklar hamda ularga bo‘lgan huquqlar, shu jumladan intellektual mulk obyektlariga bo‘lgan huquqlar, shuningdek reinvestitsiyalar bo‘lib, ular quyidagilarni o‘z ichiga olishi mumkin:

mablag‘larni, shu jumladan pul mablag‘larini (shu jumladan chet el valyutasini), maqsadli bank omonatlarini, paylarni, ulushlarni, aksiyalarni, obligatsiyalarni, veksellar va boshqa qimmatli qog‘ozlarni;

ko‘char va ko‘chmas mol-mulkni (binolar, inshootlar, uskunalar, mashinalar va boshqa moddiy qimmatliklarni);

intellektual mulkka doir mulkiy huquqlarni, shu jumladan u yoki bu ishlab chiqarish turini tashkil etish uchun zarur bo‘lgan, texnik hujjatlar, ko‘nikmalar va ishlab chiqarish tajribasi tarzida rasmiylashtirilgan, patentlangan yoki patentlanmagan (nou-xau) texnik, texnologik, tijoratga oid va boshqa bilimlarni, shuningdek O‘zbekiston Respublikasining qonun hujjatlarida taqiqlanmagan boshqa qimmatliklarni.

Investitsiya so‘zi lotin tilidagi «invest» so‘zidan kelib chiqqan bo‘lib «qo‘yish», «mablag‘ni safarbar etish», «kapital qo‘yilmasi» degan ma’nolarni anglatadi. Keng ma’noda investitsiya mablag‘ni ko‘paytirib va qaytarib olish maqsadida kapitalni safarbar etishni bildiradi.

Samarqand viloyati investitsion faoliyatini tahlil qilar ekanmiz, ushbu viloyatda yuqoridagi ma’lumotlardan ko‘rinib turibdiki Respublikamiz iqtisodiyotida yetakchi o‘rinlarda turib, o‘z hissasini qo‘shayotgan viloyatlardan sanaladi.

---

[1] Гитман, Лоренс Дж. Основы инвестирования. Учебное пособие. Пер.с англ. – М.: «ДЕЛО», 1997. –1008 с

[2] Гуськов Н.С., Гуцериев С.С и др. Инвестиции. Формы и методы их привлечения. – М.: 2001.

[3] Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование. Учебное пособие. – М.: «Финансы», ЮНИТИ, 2000. – С. 413.

[4] Марголин. А.М. Инвестиции. М.: РАГС, 2006. – С. 464

[5] O‘zbekiston Respublikasining “Investisiya faoliyati to‘g’risida”gi qonuni. O‘zbekistonning yangi qonunlari. – T.: “Adolat”, 1999. – 13-b.

1-rasm. 2017-2020 yillarda Samarqand viloyatida aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan asosiy kapitalga investitsiyalar dinamikasi[1]

Samarqand viloyatida ijtimoiy soha va iqtisodiyotni rivojlantirish uchun barcha mulkchilik shakllari bo‘yicha 2017-2020 yillarda 32278,6,1 mlrd.so‘m asosiy kapitalga investitsiyalaridan foydalanilgan.

Mazkur davr mobaynida jami asosiy kapitalga investitsiyalarning 61,0 foizi Samarqand shahar, Paxtachi, Toyloq tumanlarida o‘zlashtirildi.

2017-2020 yillar mobaynida aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan asosiy kapitalga investitsiyalar miqdori 3431,7 ming so‘mni tashkil qilib 2016 yilga nisbatan 3,4 marotaba ortgan. Ushbu ko‘rsatkich respublika bo‘yicha 3,7 marotabani tashkil etgan holda viloyatimizdagi investitsion vaziyatni barqaror deyishimiz mumkin.

Tahlil qilinayotgan davr mobaynida aholi jon boshiga asosiy kapitalga investitsiyalar hajmi bo‘yicha yuqori ko‘rsatkichlar Toyloq tumanida 4,7 marotaba, Urgut tumanida 4,4 marotaba, Oqdaryo va Paxtachi tumanlarida 4,3 marotaba, Ishtixon tumanida 4,2 marotaba ortgan (1-jadval).

1-jadval

2017-2020 yillarda Samarqand viloyatida aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan asosiy kapitalga investitsiyalarning tumanlar kesimida taqsimoti [2]

	2016 yil	2017 yil	2018 yil	2019 yil	2020 yil yanvar-dekabr	2021 yil yanvar- mart	
Kattaqo‘rg‘on sh.	1739,7	865,7	1376	1796,1	2324,1	↓	1,34
Narpay	498	489,2	741,3	855,1	993,5	↓	1,99
Kattaqo‘rg‘on	459,5	381,2	672,7	657,4	919,9	↓	2,00
Pastdarg‘om	436	328,2	1224,2	1652,4	1316,2	↗	3,02
Samarqand sh.	2943,4	4083,7	4744,7	7584,6	9903,8	↗	3,36
Samarqand viloyati	1001,6	1189,4	1878,3	2674,9	3431,7	↗	3,43
Qo‘shrabot	1597,7	2719,8	2670,3	4115,1	5559,7	↗	3,48
Bulung‘ur	574	924,4	1299,1	1805	2008,1	↗	3,50
Jomboy	965	745,5	1170,6	2324	3407,1	↗	3,53
Payariq	393,9	589,3	1203,4	693,6	1431,7	↗	3,63
Nurobod	651,9	522,4	1440,5	2513,4	2457,4	↗	3,77
Samarqand	987,6	1527,4	2128,8	2572,9	3759,8	↗	3,81
Ishtixon	473,6	334,7	1227,4	1830,8	1988,6	↑	4,20
Paxtachi	695,5	532,4	1262,3	1884,8	2990,3	↑	4,30
Oqdaryo	1176,1	992,1	2152,4	3856,6	5060	↑	4,30
Urgut	455,9	435,3	1431,1	1531,3	2026,9	↑	4,45
Toyloq	691,8	731,3	1877,2	2446,3	3247,4	↑	4,69

[1] Samarqand viloyat statistika bosh boshqarmasi ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzildi
[2] Samarqand viloyat statistika bosh boshqarmasi ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzildi

Eng past ko‘rsatkich Kattaqo‘rg‘on shahri (1,34 marotaba), Kattaqo‘rg‘on tumani (1,99 marotaba) va Narpay tumanlarida (2,0) qayd etildi. Pastarg‘om tumanida aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan asosiy kapitalga jalb qilingan investitsiyalar hajmi 2020 ylga nisbatan 20,3 foizga, Nurobod tumanida 2,2 foizga kamayib ketgan. Bu o‘z navbatida ushbu tumanlarda investitsiya dasturlarini qayta ko‘rib chiqish va takomillashtirishni talab etadi.

Yuqoridagi 2-rasmdan ko‘rinib turibdiki chet el investitsiyalarning ulushi jami asosiy kapitalga investitsiyalardagi ulushi 2020 yilga kelib yilda 29,4 foizni tashkil etdi, bu ko‘rsatkich 2016 yilga nisbatan 13,3 barobar ko‘p. Bundan xulosa qilishimiz mumkinki, jalb etilayotgan investitsiyalar tarkibi sifat jihatdan tub o‘zgarishlarga yuz tutgan. Shu bilan birga bank va boshqa ssuda mablag‘lari orqali jalb qilingan investitsiyalar hajmi ham kamayib, korxonalarning o‘z mablag‘lari hisobidan moliyalashtirishning ko‘payib borgani kuzatildi



2-rasm. 2016-2020 yillarda Samarqand viloyatida asosiy kapitalga investitsiyalarning moliyalashtirish manbalari bo‘yicha dinamikasi[1]

2016-2020 yillar mobaynida viloyatda jami o‘zlashtirilgan investitsiyalar tarkibida to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar va kreditlar hajmi 120 marotabaga, ulushi esa 13,4 marotaba ortgan (2-jadval).

2-jadval

Samarqand viloyati bo‘yicha 2016-2020 yillarda moliyalashtirish manbalari bo‘yicha asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning taqsimlanishi

	2016 yil	2017 yil	2018 yil	2019 yil	2020 yil	2020 yilda 2016 yilga nisbatan o‘sish surati, foizda
Asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar	3362,2	3307,1	5746,9	9798,6	13426,0	299,3%
Shu jumladan xorijiy investitsiyalar	26,3	57,7	242,6	2108,2	3152,50	11886,7%
Ulushi	0,8%	1,7%	4,2%	21,5%	23,5%	2837,5%

3-jadval

Samarqand viloyati bo‘yicha 2016-2020 yillarda asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning texnologik tarkibi

	2016 yil	*2017 yil*	*2018 yil*	*2019 yil*	*2020 yil*	2020 yilda 2016 yilga nisbatan o‘sish surati, foizda
qurilish-montaj ishlari	76,7	69,1	63,2	40,8	35,9	-53,1%
mashina, uskunalar, transport vositalari ishlab chiqarish va xo‘jalik jihozlar	19,2	26,2	31,5	53,6	58,1	202,6%
Boshqa harajatlar	4,1	4,7	5,3	5,6	6,0	46,3%

[1] Samarqand viloyat statistika bosh boshqarmasi ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tuzildi

2 va 3-jadval ma’lumotlarini tahlil qiladigan bo‘lsak, viloyatda qurilish montaj ishlariga ajratilgan investitsiyalar ulushi miqdori barqaror saqlanib qolgan holda mashina, uskunalar, transport vositalari ishlab chiqarish va xo‘jalik jihozlariga yo‘naltirilgan investitsiyalarning ortib borayotganligini kuzatishimiz mumkin. Bu viloyatda iqtisodiyot tarmoqlarining texnologik jihatdan yangilanayotganligidan dalolat beradi.

Xulosa va takliflar. Viloyatning investitsion strategiyasini shakllantirish murakkab jarayon bo‘lib, u viloyat investitsiya bozori konyukturasini bashoratlashga asoslanadi va investitsiya faoliyati shartlarini amalga oshiradi. Bu jarayonni murakkabligi shundaki, bu davrda hudud investitsiya strategiyalarni shakllantirish, investitsion resurslarni izlab topish, muqobil investitsiya variantlarini baholash bilan birga amalga oshiriladi va u hudud firmalarining imidjini oshiradi va uni rivojlanishi belgilashda muhim ahamiyat kasb etadi. Bunday investitsion strategiya tezda o‘zgarmaydi, u ushbu hududdagi firmalarning iqtisodiy o‘sishining yangi imkoniyatlari va tashqi shartlarini inobatga olgan holda davriy tartibga solishlarni talab etadi. Hududda investitsion strategiyani shakllantirish shart-sharoitlari korxona va firmalarning iqtisodiy rivojlanishining strategik asosi bo‘lib xizmat qiladi. Bundan ko‘rinib turibdiki, hudud investitsiya strategiyasi firmalarning samarali rivojlanishini ta’minlaydigan bosh omil bo‘lib hisoblanadi va u investitsiyalarni samarali boshqarishga asoslanadi Investitsiyalarni jalb qilishning strategik yo‘nalishlarini ishlab chiqish, bu faoliyatni amalga oshirish siyosatiga asoslanadi.

Investitsiyalarni ko‘paytirish yo‘nalishlarini ishlab chiqishda quyidagi vazifalar hal qilinishi maqsadga muvofiqdir:

- investitsiyalarni tarmoq bo‘yicha aniq yo‘nalishlarini belgilash;
- investitsiyalarni jalb e’tishda hududlar bo‘yicha aniq yo‘nalishini belgilash.
- Ya’ni investitsiyalar tarmoq konsentratsiyasi (markazlashuvi) yoki diversifikatsiyasi maqsadliligi ko‘rib chiqish. Bunda hudud yo‘nalishlarini ishlab ishlab chiqishda, mamlakat hududlari bo‘yicha xorijiy investitsiyalarni jalb etish shart-sharoitlar hisobga olinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. 2017-2021 yillarda O‘zberiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi. Xalq so‘zi gazetasi, 13 dekabr. 2017 yil.
2. O‘zberiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning 2016 yil yakunlari va 2017 yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan ma’ruzasi. 2017 yil 15 yanvar xalq so‘zi gazetasi 22 son.
3. Mirziyoev Sh.M. Erkin va obod, demokratik jamiyatni barchamiz birgalikda barpo etamiz. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag‘ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo‘shma majlisidagi ma’ruza. 2016 yil 14 dekabr. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoev asarlari to‘plami. I-jild. – T.: O‘zbekiston, 2017. – 592 b.
5. Mirziyoev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. – T.: O‘zbekiston, 2017.-592 b.
6. Pardayev M.Q. va boshq. Xizmat ko‘rsatish, servis va turizm sohalarini rivojlantirish: muammolar va ularning yechimlari. Monografiya. – T.: Iqtisodiyot-moliya, 2008.– 260 b.
7. G’ulomov S.S., Ochilov I.S., Ganixodjayev S.O. O‘zbekiston iqtisodiyotining o‘sish va barqaror rivojlanish omillari. Bilimga tayangan innovasion iqtisodiyot. – T.: Fan va texnologiya, 2016. – 136 b.

Ш.Омонов

Разработка направлений роста инвестиций в развитии инвестиционной деятельности Самаркандской области

Аннотация: в данной статье освещены вопросы разработки направлений увеличения инвестиций в развитии инвестиционной деятельности путем формирования инвестиционной стратегии и вопросы реализации условий инвестиционной деятельности. Показана сложность этого процесса, существующие проблемы формирования инвестиционных стратегий, поиска инвестиционных ресурсов, совершенствования оценки альтернативных вариантов инвестирования и их решения.

Ключевые слова: конкуренция, инвестиции, инвестор, инвестиционная среда, стимулирование инвестиций, инвестиционные фонды, денежные средства.

Sh.Omonov

Development of directions for the growth of investments in the development of investment activities of the Samarkand region

Abstract: this article highlights the issues of developing directions for increasing investment in the development of investment activity by forming an investment strategy and the implementation of the conditions for investment activity. The complexity of this process, the existing problems of forming investment strategies, searching for investment resources, improving the assessment of alternative investment options and their solution are shown.

Keywords: competition, investment, investor, investment environment, investment promotion, investment funds, cash.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ

Дилдора Джабборхоновна Пашаходжаева – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси доценти в.б., PhD

ФОЙДА СОЛИҒИ БЎЙИЧА КЕЧИКТИРИЛГАН СОЛИҚ АКТИВЛАРИ ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада бухгалтерия ҳисобини халқаро интеграциялашуви шароитида фойда солиғи бўйича кечиктирилган солиқ активлари ҳисобини такомиллаштириш масалалари ёритилган.
Калит сўзлар: фойда солиғи бўйича ҳисобланган кўрсаткичлар, «Доимий фарқлар», «Вақтинчалик фарқ», «кечиктирилган солиқ активлари», «кечиктирилган солиқ мажбуриятлари», фойда солиғи бўйича харажат, бюджетга тўланадиган фойда солиғи

Кириш. Мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш, солиқлар сони ва ставкаларини оптималлаштириш, фойда солиғи ҳисоб-китоби механизми, солиқ ҳисоботи ҳамда солиқ аудитини такомиллаштириш амалга оширилаётган ислоҳотларни асосий йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. «Мамлакатда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, солиқ юкини изчил камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ ҳисоботларини тубдан қисқартириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда» [1]. Бу бўйича солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясида солиқ ҳисоби ва ҳисоботларига оид қатор вазифалар белгиланган. Шулар жумласидан «солиқ солинадиган фойда», «чегириладиган харажатлар», «кечиктирилган солиқ активлари», «кечиктирилган солиқ мажбуриятлари» каби кўрсаткичларни молиявий ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришнинг амалдаги тартиби молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари меъёрларига мослаштириш вазифалари қўйилган. Шу жиҳатдан бугунги кунда фойда солиғи ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалалари бўйича алоҳида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш талаб этилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хорижий мамлакатларнинг солиққа тортишга оид қонун ҳужжатларида [2,3] ҳамда тажрибасида «ҳисоб фойдаси», «солиқ фойдаси», «доимий фарқлар», «вақтинчалик фарқлар» каби тушунчалар кенг қўлланилади. Уларга солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисобига оид адабиётларда кенг ўрин берилган. Бу кўрсаткичлар охирги йилларда республикамизда чоп этилган солиқ солиш ҳамда бухгалтерия ҳисобига оид адабиётларда ҳам ўз аксини топган. Шунингдек, манбаларда юқорида номлари зикр этилган кўрсаткичларга турлича таъриф ва тавсифлар берилган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотлар илмий тафаккур, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш каби усуллар асосида олиб борилди.

Таҳлил ва натижалар. Фойдани солиққа тортишда солиқ тўловчилар ва давлат манфаатларини кафолатлаш тамойили фойда солиғига доир турли янги кўрсаткичларни пайдо бўлишига, шунингдек, уларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилишига олиб келди. Улар сирасига, чунончи «кечиктирилган солиқ активлари» ва «кечиктирилган солиқ мажбуриятлари» кўрсаткичлари ҳам киради.

«Кечиктирилган солиқ активлари» кўрсаткичи айнан шу номда хорижий мамлакатлар тажрибасида кенг қўлланилади. Бизнинг республикамизда ушбу кўрсаткич айнан шу номда ишлатилмайди. Унинг ўрнига «вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган фойда солиғи» кўрсаткичи қўлланилади ҳамда ушбу махсус кўрсаткич молиявий ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилади.

Таъкидлаш жоизки, халқаро таълимотга кўра фойда солиғига оид юқорида номи зикр этилган ҳар иккала кўрсаткичнинг вужудга келиш негизида корхоналар фойда солиғи базасини ҳисоблашда унга чегирилмайдиган «доимий фарқлар» ҳамда «вақтинчалик фарқлар» деб номланадиган харажатларнинг қўшилиши ёки камайтирилиши ётади. Бу кўрсаткичлар

корхонада амалга оширилган ва солиқ қонунчилиги талабларига кўра фойда солиғи базасини ҳисоблашда чегирилмайдиган харажатларнинг фойда солиғи суммасини, бир томондан ошишига, иккинчи томондан камайишига олиб келишини биргаликда комплекс тарзда ҳисоб-китоб қилишда вужудга келади.

Халқаро таълимотда ва солиқ солиш амалиётида кенг қўлланиладиган «доимий фарқлар» ва «вақтинчалик фарқлар» мос равишда фойда солиғи базасига доимий тарзда ва маълум давр учун қўшиладиган харажатларни билдиради. Доимий фарқлар, одатда, солиққа тортиладиган фойда суммасини фақат кўпайиш томонга ўзгартиради. Вақтинчалик фарқлар эса маълум ҳисобот даврида умумқабул қилинган меъёрлардан ёки тартиблардан четланишлар эвазига пайдо бўлади. Вақтинчалик фарқлар, одатда, солиққа тортиладиган фойда суммасини кўпайиш томонга ҳам, камайиш томонга ҳам ўзгартиради. Манбаларда [4; 278-б.] вақтинчалик фарқларни кўпинча қуйидаги ҳолатларни молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисобида турлича акс эттириш тартибларини асос қилиб олинганлиги сабабли вужудга келиши эътироф этилган (1-жадвал).

1-жадвал

Вақтинчалик фарқларни вужудга келиши сабаблари [4]

Вақтинчалик фарқни вужудга келиш ҳолати	**Молиявий ҳисоб**	**Солиқ ҳисоби**
Амортизация ҳисоблаш	Корхонанинг ҳисоб сиёсатида белгиланган метод асосида	Солиқ кодексида белгиланган метод асосида
Товар захираларини ҳисобдан чиқариш	Товар захираларини ҳисобдан чиқаришда улар қийматини баҳолашнинг АВЭКО усулини қўллаш	Товар захираларини ҳисобдан чиқаришда улар қийматини баҳолашнинг ФИФО усулини қўллаш
Олинадиган счётлар	Даргумон қарзлар бўйича резервни ташкил қилиш	Даргумон қарзларни тўғридан-тўғри ҳисобдан чиқариш

Хорижий мамлакатлар тажрибасида солиққа тортиш мақсадида солиққа қадар бўлган фойда суммаси, дастлаб «доимий фарқлар»га, кейин эса, «вақтинчалик фарқлар»га тузатилади. «Доимий фарқлар» эътиборга олинган ҳолда тузатилган фойдадан ҳисобланган фойда солиғи суммаси «Фойда солиғи бўйича харажат» кўрсаткичи сифатида тан олинади ва шу номдаги счётда акс эттирилади. Шундан сўнг, «Вақтинчалик фарқлар» эътиборга олинган ҳолда тузатилган фойда топилиб, бюджетга тўланадиган фойда солиғи суммаси аниқланади ва бу сумма «Бюджетга тўланадиган фойда солиғи» счётида акс эттирилади. Фойда солиғига доир ушбу иккита кўрсаткич ўртасидаги фарқ суммаси ёки «кечиктирилган солиқ активи» ёки «фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбурият» сифатида тан олинади. Бунда, агар иккинчи кўрсаткич, яъни, «Бюджетга тўланадиган фойда солиғи» кўрсаткичи биринчи кўрсаткичдан, яъни, «Фойда солиғи бўйича харажат» кўрсаткичидан катта бўлса, топилган фарқ суммаси «кечиктирилган солиқ активи» ёки бизнинг тилимиздаги «вақтинчалик фарқлар бўйича муддати кечиктирилган фойда солиғи» деб тан олинади. Агар, иккинчи кўрсаткич, яъни, «Бюджетга тўланадиган фойда солиғи» кўрсаткичи биринчи кўрсаткичдан, яъни, «Фойда солиғи бўйича харажат» кўрсаткичидан кичик бўлса, топилган фарқ суммаси «Фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбурият» деб тан олинади.

Демак, «кечиктирилган солиқ активи» ёки бизнинг тилимиздаги «вақтинчалик фарқлар бўйича муддати кечиктирилган фойда солиғи» фақат ҳисобот даврида белгиланган меъёрлардан ёки тартиб-қоидалардан ортиқ миқдордаги харажатларга йўл қўйилганлиги сабабли шу ҳисобот даврида бюджетга фойда солиғини кўп тўлашни билдиради. Бироқ, ушбу кўп тўланган фойда суммаси ҳисобот даврида фойда солиғи бўйича харажатларни оширмайди, аксинча келгуси даврлар харажатига олиб борилади ва, мос равишда, «кечиктирилган солиқ активи» ёки «вақтинчалик фарқлар бўйича муддати кечиктирилган фойда солиғи» сифатида балансда акс эттирилади. Келгусида ўтган ҳисобот даврида меъёрлардан ёки тартиб-қоидалардан ортиқ миқдордаги харажатлар камайтирилганда, мос равишда, «кечиктирилган солиқ активи» миқдоридаги суммага бюджетга тўланадиган фойда солиғи камайтиришга олиб борилади.

Халқаро амалиётда фойда солиғини ҳисоб-китоб қилишда махсус «Фойда солиғига

тузатишлар» жадвали [4] тузилади. Ушбу жадвалдан фойдаланган ҳолда қуйида «БАХТ» АЖнинг ҳисобот маълумотлари асосида 2018 ва 2019 йиллар учун фойда солиғи ҳамда у бўйича «кечиктирилган солиқ активи» ва «фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбурият» кўрсаткичларининг ҳисоб-китоби тартибини кўриб чиқамиз (2-жадвал)[1].

2-жадвал

«БАХТ»АЖда 2018-2019 йилларда фойда солиғи ҳамда «кечиктирилган солиқ активи» ва «фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбурият» кўрсаткичларининг ҳисоб-китоби (минг сўм)[2]

№	Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил
1	Солиқ тўлагунга қадар фойда	4612872	13947810
2	Солиқ тўлагунга қадар фойдани солиғи базасидан чегирилмайдиган доимий фарқлар суммасига тузатилиши	1539259	2603036
3	Тузатилган солиқ тўлагунга қадар фойда (1қ+2қ)	6152131	16550846
4	Солиқ солинадиган фойдани камайтириш (ўтган давр зарари)	3076065.5	0
5	Солиқ солинадиган база	3076065.5	16550846
6	Солиқ ставкаси,%	14	12
7	Фойда солиғи бўйича харажатлар (5қ*6қ/100%)	430649.2	1986101.5
8	Солиқ тўлагунга қадар фойдани чегирилмайдиган вақтинчалик фарқлар суммасига тузатиш	59490	52300
8.1	Кўпайиш томонига	59490	-
8.2	Камайиш томонига	-	52300
9	Солиққа тортиладиган фойда (5қ + 8.1 - 8.2)	3135555.5	16498546
10	Солиқ ставкаси,%	14	12
11	Тўланадиган фойда солиғи суммаси (9қ*10қ/100%)	438977.8	1979825.5
12	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган солиқ активи (11қ-7қ)	8328.6	-
13	Фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (11қ-7қ)	-	6276

2-жадвалдан кўриниб турибдики, 2018 йилда корхонанинг доимий фарқлар эътиборга олинган ҳолда топилган фойдасидан ҳисобланган фойда солиғи бўйича харажатлари жами 430649.2 минг сўмни ташкил этган. Шу йилда 59490 минг сўмлик қўшимча вақтинчалик фарқлар юз берганлиги сабабли бюджетга тўланадиган фойда солиғи суммаси 438977.8 минг сўмдан иборат бўлган. Фойда солиғи ушбу суммаларининг фарқи бўлган 8328.6 минг сўм (438977.8 -430649.2) айнан вақтинчалик фарқлар бўйича «кечиктирилган солиқ активи»ни ташкил этади. Ушбу ҳисоб-китоблар бухгалтерия ҳисобида 2018 йилда қуйидаги ёзувларнинг берилишига асос бўлади:

1.Ҳисобланган фойда солиғи суммасига: Дебет «Фойда солиғи бўйича харажатлар» Кредит «Тўланадиган фойда солиғи» 430649.2 минг сўм.

2.Кечиктирилган солиқ активига ёки фойда солиғи бўйича кечиктирилган харажатлар суммасига: Дебет «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи» Кредит «Тўланадиган фойда солиғи» 8328.6 минг сўм.

3.Кечиктирилган солиқ активи ёки фойда солиғи бўйича кечиктирилган харажатлар бюджетга тўланадиган фойда солиғини камайтиришга олиб борилганда: Дебет «Тўланадиган фойда солиғи» Кредит «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи» 8328.6 минг сўм.

Таъкидлаш жоизки, фойда солиғи, унга бевосита алоқадор бўлган «кечиктирилган солиқ активлари» ва «фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» кўрсаткичлари ҳисоб-

[1]Маълумотлар “БАХТ”АЖнинг солиққа тортилгунга қадар фойдаси 2018 йилда 4612872 минг.сўм, 2019 йилда 13947810 минг. сўм. Фойда солиғи базасидан чегирилмайдиган доимий фарқлар 2018 йилда 1539259 минг.сўм, 2019 йилда 2603036 минг.сўм. Фойда солиғи базасидан чегирилмайдиган вақтинчалик фарқлар биз томонимиздан асосий воситаларни амортизация харажатларини ҳисоблашда нормадан ортиқ ва камлиги аниқланиб берилган 2018 йилда кўпайиш томонга 8328.6 минг.сўм, 2019 йилда камайиш томонга 6276 минг. сўм. Фойда солиғи ставкаси 2018 йилда 14 %, 2019 й. 12% бўлган.

[2] Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

китоби, уларни ҳисоб ҳамда ҳисоботда акс эттиришнинг халқаро миқёсда тан олинган юқорида келтирилган тартиблари республикамизда ҳам қисман бўлса-да, мустақиллик йилларида жорий этилди. Бунинг ёрқин гувоҳи бўлиб, чунончи, 21-сон БҲМСда «кечиктирилган солиқ активлари» ёки «вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи» ва «фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» кўрсаткичлари ҳисобини юритиш учун мўлжалланган махсус счётларни, масалан, 0950 «Вақтинчалик фарқлар бўйича узоқ муддатга кечиктирилган фойда солиғи», 3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича қисқа муддатга кечиктирилган фойда солиғи» каби счётларни кўзда тутилганлиги ҳисобланади. Бироқ, корхоналар амалиётининг тадқиқи шуни кўрсатмоқдаки, ушбу счётлар амалиётда умуман ишлатилмасдан қолмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Фикримизча, республикамизда фойда солиғи ҳисоби бўйича халқаро миқёсда тан олинган тартибга ўтиш бўйича қилинган қадамлар охирига етказилиши лозим. Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мослаштириш бўйича амалга оширилган тадбирлар, чунончи, счётлар режасини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) талаблари даражасига мувофиқлаштириш борасида қилинган ишлар натижаси ўлароқ амалдаги фойда солиғи ҳисоб-китоб шаклини халқаро тажрибада қўлланилаётган шаклга мослаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, юқоридагиларга асосланган ҳолда «кечиктирилган солиқ активи» ёки бизнинг тилимиздаги «вақтинчалик фарқлар бўйича муддати кечиктирилган фойда солиғи» кўрсаткичларига қуйидагича таърифларни бериш мумкин: Кечиктирилган солиқ активи ёки фойда солиғи бўйича муддати кечиктирилган харажатлар деганда ҳисобот даврида белгиланган меъёрлардан ва тартиблардан фарқли ўлароқ кўп миқдорларда сарфланган харажатлар сабабли бюджетга қўшимча тўланадиган, бироқ муддати узайтириладиган харажат ёки кечиктирилган солиқ активи сифатида тан олинадиган фойда солиғи тушунилади.

Корхонада бухгалтерия ўтказмаларини қўлланилишини таъминлаш учун ҳисоб сиёсатига ушбу кўрсаткичлар бўйича 9811-«Фойда солиғи бўйича солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар», 3212- «Кечиктирилган солиқ активлари» ишчи счётларни корхоналар ҳисоб сиёсатига киритиш тавсия этилди, шунингдек, уларни юритиш тартиблари «БАХТ» материаллари асосида кўрсатиб берилди (3-жадвал).

3-жадвал

Фойда солиғи бўйича солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар, кечиктирилган солиқ активлари» ва кечиктирилган солиқ мажбуриятларини акс эттирувчи счётларни юритиш тартиблари (тавсиялар)[1]

№	Операция мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма (минг сўмда)
1.	Ҳисобланган фойда солиғи суммасига:	9811-«Фойда солиғи бўйича солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	430649.2
2.	Кечиктирилган солиқ активига ёки фойда солиғи бўйича кечиктирилган харажатлар суммасига:	3212- «Кечиктирилган солиқ активлари»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	8328.6
3	Кечиктирилган солиқ активи бюджетга тўланадиган фойда солиғини камайтиришга олиб борилганда:	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	3212- «Кечиктирилган солиқ активлари»	8328.6

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. 2019 йил 10 июль. ПҚ-4389. https://nrm.uz/contentf?doc=573931_2019_yil.

[1] Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

2. МСФО № 12.»Налоги на прибыль», IAS 12 IncomeTaxes.последние поправки в 12 декабря 2017 г.
3. ПБУ 18/2 "Учет расчетов по налогу на прибыль "Зарегистрировано в Минюсте РФ 31 декабря 2002 г. №4090.
4. Байрашев А.З.,Султанова Д.А. Введение в МСФО. Т. «Professional Development», 2009 г. - 278 стр.

Д. Пашаходжаева **Совершенствование учета отложенных налоговых активов по налогу на прибыль в условиях международной интеграции** **Аннотация:** В статье описаны вопросы совершенствования расчёта отложенных налоговых активов по налогу на прибыль в условиях международной интеграции бухгалтерского учёта. **Ключевые слова**: показатели по которым рассчитывается налог на прибыль, «Постоянные разницы», «Временные разницы», отложенные налоговые активы, отложенные налоговые обязательства, расход по налогу на прибыль, налог на прибыль уплачиваемый в бюджет.	**D.Pashakhodjaeva** **Improvement of accounting of deferred tax assets for profit tax in the context of international integration** **Abstract:** The article describes the issues of improving the calculation of deferred tax assets for income tax in the context of international integration of accounting. **Keywords**: indicators on which income tax is calculated, "Permanent differences", "Temporary differences", deferred tax assets, deferred tax liabilities, income tax expense, income tax paid to the budget.

Toshmurza Rahmonov – SamDU Raqamli iqtisodiyot kafedrasi dotsenti, i.f.n.,
Amriddin Hamdamov – “Ipak yo‘li” turizm va madaniy meros xalqaro universiteti doktoranti

RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BUXGALTERIYA HISOBINI AVTOMATLASHTIRISHNING ROLI VA AHAMIYATI

Annotatsiya: Maqolada raqamli texnologiyalarni rivojlantirish sharoitida buxgalteriya hisobida ro‘y berayotgan o‘zgarishlarning dolzarbligi, xo‘jalik yurituvchi sub’yektlar tomonidan yangi boshqaruv texnologiyalarini izlash, raqobatbardosh ustunlikka erishish va shakllantirish zarurligi bayon etilgan. Bulutli texnologiyalarni buxgalteriya sohasiga joriy etish uning samaradorligini oshirish va xatolarni oldini olish uchun taklif etiladi. Ushbu texnologiyalarning afzalliklari va kamchiliklari ishning asosiy prinsiplarida, shuningdek ularning tahlilida tasvirlangan.
Kalit so‘zlar: raqamli iqtisodiyot, raqamlashtirish, buxgalteriya, bulutli texnologiyalari, ma’lumotlar bazasi, axborot texnologiyalar, buxgalteriya hisobi.

Kirish. Bugungi kunda faoliyatning turli sohalarida, xususan, buxgalteriya hisobida ilg‘or axborot texnologiyalaridan foydalanish masalasi tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda, bu esa har qanday ob’yektni boshqarish tizimining asosiy tarkibiy qismi hisoblanadi [4].

Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi zamonaviy axborot va telekommunikatsiya texnologiyalarini takomillashtirishni talab qiladi, bu esa buxgalteriya hisobi uchun yangi imkoniyatlar yaratadi [5]. Axborot texnologiyalaridan foydalanish xarajatlarni kamaytirish, inson omili ta’sirini kamaytirish va ishni tezlashtirish orqali tashkilotlarning raqobatbardoshligini oshirishga yordam beradi [6, 10]. Shu bilan birgalikda, bozor iqtisodiyoti sharoitida deyarli barcha tarmoq va sohalarida ishlab chiqarishni modernizatsiyalash, texnik va texnologik jihatdan qayta jihozlash tadbirlarining keng ko‘lamda amalga oshirilishi raqobatdosh mahsulotlar ishlab chiqarish imkoniyatlarini kengaytirmoqda.

Dunyo iqtisodiyotining yuqori sur’atlarda rivojlanishi hamda uning xususiyatlari korxona faoliyatining professional yondashuvini talab qiladi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Raqamli iqtisodiyot sharoitida buxgalteriya hisobini avtomatlashtirishning imkoniyatlari bugungi kunda ilmiy jihatdan to‘liq o‘rganilmagan. Bu soha bo‘yicha О.В.Коржова [4], Е.В.Шамина [5], П.О.Сокерин [6], С.В.Бочкова [7] kabi rossiyalik olimlar o‘z fikrlarini berishgan, lekin ularning mohiyati, tasniflanishi, ta’sir darajasi va boshqa jihatlari to‘la ochib berilmagan.

Iqtisodiyotning rivojlanishi, aholi sonining oshishi, resurslarning cheklanganligi, undan

oqilona foydalanish zaruriyati, informatsion ma’lumotlarning ko‘payishi iqtisodiyotni raqamlashtirish ehtiyojini keltirib chiqaradi.

Shu sababli, respublikamizda davlat va jamiyat taraqqiyotini yanada jadallashtirish maqsadida, hukumatimiz tomonidan bir qancha muhim qarorlar qabul qilindi.

Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2020-yilga “Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili”[1], deb nom berilishi, Prezidentimizning 2018-yil 19-fevraldagi PF-5349 sonli “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”[2]gi Farmoni hamda “O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”[3]gi PQ-3832 03.07.2018 Qarori, shuningdek, Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 31-avgustdagi raqamli iqtisodiyotning maqsad va vazifalarini belgilab beradigan “O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni joriy qilish va yanada rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Qarorlarining qabul qilinishi respublikamizda raqamli iqtisodiyotni davlat boshqaruv tizimiga tatbiq qilish, zamonaviy axborot texnologiyalarni jadal rivojlantirish uchun sharoitlar yaratish, axborot havfsizligini ta’minlash maqsadida mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun qonuniy asos yaratdi.

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqot jarayonida ishning nazariy-uslubiy asoslarini o‘rganishga bag‘ishlangan tizimli yondashuv, qiyosiy tahlil, guruhlash, taqqoslash kabi statistik tadqiqot usullardan keng foydalanilgan.

Tahlil va natijalar. Zamonaviy jamiyatda axborotni qayta ishlash texnologiyasining asosiy texnik vositasi shaxsiy kompyuterdir [4]. Ko‘pgina tashkilotlarda buxgalteriya hisobi ma’lumotni qulay saqlash, hujjatlar va hisobotlarni yaratish, buxgalteriya ma’lumotlarini tahlil qilish uchun mo‘ljallangan maxsus dasturiy mahsulotlar yordamida amalga oshiriladi [11].

Ular buxgalterlarga bir — biriga bog‘liq bo‘lgan buxgalteriya bo‘limlarini boshqarishga imkon beradi va rahbar xodimlar dolzarb ma’lumotlarga kirish va boshqaruv qarorlarini qabul qilishlari mumkin.

Buxgalteriya hisobi avtomatizatsiyasi buxgalterlarning ishini sezilarli darajada osonlashtiradi va axborotni qo‘lda qayta ishlashga nisbatan quyidagi afzalliklarni beradi:

- asosiy hujjatlardagi rekvizitlarni avtomatik to‘ldirish;
- katta hajmdagi ma’lumotlarni tezda qayta ishlash; [9]
- analitik ma’lumotlarni idrok qilish uchun qulay bo‘lgan shaklda taqdim etish (diagrammalar, grafiklar, jadvallar);
- hisobot registrlarini shakllantirish (hisob-kitob-to‘lov bayonnomalari, aylanmabalans varaqalari, kassa kitobi);
- qog‘oz tashuvchilar sonini kamaytirish;[12]
- boshqaruv va bo‘ysunuvchilar, tashkilot bo‘linmalari o‘rtasida darhol ma’lumot almashish;
- arifmetik xatolarni istisno qilish;
- nazorat qiluvchi davlat organlari va banklar bilan onlayn muloqot;
- qonunchilikni o‘zgartirishga tezkor javob berish qobiliyati.

Bugungi kunda buxgalterlik ma’lumotlarini qayta ishlash uchun ko‘plab dasturiy mahsulotlar mavjud. Buxgalteriya dasturini kerakli imtiyozlarga muvofiq baholash mumkin bo‘lgan mezonlar:

1. Funksional to‘liqlik.
2. Normativ hujjatlardagi o‘zgarishlarga, hisobot shakllariga, hisob-kitob qoidalariga va hokazolarga qarab, dasturiy mahsulotlarni o‘z vaqtida yangilashni o‘z ichiga olgan kompleks xizmat.
3. Tizimning qulayligi. Dasturning intuitiv interfeysiga, tezkor ishga tushirish imkoniyatlariga va dasturni mustaqil o‘rganishga alohida e’tibor berilishi kerak.
4. Texnik qo‘llab-quvvatlash.
5. Yetkazib beruvchining professionalligi.[15]
6. Bir vaqtning o‘zida bir nechta mahalliy tarmoqlarda bitta ma’lumotlar bazasi bilan ishlashga imkon beruvchi masofaviy ish qobiliyati.
7. Avtomatlashtirishning asosiy vazifasi tizimga ma’lumotlarni bir marta kiritishdir, shuning uchun dasturni tanlash mezonlari ma’lumotlar almashinuvi va sinxronizatsiya mavjudligi.
8. Biznesni rivojlantirish va yangi buxgalteriya tizimlarini joriy etish qobiliyati.

9. Axborotni himoya qilish.
10. Taqdim etilgan buxgalteriya talablarini kengaytirish va hal qilinadigan vazifalar hajmini oshirishga moslashish qobiliyati.
11. Dasturiy mahsulot narxi. Bugungi kunda buxgalteriya dasturlarini yetkazib berishda yetakchi kompaniya 1C firmasi hisoblanadi.

Firma mahsuloti “1C: BUXGALTERIYA HISOBI” tashkilotning o‘ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda buxgalteriya siyosatining parametrlarini sozlash, dastlabki hujjatlarni yaratish, hisobotlarni tuzish, tashkilotlarda buxgalteriya hisobi talablariga muvofiq kataloglarni sozlash imkonini beradi [7, 8].

Bulutli texnologiyalarni buxgalteriya hisobida qo‘llash. Bugungi kunda eng mashhur raqamli texnologiyalardan biri bulutli texnologiyalardir.

Bulutli texnologiyalar Internet xizmati sifatida xotira yoki hisoblash kuchi kabi kompyuter resurslarini taqdim etishni nazarda tutadi.[13]

Ushbu texnologiyadan foydalanishning o‘ziga xos xususiyati shundaki, tashkilotlar qimmatbaho texnikani sotib olishlari, uni ta’mirlash uchun mutaxassislarni yollashlari yoki maxsus dasturiy ta’minotni o‘rnatishlari shart emas. Bulut xizmatlaridan foydalanish uchun Internetga kirish yetarli. Bulut texnologiyalarining eng oddiy namunasi virtual xotira, masalan, Yandex disk, DropBox, Google-drive. [16]

Binobarin, iqtisodiy taraqqiyot aynan ularga tayanadi, bu esa ushbu mezonlarning iqtisodiyot rivojlanishida avvalgiday muhim o‘rin tutishini bildiradi.

Shu o‘rinda iqtisodiy taraqqiyot misoli sifatida buxgalteriya hisobida "bulut" dan foydalanishning afzalliklari va kamchiliklarini ko‘rib chiqamiz. (1-jadval).[17]

1- jadval

Buxgalteriya hisobida "bulut" dan foydalanish

Afzalliklari	Kamchiliklari
xarajatlarni kamaytirishi	uchinchi shaxslarga ichki foydalanish ma’lumotlarini taqdim etish zarurati
masofaviy erkin foydalanish imkoniyati	elektron hisob-kitoblar foydalanuvchilarga bir xil standart to‘plam taklif qiladi
ishonchlilik (texnik nosozliklar xavfi minimallashtiriladi)	kerakli vaqtda internetga ulanishning yo‘qligi xavfi
har qanday vaqtda tizimda ishlash qobiliyati	kerakli darajadagi mutaxassislarning yetishmasligi

Xulosa va takliflar. Raqamli iqtisodiyot zamonaviy buxgalterning imkoniyatlarini kengaytirmoqda, buxgalteriya hisobi sifati va tezkorligini oshiradi, turli xil hisob-kitoblarni integratsiyalashning zamonaviy innovatsion yondashuvlarini shakllantiradi. Shaxsiy kompyuterlar va maxsus buxgalteriya dasturlari yordamida qog‘oz ishini avtomatlashtirilgan hisob bilan almashtirish buxgalterni muntazam ishdan ozod qilish va ularning ish natijalarini yaxshilash imkonini berdi.

Bugungi kunda buxgalterning kundalik faoliyatiga tatbiq etiladigan barcha onlayn buxgalteriya operatsiyalarini, banklarni va axborot texnologiyalari portfellarini ishlab chiqarish imkonini beruvchi maxsus Internet-xizmatlar paydo bo‘ldi. Bulutli texnologiyalar-axborotni saqlash va qayta ishlash uchun internetda bo‘sh joy ijarasi xizmati. Bulutli texnologiyalar buxgalteriya hisobi uchun foydalanish uchun yetarli afzalliklarga ega, ammo kamchiliklar ham mavjud, ularning asosiy qismi uzluksiz Internet aloqasi hisoblanadi.

Texnologiyadagi o‘zgarishlar buxgalteriyaning o‘zgarishiga olib keldi va shuning uchun bozning takliflarimiz quyidagilardan iborat:

- ✓ Buxgalteriya hisobi bo‘yicha ilmiy izlanishlar olib borgan olimlar va amaliyotchilarning asosiy tushunchalar modelini shakllantirish;
- ✓ Bu tushunchalar modelini qonunchilikda me’yoriy hujjatlarini ishlab chiqish;
- ✓ Yangi raqamli iqtisodiyotda buxgalteriya hisobi bo‘yicha ko‘rsatmalar va qoidalarni ishlab chiqishni talab qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoyevning 2020-yil 25-yanvardagi 2020 yil uchun eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi. https://kun.uz/uz/99444746.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni. Toshkent sh., 2018-yil 19-fevraldagi PF-5349 sonli. https://lex.uz/docs/3564970.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarori. Toshkent sh., 2018-yil 3-iyuldagi PQ-3832 sonli. https://lex.uz/docs/3806053.
4. Коржова О.В. Реализация в бухгалтерском учете информационных технологий в сфере цифровой экономики / О. В. Коржова, Л. В. Маркова // Научное обозрение. Педагогические науки. — 2019. — № 4-4. — С. 49-52.
5. Шамина Е.В. Перспективы внедрения автоматизированных технологий в бухгалтерский учет / Е. В. Шамина, А. А. Филимонов // Актуальные направления научных исследований XXI века: теория и практика. — 2018. — № 2 (38). — С. 129-132.
6. Сокерин П.О. Применение облачных технологий в бухгалтерском учете / П. О. Сокерин // Научные стремления. — 2019. — №. 25. С. 72-74.
7. Shokiraliyevich G. I. (2021). Role of information and communication technologies in accounting and digital economy. SOUTH ASIAN JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT RESEARCH, 11(5), 17-20.
8. С.В.Бочкова, Исследование применимости цифровых информационных технологии в сфере бухгалтерского учета / С. В. Бочкова // Развитие цифровой экономики в условиях деглобализации и рецессии. — 2019. — С. 634-656.
9. Тошмаматов, Н., Исманов, И. Н., & Хожаев, А. С. (2019). О некоторых вопросах предмета бухгалтерского учета. Проблемы современной науки и образования, (12- 2 (145)).
10. Kunduzova, K. I. (2020). Ways to attract investment and improve its accounting. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(6), 216-221.
11. Нурматов О.Т. 2017 ПРОЦЕСС МОДЕРНИЗАЦИИ В УЗБЕКИСТАНА: ВЧЕРА И СЕГОДНЯ. Theoretical & Applied Science, 206.
12. Tohirovich, Q. N. (2021). International financial accounting standards in Uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(4), 328-333.
13. Savinova, G. A. (2020). Economic analysis and management of small businesses. ISJ Theoretical & Applied Science, 06 (86), 227-230.
14. Raximjonov Umidjon, Qudbiyev Nodir Tohirovich, & Qayumov, Nozimjon (2021). Bilvosita soliqlarning soliq tizimidagi tutgan o‘rni va ahamiyati. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural sciences, 1 (10), 719-723.
15. Shokiraliyevich, G. I. (2021). Role of information and communication technologies in accounting and digital economy. SOUTH ASIAN JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT RESEARCH, 11(5), 17-20.
16. Rakhimovich, F. I., & Rakhimovich, F. H. SOME ASPECTS OF ECONOMIC ANALYSIS IN THE ACTIVITIES OF ECONOMIC OBJECTS.
17. Jadval muallif tomonidan tuzilgan.

Т.Рахмонов, А.Хамдамов

Роль и значение автоматизации учета в цифровой экономике

Аннотация: В статье раскрывается актуальность происходящих изменений в бухгалтерском учете в условиях развития цифровых технологий, необходимость поиска хозяйствующими субъектами новых технологий управления для достижения и формирования конкурентных преимуществ. Предлагается внедрение облачных технологий в сфере бухгалтерского учета для повышения его эффективности и предотвращения ошибок. Преимущества и недостатки этих технологий описаны в основных принципах работы, а также их анализе.

Ключевые слова: цифровая экономика, цифровизация, учет, облачные технологии, база данных, информационные технологии, бухгалтерского учета.

T.Rahmonov, A.Hamdamov

The role and importance of accounting automation in the digital economy

Abstract: The article reveals the relevance of the changes taking place in accounting in the context of the development of digital technologies, the need for economic entities to search for new management technologies to achieve and form competitive advantages. It is proposed to introduce cloud technologies in the field of accounting to increase its efficiency and prevent errors. The advantages and disadvantages of these technologies are described in the basic principles of operation, as well as their analysis.

Keywords: digital economy, digitalization, accounting, cloud technologies, database, information technologies, accounting.

Дилфуза Ташназарова – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: мақолада мамлакатимизда амалда бўлган харажатларга оид Низом ва халқаро стандартлар қоидалари солиштирилиб таҳлил қилинган. Устама ишлаб чиқариш харажатларининг таркибий қисмлари халқаро стандартларга мувофиқ шакллантирилган. Ишлаб чиқариш харажатлари номенклатурасини ишлаб чиқишни корхоналарнинг ваколатига бериш таклиф этилган.

Калит сўзлар: маҳсулот таннархи, моддий харажатлар, тўғридан-тўғри материал харажатлар, меҳнат харажатлари, устама ишлаб чиқариш харажатлари, қайта ишлаш таннархи.

Кириш. Маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва маҳсулот бирлиги таннархини қисқартириш ўта долзарб масала ҳисобланади. Маҳсулот бирлиги таннархини 1% қисқартиришга эришиш ўртача ялпи фойдани 8-9%ларга ошириш имкониятини беради. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида “....Лойиҳаларга тўғри ечим топиш, маҳаллий материалларни ишлатиш орқали қурилиш қиймати ва таннархини бемалол 10 фоизга камайтирса бўлади. Бу ҳар йили 10 триллион сўмни иқтисод қилиб, бошқа эҳтиёжларга ишлатиш мумкин, дегани» [1] – деб таъкидлади. Бу ўз навбатида барча тармоқларда маҳсулот таннарх ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқ юритишни тақозо этади. Шу боис, маҳсулот таннархини ҳисоблаш тартибини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ўта долзарб масала ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Россиянинг ПБУ 10/99 “Ташкилот харажатлари” Низомининг 8-бандига асосан “Одатдаги фаолият турлари бўйича харажатларни шакллантиришда қуйидаги элементлари бўйича гуруҳлаштириш таъминланиши шарт: моддий харажатлар; меҳнат ҳақи харажатлари; ижтимоий мақсадларга ажратмалар; амортизация; бошқа харажатлар”. [3] Ушбу Низомда харажат моддалари ташкилот томонидан мустақил белгиланиши алоҳида таъкидланган. Ушбу таснифланиш бир қанча манбаларда [6] ҳам келтирилган. Жумладан О.Воробьева [5] таннархи элементларига материал, меҳнат ҳақи, амортизация ва бошқа харажатларни киритиб, уларнинг таркибий қисмларини келтиради.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни олиб боришда қиёсий таҳлил, статистик гуруҳлаш, иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда амалда бўлган харажатлар таснифи Россия амалиётида қабул қилинган Низомдаги тартибга айнан мувофиқ келади.

Моддий харажатларнинг таркибий элементлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомда барча моддий харажатлар бир гуруҳда акс эттирилган.

Ўзбекистондаги “Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом” ҳамда 2-сон БҲХС “Захиралар” стандартлар харажатларнинг таркибини солиштириш натижаларини қуйидаги жадвалда расмийлаштирамиз (1-жадвал)

1-жадвал

Харажатлар моддаларига оид халқаро стандартлар ва Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомдаги қоидаларни солиштириш

2-сон БҲХС “Захиралар” стандартига мувофиқ [4]	Ўзбекистон Республикаси “Харажатлар таркиби тўғрисидаги” Низом
1. Захираларни харид қилиш таннархи - харид нархи, импорт пошлиналари ва бошқа солиқлар (солиқ органлари томонидан белгиланган тартибда қопланиладиганлардан ташқари), шунингдек транспортировка харажатлари ортиш-тушириш харажатлари, тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хизматлар хариди билан боғлиқ бошқа харажатларни қамраб	Ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда).

олади. Савдо чегирмалари, нархидан тушишлар ва бошқа шунга ўхшаш моддалар харид таннархини аниқлашда чегириб ташланади.	
2. Қайта ишлаш харажатлари (стандартнинг 12-банди). Захираларни қайта ишлаш харажатларига маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган **тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари** ҳамда хом-ашё ва материалларни қайта ишлаб тайёр маҳсулотга айлантириш жараёнида юзага келган **доимий ва ўзгарувчан устама ишлаб чиқариш харажатларини** қамраб олади. Доимий устама ишлаб чиқариш харажатлари – бу ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган билвосита ишлаб чиқариш харажатлари улар нисбатан ўзгаришсиз қолади. Уларга: амортизация ва ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш бинолари, асбоб-ускуналари ва фойдаланиш ҳуқуқи кўринишидаги активларга хизмат кўрсатиш; ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқарув ва маъмурий харажатлар. Ўзгарувчан устама ишлаб чиқариш харажатлари – бу ишлаб чиқариш ҳажми тўғридан тўғри ёки амалий тўғридан-тўғри боғлиқликда бўлган билвосита ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади Уларга: билвосита хом-ашё харажатлари; билвосита меҳнат ҳақи харажатларини киритиш мумкин.	Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари; Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар; Асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси; Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.
3. Бошқа харажатлар (стандартнинг 15-банди) 15. Бошқа харажатлар захиралар таннархига шундай даражада қўшиладики, қайсики ушбу харажатлар захираларни жорий жойлаштириш жойини ҳамда ҳолатини таъминлаш учун йўналтирилади.	

Ушбу солиштириш натижасида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин бўлади:

Биринчидан, Бизнинг фикримизча, халқаро стандартда захира дейилганда маҳсулотни ишлаб чиқариш учун асос бўлган асосий тўғридан тўғри (бевоста) материал тушунилади, қайсики ушбу материалдан ёки хом-ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқилади. Асосий материалларни қайта ишлаш жараёнида қўшиладиган материаллар ёки фойдаланиладиган ресурслар билвосита материал ҳисобланади. Улар захира таннархига киритилмайди, балки устама ишлаб чиқариш харажатлари таркибида бўлади. **Иккинчидан**, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнат харажатларини ҳам икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари ва билвосита меҳнат харажатлари. Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари аниқ таннарх объектига бевосита олиб борилади. **Учинчидан,** “Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар”, “Асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси” “Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар” мазмун-моҳияти жиҳатидан устама ишлаб чиқариш харажатлари деб таснифлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги солиштириш асосида хулоса қилиш мумкинки, амалдаги “Харажатлар таркиби тўғрисидаги” Низомни такомиллаштириш зарурияти мавжуд. Биринчидан, ушбу Низомда харажатларни иккита категорияга ажратиш керак: тўғридан-тўғри материал харажатлар ва қайта ишлаш харажатлари. Қайта ишлаш харажатларини ўз навбатида иккита гуруҳга таснифлаш лозим: тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари ва устама ишлаб чиқариш харажатлари. Иккинчидан, бизнинг фикримизча, Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомда харажат моддаларини белгилаш ва таснифлаш масаласини корхоналарнинг ўзлари мустақил шакллантириш ваколатини бериш керак. Чунки, саноат корхоналарини оладиган бўлсак, битта саноат корхонасининг харажатлар номенклатураси бошқа саноат корхонасининг номенклатурасига ўхшамайди. Саноатда қурилишникидан кескин фарқ қилади, қишлоқ хўжалиги бутунлай бошқа хусусиятларга эга, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари эса



1-расм. Устама ишлаб чиқариш харажатларининг таркибий қисмлари.

харажатларни шакллантиришда ўзига хос хусусиятларга эга ҳисобланади. Уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган Харажатлар таркибини шакллантириш жуда мураккаб иш. Хатоликларга йўл қўйиш, барча жиҳатларни ҳисобга ололмаслик риски катта бўлади. Шу сабабли, халқаро стандартлар барча корхоналар учун умумий бўлган қоидаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланиб, харажатлар номенклатурасини шакллантириш мутлоқ корхонанинг мустақил иши деб қарайди. Шу сабабли, ҳар бир корхона ўзининг ҳисоб сиёсатида халқаро стандартлар

қоидаларига мувофиқ келадиган харажатлар таркибини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу тажрибалардан келиб чиқиб, устама ишлаб чиқариш харажатлари тансифини қуйида келтирамиз (1-расм):

Ушбу ишланма бир қанча аҳамияти билан ажралиб туради. Ишланмада амалдаги Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомдан фарқли ўлароқ, “устама ишлаб чиқариш харажатлари” гуруҳини киритиш таклиф этилди. Моддий харажатлардаги билвосита материал (асосий бўлмаган ёрдамчи материаллар) алоҳида модда сифатида акс эттирилиши керак. Ишлаб чиқаришда қўлланилган энергиянинг барча тури, ёқилғи харажатлари бу мазмун ва моҳияти жиҳатидан устама харажатдир. Билвосита меҳнат харажатлари ҳамда барча турдаги нафақалар бу устама харажатдир. Шу билан бир қаторда асосий фондларни ишчи ҳолатда тутиб туриш (жорий, ўртача ва мукаммал таъмирлаш) харажатлари, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси, ходимларни овқатлантириш, ишга олиб келиш ва кетиш, суғурталаш харажатлари, ишчиларнинг малакасини ошириш, техника хавфсизлаги, кафолат хизматлари бўйича харажатлар ва расмда акс эттирилган бошқа харажатлар устама ишлаб чиқариш харажатлари гуруҳига киритилган.

Хулоса ва таклифлар. Халқаро стандартларда, жумладан 2-сон БҲХС “Захиралар” стандартида захиралар таннархи унинг харид қилиш таннархи, қайта ишлаш таннархи ҳамда бошқа харажатлардан иборат эканлиги қайд қилинган. Мамлакатимизда амалда бўлган Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомда Ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда), Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар, Асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси, Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар гуруҳларидан иборат эканлиги кўрсатилган. Ушбу солиштиришлар натижасида номувофиқликлар мавжудлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилди. Жумладан, Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомда бевосита ва билвосита метериаллар битта гуруҳда келтирилган. Асосий материалларни қайта ишлаш жараёнида қўшиладиган материаллар ёки фойдаланиладиган ресурслар билвосита материал ҳисобланади. Улар захира таннархига киритилмайди, балки устама ишлаб чиқариш харажатлари таркибида бўлади. Шу боис, материални харажатларни тўғридан-тўғри материал харажатлар ҳамда билвосита материал харажатларга ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Худди шунингдек, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнат харажатларини ҳам икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари ва билвосита меҳнат харажатлари. “Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар”, “Асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси” “Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар” мазмун-моҳияти жиҳатидан устама ишлаб чиқариш харажатлари деб таснифлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомда харажат моддаларини ишлаб чиқиш ва таснифлаш масаласини корхоналарнинг ўзлари мустақил шакллантириш ваколатини бериш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.М. Мирзиёев. Архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. 06.07.2022. https://xabardor.uz/kr/post/prezident-qurilish-qiymati-va-tannarxini-10-foizga-kamaytirish-yolini-aytdi.
2. 2-МСФО. Запасы. https://finacademy.net/materials/standartu-msfo/msfo-ias-2-zapasy (муаллиф таржимаси)
3. Приказ Минфина России от 06.05.1999 N 33н (ред. от 06.04.2015) "Об утверждении Положения по бухгалтерскому учету "Расходы организации" ПБУ 10/99" (Зарегистрировано в Минюсте России 31.05.1999 N 1790). https://www.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc&base=LAW&n=179199&dst=100011#UVFBPHTmtKdc4TAo
4. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. https://lex.uz/acts/264422
5. О.Воробьева. Расчет себестоимости. https://upr.ru/article/raschet-sebestoimosti/

6. Д.Тараканов. Ресчет себестоимости: способы и приёмы. https://wiseadvice-it.ru/o-kompanii/blog/articles/raschet-sebestoimosti-produkcii/

Д.Ташназарова **Совершенствование учета себестоимости продукции в соответствии с международными стандартами** **Аннотация:** В статье сравниваются и анализируются нормы и правила действующих в нашей стране положения о составе затрат и международных стандартов. Составляющие производственных накладных затрат предложено формировать в соответствии с международными стандартами. Предложено дать полномочие предприятиям самостоятельно разрабатывать номенклатуру себестоимости продукции. **Ключевые слова**: себестоимость продукции, себестоимость материалов, прямые материальные затраты, затраты на оплату труда, производственные накладные расходы, затраты на переработку.	**D. Tashnazarova** **Improving product cost accounting in accordance with international standards** **Abstract:** The article compares and analyzes the norms and rules of the Regulations on the composition of costs in force in our country and international standards. The components of production overhead costs are proposed to be formed in accordance with international standards. It is proposed to authorize enterprises to independently develop product cost nomenclatures. **Keywords**: production cost, material cost, direct material costs, labor costs, production overheads, cost of conversion.

Темурбек Ҳусанович Турабоев – СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг ассистенти

КОРХОНАЛАРДА ЗАХИРАЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: мақолада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида 2-сон МҲХСлари ва 4-сон БҲМСларидаги умумий қоидаларни солиштириш натижалари акс эттирилди. Захиралар таннархини шакллантириш, уларни баҳолаш масалалари баён қилинган. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи тўғрисидаги ҳисоботнинг методологик тартиби асосланди. Захираларнинг бухгалтерия балансида таркибини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди.

Калит сўзлар: захиралар, ишлаб чиқариш корхоналари, молиявий ҳисобот, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, реализациянинг эҳтимол қилинаётган соф қиймати, адолатли қиймат, захиралар таннархи.

Кириш. Бугунги кунда Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида мавжуд корхона ва компанияларнинг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тузилиши ҳозирги давримизнинг талаби ва зарурати жуда каттадир. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш”[1] белгиланган. Ушбу Қарорни ижросини таъминлаш максадида Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 24 август 507-сон “Молиявий ҳисоботнинг халкаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисида” Низомни тасдиқлаш ҳақида Қарор қабул қилди. ПҚ-4611-сонли Қарорнинг 1-иловасининг 2-бандида “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга уйғунлаштиришни ҳисобга олган ҳолда уларни такомиллаштириш” белгиланган. Бу каби вазифаларнинг ҳал этилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг шиддат билан ўсишини таъминланиши учун катта қадам бўлиб ҳисобланади. Шундай корхоналарнинг

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори.

ривожланишини, материалллар таъминоти, материалл захиралари ва маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини ҳисоблаш методологиясини такомиллаштиришни, таннархни камайтиришнинг имкониятлари ва резервларини топишни, халқаро стандартларда ва тажрибаларда кўзда тутилган илғор тизимларини жорий қилишни зарурат қилиб қўймоқда.

Ваҳоланки, Молиявий Ҳисоботнинг Ҳалқаро Стандартларига исталган пайтда, тўғридан-тўғри ўтиб бўлмайди. Агарда тайёргарликсиз молиявий ҳисобот МҲХСлар бўйича трансформация қилинган тақдирда ҳам кутилган натижани бермайди. Шу боис, МҲХСларни биринчи марта қўллашда ёки миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботни трансформация қилишдан олдин ҳар бир халқаро стандартлар билан алоҳида танишиб ўрганиб чиқилиб ва энг асосийси миллий стандартлар билан солиштиришлар олиб борилиши лозим. Ҳозирги кунда ҳар қандай ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона бўлмасин материал захираларисиз, материалларнинг таъминотисиз корхона фаолият юритиш имконияти сустлашади ва ҳатто мумкин бўлмай қолади. Бугунги кунда захираларни тан олиш, уларнинг таннархини аниқлаш, баҳолаш ҳамда молиявий ҳисоботда акс эттиришга доир халқаро стандартлардаги масалаларини ва бу борада илғор хорижий тажрибаларни ёритиб бериш ўта долзарб масалалар сирасига киради. Бундан ташқари халқаро стандартларда келтирилган атамаларни мазмун-моҳиятини аниқлаштирш зарурати мавжуд.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили: Бу долзарб вазифаларни бажариш бўйича Молия вазирлиги, бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан бир қаторда олимлар ҳам кенг кўламли иш олиб бормоқдалар. Булар қаторига Ташназаров С.Н., Ризаев Н.К., Хайитбаев М.И., Ҳамдамов Б.К. ва бошқаларни киритиш мумкин[1].

Тадқиқот методологияси: Захиралар ҳисобини юритишда БҲХС ва МҲХСларидан фойдаланиш таснифи, таркиби, мақсади, БҲХС ва МҲХСлардан корхоналар ҳисоб ва ҳисоботларида қўллаш йўлларини тадқиқ қилишда биз томонимиздан тизимли ёндашув, солиштириш, дедукция, индукция, таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалари: Мақолада 4-сон БҲМС “Товар-моддий захиралар” стандартида келтирилган атамалар тавсифи, тамойиллар ва қоидалар 2-сон МҲХС “Захиралар” стандартидаги қоидалар билан солиштирилган.

Солиштирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, халқаро стандартлар ва миллий стандартлар ўртасида умумий қоидаларни белгилашда бир қанча фарқлар мавжуд. Жумладан:

- халқаро стандартда захираларнинг актив сифатида тан олинадиган таннархини ҳамда тегишли тушумни тан олгунга қадар келгуси даврларга ўтказиладиган суммасини аниқлашга устувор аҳамият қаратилган бўлса, миллий стандартда эса мулк ҳуқуқига тегишли бўлган ТМЗларнинг бухгалтерия ҳисоби услубиёти ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишини белгилаш, деб таърифланган. Фикримизча, стандартнинг мақсади кўпроқ ишлаб чиқарилган, сотилган захиралар ҳамда ҳали сотилмаган қолдиқдаги захиралар таннархини аниқлаш тартибини белгилашга қаратилиши мақсадга мувофиқдир.
- миллий стандартларда сотишнинг соф қиймати ва жорий қиймати тушунчаларининг мантиқан мазмунига аниқлик киритиш лозим. Бу тушунчаларни тўлиқ халқаро стандартдаги контекстида қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.
- миллий стандартимизда инвентар ва хўжалик анжомлари тушунчаси киритилган ва бу каби инвентарлар таркибини махсус асбоблар ва мосламалар, махсус ва санитария кийимлари, махсус пойабзал, кўрпа-тўшаклар, ёзув-чизув анжомлари, ошхона инвентари, шунингдек сочиқ-дастурхонлар мисолида келтиришимиз мумкин. Халқаро стандартларда “инвентар ва хўжалик анжомлари” тушунчаси мавжуд эмас. Уларнинг бир қисми ҳисоб сиёсатида

[1] Ташназаров С Н. Finance.uz, 23 08 2016й “Заҳиралар молиявий ҳисоботнинг методологик масалалари” ,
Ташназаров С.Н. “Товар-моддий заҳиралар таннархи ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил, 10 б.
Ризаев Н.К. “Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. Т.: ТДИУ, 6 апрель 2022 йил.
Хайитбаев М.И. “Товар-моддий захираларни баҳолаш ва уларга доир ахборотларни молиявий ҳисоботда очиб бериш хусусиятлари” “Экономика и финансы” илмий электрон журнали 2019 йил.
Ҳамдамов Б.К. “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари” Тошкент :. 2015 йил.

кўрсатилган тартибда машина ва асбоб-ускуналар таркибида ҳисобга олинади. Чунки, халқаро стандартларда асосий воситалар (мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар)га қиймати бўйича чегара қўйилмаган. Бир қисми эса материаллар таркибига киради ва умумий тартибда ҳисобга олинади. Шу боис, “инвентар ва хўжалик анжомлари” тушунчаси, уни тан олиш мезони ва мезонлардаги талаблардан қатъи назар таркибига киритиладиган моддаларини тўлиқ халқаро стандартларга мувофиқлаштириш керак. Бунинг учун қуйидаги йўналишларда ишларни амалга ошириш керак. Амалиётимизда асосий воситалар (“бино, машина ва асбоб-ускуналар”)ни тан олишда қиймати минимал иш ҳақининг 50 баробаридан кам бўлмаслиги керак” деган мезонни олиб ташлаш керак. Натижада, узоқ муддатга хизмат қиладиган моддий активларнинг таркибини халқаро стандартларда келтирилган мезонлар доирасида компаниялар ўзлари белгилаш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу тавсияларнинг қўлланилиши умумий қоидалардаги тафовутларни қисқартиради ва миллий молиявий ҳисоботни трансформациялаш жараёнини енгиллаштиради.

Тадқиқот олиб бораётган объектимиз, ишлаб чиқариш корхонаси бўлганлиги сабабли корхонада олиб борилаётган барча ҳисоботлар миллий стандартлар талабига мос ва уйғун тарзда олиб борилади. Бироқ корхонанинг ривожланиши, четдан янги инвесторларни жалб қилиниши ёки тайёр маҳсулотларини хориж мамлакатларига экспорт қилишлари учун харидорларни жалб қилишлари имкониятини юксалтириш мақсадида молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга трансформация қилиши ва кейинчалик бутунлай ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида юритилишини таъминлаши лозимдир.

2-сон МҲХС “Захиралар” стандартининг талабларига мувофиқ захиралар мажбурий тартибда қуйидаги миқдорлардан энг кичиги бўйича баҳоланиши шарт: таннархи ёки реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қиймати. Агар реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қиймати материалларнинг таннархидан паст бўлса, захира реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қийматида акс эттирилади. Акс ҳолда эса, яъни реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қиймати уларнинг таннархидан катта бўлса захира таннархда ифодаланади. Тадқиқотларимизда “ 4-сон БҲМС ва 2-сон МҲХСларидаги захиралар таннархи билан боғлиқ бўлган тушунчаларни халқаро ва миллий стандартларда белгиловчи қоидаларнинг акс эттирилиши ҳам кўриб чиқилган.

Бошқа устама харажатлар товар-моддий захираларни жорий ҳолатга ва жорий жойлаштириладиган жойига келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар бўлиб, халқаро стандартлар талабларига мувофиқ уларни ҳам маҳсулот таннархига киритиш қабул қилинган. Бундай харажатларга мисол қилиб аниқ мижозлар учун маҳсулотлар бўйича қилинадиган қўшимча ишланмалари харажатларни ҳамда захираларни жорий жойига келтириш билан боғлиқ меҳнат ҳақи ва транспорт харажатларини киритиш мумкин. Бу харажатларни стандарт талабларига мувофиқ захиралар таннархига киритиш мантиқан тўғри бўлади.

Юқоридагилар асосида хулоса қилиш мумкинки, захиралар таннархи (ЗТ) бу захиралар харид таннархи (ЗХТ), захираларни қайта ишлаш таннархи (ЗҚИТ) ва плюс бошқа устама харажатлари (БУХ) йиғиндисидан иборатдир. Буни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$ЗТ = ЗХТ + ЗҚИТ + БУХ$$

Юқорида қайд этилган таклиф ва тавсиялар захиралар таннархини тўғри шакллантириш ҳамда захираларга оид ахборотларни молиявий ҳисоботда халқаро ва миллий стандартлар талабларига мувофиқ ҳолда акс эттириш имкониятини беради ҳамда миллий стандартларимизни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар: Олиб борилган тадқиқотларимиз юзасидан хулоса қиладиган бўлсак, захираларга оид атамалар тавсифи ва уларнинг таркиби бўйича белгиланган қоидаларни солиштириш натижасида халқаро стандартлар ва миллий стандартлар ўртасида умумий қоидаларни белгилашда бир қанча фарқлар мавжудлиги ва уларни бир-бирига мувофиқлаштириш бўйича таклифлар қилишга имконият яратди. Шу боисдан корхонада товар-моддий захиралар (материаллар)нинг баҳоланиши ҳамда уларнинг халқаро стандартлар билан мослашишида қуйидаги тавсиялар келтирилди:

- молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича . Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ижросини ўз вақтида амалга ошириш;
- корхонада материаллар ҳисобининг юритилишини автоматлаштиришни;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи тўғрисидаги ҳисоботни тузиш зарурлигини;
- бухгалтерия балансини кенг ахборот фойдаланувчиларга тақдим этиш ва нашр эттириш мақсадида товар-моддий захираларни таннархи бўйича битта сатрда акс эттириш бўйича таклиф берилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 507-сон Қарори “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисида” Низом.

3.Ташназаров С.Н. Finance.uz, 23 08 2016й “Захиралар молиявий ҳисоботнинг методологик масалалари” ,

4.Ташназаров С.Н., “Товар-моддий захиралар таннархи ва уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш масалалари” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил, 10 б.

5. Ташназаров С.Н. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари”. Тошкент :. 2017 йил.

6. https://www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий сайти.

7. https://www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти.

Т.Турабоев

Совершенствование учета резервов на предприятиях на основе международных стандартов

Аннотация: в статье отражаются результаты сравнения общих правил на МСФО №2 и НСБУ №4 в условиях модернизации экономики. Описываются вопросы формирования себестоимости запасов и их оценки. Обоснован методологический порядок составления отчета о себестоимости произведенных продуктов. Разработаны предложения по совершенствованию состава запасов в бухгалтерском балансе.

Ключевые слова: товарно-материальные запасы, производственные предприятия, финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности, вероятная чистая цена продажи, справедливая стоимость, стоимость запасов.

T.Turaboev

Improving reserve accounting at enterprises on the basis of international standards

Abstract: the article is devoted results of comparisons 2-IAS and 4-NAS in the condition of modernization of economy. In the article is described the formation of the cost of inventories and their evaluation. The methodological procedure for compiling a report on the cost of manufactured products is substantiated. Proposals have been developed to improve the composition of reserves in the balance sheet.

Keywords: inventory, manufacturing enterprises, financial reporting, IFRS, probable net realizable value, fair value, inventory value.

Эшпулатова Зайнаб Баратовна – СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

ДАРОМАДНИ ТАН ОЛИШ: ОПЕРАЦИЯ НАРХИНИ БАЖАРИЛИШЛАРГА ОИД МАЖБУРИЯТЛАРГА ТАҚСИМЛАШ

Аннотация: МҲХСларига ўтиш жараёни синчковлик билан ўрганишни ва бухгалтерия ҳисоби объектларини баҳолаш бўйича методик ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Ушбу мақолада 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар”га мувофиқ операция нархини бажарилишларга оид мажбуриятларга тақсимлаш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: тушум, операция нархи, бажарилишларга оид мажбуриятлар, алоҳида сотишнинг баҳоси, активлар устидан назорат.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Шу боис, бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири бу МҲХСларини ўрганиш ва уни жорий қилиш бўлиб ҳисобланади. МҲХСлари халқаро профессионал ташкилотлар томонидан яратилган халқаро ҳужжат бўлиб, дунё бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил этишнинг принципларини акс эттиради. Бизнинг олдимизга халқаро стандартларни ўрганиш, таълим соҳасига тўлиқ киритиш, корхона ва ташкилотларда МҲХСларига мувофиқ ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш, молиявий ҳисоботларни халқаро принциплар бўйича тақдим этиш вазифаси қўйилмоқда. МҲХСларини жорий қилиш олий таълим тизимида “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” соҳасини ислоҳ қилишни тақозо этади. Стандартларни ўрганиш ҳар бирига алоҳида ёндашишни, ҳар бир стандартнинг моҳиятини очадиган ўқув-услубий материалларни тайёрлаш, МҲХСларнинг қўлланилишини амалий мисолларда кўрсатиб бериш ҳамда шу асосда халқаро стандартлар бўйича ўзбек тилидаги атамаларни яратиб бориш ўта муҳим аҳамият касб этади. МҲХСлари яхлит бир тизим бўлиб, битта стандартнинг қўлланилиши бошқа стандартларни ҳам бир вақтда қўллашни тақозо этади. Тадқиқот ишларимиз корхоналарнинг даромадларини тадқиқ қилишга қаратилганлиги боис, асосий фаолият билан боғлиқ бўлган тушумларни ҳисобга олиш қоидаларини белгилаб берувчи стандарт 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандартини ўрганиш, уни қўллаш бўйича Ўзбекистон компанияларига тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда ҳисоб сиёсатини тузиш бўйича услубий тавсиялар бериш ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, тадқиқот мавзуси ўта долзарб мавзуга бағишланган.

Тадқиқотнинг методологияси. Тадқиқот ишида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, абстракт-мантиқий фикрлаш, бухгалтерия ҳисоби, статистика, иқтисодий таҳлил ҳамда иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мамлакатимиз олимларининг ишларида даромадларни тан олиш, баҳолаш, фойда вёки зарарларни аниқлаш ва ҳисоботда акс эттиришнинг услубий масалалари тадқиқ этилган. А.З.Авлокулов [1] илмий ишларида молиявий натижалар кўрсаткичлари бўйича ахборот қамровини кенгайтиришда прагматик концепцияни қўллаш таклиф этилган ҳамда ҳисобот назоратининг уч босқичли алгоритми ишлаб чиқилган. У.Тўлаев[2] томонидан молиявий натижаларни шакллантиришнинг назарий, меъёрий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. С.Н.Ташназаров[3] томонидан фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисоботнинг халқаро стандартларга мувофиқ келадиган шакли таклиф этилган.

Таҳлил ва натижалар. 15-сон МҲХСларида тушумни тан олишнинг бешта босқичдан иборат моделини таклиф этилган: 1. Харидорлар билан шартномаларни идентификация қилиш; 2. Шартномалар бўйича бажарилишларга оид мажбуриятларни идентификация қилиш; 3. Операция нархини аниқлаш; 4. Операция нархини шартнома бўйича бажарилишларга оид мажбуриятлар ўртасида тақсимлаш; 5. Компания бажарилишларга оид мажбуриятни бажарганда тушумни тан олиш. Тақдим этилаётган тадқиқот ишимизда тушумни тан олишнинг тўртинчи ва бешинчи босқичларининг мазмуни ва қўлланилиш тартиби масалалари билан танишиб чиқамиз.

Тушумни аниқлашнинг муҳим босқичларидан бири “**операция нархини шартнома бўйича бажарилишларга оид мажбуриятлар ўртасида тақсимлаш”** деб аталади. 15-сон МҲХСда операция нархини бажарилишларга оид мажбуриятларга тақсимлашда аниқ услубий тартибларни белгилаб берган, қайсики унга мувофиқ операция нархи унинг таркибига кирувчи бажарилишларнинг ҳар бири алоҳида сотилгандаги қийматига мутонасиб равишда тақсимланади. С.Крапивенцова[4] тушумларни тан олиш принциплари ва уларни Россия счетлар режасида қўллаш масаласини кўриб чиққан. М.Суконкина[5] 15-сон МҲХСларига мувофиқ тушумни аниқлаш қоидаларини қазиб олиш саноатида қўллаш масалаларини тадқиқ қилган. Александр Бугаев[6] қурилиш ташкилотларда шартномалар ҳисоби бўйича тушумларни тан олиш тартибини кўрсатиб берган. И.А. Лавровская[7] 15-сон МҲХСларининг қўлланилиши молиявий соғломлаштиришнинг энг муҳим омили сифатида қарайди.

Мисол учун биринчи босқич моделини қараб чиқамиз. Ташкилот асбоб-ускунани “асбоб-ускуна-ўрнатиш-техник хизмат кўрсатиш” пакетида амалга оширилади. Компания пакетни 100 млн сўмга сотди. Пакет ўз ичига асбоб-ускуна, уни ўрнатиш ва бир йил давомида техник хизмат кўрсатишни ўз ичига олади. Ҳар бири алоҳида идентификацияланадиган бажарилишларга оид мажбурият сифатида тан олинади. Агарда уларнинг ҳар бири алоҳида сотилганда эди асбоб-ускуна 68 млн, ўрнатиш 20 млн, ҳар ойлик техник хизмат кўрсатиш 2 млн сўмга амалга оширилган бўлар эди. Тақдим қилинган чегирма суммасини аниқлаймиз:

Ҳар бири алоҳида сотилгандаги қиймати: 68 +20 + (2 х 12) = 112 млн сўм

Харидорга пакетни сотишда тақдим қилинган чегирма суммаси: 112 -100 = 12 млн сўм. Қуйидаги жадвални тузамиз (1-жадвал):

1-жадвал

Операция нархини бажарилишларга оид мажбуриятларга тақсимлаш[1]

Бажарилиш-ларга оид мажбуритлар	**Ҳар бири алоҳида сотилганда-ги қиймати**	**Ҳиссаси**	**Чегирма суммаси тақсимоти**	**Операция нархининг тақсимоти**
Асбоб-ускуна	68	$\frac{68}{112}100\% = 60.7\%$	$\frac{12 \text{ x } 60.7\%}{100\%} = 7.28$	68 – 7.28 = 60.7
Асбоб-ускунани ўрнатиш	20	$\frac{20}{112}100\% = 17.9\%$	$\frac{12 \text{ x } 17.9\%}{100\%} = 2.15$	20 – 2.15 = 17.9
Техник хизмат кўрсатиш	24	$\frac{24}{112}100\% = 21{,}4\%$	$\frac{12 \text{ x } 21.4\%}{100\%} = 2.57$	24-2.57 = 21.4
Жами	**112**	**100%**	**12**	**100 млн. сўм**

Халқаро стандарт товар ва хизматларнинг ҳар бирини алоҳида сотишнинг баҳоси кўрсаткичига таъриф беради. Унга мувофиқ, “**ҳар бирини алоҳида сотишнинг баҳоси** – бу баҳо бўлиб, қайсики ташкилот харидорга ваъда қилинган товарлар ва хизматларни алоҳида сотади”.

Товар ва хизматларни ҳар бирини алоҳида сотишнинг нархини баҳолашда қуйидаги мақбул бўлган методлардан фойдаланилади:

(a) бозор баҳосига тўғирлашга асосланган ёндашув – ташкилот ўзининг маҳсулотларини сотадиган бозорнинг таҳлилини ўтказиши ва ушбу бозордаги харидор шу товар ва хизматлар учун тўлашга рози бўладиган нархни асос қилиб олишлари мумкин;

(b) маржани ҳисобга олган ҳолда кутилаётган харажатлар – ташкилот ўзининг бажарилишларга оид мажбуриятларини бажаришда кутилаётган харажатларни прогноз қилиши ҳамда ушбу товар ёки хизматлар учун тааллуқли маржани қўшади;

(c) қолдиқ ёндашув – ташкилот ҳар бирини алоҳида сотишнинг нархини операциянинг умумий нархи бўйича ваъда қилинган бошқа товар ва хизматларнинг кузатиладиган алоҳида баҳосини чегириш асосида аниқланади. Бироқ қолдиқ методи қуйидаги мезонлардан биронтасига жавоб берган тақдирда тан олинади:

(i) ташкилот битта ёки айнан шу товар ва хизматларни турли хил харидорларга сотади (бир вақтнинг ўзида) ва бунда салмоқли фарқ қилинидиган суммаларни олади (яъни сотиш нархи юқори даражада ўзгарувчан, қайсики алоҳида сотишнинг типик баҳоси ўтган ёки бошқа тасдиқланган кузатишлар асосида аниқ бўлмайди);

(ii) ташкилот бундай товар ёки хизматлар нархини белгиламаган, товар ва хизматлар олдин алоҳида сотилмаган.

Кейинги босқич **“Компания бажарилишларга оид мажбуриятларни бажарганда**

[1] Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

тушумни тан олиши” деб аталиб**,** ушбу босқич тушумни тан олиш бўйича якунловчи босқич ҳисобланади**.** Ташкилот бажарилишларга оид мажбуриятларни харидорга ваъда қилинган товар ёки хизматларни узатиш орқали бажарса, тушумни тан олиши шарт.

Тушум харидорга ваъда қилинган товар ёки хизматлар устидан назоратни ўтказиш воситасида бажарилишларга нисбатан мажбуриятларнинг бажарилиши боробарида тан олинади.

Ташкилот тушумни тан олишда иккита ёндашувдан келиб чиқади:

- бажарилишларга оид мажбуриятлар аниқ вақт моментида бажарилади;
- бажарилишларга оид мажбуриятлар аниқ давр давомида бажарилади.

Вақтнинг аниқ моментида амалга ошириладиган бажарилишларга оид мажбуриятлар. Агарда мажбуриятлар аниқ вақт моментида бажарилса, ташкилот харидор қачон қайси вақт моментида ваъда қилинган активлар устидан назоратни олиш вақти моментини аниқлаши лозим бўлади.

Активлар устидан назорат ундан фойдаланиш услубини аниқлаш қобилиятига ҳамда активдан қолган барча нафларни амалий жиҳатдан ўзлаштиришни қамраб олади. Назорат ўз ичига бошқа ташкилотлар томонидан ушбу активдан наф олишига монелик қилади.

Вақтнинг аниқ моментида бажариладиган бажарилишларга оид мажбуриятлар вақт даври давомида бажариладиган бажарилишларга оид мажбуриятларнинг мезонларига жавоб бермаган ҳолларда тан олинади.

15-сон МҲХСга мувофиқ харидор актив устидан назоратни қўлга олишининг бешта мезонини кўзда тутади:

- компанияда тўловга доир ҳуқуқ амал қилиши юзага келади;
- харидорда мулк ҳуқуқи юзага келади;
- харидорда жисмоний эгалик қилиш ҳуқуқи юзага келади. Бироқ, жисмоний эгалик қилиш актив устидан назорат қилиш билан ҳамма вақт ҳам мос келавермайди;
- харидор активга мулк ҳуқуқи билан боғлиқ салмоқли риск ва нафларга тортилади;
- харидор активни қабул қилиб олади.

Давр давомида бажариладиган мажбуриятлар. Компания товар ёки хизматлар устидан назоратни давр давомида олиб боради, бажарилишларга оид мажбуриятни бажаради ва давр давомида тушумни тан олади, агарда қуйидаги мезонлар бажарилса:

(а) Харидор бир вақтнинг ўзида компания фаолияти натижаларидан нафни уни компания томонидан амалга ошириши боробарида қабул қилиб олади ва бир вақтнинг ўзида истеъмол қилади (масалан, хизмат кўрсатиш, хусусан операцияларни қайта ишлаш ёки хавфсизликни таъминлаш);

(б) компания фаолиятининг натижалари активларни яратиш ва сифатини оширишга олиб келади (масалан, тугалланмаган ишлаб чиқариш), қайсики бунда харидор уни яратиш ёки сифатини ошириш баробарида уни назорат қилиб боради. Яратилаётган актив моддий ёки номоддий бўлиши мумкин. Бундай келишувларга қурилиш ёки ишлаб чиқариш бўйича шартномаларни мисол келтириш мумкин. Бунда харидор тугалланмаган ишлаб чиқаришни назорат қилади. Бошқа бир мисол қилиб натижалари тўлиқ харидорга тааллуқли бўлган тадқиқотлар ўтказиш ёки ишланмаларни яратиш бўйича шартномаларни ҳам киритиш мумкин.

(с) компаниянинг фаолияти натижалари компания учун активдан альтернатив фойдаланиш имконияти билан унинг яратилишига олиб келмайди ва компания жорий санагача якунланган фаолият натижалари учун тўловга ҳуқуқий ҳимояси таъминланган ҳуқуқини юзага келтиради.[8]

15-сон МҲХСнинг 39-бандига мувофиқ “ташкилот давр давомида бажариладиган ҳар бир бажарилишларга оид мажбуриятлар бўйича давр давомидаги тушумни бажарилишларга оид мажбуриятларнинг бажарилиш тўлиқлиги даражасини баҳолаш асносида тан олишлари лозим”.

Бундан келиб чиқиб, менежерлар бажарилишларга оид мажбурият мажбуриятнинг вақт даври давомида бажарилишини аниқлагандан сўнг тушумни тан олиш муддатини белгилаш

учун унинг бажарилиш тўлиқлиги даражасини баҳолаши зарур. Бажарилиш тўлиқлиги даражасини баҳолашдан мақсад компания томонидан харидорга ваъда қилинган товар ёки хизматлар устидан назоратни узатишини акс эттириш бўлиб ҳисобланади.

Менежерлар бажарилиш даражасини баҳолашда турли хил методлардан фойдаланишлари мумкин. Лекин, бундай танловда асосий мезон бўлиб танланган метод товар ёки хизматлар устидан назоратни узатиш жараёнини тўлақонли акс эттириши ҳисобланади.

Халқаро стандартларда қайд этилган ушбу методларнинг қўлланилиши молиявий ҳисоботларда тан олинаётган фойда ва зарарлар кўрсаткичининг ишончилиги ва объективлигини оширишга ҳамда ҳисоботларнинг шаффофлигини таъминлашга, шунингдек солиқ мақсадларида даромадларни тан олиш тартиб-тамойилларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкин, мамлакатимизда ташкилотлар жадал суръатлар билан МҲХСларига ўтмоқда. Шу боис, даромадларни тан олиш: операция нархини бажарилишларга оид мажбуриятларга тақсимлаш 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандарти асосида миллий ҳисоб тизимига жорий этиш давр талаби бўлиб ҳисобланади.

Биринчидан, энг муҳим концептуал стандартлардан бири бу 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандарти ҳисобланади. Ушбу стандарт бешта босқичдан иборат бўлган моделни жорий қилган. Мазкур моделнинг 3 ва 4-босқичлари мос равишда “Операция нархини шартнома бўйича бажарилишларга оид мажбуриятлар ўртасида тақсимлаш” ва “Компания бажарилишларга оид мажбуриятларни бажарганда тушумни тан олиши” деб аталади. Бугунги кунда корхонанинг ҳисоб сиёсатига ҳар бир босқичда амалга ошириладиган услубий тартиб қоидаларни киритиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, ишда амалий мисоллар ёрдамида операция нархини бажарилишларга оид мажбуриятларнинг ҳар бири алоҳида сотилгандаги қийматидаги ҳиссасига нисбатан чегирма суммасини тақсимлаш асосида аниқлаш ҳисоб-китоблари амалга оширилган. Ушбу кўрсатиб ўтилган ҳисоб-китоблар асосида операция нархини 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандартига мувофиқ тўғри аниқлаш имкониятини беради.

Учинчидан, стандарт талабларидан келиб чиқиб тушумни тан олишда бажарилган ишлар методи ҳамда амалга оширилган харажатлар методи ёрдамида тушумни тан олишнинг услубий тартиби мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарда амалиётга жорий қилиниши тушумларни ҳаққоний тан олиш ҳам фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлигини оширишга хизмат қилади.

Умумий хулоса қиладиган бўлсак, бугунги кунда корхонанинг ҳисоб сиёсатига ҳар бир босқичда амалга ошириладиган услубий тартиб қоидаларни киритиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз президентининг 4611-сон Қарори “ Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча натижаларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги асосан МҲХС ўтишни жаддалаштириш вазифалари қўйилган, бу эса ўз навбатида юқорида тадқиқотлар натижасида таклиф этилган операция нархини бажарилишларга оид мажбуриятларнинг 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандартига мувофиқ ҳар бири алоҳида сотилгандаги қийматидаги ҳиссасига нисбатан чегирма суммасини тақсимлаш асосида аниқлаш ҳисоб-китоблари операция нархини тўғри аниқлаш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Авлокулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати.Т.: 2019.71-б.
2. Н.Алимова. Замонавий меҳмонхоналарда кўрсатилаётган хизматлардан олинаётган даромадлар ҳисобининг муаммолари. http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/67029-zamonaviy-mhmonxonalarda-kursatilayotgan-xizmatlardan-olinayotgan-daromadlar-hisobining-dolzarb-muammolari
3. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1

4.Крапивенцова. МСФО (IFRS) 15 «Выручка по договорам с покупателями» https://delprof.ru/press-center/experts-pubs/msfo-ifrs-15-vyruchka-po-dogovoram-s-pokupatelyami/
5.МСФО на практике: МСФО (IFRS) 15 в добывающей отрасли https://www.bdo.ru/insights/ifrs-on-practice/msfo-15-metals-mining/
6. Александр Бугаев.Практическое применение положений МСФО 15 «Выручка по договорам с покупателями» при учете строитеных контрактов
https://promsfo.by/articles/element/prakticheskoe-primenenie-polozheniy-msfo-15-vyruchka-po-dogovoram-s-pokupatelyami-pri-uchete-stroite/
7. Лисовская Ирина Анатольевна. Переход к применению мсфо (iFRS) 15 и мсфо (iFRS) 16 как фактор изменения финансового состояния организации. Текст научной статьи по специальности «Экономика и бизнес»
8.З.Б.Эшпулатова. Корхоналарда даромадлар ҳисобини такомиллаштириш. 08.00.08-Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Диссертация-Т:-2022. 71-83 б

З. Эшпулатова **Признание дохода: распределение цен операций по обязательствам исполнения договора**	**Z. Eshpulatova** **Income recognition: distribution of transaction prices for contract performance obligations**
Аннотация: Процесс внедрения МСФО требует тщательного изучения и разработки методических подходов по оценке объектов бухгалтерского учета. В этой статье рассматриваются вопросы распределения цен операций по обязательствам исполнения согласно стандарта МСФО 15 “Выручка по договорам с покупателями”.**Ключевые слова:** выручка, цена операции, обязательства по исполнению, цена продажи каждого в отдельности, контроль над активами.	**Abstract:** The process of implementing IFRS requires a thorough study and development of methodological approaches for the assessment of accounting objects. This article discusses the distribution of transaction prices for contract performance obligations under IAS 15 Revenue from Contracts with Customers.**Keywords:** revenue, transaction price, performance obligations, selling price of each separately, control over assets.

Акмал Қудратович Эшонқулов – СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси ассистенти

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ ВА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада бюджет ташкилотларида молиявий назоратни ташкил этишнинг назарий ва услубий жиҳатлари келтириб ўтилган, тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар ўрганилган ва тегишли хулоса ва таклифлар берилган.
Калит сўзлар: бюджет ташкилотлари, молиявий назорат, солиқ, бухгалтерия ҳисоби, ички аудит, ташқи аудит, молия, операцион фолият.

Кириш. Давлат молиявий назорати оптимал бюджет ва солиқ сиёсатининг ишлаб чиқилиши ва самарали амалга оширилиши ҳамда давлат бюджетига ва иқтисодиётнинг ривожланишига тушумларнинг максимал даражада ўсишини таъминлашга хизмат қилади.

Давлат молиявий назорати бу давлатнинг асосий қонунларига таянадиган ва ҳокимият ҳамда бошқарув конкрет органлари иқтисодий-ҳуқуқий ҳаракатининг комплексли ва мақсадга йўналтирилган тизимидир.

Давлат молиявий назорати ЯИМ тақсимланишининг қиймат пропорцияларини кузатишга қаратилган. Бу назорат давлат молиявий ресурсларини шакллантириш, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушиб туриши ва улардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ бўлган пул ресурслари ҳаракатининг барча каналларига (тарқатилади) тегишли ҳисобланади.

Давлат молиявий назорати давлатнинг молия сиёсатини амалга оширишга ва молиявий барқарорлик учун шароитларни яратишга қаратилган. Бу нарса, энг аввало, барча даражалардаги бюджетлар ва нобюджет фондларни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, корхона ва ташкилотлар, банклар ва молиявий корпорацияларнинг

молиявий фаолияти устидан назоратни англатади. Агар умуммиллий иқтисодий манфаатлар билан белгиланган (аниқланган) бўлса, давлат молиявий назоратчилари ҳам давлат секторида, ҳам хусусий ва корпоратив бизнес секторида тафтиш ва текширишларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Бироқ иқтисодиётнинг нодавлат секторида давлат томонидан амалга ошириладиган молиявий назорат фақат солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳам қўшиб олган ҳолда давлат олдидаги пул мажбуриятларининг бажарилиши соҳаларини, уларга ажратилган бюджет субсидиялари ва кредитларини сарфлашда мақсадга мувофиқлилик ва қонунийликнинг риоя қилиниши ва шунингдек, ҳукумат томонидан ўрнатилган (белгиланган) пул ҳисоб-китобларини ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни юритиш қоидаларига риоя этилишини қамраб олади.

Албатта, бугунги кунда давлат молиявий назоратни амалга оширишда аудитнинг ўрни янада кучайиб боради. Аудиторлик ташкилотлари ва фирмалари кўрсатадиган хизматлар турлари ва ҳажмлари ҳам ортиб боради. Аудиторлик фирмалари бухгалтерия ҳисобига оид маслаҳатлар ва хизматлардан ташқари хўжалик юритувчи субъектларнинг молия хўжалик фаолиятларини иқтисодий таҳлил қилиш, солиққа тортишнинг қонунийлигини текшириш, бошқарув фаолияти ва ахборотларни олиш технологиясини такомиллаштириш, истеъмол бозорларини маркетинг қилиш, бозор шароитида моддий ишлаб чиқариш захираларини баҳолаш, бизнес режалар тузиш ва истиқболни белгилаш, банк ва суғурта ишлари бўйича маслаҳатлар бериш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланадилар.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Тадқиқотимизда давлат молиявий назорати тушунчасига берилган таърифларни бирма-бир ўрганиб, унинг ўзига хослигини очишга ҳаракат қиламиз.

Бланкенагель (1989) давлат молиявий назорати тушунчасига, тизимнинг ички текшируви ва асосий тамойиллари, сиёсий институтлар, давлат ва жамиятнинг энг муҳим хусусиятлари, жамиятда юзага келган кескинликни бартараф этишда ифодаланганлиги.

Данилевскийнинг (1992) фикрича “Молиявий назорат иқтисодиётни ва ишлаб чиқаришни бошқариш умумий механизмининг энг муҳим функциялари ва ажралмас қисми бўлгани ҳолда молиявий, кредит ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қамраб олади. Назорат соҳасига пул ифодасидаги товар-моддий бойликларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмол қилиш ва уларнинг муомалада бўлиши киради”[1].

Шохин ва Воронинанинг (1997) таърифича “Молиявий назорат деганда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар молиявий-хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини холисона баҳолаш, хўжалик ва молиявий операцияларнинг қонунийлигини ва мақсадга мувофиқлигини белгилаш ва давлат бюджети даромадларининг захираларини аниқлаш мақсадида ушбу фаолиятни назорат қилиш функцияларини бажарувчи давлат ва жамият органларининг кўп жиҳатли, кўп тармоқли назорат тизимини тушуниш лозим”[2]. Бундай талқин молиявий назоратни фақат тармоқлараро назорат тизими деб белгилайди ва турли назорат органлари назорат қилиш фаолиятининг ҳақиқий соҳасини ва шаклларини сезиларли даражада чегаралаб қўяди.

Бабич, Павлова (2003) фикрича, давлат молиявий назорати бу федерал бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг бюджетлари, пул айланишини ташкил қилиш, кредит ресурсларидан фойдаланиш, ички ва ташқи давлат қарзлари, давлат захиралари ҳолати устидан назорат фаолиятини амалга ошириш.

Бахран (2001) эса уни ижтимоий бошқарув функцияси сифатида тушунтиради.

Бурцев (2002) талқинича, тегишли меъёрий актлар билан давлат ҳокимияти органлари ва барча даражадаги маъмуриятларнинг (мансабдор шахсларнинг) фаолияти хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий оқимларини ва молиявий хўжалик фаолиятини бошқаришдаги тартиббузарликни аниқлаш, бартараф этишга қаратилган.

[1] Данилевский Ю.А., Мезенцева Т.М. Финансовый контроль в отраслях народного хозяйства при различных формах собственности, - М.: Финансы и статистика, 1992. –с 27.

[2] Шохин С.О., Воронина Л.И. Бюджетно-финансовый контроль и аудит. Теория и практика применения в России. - М.: Финансы и статистика, 1997. –с 14.

Васильева (2003) давлат бошқарув функцияси сифатида давлат сиёсатини амалга ошириш воситаси сифатида қарашга бўлган муносабат.

Грачева (2000) давлат молиявий назоратига молиявий ҳуқуқ сифатида қараган.

Козенко ва Федотова (2006), хўжалик юритувчи субъектнинг давлат ва унинг молиявий институтлари томонидан амалга оширилаётган молиявий сиёсатига бўлган эҳтиёжининг мувофиқлиги кўрсаткичи деб ҳисоблашган.

Химичев (2004), давлат ва унинг ҳудудларини самарали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг маблағларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги қонунларнинг мақсадга мувофиқлигини текшириш бўйича назорат органларининг фаолияти сифатида қараган.

Ялбулганов (1999), давлат органларининг фаолияти молиявий операцияларнинг қонунийлиги ва ишончлилигини белгилаш, фаолиятнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва учун захираларни идентификациялаш, бюджетга даромадлар тушумини ошириш ва давлат мулкини сақлаб қолиш ҳуқуқига эга махсус ташкилий шакллар ва усулларни қўллайди.

Тўлаходжаева (1998) эса ўзининг илмий ишларида давлат молия тизимида “Молиявий назорат - бу бажаришнинг кутилган натижаларини белгилаш, таҳлил қилиш, ўлчаш йўли билан олинган маълумотларни баҳолаш ва ўзгартирувчи таъсир ёки ҳаракатларни ишлаб чиқиш жараёнида бир бутун бўлиб ҳаракатланувчи назорат субъектлари, объектлари, шакллари, турлари, методлари ҳамда воситалари йиғиндисидир.[1]

Нуриддинова ва Шарапова (2014) фикрича: “Давлат молиявий назорати давлат ҳокимияти органларининг ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳуқуқий нормалари билан тартибга солинадиган давлат молиявий ресурсларининг шаклланиши, тақсиманиши мақсадга мувофиқ ва самарали ишлатилиши устидан, шунингдек, давлат ва маҳаллий мулкдан қонуний тарзда фойдаланиш устидан назорат қилиш юзасидан молиявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган мақсадли фаолиятдир”.

Мамлакатимиз Бюджет Кодексининг 3-моддасида Давлат молиявий назорати — “бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш мақсадида молиявий назорат объектларининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларини ўрганиш ҳамда таққослаш”[2] деб таъриф берилган.

Тадқиқот методологияси. Ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида мамлакат иқтисодиётида рақамли технологияларни ўрнини ошириш, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги йўналишларидан фойдаланиш. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт-мантиқий фикрлаш, гуруҳлаш, таққослаш, омилли таҳлил, танланма кузатиш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий назорат ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз ривожлантиришни, илмий техник тараққиётни тезлаштиришни, иқтисодиётнинг барча соҳаларида сифат кўрсаткичларини яхшиланишини таъминлашга, жамият иқтисодиётидаги иқтисодий самарадорликни рағбатлантириш, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ноишлаб чиқариш харажатларини имкон даражасида иқтисод қилишга йўналтирилади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг соҳалари ва тармоқларига сарфланаётган маблағларни мақсадли ишлатилиши устидан назорат тизими яратилган. Давлат бюджетидан сарфланаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан эса давлат молиявий назорати ўрнатилган. Давлат молиявий назорати тизимини қуйидагилар ташкил этади:

- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;

[1] Тўлаходжаева М.М. “Организация и методы финансового контроля в Республике Узбекистан” автореф. дисс. д.э.н. – Москва. 1998. 7 с.;

[2] Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси, 3-модда.

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси;
- Ташқи аудит;
- Ички аудит

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 170-моддасида ДМНни қуйидаги умумий вазифалари белгиланган, яъни:

республика даражасида — Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан;

маҳаллий даражада — Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг шакллантирилиши ҳамда ижро этилиши устидан назорат амалга оширилади.

Давлат молиявий назорат органлари давлат молиявий назоратини давлат молиявий назорат органлари ёки ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган назорат қилиш йиллик режаларига мувофиқ амалга оширади.

Айрим ҳолларда режадан ташқари давлат молиявий назоратини амалга оширишга:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;

давлат молиявий назорат органига бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисида маълумотлар келиб тушган ҳолларда давлат молиявий назорат органлари раҳбарларининг қарорлари асосида йўл қўйилади. Шу билан бир қаторда Бюджет Кодексининг 174, 175, 176, 177, 178-моддаларида давлат молияси назоратини амалга оширувчи субъектларнинг вазифалари аниқлаштирилган. Бизнинг фикримизча Бюджет кодексида ДМНни асосий йўналишлари аниқ кўрсатилиши ва шундан келиб чиқиб давлат молияси назоратини амалга оширувчи субъектларнинг вазифаларини белгилаб бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бизнингча ДМНни таъминлаш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

Ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги, мулк шакллардаги, фаолият (соҳа) турларидаги ташкилотларни, ташкилотлар, тадбиркорлар бирлашмаларини улар томонидан ўзларининг молиявий-хўжалик (тадбиркорлик) фаолияти жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи юридик нормаларни ўзида мужассам этган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши нуқтаи назаридан назорат қилиш ва ушбу муносабатларни бошқариш; давлат ташкилотларини улар томонидан ўзларининг молиявий-хўжалик фаолиятига тааллуқли якка тартибдаги ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши нуқтаи назаридан назорат қилиш. ДМНнинг ушбу вазифаси кўплаб кичик вазифаларни, масалан, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- давлат унитар корхоналарини, давлат иштирокидаги ёки давлат фаолияти билан ўта боғлиқ бўлган ташкилотларни улар молиявий-хўжалик фаолияти турли жиҳатларининг самаралилиги нуқтаи назаридан назорат қилиш (самарадорлигини баҳолаш); улар фаолиятининг (фаолият йўналишлари ёки сегментлари бўйича) мақсадга мувофиқлигини аниқлаш;

-давлат захираларининг ҳолатини ва улардан фойдаланишни назорат қилиш;

-ижро этилган давлат буюртмалари бўйича ҳисоб-китобларнинг ўз вақтидалигини назорат қилиш;

-давлат хизматлари кўрсатиш бўйича режа топшириқларининг бажарилишини ва давлат хизматларини кўрсатиш молиявий харажатлари нормативларига риоя этилишини назорат қилиш;

- квоталаш (муайян товарлар, ишлар, хизматлар бўйича муайян муддат учун миқдорий ва қиймат чекловларини жорий этиш)нинг қонунийлиги ва тўғрилигини ҳамда экспорт ва

бошқа квоталарга риоя этилишини назорат қилиш;

- хўжалик юритувчи субъектларга солиқ, божхона ва бошқа молиявий имтиёзлар ва устунликлар берилишининг қонунийлиги ва тўғрилигини назорат қилиш;

- давлат маблағлари кредит тизимида муомалада бўлиши, умуман пул муомаласини ташкил этишнинг тўғрилигини назорат қилиш;

- банк тизими томонидан бюджет маблағлари ўтказиш бўйича тегишли операциялар бажарилишининг тўлиқлиги ва ўз вақтидалигини назорат қилиш;

- давлат томонидан ташқи ва ички қарзлар жалб қилинишининг мақсадга мувофиқлигини, уларнинг мақсадли йўналтирилишини ва улардан фойдаланишнинг самаралилигини назорат қилиш; давлат ташқи ва ички қарзларининг ҳолатини, уларга хизмат кўрсатилишини ва уларнинг қайтарилишини назорат қилиш; хорижий давлатлар, уларнинг жисмоний ва юридик шахслари, халқаро ташкилотлар ва давлатлараро тузилмалар томонидан давлатимиз олдидаги ўз қарзлари қайтарилишининг ўз вақтидалигини, тўлиқлигини ва қайтариш тартибини назорат қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг лойиҳаларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва давлат молиясига дахлдор бўлган, яъни барча даражадаги бюджетлар давлат мақсадли фондлари ва бюджетдан ташқари фондларининг шаклланишига, ҳажмига ва ижросига бевосита ёки билвосита таъсир этувчи бошқа ҳужжатларни молиявий экспертизадан ўтказиш;

- тасдиқланган бюджетнинг барча турдаги ажратилган маблағлари ва тўловларининг тўғри (қонуний) ва иқтисодий асосланган тарзда тақсимланишини, сметалар ҳисоблашнинг тўғрилиги ва асослилигини назорат қилиш; Республика ва маҳаллий бюджетлар даромад ва харажат моддалари ҳамда давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари фондлари сметалари ижросининг тўлиқлиги, ўз вақтидалигини, таркибий мослигини ва мақсадли йўналтирилишини назорат қилиш; бюджетлар (сметалар) ижроси бухгалтерия ҳисобининг тўғрилигини ҳамда тегишли бухгалтерия ҳисоботларининг тўлиқлиги, аниқлиги ва тўғрилигини назорат қилиш; давлат бюджети (мақсадли ва бюджетдан ташқари фондлари)нинг даромадларини ошириш захираларини аниқлаш, нооқилона харажатларни қисқартириш, бюджет тақчиллигини камайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш; бюджетдан четга чиқишларга барҳам бериш ва умуман бюджет жараёнини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- бюджет маблағлари асосий тақсимловчилари, тақсимловчилари ва олувчилари томонидан ушбу маблағларнинг ажратилиши, тақсимланиши, олиниши, фойдаланилиши ва қайтарилиши шартларига риоя қилинишини текшириш;

- битимлар таъминоти сифатида тақдим этиладиган давлат молиявий ва мулкий кафолатлари (кафилликлари) берилишининг ва улар бўйича ҳисоб-китобларнинг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлигини назорат қилиш;

- давлат моддий бойликлари (ресурслари)нинг бут сақланишини, уларни сақлаш ва уларга хизмат кўрсатишнинг тўғрилигини, улардан фойдаланишнинг қонунийлиги ва тўғрилигини, уларни тасарруф этишнинг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги ва самаралилигини (масалан, биноларни ижарага беришнинг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлигини; ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини; сафарбар этилган захира моддий бойликларининг бут сақланишини, улардан фойдаланишнинг қонунийлиги ва оқилоналиги ва ҳоказоларни) назорат қилиш;

- давлат мулкининг номоддий объектларидан фойдаланишнинг тўғрилигини, уларни молиявий ресурсларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи тасарруф этишнинг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги ва самаралилигини назорат қилиш;

- мулк шаклларини ўзгартиришни ташкил этиш ва ўтказишнинг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги ва самаралилигини назорат қилиш;

- давлатнинг молиявий хавфсизлиги таъминланишини назорат қилиш.

Таъкидлаш лозимки, юқорида давлат молиявий оқимларини назорат қилишнинг фақатгина айрим, бизнинг назаримизда, энг муҳим вазифалари келтирилди. Шунингдек, вазифалар ўта умумлаштирилган кўринишда тақдим этилган, яъни вазифаларни ДМН

субъектлари ҳисобланган ижрочилар ўртасида тақсимлаган ҳолда деталлаштириш ва аниқлаштириш мумкин.

Ушбу вазифалар ДМНнинг умумий йўналтирилганлигини акс эттиради ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган алоҳида назорат органларининг вазифаларига аниқлик киритмайди. Бунда назорат органларининг ДМНнинг асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ёзилган кам сонли ва ҳамма вақт ҳам аниқ ифодаланмаган вазифалари давлат молиявий оқимларининг барча муҳим жиҳатларини тўлиқ назорат ва ялпи назорат билан қамраб олиш имконини бермайди. Боз устига, юқорида таъкидланганидек, назорат органларининг фаолияти кўп жиҳатдан бир-бирини такрорлайди, бу турли назорат органлари ўртасидаги молиявий оқимларни назорат қилишнинг барча жиҳатларини тўлиқ чегаралаш имконини бермайди.

ДМН назариясининг ўта муҳим масаласи – бу назорат параметрлари, яъни ДМН объектлари ҳолати ва фаолият кўрсатишининг нормалари. Бизнинг фикримизча, қуйидагиларни ДМН учун асосий параметрлар деб ҳисоблаш лозим:

- қонунийлик;
- мақсадга мувофиқлик;
- самарадорлик.

Ушбу параметрлар мавҳум бўлиб (яъни энг умумий тавсифни акс эттиради), муайян назорат тадбирларини амалга оширишда, албатта, уларга аниқлик киритиш лозим (масалан, солиқлар ва йиғимларни ўтказишнинг тўлиқлигини назорат қилишда, биринчи навбатда, ҳақиқий ўтказилган суммаларнинг қонун ҳужжатларида кўрсатилган ставкаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган суммаларга мос келиши даражаси аниқланади).

Бунда юқорида кўрсатилган параметрлар кўп сонли, лекин унчалик муҳим бўлмаган талабларнинг ўзига хос агрегатлари сифатида иштирок этади (масалан, мақбуллик, асослилик, тўлиқлик, аниқлик, ўз вақтидалик каби параметрлар шулар жумласидандир). Давлат молиявий маблағлари ўтказилишининг қонунийлигини текширишда барча ўрнатилган (пул ўтказмаларини амалга оширишнинг тўлиқлиги, аниқлиги, ўз вақтидалиги) талабларга риоя қилиниши даражаси аниқланади.

Шуни айтишимиз мумкинки, давлат молиявий назоратининг мақсади, вазифалари ва унга доир меъёрий талаблар унинг назарий ва услубий жиҳатларини акс эттиради ҳамда бу хусусида юқорида келтирилган мисоллар унинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштира олган.

Хулоса ва таклифлар. Давлат молиявий назоратини ташкил этишда назорат объектлари аниқ рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш лозим деб ҳисоблаймиз. Бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашувни чеклаш мақсадида фақатгина давлатга алоқадор бўлган ташкилотларни рўйхатини киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

1.Давлат молиявий назорати структурасини қайта кўриб чиқиш, Давлат молиявий назорати Бош бошқарманинг янги ташкилий тузилмасини ҳамда янги Низомини ишлаб чиқиш лозим.

2.Давлат молиявий назорат органларининг ўзаро ҳамкорлигини қонун ҳужжатлари билан аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ бўларди.

Давлат молиявий назорат органлари томонидан бюджет ташкилотларида амалга ошириладиган давлат молиявий назорати тадбирларини мувофиқлаштириш лозимдир.

3.Бюджет ташкилотларида назорат тадбирларини электрон шаклда рўйхатга олишни жорий этиш лозим.

Илмий тадқиқот ишимизда қуйдагича таклифларни бераман.

-ҳар бир туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган республика, вилоят ва туман (шаҳар) бюджетларидан молиялаштириладиган барча бюджет ташкилотларига хизмат кўрсатувчи юридик мақомга эга бўлган Ягона ҳисоб-китоб бюроси (маркази)ни ташкил этиш ва унга:

-ҳудуддаги ҳар бир бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш;

-барча бюджет ташкилотларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш ҳақидан

солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ва бошқа ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

- IV гуруҳ харажатлари учун тўловларни амалга ошириш;

-белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузиш вазифаларини юклаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Данилевский Ю.А., Мезенцева Т.М. Финансовый контроль в отраслях народного хозяйства при различных формах собственности, - М.: Финансы и статистика, 1992. –с 27.
2. Шохин С.О., Воронина Л.И. Бюджетно-финансовый контроль и аудит. Теория и практика применения в России. - М.: Финансы и статистика, 1997. –с 14.
3. Тўлаходжаева М.М. –Организация и методы финансового контроля в Республике Узбекистан‖ автореф. дисс. д.э.н. – Москва. 1998. 7 с.;
4. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси, 3-модда.

А.Эшонкулов

Теоретико-методологические аспекты организации внутреннего аудита и финансового контроля в бюджетных организациях

Аннотация: В данной статье представлены теоретико-методологические аспекты организации финансового контроля в бюджетных организациях, изучена литература по теме исследования, даны соответствующие выводы и предложения.

Ключевые слова: бюджетные организации, финансовый контроль, налог, бухгалтерский учет, внутренний аудит, внешний аудит, финансы, операционная деятельность.

A.Eshonkulov

Theoretical and methodological aspects of the organization of internal audit and financial control in budget organizations

Abstract: In this article, the theoretical and methodological aspects of the organization of financial control in budget organizations are presented, the literature on the research topic is studied, and relevant conclusions and suggestions are given.

Keywords: budgetary organizations, financial control, tax, accounting, internal audit, external audit, finance, operational activity.

Бобир Қиёмидинович Муфтайдинов – Андижон Қишлоқ хўжалиги ва агротехногиялар институти таянч докторанти,

КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР, УЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари кўрсатиб берилган. Унда корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир этувчи учта омил, яъни ўз маблағларининг умумий ҳажми, узоқ муддатли активлар ва товар-моддий захиралар ўзгаришларининг таъсирини иқтисодий таҳлилнинг занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш йўллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: молиявий барқарорлик, омиллар, омилли таҳлил, занжирли алмаштириш, бошқарув қарорлари.

Кириш. Атрофимизда содир бўлаётган барча иқтисодий-ижтимоий, табиий ҳатто сиёсий жараёнлар ҳам бир-бири билан ўзаро боғлиқ равишда содир бўлади. Умуман олганда барқарорлик жамият тараққиётини таъминлайдиган, аҳоли фаровонлигини оширадиган, рақобатбардошликни мустаҳкамлайдиган муҳим омиллардан биридир. Бу борада мамлакатимиз раҳбари Самарқандда ўтказилган “II Ўзбекистон халқаро иқтисодий форуми иштирокчиларига” йўллаган мурожаатномасида “мамлакатимизда 2022-2026 йилларда инклюзив ва **барқарор** (таъкид бизники – Б.М.) иқтисодий ўсишга эришиш, инсон капиталини ривожлантириш ва камбағалликни камида 2 баробарга қисқартиришни мақсад қилганмиз”[1], деб таъкидлади. Бундан кўриниб турибдики мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигига жуда кўп натижалар, хусусан аҳолининг фаровонлиги ҳам боғлиқ экан. Бу боғлиқлик албатта, ўз-ўзидан содир бўлмайди, уларнинг ўзгариши жуда кўп омилларга боғлиқ

[1] Шавкат Мирзиёевнинг “II Ўзбекистон халқаро иқтисодий форуми иштирокчиларига” йўллаган мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 4 ноябрь. 226 сон. – 1-бет.

бўлади. Шу туфайли иқтисодий таҳлилда ушбу иқтисодий жараёнлар ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаб, илмий асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиб, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини барқарорлигини таъминлаш лозим бўлади.

Иқтисодий барқарорлик таркибида молиявий барқарорлик масаласи ҳам мавжуд. Чунки иқтисодий барқарорлик барча активлар, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини қамраб оладиган бўлса, молиявий барқарорлик асосан субъектлар фаолиятини давом эттириш учун молиявий ресурсларнинг етарлилигини ўз ичига олади. Бугунги кунда корхоналар рақобат муҳитида фаолият кўрсатаётган экан, демак молиявий барқарор бўлмаса, касодга учраб, ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлиши мумкин. Шу туфайли молиявий барқарорликни узлуксиз таъминлаб туриш объектив заруриятдир. Бу эса, ушбу категорияни ифодаловчи кўрсаткичлар орқали баҳо бериб, ҳар бир кўрсаткичга таъсир этувчи омилларни ҳисоблашни тақозо қилади. Масаланинг ушбу жиҳати мазкур мавзунинг ўта долзарб муаммонинг ечимига бағишланганлигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Корхоналар молиявий барқарорлиги, уни ифодаловчи кўрсаткичлар, шу кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили билан мамлакатимиз ва хорижий олимлар шуғулланиб келмоқдалар. Булардан, Абдукаримов И.Т, Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В., Бариленко В.И., Бердников В.В., Бородина Е.И., Васильева Л.С., Петровская М.В., Волжин И.О., Эргашбаев В.В., Ковалёв В.В., Любушин Н.П., Палий В.Ф., Пардаев М.Қ., Мамасаотов Т.Х., Пардаев О.М., Патров В.В., Рахимов М.Ю., Каландарова Н.Н., Савицкая Г.В., Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С., Шоғиёсов Т.Ш., Сагдиллаева З.А., Урманбекова И.Ф. кабиларни эътироф этиш мумкин. Ушбу олимларнинг асарларида молиявий барқарорлик масаласининг у ёки бу жиҳатлари ёритилган. Жуда кўплаб кўрсаткичларни аниқлаш услубиёти тавсия қилинган. Аммо ушбу кўрсаткичларнинг омилли таҳлили, яъни натижа кўрсаткичининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ва уларни таҳлил қилиш йўллари кам ёритилган. Буни инобатга олиб, корхоналар молиявий барқарорлиги ўзгаришига натижа билан функционал боғлиқ бўлган омилларни аниқлаш услубиётини тадқиқ қилишни мақсад қилиб олди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар, уларнинг таснифи ва тавсифини ўрганиш ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқишда мантиқий, қиёсий ва солиштирма таҳлил, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, замон ва макон усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари бир қанча усуллар билан амалга оширилади. Бунинг учун энг аввало, ушбу кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқликларини аниқлаб олишни тақозо қилади.

Товар-моддий захираларнинг оборотдаги ўз маблағлари билан таъминланиш коэффициенти ($К_{тмз.\ оўм}$). Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун корхонанинг оборотдаги ўз маблағларини (Оўм) корхонанинг товар-моддий захираларига (Тмз) бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия этилади:

$$\text{Ктмз. оўм} = \frac{\text{Оўм}}{\text{Тмз}} :$$

Бунда “Оўм”ни топиш учун ўз маблағларининг умумий суммасидан узоқ муддатли асосий воситалар қиймати айрилади. Чунки ўша сумманинг таркибида айнан узоқ муддатга мўлжалланган асосий воситалар (активлар) суммаси ўз ўрнини топган. Бу қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Оўм} = \text{Ўм} - \text{Ума};$$

Бунда: Ўм – ўз маблағларининг жами суммаси (умумий ҳажми);

Ума – узоқ муддатли активлар.

Ушбу формуладаги кўрсаткичларни (1) формуладаги кўрсаткичга алмаштирсак қуйидаги натижа ҳосил бўлади:

$$\text{Ктмз. оўм} = \frac{\text{Ўм} - \text{Ума}}{\text{Тмз}} :$$

Ушбу формула бўйича хулоса қилинадиган бўлса, натижа кўрсаткичи ўзгаришига, яъни корхонанинг молиявий барқарорлигига учта омил таъсир қилганлигини кўриш мумкин.

1. Ўз маблағларининг умумий ҳажми.
2. Узоқ муддатли активлар.
3. Товар-моддий захиралар.

Мазкур формула ёрдамида натижа кўрсаткичининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни иқтисодий таҳлилнинг занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиб аниқлаш мумкин. Бунинг учун биринчи галда натижанинг фарқи (**ΔКтмз.оўм**) аниқланади. Бу қуйидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$\Delta\text{Ктмз.оўм} = \frac{\text{Ўм.ҳ}-\text{Ума.ҳ}}{\text{Тмз.ҳ}} - \frac{\text{Ўм.р}-\text{Ума.р}}{\text{Тмз.р}};$$

Натижа кўрсаткичи бўлган корхоналар молиявий барқарорлиги ўзгаришига биринчи омилнинг, яъни ўз маблағларининг умумий ҳажми ўзгаришининг таъсирини (**ΔКтмз.оўм.ўм**) аниқлаш учун натижани биринчи омилнинг ҳақиқий ўзгариши ва қолган омилларнинг режадаги миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($\frac{\text{Ўм.ҳ}-\text{Ума.р}}{\text{Тмз.р}}$) ва ундан натижанинг режадаги миқдори ($\frac{\text{Ўм.р}-\text{Ума.р}}{\text{Тмз.р}}$) айрилади. Бу қуйидаги формула орқали ҳисобланиши мумкин:

$$\Delta\text{Ктмз.оўм.ўм} = \frac{\text{Ўм.ҳ}-\text{Ума.р}}{\text{Тмз.р}} - \frac{\text{Ўм.р}-\text{Ума.р}}{\text{Тмз.р}};$$

Корхоналар молиявий барқарорлиги бўлган натижавий кўрсаткичга иккинчи омилнинг, яъни узоқ муддатли активлар ўзгаришининг таъсирини (**ΔКтмз.оўм.ума**) аниқлаш учун натижани шу иккинчи омилнинг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($\frac{\text{Ўм.ҳ}-\text{Ума.ҳ}}{\text{Тмз.р}}$) ва бундан натижанинг биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган миқдори ($\frac{\text{Ўм.ҳ}-\text{Ума.р}}{\text{Тмз.р}}$) айрилади. Ушбу омилнинг натижа кўрсаткичи ўзгаришига таъсири қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\Delta\text{Ктмз.оўм.ума} = \frac{\text{Ўм.ҳ}-\text{Ума.ҳ}}{\text{Тмз.р}} - \frac{\text{Ўм.ҳ}-\text{Ума.р}}{\text{Тмз.р}};$$

Корхоналар молиявий барқарорлиги ўзгаришига товар-моддий захиралар қиймати ўзгаришининг таъсирини аниқлаш (**ΔКтмз.оўм.тмз**) учун учинчи, яъни товар-моддий захиралар қийматининг ҳақиқий миқдори билан қайта ҳисоблаб олинади ($\frac{\text{Ўм.ҳ}-\text{Ума.ҳ}}{\text{Тмз.ҳ}}$) ва бундан натижанинг иккинчи омил ўзгариши билан ҳисобланган миқдори ($\frac{\text{Ўм.ҳ}-\text{Ума.ҳ}}{\text{Тмз.р}}$) айрилади. Буни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин бўлади:

$$\Delta\text{Ктмз.оўм.тмз} = \frac{\text{Ўм.ҳ}-\text{Ума.ҳ}}{\text{Тмз.ҳ}} - \frac{\text{Ўм.ҳ}-\text{Ума.ҳ}}{\text{Тмз.р}};$$

Корхоналар молиявий барқарорлиги ўзгаришига барча омиллар таъсирининг йиғиндиси натижанинг умумий фарқига (**ΔКтмз.оўм.**) тенг бўлади. Бу қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда ҳисобланади:

$$\Delta\text{Ктмз.оўм} = \Delta\text{Ктмз.оўм.ўм} \pm \Delta\text{Ктмз.оўм.ума} \pm \Delta\text{Ктмз.оўм.тмз};$$

Ушбу усулга амалий маълумотларни қўллаб ечадиган бўлса, корхоналар молиявий барқарорлиги ўзгаришига қайси омиллар ижобий таъсир қилган ва қайси омиллар салбий таъсир қилганлигига аниқлик киритиш мумкин. Таҳлил натижасида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ижобий таъсир қилган омилларни шу ҳолатда ушлаб туриш ва уни янада кучайтириш борасида, салбий таъсир қилган омилларга алоҳида эътибор қаратиб, ундаги камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқиш жараёнида аниқ бўлишича, бу борада анча камчиликлар борлиги аниқланди. Буларни бартараф қилиш учун қуйидаги тавсияларни беришни мақсад қилиб қўйилди.

Биринчидан, корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар жуда

кўплигига гувоҳ бўлдик. Биз методологик асос сифатида битта кўрсаткичга учта омилнинг таъсирини иқтисодий таҳлилнинг занжирли алмаштириш усулини қўллаб аниқлаш йўлларини кўрсатиб бердик.

Иккинчидан, ушбу омилларни аниқ корхоналар мисолида амалий маълумотларни қўллаган ҳолда ҳисоб-китоб қилинса, қайси омилнинг қай даражада таъсир қилганлигини билиш мумкин ва шунга асосан бошқарув қарорларини қабул қилиб, тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчидан, биз томонимиздан ишлаб чиқилган корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари ўқув адабиётларига киритилса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиб, корхоналар фаолиятига жорий қилинса, уларнинг барқарор тараққиёти таъминланган ва иқтисодий ўсишга эришилиб, аҳолининг фаровонлигини ошириш имкониятини яратган бўлинар эди.

Хулоса қилиб айтганда корхоналарнинг рақобатбардошлигини ва уларнинг барқарор тараққиётини таъминлаш учун молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, ҳисоблаш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г., Смагина В.В. Анализ финансова-хозяйственной деятельности предприятия. Учеб. Пособие. – Тамбов: Изд-во ТГУ им. Г.Р.Державина, 2005. – 600 С.
2. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» Нашриёт уйи. - 1998. -82-86 бетлар.
3. Бариленко В.И., Бердников В.В., Бородина Е.И. Экономический анализ. Учебное пособие. – М.: Эксмо, 2010. –352 С.
4. Васильева Л.С., Петровская М.В. Финансовый анализ. Учебник. – М.: КНОРУС, 2007. – 816 бет.
5. Вахабов А.В., Иброҳимов А.Т., Якубов У.К. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2015. – 368 бет.
6. Любушин Н.П. Экономический анализ. Учебник. 3-е издание. – М.: “ЮНИТИ-ДАНА”, 2013. – 575 С.
7. Максютов А.А. Экономический анализ. Учебное пособие. – М.: “ЮНИТИ-ДАНА”, 2015. – С. 543.
8. Палий В.Ф. Новая бухгалтерская отчетность: содержание, методика анализа, - М.: Журнал «Контроллинг», 1991 - 29-34 бетлар.
9. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. – Т.: “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”, 2022. - 588 бет.
10. Пардаев М.Қ., Мамасаотов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация – иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. Монография. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 104 бет.
11. Рахимов М.Ю., Каландарова Н.Н. Молиявий таҳлил. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2019. – 736 бет.
12. Савицкая Г.В. Комплексный анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. 6 – е изд.перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2014, - 607 с.
13. Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Методика финансового анализа. - М.: ИНФРА - М, 1996.
14. Шоалимов А.Х., Тожибаева Ш.А., Давлятов Х.М. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2014. – 236 бет.
15. Шогиясов Т.Ш., Сагдиллаева З.А., Урманбекова И.Ф. Экономический анализ. Учебник. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2017. – 432 С.

Б.Муфтайдинов

Факторы, влияющие на финансовую устойчивость предприятий, способы их определения и анализа

Аннотация: в статье показаны факторы, влияющие на финансовую устойчивость предприятий, их выявление и анализ. Показаны способы определения влияния изменения трех факторов, влияющих на финансовую устойчивость предприятий, то есть общего объема собственных средств, долгосрочных активов и товарно-материальных запасов, с использованием метода цепных подстановок экономического анализа.

Ключевые слова: финансовая устойчивость, факторы, факторный анализ, цепные подстановки, управленческие решения.

B.Muftaydinov

Factors affecting the financial stability of enterprises, ways of their determination and analysis

Abstract: the article shows the factors that affect the financial stability of enterprises, their identification and analysis. Methods are shown to determine the impact of changes in three factors affecting the financial stability of enterprises, that is, the total amount of own funds, long-term assets and inventories, using the chain substitution method of economic analysis.

Keywords: financial stability, factors, factor analysis, chain substitution, managerial decisions.

Тоҳир Толмас ўғли Саттаров – СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ассистенти

КОРХОНАЛАР ХУСУСИЙ КАПИТАЛ АУДИТИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ хусусий капитал аудити концептуал масалалари очиб берилган, хусусан халқаро стандартларга мувофиқ хусусий капитал аудити бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар берилган. Шунингдек, мақолада корхоналарда хусусий капитал аудитининг концептуал масалаларига қўйиладиган умумий талаблар кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Хусусий капитал, устав капитали, ҳуқуқ, улуш, соф фойда, хорижий амалиёт, умумий қиймат, инвестициялаш, капитал.

Кириш. Хусусий капиталнинг моҳияти, корхоналар фаолияти равнақида тутган ўрни ва аудит объекти сифатидаги таснифий асослари Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ҳар қандай корхона, фаолиятидан қатъи назар, хоҳ ишлаб чиқариш билан шуғуллансин, хоҳ хизмат кўрсатиш фаолияти билан боғлиқ бўлсин, ўзида моддий бойликлар ва пул маблағларидан ҳамда хўжалик фаолиятини юритиш учун амалга оширилган молиявий қўйилмалар йиғиндисидан ташкил топган капиталга эга бўлиши керак .

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш йўналишига тегишли муҳим ўзгаришлар киритилмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳам корхоналарда ҳам таълим соҳасида янгиликлар яратишга олиб келмоқда. Бу борада бир қатор ўзбекистонлик олимлар, жумладан, И.Т.Абдукаримов, Э.А.Акрамов, О.Бобожонов, А.В.Ваҳобов, Э.Ф.Гадоев М.М.Тўлаходжаева, Д.Кудбиев, Р.Д.Дўстмуродов, М.Э.Пўлатов, М.Қ.Пардаев, К.Б.Уразов, Р.А.Абдуллаев, Ҳ.Н.Мусаев, А.И.Аликулов, С.Н.Ташназаров, Д.Р.Рафеев, О.И.Неъматов, Д.Ж. Пашаходжаева, У.А.Ширинов, Б.Ф.Боронов, З.У.Мухаммадиев[1] ва бошқалар.

Шунингдек хорижий олимлардан И.Мельников, Е.Сивков, М.Стефанова, Ф.Броун, Г.Чжан, К.Б.Маккензи, Э.А. Аренс, Дж.К.Лоббек, Р.Робертсон, Додж, П.И.Камышанов, Hermanson, Roger H., James Don Edwards, Pizzey, В.Ф.Палий ва бошқалар ўз ишларида хусусий капитал тўғрисида ҳисоботни тузиш ва унинг аудитига кенг тўхталганлар, бу ҳақда уларнинг чоп этилган дарсликлари, ўқув қўлланмалари ва мақолаларидан билиб олиш мумкин.

Мазкур муаммо ечимига тизимли ёндашувлар мавжуд эмаслиги ва бошқа бир қатор сабаблар республикада аудиторлик фаолиятини ривожлантириш учун чуқур илмий

[1] [1] Уразов К.Б. Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби дарслик 2020 558 бет Абдуллаев Р.А. Бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. –Ташкент, 2011; Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. // Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2014. -384 б.; Абдукаримов Б.А. Корхона иқтисодиёти. Дарслик.//-Т.: Фан, 2005. -288 б.; Уразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш.–Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2004.–336 б.; 101. Urazov K. B. Buxgalteriya hisobi va audit: Oliy o‘quv yurtlari uchun.– T.: O‘qituvchi, 2004. –448 b.; Уразов К.Б., Вахидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик.- Т.: «Адиб», 2011. – 480 б; Уразов К.Б. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг долзарб муаммолари. //«Сервис» журнали.

[1] Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: иқтисод фан. док... дисс. автореф. – Т.: 2009. – 36 б.; Кудбиев Д. Учет и анализ основных фондов в торговле в новых условиях хозяйствования: автореф. дисс... док. экон. наук. – М., 1991; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари: иқтисод фан. док... дисс. – Т., 2004. – 345 б.; Дусмуратов Р.Д. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш: иқтисод фан. док... дисс. автореф. – Т., 2008. – 36 б.; Исманов И.Н. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари: иқтисод фан. док... дисс. автореф. – Фарғона, 2009. – 32 б.; – 24 б.; Калонов М.Б. Даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили услубиёти. Монография. – Т., 2019. – 352 б.; Пардаев А.Х. Проблемы управления организации бухгалтерского учета и экономического анализа предприятий в условиях формирования рыночных отношений. (на материалах акционерных обществ Узбекистана): автореф. дисс... канд. экон. наук. – М., 1995; Қурбонов З.Н. Солиқлар ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари иқтисод фан. док... дисс. автореф. – Т.: БМА, 2008; Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари. иқтисод фан. док... дисс. автореф. – Т., 2002; Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик муаммолари: иқтисод фан. док... дисс. автореф. – Самарқанд, 2006. – 36

изланишлар олиб борилишини тақозо этади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, маълумотларни гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Капитал – бу моддий бойликлар ва пул маблағлари ҳамда хўжалик фаолиятини юритиш учун амалга оширилган молиявий қўйилмалар йиғиндисидир. Корхона капитали ўз (ички) маблағлари ва жалб қилинган (ташқи) манбалардан шаклланган бўлиши мумкин. Молиялаштиришнинг асосий манбаси корхонанинг капиталидир. Корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлайдиган омиллардан бири корхона капиталининг кўпайиши.

Корхона хусусий капиталининг умумий кўринишини активларни шакллантиришда инвестициялаштирилган пул маблағлари, моддий ва номоддий шаклдаги бойликлар баҳолайди.

Корхона устав капитали унинг устави ва таъсис шартномасига мувофиқ қоидага кўра, таъсисчиларнинг ҳиссалари ҳисобига барпо этилади. У корхонанинг хўжалик фаолиятидан олинадиган фойдаси ҳисобига, зарур бўлганда таъсисчиларнинг мақсадли бадаллари ҳисобига ҳам тўлдирилиши мумкин. Корхона устав капиталига ҳисса сифатида бинолар, иншоотлар, қурилмалар ва бошқа моддий қийматликлар: ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари, шунингдек, бошқа мулкий ҳуқуқлар (шу жумладан, кашфиётлардан фойдаланиш учун, «НОУ ХАУ» ва бошқа номоддий активлар); қўшма корхона иштирокчи давлатларининг валюталаридаги эркин айирбошланадиган валюталарда пул маблағлари қўшилишлари мумкин.

Муассисларнинг бадаллари пул суммалари, шунингдек бинолар, иншоотлар, ускуналар, номоддий активлар ва ҳоказо кўринишида киритилиши мумкин. Устав капиталининг хусусиятларига қуйидагилар киради:

устав капиталининг миқдори корхона устави ва таъсис шартномасига мувофиқ белгиланади ва нисбатан доимий характерга эга бўлади. Унинг бирламчи миқдорини ўзгариши фақат корхона уставини давлат қайдномасидан қайта ўтказиш йўли билан амалга оширилади;

устав капиталини ҳақиқатда шакллантириш вақт бўйича чегараланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ корхоналар устав капиталини шакллантиришнинг охирги муддати бўлиб таъсис этилган санадан бошлаб бир тақвим йил ҳисобланади. Ушбу муддатда ўз устав капиталини шакллантирмаган корхоналар юридик статусини йўқотади ва тугатилади. Устав капитали корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ва мулк шаклларига боғлиқдир. Давлат корхоналарида устав капитали унга давлат томонидан бириктирилган мулклар мажмуасидан ташкил топади. Хусусий ва коллектив ўртоқчилик мулк-лари асосида ташкил этилган корхоналарда устав капитали таъсисчиларнинг пай ва бадалла-ридан иборат бўлади. Акционерлик жамиятларида устав капитали чиқарилган оддий ва имтиёзли акцияларнинг номинал қийматидаги суммаларининг йиғиндисидан ташкил топади.

Устав капиталига таъсисчиларнинг ҳиссалари узоқ ва қисқа муддатли активлар билан, яъни асосий воситалар, номоддий активлар, капитал ва молиявий инвестициялар, товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари билан , киритилиши мумкин.

Таъсисчиларнинг устав капиталидаги ҳиссалари корхонанинг соф фойдасини ҳиссали усулда тақсимлашга, акцияларнинг сони эса соф фойдани уларнинг ҳар бирига мос равишда тақсимлашга асос бўлиб ҳисобланади. Давлат корхоналарида соф фойда тақсимланмайди ва устав капиталининг миқдорини оширишга йўналтирилади.

Хусусий капитал корхона балансининг 3 қисмида жойлашган унда мулк эгасига тегишли бўлган, ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган ва фойда келтирадиган мол-мулклари йиғиндиси акс эттирилгандир.

Хусусий капитал - корхона мол-мулкининг ҳақиқий баҳоси, активлари (мол-мулклари) ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқ билан аниқланади 1-чизмада келтириб ўтилган.

Корхонанинг хусусий капитали ўз ичига иқтисодий келиб чиқиши ҳар хил бўлган, шаклланиш усуллари ва корхонанинг молиявий ресурслари манбаларидан фойдаланишни олади.

1-чизма Хусусий капиталнитопиш фурмуласи

Бундай бўлишлар хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун зарудир. Корхона балансининг пассивлари тизимидаги капитал салмоғининг юқорилиги корхонанинг молиявий барқарорлигидан далолат беради.

Корхона ўз капитали уни маблағларининг умумий қийматини ифодалаб, унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли булиб, активларининг маълум қисмини барпо этиш учун фойдаланилади. Ўз капиталига инвестициялаш ҳисобидан барпо этилган активларнинг бу қисми, корхонанинг соф активлариниифодалайди. Корхона капитали айланиш жараёнида учта босқичдан ўтади.

Биринчи босқичда пул шаклида капитал операцион активларга (айланма ва айланмадан ташқари) инвестицияланиб, ишлаб чиқарувчишаклга айланади.

Иккинчи босқичда ишлаб чиқарувчи капитал маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида товар шаклига айланади.

Учинчи босқичда товар капитали товар ва хизматларнинг сотилиши натижасида пул капиталига айланади.

Бозор иқтисодиёти модернизация қилиш шароити ва корхоналар фаолиятига талабларнинг ошиши билан, корхоналар барқарор ишлаши учун, уларнинг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш зарурати кучаяди. Шунинг учун ҳар бир корхона кўзда тутилган мақсадларга эришиш ва самарали ривожланишнинг оптимал йўлини танлаш учун, муайян ҳисоб сиёсатига эга бўлиши лозим.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 15 январидаги 5-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот”нинг 5-шаклида хусусий капиталнинг тузилмаси қуйидагилардан иборатдир деб кўрсатилган: Устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда, хусусий капитал билан қопланмаган зарар.

Хусусий капитални таснифлаш учун тавсия этилаётган гуруҳлар бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларини тадқиқ этиш асосида ишлаб чиқилган ва 2-чизмада келтириб ўтилган.

2-чизма

Хулоса ва таклифлар. Халқаро стандартларга мувофиқ хусусий капитал аудити бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Булар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ хусусий капитал аудити концептуал масалаларини очиб бериш;
- хўжалик юритувчи субъектларда хусусий капитал аудитини ташкил этиш ва тартибга солиш асосларини комплекс тадқиқ қилиш ва ундаги мавжуд айрим муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- хўжалик юритувчи субъектларда хусусий капитал аудити ва унда қўлланиладиган амалларни янада самарали ташкил қилиш учун қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни тавсия этиш юзасидан қатор таклифлар ишлаб чиқиш билан асосланади.

Корхоналар маблағларини шакллантиришнинг асосий манбаларидан бири бўлиб хусусий капитал ҳисобланади. Ўзининг номи билан хусусий капитал корхонанинг ўз маблағлари ҳисобланади. Корхона бирор фаолиятни бошлашда, уни ривожлантиришда, энг аввало ушбу маблағларга таяниши лозим. Шундагина уларнинг банкрот бўлиш эҳтимоли пасаяди. Ушбу маблағларни самарали бошқаришда аудитнинг ўрни беқиёсдир. Диссертация ишни бажаришда хусусий капитал аудитини назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш бизга тегишли хулосаларни қилишга, шунингдек таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга имкон берди Фикримизча, корхоналар хусусий капитал ҳолати ва ундаги ўзгаришларга аудиторлик баҳоси беришнинг услубий жиҳатларини миллий амалиётимизда қўллаш қуйидаги имкониятларни беради.

- **Биринчидан,** республикамизда хорижий амалиётда кенг қўлланилаётган МҲХСларга ўтиш бўйича Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4611-сон қарори ижросини таъминлаш жадаллашади.
- **Иккинчидан**, бухгалтерлар ва аудиторларда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш бўйича амалий кўникмаларни вужудга келтиради.
- **Учинчидан**, инвесторлар, айниқса хорижий инвесторларнинг миллий ҳисоб ва ҳисобот тизимига, шунингдек республикамиз аудиторлари томонидан ўтказилган аудиторлик текширувларига, улар томонидан берилган холис баҳоси ва аудиторлик тавсияларига ишончи ошади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев Р.А. Бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. –Ташкент, 2011;
2. Абдукаримов Б.А. Корхона иқтисодиёти. Дарслик.//-Т.: Фан, 2005. -288 б.;
3. Ассэль Г. Маркетинг: принципы и стратегия : учебник для вузов. М. : ИНФРА-М, 2001,с.337
4. Аудит. Ўқув қўлланма /Тўлахўджаева М.М., Жўраев Т.И, Гулямова Ф.Г.ларнинг умумий таҳрири остида. – Т.: БАМА нашр. Маркази. 1 том
5. Бухгалтерскийучет в оптовой и розничной торговле.//Соснаускене О.И и др.- М.: Литрес,2009.
6. Дойль П. Менеджмент: стратегия и тактика. СПб. : Питер, 1999, с. 448
7. Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита. Москва, «Финансы и статистика», ИО ЮНИТИ, 1992;
8. Дустмуродов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. : Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003;
9. Исроилов Ё.Ж. Автомобилларга сервис хизматлар ҳисоби методологияси. // Ж.:Бозор, пул, кредит. – 2011, № 11. Б. 61-65;
10. Исроилов Ё.Ж. Автодилерлик хизматларида солиқ тўловлари ҳисобининг методологик жиҳатлари. // Ж.:Иқтисод ва таълим. – Т.: - 2011, № 5. Б. 129-132
11. Исхакова С.А. Хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли даромадлари шаклланишининг социал-иқтисодий шарт-шароитлари ва ўзига хос хусусиятлари.// Biznes-Эксперт. –Тошкент, №6, 2017. – Б. 73-78. (08.00.00; №12);
12. Исхакова С.А. Сфера услуг в Узбекистане: тенденции и факторы развития.// Biznes-Эксперт. – Тошкент, №10, 2017. – Б. 64-68 (08.00.00; №12).
13. Камышанов П.И. ЗНАКОМТЕСЬ : АУДИТ, Москва, 1994, стр.4

14. Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. // Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2014. -384 б.

Т.Сатторов
Концептуальные вопросы аудита частного капитала предприятий
Аннотация: В данной статье раскрыты концептуальные вопросы аудита частного капитала на предприятиях по международным стандартам, в частности даны научно обоснованные рекомендации и предложения по аудиту частного капитала по международным стандартам. Также в статье показаны общие требования к концептуальным вопросам аудита частного капитала на предприятиях.
Ключевые слова: собственный капитал, акционерный капитал, право, доля, чистая прибыль, зарубежная деятельность, общая стоимость, инвестиции, капитал.

T.Sattorov
Conceptual issues of private capital audit of enterprises
Abstract: This article reveals the conceptual issues of auditing private capital and enterprises according to international standards, in particular, scientifically substantiated recommendations and proposals for the audit of private capital according to international standards are given. Also, the article shows the general requirements for the conceptual issues of private equity audit in enterprises.
Keywords: equity, share capital, right, share, net profit, foreign activity, total value, investment, equity.

Фаризабону Зарифовна Юсупова – СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг стажёр ассистенти

КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада корхоналарнинг даромадлари ва харажатларининг моддалари ўртасидаги чегара ҳамда уларнинг ҳар хил комбинациялари ҳам хўжалик юритувчи субъектнинг ишлари натижаларини кўрсатиш имкониятлари келтирилган ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг солиққа тортилгунгача ва ундан кейинги молиявий-хўжалик фаолиятидан даромаднинг ҳисобини юритилиши ва тавсифлари ёритиб берилган.
Калит сўзлар: Даромадлар, харажатлар, молиявий натижалар, фойда, зарарлар, актив, даромадларнинг турлари.

Кириш. Бухгалтерия ҳисоби назоратнинг муҳим қисми сифатида ва амалий фаолиятининг алоҳида соҳаси сифатида ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тизимда муҳим ўрин тутади. Ҳозирда Республикамизда амал қилаётган ҳисоб ва статистика услубиёти кўп жиҳатдан жаҳон тажрибасидан ажралиб қолган. Бу эса тадбиркорлик фаолиятига маълум бир миқдорда тўсқинлик қилмоқда. Ўзбекистон ва хориж корхоналарининг биргаликдаги фаолиятини чигаллаштирмоқда. Далолат вазфасини бажаришида, яъни молиявий ҳисоботнинг ҳақиқийлигини баҳолашда, уларнинг тўғрилигини текширишда жиддий муаммолар юз бермоқда. Ўзбекистон Республикаси 2016 йил 13 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасида “Активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар, харажатлар, фойда, зарарлар ва уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир” [1] деб тавсиф келтирилган. Бундан келиб чиқиб бизда асосий объект сифатида қаралаётган даромадлар ва харажатлар корхонанинг фаолияти давомида эришган ютуқлари ҳамда камчиликларининг амалдаги ҳаққоний ифодасини кўрсатиш қобилиятига эгдир.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий мақсади ижобий молиявий натижага эришиш, яъни максимал даражада фойда олишдир.Ўзбекистонда йирик ва кичик бизнеснинг замонавий юқори технологияли корхоналари, шунингдек, уларни бошқаришнинг бозор тизими шакллантирилди. Бундай корхоналар орасида айниқса, бугунги кунда мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишида салмоқли роль ўйнаб келаётган акциядорлик жамиятлари алоҳида ажралиб туради. Улар, сезиларли миқдордаги активларга эга бўлган ҳолда, ташқи бозорда муваффақият билан рақобат қилиши ва ички бозорда истеъмолчилар талабларини қондириши мумкин.

[1] “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун, 7-модда. https://lex.uz/acts/2931253

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Молиявий натижаларини ҳисобга олиш, назорат қилиш ва уни такомилаштириш бўйича кўпгина чет эл ва Ўзбекистон олимлари ўз фикрларини билдиришган. Масалан, россиялик олим Ш.В.Алексевнанинг илмий тадқиқотларида даромад ва харажатларни ҳисобга олиш, шунингдек, молиявий натижаларни шакллантириш механизми ташкилот ва бошқарув қарорларини қабул қилиш самарадорлигини таҳлил қилиш учун ахборот манбаи бўлганлиги сабабли молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш зарурати кейинги даврларда ташкилотнинг ишлашида акс эттирилган.

А.В.Сметанко, А.С.Коваленко, И.С.Шарапова, Е.С.Сорокина, Н.В.Бурдюгларнинг илмий тадқиқотларида молиявий натижаларни ҳисобга олиш, молиявий ҳисобнинг якуний босқичи ҳисобланади деб ўз фикрларини ёритиб бердилар. Шунинг учун уни такомиллаштириш учун бухгалтерия ҳисобини олдинги босқичларда рационаллаштириш лозимлиги ва бундай шароитда бухгалтерия ҳисоби ва маркетингни уйғунлаштиришга асосланган стратегик ҳисоб тизимига эришиш маълум бир давр учун ташкилотнинг фаолияти натижасида деб тушуниш керак деган.

Белгиланган устувор вазифани ҳал қилиш мақсади МҲХСларни тўлиқ тизимли жорий қилинишини ҳамда бу борада кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори [1]қабул қилинди. Ушбу Қарорнинг мақсади мамлакатимизда хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун инвестицион муҳитни яхшилаш, компанияларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни зарур ахборотлар билан таъминлаш, ҳисоботларнинг мазмуни ва таркибини ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига уйғунлаштириш ва бошқа бир қатор вазифалар бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Ўтказилган илмий тадқиқот натижасида мамлакат иқтисоди-ётида бошқарувни такомиллаштириш, харажатлар ва даромадларнинг тўғри ва ўз вақтидаги бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, шунингдек моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан қаттиқ назоратни ташкил этиш, ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган харажатлар ва талофатларни ҳар томонлама камайтириш, якуний молиявий натижаларни тўлиқ шакллантирилишини назорат қилиш ва маҳсулот таннархини пасайтириш-нинг энг муҳим йўлларидан бири ҳисобланиши келтирилган. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, гуруҳлаш, таққослаш, танланма кузатиш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Даромадлар ва харажатларнинг моддалари ўртасидаги чегара ҳамда уларнинг ҳар хил комбинациялари ҳам хўжалик юритувчи субъектнинг ишлари натижаларини кўрсатиш имкониятлари ўрганиш натижасида бу каби бўлимлар ҳар хил моддаларни ўз ичига олишини таҳлил қилдик. Масалан, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот солиққа тортилгунгача ва ундан кейинги молиявий-хўжалик фаолиятидан даромадни кўрсатади. Хусусий капитал эгаларининг улушлари даромад ҳисобланмайди; хусусий капиталнинг эгалари ўртасида тақсимланиши харажат ҳисобланмайди. “Молиявий ҳисобот орқали барча ахборот эҳтиёжларини қондириш мумкин бўлмаса-да, барча фойдаланувчилар учун умумий бўлган талаблар амал қилади. Нимага деганда, сармоядорлар компания учун капитал таъминотчиси ҳисобланади, уларнинг эхтиёжини қондирадиган ахборотларни таъмин этиш молиявий ҳисоботдан бошқа фойдаланувчиларнинг ҳам кўпчилик эҳтиёжларини қондира олади”. Компания раҳбарияти ҳар бир қўлланиладиган БҲХС ва Интерпритация бўйича Доимий Қўмитанинг интерпритациялари талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши керак.

“Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»га асосан хўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги фаолиятдан даромад олади [2](1-расм)

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. https://lex.uz/docs/4746047

[2] Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

1-расм. Даромадларларнинг турлари

Хўжалик юритувчи субъектларда ҳисобот даврида фаолиятини юритиш мобайнида активларнинг кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайишини –даромад деб айтилади. Низомда молиявий натижаларни шакллантириш услубияти белгиланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий –хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлар рўйхати, шунингдек корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик юритиш фаолияти натижасида олинадиган даромадлар рўйхати келтирилган.

Молиявий ҳисобот ҳар йили бир мартадан кам бўлмаган тартибда тақдим қилиниши шарт. Агарда ҳисобот берувчи ташкилотнинг ҳисобот санаси ўзгарса ва йиллик молиявий ҳисобот бир йилдан ортувчи ёки ундан қисқа давр учун тақдим этилса ташкилот қуйидаги ахборотларни очиқлаши талаб этилади:

а) Ортувчи ёки қисқартирилган даврдан фойдаланишнинг сабаблари;

б) фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот, пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ва тааллуқли изоҳларда таққосланадиган суммалар тўлиқ бўлмаган.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда мақолада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида келтирилган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилишнинг концепциясида молиявий ҳисобот фойдаланувчиларига енгилликлар яратиш ва инвесторларни жалб этиш мақсадида миллий стандартларни янада такомиллатириш ва халқаро стандартларга мослаштирилишини такомиллаштирилишини таҳлил этдик ва қуйидагича таклифлар келтирилди.

- Даромад ва харажатлари таркибига қараб бир элементдан иборат бўлган (материаллар, иш ҳақи ва ҳоказо) бир турдаги (бир элементли) ва бир неча элементдан иборат бўлган (умумишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва ҳоказо) комплекс бўлиши мумкинлигини;
- Даромадларнинг ҳар бир тури бўйича синтетик счётларни ишчи счётлар режасига киритиш;
- Ҳисоб ва ҳисоботни халқаро стандартлар талабларига мослаштириш;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил. 26 май. (Янги таҳрир). Т.: Норма. 2015.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2699-сонли Қарори.
3. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.Ўзбекистон.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон Қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида”ги Низом.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. https://lex.uz/docs/4746047

6. . Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.
7. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун, 7-модда. https://lex.uz/acts/2931253

Ф.Юсупова **Совершенствование учета финансовых результатов на предприятиях** **Аннотация:** В данной статье представлена граница между статьями доходов и расходов предприятий и их различных сочетаний, а также возможности отображения результатов деятельности хозяйствующего субъекта, учета и описания доходов от финансово-хозяйственной деятельности до и после налогообложения в отчете о финансовых результатах. **Ключевые слова**: доходы, расходы, финансовые результаты, прибыль, убытки, активы, виды доходов.	**F.Yusupova** **Improving accounting of financial results in enterprises** **Abstract:** This article presents the boundary between the items of income and expenses of enterprises and their various combinations, as well as the possibility of displaying the results of an economic entity, accounting and describing income from financial and economic activities before and after taxation in the statement of financial results. **Keywords:** income, expenses, financial results, profit, losses, assets, types of income.

Худойберди Ўктамович Пўлатов – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

ТУРИСТИК ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада туристик ва меҳмонхона хўжалиги корхоналарида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган ва ҳисоблаш тартибини янада соддалаштириш мақсадида таклифлар берилган, олиб борилган тадқиқотлар натижасида хулосалар келтирилган.
Калит сўзлар: халқаро стандартлар, янги туризм, харажат, услубий жиҳатлар, ЯИМ, туризм индустрияси, ишлаб чиқариш,товарларни сотиш.

Кириш. Жаҳонда туризм соҳаси тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ва энг даромадли бизнес тури бўлиб, унинг ялпи миллий даромаддаги улуши 14,0 фоизни ташкил этади. Шунингдек, яратилаётган иш ўринларининг ҳар еттинчиси туризм соҳасидаги иш ўрнига тўғри келади. Туризм географиясини янада кенгайтириш, мамлакатлар ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)даги улушини ошириш ҳамда туризмнинг рентабеллик соҳалардан бири эканлигини кўрсатиб турибди. Жаҳонда туризм иқтисодиётида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жараён ва асосий тенденцияларини баҳолаш, туризм соҳасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, соҳада аҳолини иш билан таъминлаш ва харажатларни камайтриш ва даромадларини ошириш борасидаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хизматлар соҳасини, хусусан, туризм хизматлари кўрсатиш ҳажмини ошириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Мамлакатда туризм хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш, бухгалтерия ҳисобини яхшилаш мақсадида бир қатор ўзгаришлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, стандарт ва янги талаблар ишлаб чиқилди, бошқарув тузилмалари такомиллаштирилди. Ўз навбатида мамлакатимиз туризм соҳасининг янада ривожланиши ҳамда хорижлик туристлар оқими ва туризм хизматлари экспортини кенгайтириш ва ички туризмни ривожлантириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш асосида аҳолининг бандлик даражасини ошириш, меҳмонхоналар, сайёҳларни жойлаштиришнинг бошқа воситалари ва туризм фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар сонининг кўпайиши ҳамда уларда бухгалтерия ҳисоб ва ҳисоботини халқаро стандартлар талаби асосида ташкил этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шунга кўра, “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” [1]да ҳам туризм индустриясини жадал ривожлантириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш ва

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Фармони 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон

Самарқандни «Туризм дарвозаси»га айлантириш орқали, келгуси беш йилда туризм хизматлари ҳажмини камида 10 баробарга ошириш. Туризм соҳасида 40 минг киши бандлиги таъминлаш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Бир қатор олимлар, мутахассислар, жумладан, Уразов К.Б., Мусаев Ҳ.Н., Дўсмуратов Р.Д., Худайбердиев Н.У., Тўлаходжаева М.М., Тошназаров С.Н. ва бошқалар ўз ишларида харажатлар ҳисобига, улардан айримлари эса туристик-меҳмонхона мажмуаларида харажатлар ҳисобига кенг тўхталганлар. Бу ҳақда уларнинг чоп этилган дарсликлари, ўқув қўлланмалари, монографиялари ва мақолаларидан билиб олиш мумкин. Ҳозирги пайтда, корхона харажатларининг иқтисодий мазмуни, тавсифи, таснифланиши, таркиби, шаклланиши ва тақсимланиш тартиби меъёрий ҳужжатларда ва иқтисодий адабиётларда турлича ёритилмоқда улардан айримлари қуйидагилар:

- ***Харажат*** деганда, ҳисобот даврида корхона активларининг камайиши ёки мажбуриятларнинг кўпайиши тушунилади.[1]
- ***Харажат*** – бу маҳсулотни ишлаб чиқариш, товарларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган сарфларнинг пулдаги ифодасидир, бошқача қилиб айтганда кўзланган мақсадга эришиш учун амалга оширилган сарфларнинг пулдаги ифодасидир.[2]
- ***Харажатлар*** – бу ҳисобот даври давомида компания мулкдорларига бадал тўловлари билан бўғлиқ бўлмаган ҳолда капиталнинг камайишида ўз аксини топган активларнинг чиқариб кетилиши ва бошқа эскириши ёки мажбуриятларнинг ўсиши шаклида юз берадиган иқтисодий нафларнинг камайишидир.[3]
- ***Харажатлар*** – бу активларнинг камайиши ёки фойдани кўпайтириш мақсадида хўжалик фаолиятидан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз зиммасига олиш орқали рўй берадиган иқтисодий ресурсларнинг камайишидир.[4]

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот иш жараёнида иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари –эксперимental тадқиқот, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Иқтисодий таълимотда ва амалиётда энг кўп учрайдиган ҳамда қўлланиладиган тушунчалардан бири “харажат” ҳисобланади. Битта тушунча бор одамда эрталаб кўзини очгандан то оқшом кўзни юмгунча харажат ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири, молиявий ҳисобот элементи – бу харажатдир. Ҳар қандай корхона, ташкилот ўз фаолиятини ташкил қилиш жараёнида турли хил сарфларни амалга оширади, масалан, корхона ҳодимларнинг иш ҳақлари, электр энергияси харажатлари, хом ашё сарфлари, бино иншоотлар амортизацияси ва шу каби бошқа турли харажатларни амалга оширади.

Туристик меҳмонхона мажмуаларида харажатлар ҳисобини тўғри юритиш муҳим масалалардан биридир. Республикамизда ҳозирги кунда чоп этилаётган адабиётларда туристик меҳмонхона мажмуалари харажатларининг ҳисоби етарлича ўз аксини топмаган. Бундан ташқари туристик меҳмонхона мажмуаларининг харажатлар ҳисобини тартибга солиб турувчи махсус меъёрий ҳужжат йўқ, амалда бўлган “Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” ги Низомда ҳам туристик меҳмонхона мажмуаларининг харажатлари таркиби тўлиқ ифода этилмаган. Шу сабабли туристик меҳмонхоналар амалиётида бу борада баъзи бир муаммоларга дуч келинмоқда.

Ушбу муаммолардан бири бўлиб, туристик меҳмонхоналарда кўрсатилган хизматлар таннархига киритиладиган харажатлар ҳисобини тўғри юритиш ҳисобланади. Бундай харажатларнинг ҳисобини тўғри юритишни таъминлашнинг муҳим шарти, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби учун мўлжалланган счётлар таркибини, уларга олиб бориладиган харажат

[1] Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби Дарслик, 2020. 558-бет.
[2] Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Т.: “Молия”, 2003. 143-бет.
[3] Тошназаров С.Н. Халқаро ҳисоб асослари. Маъруза матнлари тўплами. Самарқанд-2008. 83-бет.
[4] Юсупова М.Б., Солиев Б.К. Молиявий ҳисоб.Андижон-2006. 57-бет.

моддаларини, гувоҳлик берувчи ҳужжатлар тизимини, ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатларини фаолият турлари ўртасида тақсимлашнинг аниқ тартибини белгилаш ҳисобланади.

Туристик, меҳмонхона ва савдо хизматларини бир пайтда олиб бораётган туристик меҳмонхоналарда асосий ишлаб чиқариш харажатларининг йиғма ҳисоби учун қуйидаги счётларини очиш мақсадга мувофиқ. (1-чизма)



1-чизма Асосий фаолият турларини ташкил қилувчи хизматлар таннархига кирувчи харажатлар счётлари

Ушбу хизмат турларига доир харажатларни иқтисодий моҳиятига кўра бешта гуруҳга ажратиш ва уларнинг таркибига қуйидаги харажат моддаларини киритиш мумкин (1-*жадвал*).[1]

Туристик ва меҳмонхона хўжалиги корхоналарида харажатлар гуруҳи

(1-жадвал)

Харажат гуруҳи	Харажат моддалари	Бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари
Бевосита материал харажатлари	Туристик ва меҳмонхона хизматларига бевосита сарфланган материаллар, буюмлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, хўжалик инвентарлари ва бошқа материаллар	• Материал ҳисоботи • 10- журнал-ордер
Бевосита меҳнат ҳақи харажатлари	Туристик ва меҳмонхона хизматларини бевосита олиб борувчи ходимларга ҳисобланган асосий иш ҳақи ва мукофотлар	• Нарядлар • Табеллар • Ҳисоб-тўлов қайдномалари • 10- журнал-ордер
Бевосита меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий суғуртага ажратмалар	Туристик ва меҳмонхона хизматларини бевосита олиб борувчи ходимлар иш ҳақи фондидан ижтимоий суғуртага ажратмалар	• Ижтимоий суғуртага ажратма ҳисоб-китоби • 10- журнал-ордер
Амортизация ажратмалари	Туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатишда бевосита иштирок этган асосий воситалар, номоддий активлар, бўйича ҳисобланган эскириш суммаси	• Амортизация ҳисоб-китоби • 10- журнал-ордер
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари(билвосита устама харажатлар)	1. Туристик ва меҳмонхона хизматлари харажатларига олиб борилган турли хизматлар (сертификатлаш, транспорт хизматлари, газ, сув ва электр қуввати билан таъминлаш, таъмирлаш ва бошқа хизматлар) 2. Туристик ва меҳмонхона хизматлари харажатларига олиб борилган ёрдамчи ишлаб	• Счёт-фактуралар • Далолатномалар • Бухгалтерия ҳисоб-китоблари • 10- журнал-ордер • Бошқа ҳужжатлар ва регистрлар

[1] Уразов К.Б., Н.У.Худайбердиев Н.У. Туристик ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари. Услубий кўрсатма. – Самарқанд, СамИСИ, 2007 . 32-бет.

	чиқариш ва умумишлаб чиқариш харажатлари 3. Туристик ва меҳмонхона хизматлари харажатларига олиб борилган келгуси давр харажатлари 4. Туристик ва меҳмонхона хизматлари таннархига киритиладиган бошқа харажатлар	

Бу жадвалда туризм ва меҳмонхона хўжалиги корхоналарида таннарх харажатлар гуруҳни туғри ташкил қилиш учун белгилаб берилган.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтамизки, ҳозирги пайтда туризм соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда жуда муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, бу борада туристик-меҳмонхона мажмуаларининг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда туристик-меҳмонхона мажмуаларининг иқтисодиёт равнақидаги ролини ошириш муҳим масалалардан биридир, чунки улар мамлакатимизда яратилаётган ялпи ички маҳсулотни кўпайтиришга, валюта фондини оширишга, давлатимизни бутун дунё халқларига танитишга, ташқи инвестицияларни киритиш муҳитини шакллантиришга, фан, маданият, спорт ва бошқа ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда бир нечта таклифлар тавсия этилади:

1.Туристик ва меҳмонхона хўжалиги корхоналарида харажатлар ҳисобини юритишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ва низомга риоя қилиши устидан назорат ўрнатиш.

2.Таннархига киритиладиган харажатларни ҳисобга олишда 21-сон БҲМС талабларига риоя қилиш.

3.Кўрсатилган хизматлар таннархини ҳисобга олишда 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” счётини қўллаш.

4.Харажатларга оид салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлайдиган ички хўжалик имкониятларини топиш.

5.Туристик ва меҳмонхона хўжалиги корхоналарида харажатлар ҳисобни юритишда синтетик ва аналитик счётлардан фойдаланиш ва уларни молиявий ҳисоботларда қўллаш.

Ўйлаймизки, юқоридаги таклифлар туристик ва меҳмонхона хўжалиги корхоналарни харажатлар ҳисобини юритишдаги камчиликларни бартараф этишга ва уни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Фармони 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.
2. Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик, 2020. 558-бет.
3. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Т.: “Молия”, 2003. 143-бет.
4. Тошназаров С.Н. Халқаро ҳисоб асослари. Маъруза матнлари тўплами. Самарқанд-2008. 83-бет.
5. Юсупова М.Б, Солиев Б.К. Молиявий ҳисоб. Андижон. -2006. 57-бет
6. Уразов К.Б., Н.У.Худайбердиев Н.У. Туристик ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш асослари. Услубий кўрсатмалар. – Самарқанд, СамИСИ, 2007 . 32-бет.

Х. Пўлатов

Совершенствование учета затрат в туристско-гостиничных предприятиях

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы совершенствования учета затрат на туристско-гостиничных предприятиях, а также предлагаются предложения по дальнейшему упрощению порядка расчета**.**

Ключевые слова: международные стандарты, новый туризм, затраты, методические аспекты, ВВП, индустрия туризма, производство, продажа товаров,

Kh. Pulatov

Improvement of cost accounting in tourist and hospitality enterprises

Abstract: The article examines the issues of improving cost accounting in tourist and hospitality enterprises, and offers suggestions for further simplifying the calculation procedure.

Keywords: international standards, new tourism, cost, methodological aspects, GDP, tourism industry, production, sales of goods.

ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА

BBK-80.2-2 UDK: 694.374

Madina Qodirjon qizi Usmonova – ADU o‘qituvchisi,
Sherali Ibroximovich Shokirov – ADU dotsenti

INGLIZ TILIDA “APPEARANCE-QIYOFA” KONSEPTINI SEMANTIK TADQIQI

Annotatsiya: Maqola ingliz tilida **“**appearance-qiyofa**”** semasiga ega bo‘lgan so‘zlarning semantik xususiyatlarini tahlil qilishga bag‘ishlangan bo‘lib, unda ingliz tilidagi bunday leksemalarning axborot yetkazishdagi roli va ularning stilistik xususiyatlari yoritilgan. Ingliz tili materiali asosida “appearance” semantikasining mazmun-mohiyatini va matnda qo‘llanish xususiyatlarini aniqlash. **“**Appearance-qiyofa”**”**leksik-semantik maydoni miqyosi va ularni tashkil etuvchi leksik birliklarning struktur (tarkibiy) va semantik (ma’no) xususiyatlariga asoslangan holda tadqiq etiladi.
Kalit so‘zlar: invariant, arxisema, paradigmatik, sintagmatik, polisemantik, idiomatik, paremiyalogik, assotsiatsiya.

Kirish. Konsept inson va uni o‘rab turgan tashqi olam haqidagi bilimlari o‘rtasida kognitiv aloqani aks ettirib beradi. Konseptni kognitiv kategoriya sifatida o‘rganish ko‘p aspektlardan iborat va u tilshunoslar uchun bir til materialida ham, bir necha tillar materialida ham o‘rganish ob’yekti sifatida qiziqish uyg‘otadi. Demak, inson faoliyatining turli sohalariga aloqador bo‘lgan aynan bir narsa konseptning turli xususiyatlarini o‘zida aks ettiradi. Tilshunoslikning zamonaviy rivojlanish bosqichi va uning manfaatlari doirasi sezilarli darajada kengayishi bilan tavsiflanadi. Tilning tabiatini faqat inson va uning olami asosida anglash mumkin. Shu bilan bir qator so‘nggi tadqiqotlarda lingvistik muammolar ong, tafakkur va insonning amaliy faoliyati bilan chambarchas bog‘liq holda ko‘rib chiqilmoqda. Insonda atrof-muhitdagi real dunyoni bilishi, narsa va hodisalarni tanishi (tushunish va ushlab ko‘rish) va ular o‘rtasidagi uzviy bog‘liqlik haqida tasavvur (konsept) hosil bo‘ladi. Insonning dunyoni bilish jarayonida tushunchalari shakllanadi. Inson - miya hamkorligida hosil bo‘ladigan tuyg‘uni, o‘zini o‘rab turgan borliqni his etadi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. "Konsept" atamasi o‘tgan asrning 90-yillari boshlaridan D. S. Lixachev va YU.S.Stepanovlarning ilmiy asarlari tufayli til adabiyotida keng tarqalgan. D. S. Lixachev S. A. Askoldovning innovatsion maqolasi haqida ijobiy gapiradi, ammo konseptning mohiyatini belgilab, undan farqli o‘laroq, u konsept so‘z uchun mavjud emasligini, lekin har bir lug‘at so‘zning alohida ma’nosi borligini va alohida ko‘rib chiqishni taklif qiladi. Olimning fikriga ko‘ra, inson bir paytning o‘zida so‘zning to‘liq ma’nosini ifoda etish imkoniga ega emas, ba’zan ijtimoiy xususiyatlar va sharoitlarga qarab uni o‘zicha tushunadi va talqin etadi[1. S.280-287]. Turli mualliflar tomonidan "konsept" tushunchasini talqin qilishda ayrim tafovutlar mavjud. Lingvistik adabiyotlarda mantiqiy kategoriya sifatida unga nisbatan nuqtayi nazarlar mavjud. Ular, milliy mentalitetning asosiy birligi sifatida [2. 286], amaliy / kundalik falsafa tushunchasi sifatida [13. 120], ko‘p o‘lchovli ta’lim sifatida[14. 11-385] o‘rganilgan.

Tadqiqot metodologiyasi. Ushbu maqolada asosan, tavsifiy, chog‘ishtirma, konseptual tahlil usullaridan hamda til nazariyasi, madaniyatlararo kommunikatsiya kabi ilmiy metodlardan foydalanilgan.

Tahlil va natijalar. Biz ushbu maqolamizda **“***appearance-qiyofa***”** konsepti deganda invariant “***appearance***” arxisemasi atrofida birlashgan, ushbu maydonda o‘z o‘rniga ega bo‘lgan, turlicha morfologik va sintaktik tuzilish va qolipga ega, invariant ma’noga turli darajada yaqin yoki distant **(bosh ma’nodan uzoqlashgan)** ma’noviy aloqada bo‘lgan, bir va undan ortiq ma’noli yoki polifunksional, o‘zaro paradigmatik, sintagmatik aloqada bo‘lgan, vazifalariga ko‘ra faol va nofaol, ifodaliligi jihatidan turlicha bo‘yoqdorlikka ega til birliklari sistemasini tushunamiz.

“*Appearance-qiyofa***” umumiy ma’nosi asosida bir tushunchaga jamlangan, alohida paradigmatik qatorlarni tashkil etuvchi til birliklarining lisoniy mazmun xususiyatlarini ochib**

berish ham nazariy, ham amaliy ahamiyat kasb etadi.

Ingliz tili izohli lug‘atlari bilan ishlash jarayonida o‘tkazilgan tahlillar “*appearance*” leksemasini polisemantik xususiyatga ega ekanligi va ular alohida olinganda ham, so‘z birikmalari va frazeologik birikmalar tarkibida kelganda ham turli ma’nolarni kasb etishlari mumkinligini ko‘rsatdi.

Shuni inobatga olgan holda lug‘atlarda ro‘yxatga olingan “*appearance*” va u bilan bog‘liq morfologik va sintaktik tuzilishga ega birliklarni ma’noviy nuqtai nazardan tahlil etishni lozim deb topdik.

Ingliz tilidagi “*appearance*” leksemasiga lug‘atlarda berilgan ta’riflarga e’tibor beramiz. Vebsterning “Ingliz tilining uchinchi yangi xalqaro lug‘ati” (Webster’s third new international dictionary of the English Language”, Könemann, 1993, P. 103) da ot so‘z turkumiga kiruvchi “*appearance*” so‘zi o‘rta asrlar ingliz tilida “*apperaunce*”, o‘rta asrlar fransuz tilida *aparance, apparence*, qadimgi lotin tilida “*apparentia”, lotin tilida “apparent-, apparens”* so‘zlariga qarindosh ekanligi, uning asl va yetakchi ma’nosi “*the act, action, or process of appearing*”. “*harakat, holat, jarayonlarni vujudga kelishi*”

“Appearance” so‘zining boshqa ma’nolarini lug‘atdagi ketma-ketlikda tarjima usuli orqali quyidagicha aniqladik:

1. a) birdan paydo bo‘lish *(the act or action of coming into view or being visible)*: *For example:* T*he sudden appearance of enemy troops; The unexpected appearance of smoke on the horizon;*
b) jamoatchilik oldida paydo bo‘lish *(the act or action of coming before the public or into public view): For example: His last appearance on the London stage; Financially secure since the appearance of his last novel;*
s) vujudga kelish harakati yoki jarayoni (*the action or process of coming into existence*): *For example: Within a few years after the appearance of the ..... canal boat [Amer. Guide Series: N.Y];*
d) vakolatli organ oldiga rasmiy ravishda kelish *(the act or action of coming formally before an authoritative body): For example: His appearance before the board*

2. a) Qiyofa yoki shakl paydo bo‘lish *(the state or form in which one appears); For example: his whole appearance was markedly different from that of the guests usually to be seen [Archibald Marshall];*
b) 1) tashqi ko‘rinish holati (haqiqiy holatdan farqli o‘laroq) (*an outward state of appearing as opposed to an actual state*): *For example: Traders, though hostile to the settlement, had to preserve an appearance of neutrality [B.K.Sandwell];*
2) haqiqiy yoki xayoliy sharmandalikni yashirish yoki ijtimoiy tanazzulni oldini olish (*to conceal a real or fancied disgrace or to avoid a social lapse*): *For example: They spent their lives trying to keep up appearances and to make his salary do more than it could [Willa Cather];*
c) tashqi ko‘rsatmalar, holatlar yoki voqealar *(outward indications, circumstances, or events): For example:* to all he was guilty;
d) 1) haqiqiy tabiatidan yoki haqiqiy mavjudligidan ajralib turadigan narsaning hissiy taassurotlari (*a sense impression of a thing as distinguished from its true nature or real existence*): *For example: The blue of distant hills is only an appearances; 2)* sezgi organlarining xarakteri yoki muayyan holatlar bo‘yicha ishlab chiqarilgan yoki o‘zgartirilgan ob’yekt: *For example: The different of a penny viewed from different angles (har xil tomondan qaraladigan bir tiyinning farqi);*
e) haqiqiydan fenomenal *(the phenomenal as opposed to the real): 1)* sensatsiya yoki taassurotda berilgan narsa, oqilona tekshiriladigan narsaga qarama-qarshi; 2) mutlaq haqiqat bilan qarama-qarshi bo‘lgan inson: *For example: That philosophic legerdemain which, with only experience for its datum, would condemn this ex¬perience to the status of appearance and disclose a reality more edifying* [C.I.Lewis]:
3. a) ko‘rinadigan biror narsa, hodisa: *b)* birinchi ko‘rinish: *For example: a great observer of natural* [William Cowper];
4. yig‘ilish yoki kompaniya: ATTENDANCE; *For example: An innumerable appearance of gallants [John Evelyn].*

Berilgan ta’riflarga qo‘shimcha tarzda yana bir lug‘at ma’lumotlarini qo‘shish mumkin.

A.S.Xorinbining 2000-yil chop etilgan “OXFORD ADVANCED LEARNER*S DICTIONARY OF CURRENT ENGLISH” lug‘atida berilishicha yana shunday ma’nolarini kuzatishimiz mumkin [8: R. 83]:

APPARITION: *For example: this appearance passed for as real a thing as the blazing star itself [Daniel Defoe];*

OCCURRENCE: *For example: The first appearance of that word in English:*

SEMBLANCE:

“Appearance-qiyofa” konseptini mazmuniy mavzu guruhlarini, ular o‘rtasidagi ma’noviy munosabatlarni o‘rganish muhim ahamiyat kasb etadi. Shunga ko‘ra biz avvalo “appearance-qiyofa” konseptini ikkita katta guruhga bo‘lamiz: 1.Ichki qiyofa; 2.Tashqi qiyofa. Ushbu guruhlarni “appearance-qiyofa” arxisemasiga asoslangan maydon miqyosini quyidagi mazmun to‘dalariga ajratamiz:

1) insoniyat qiyofasi konseptini ifodalovchi leksemalar: artful, clever, craftiness, crafty, foxy, guileful, ingenious, sly, tricky, wily, aboveboard, blunt, coarse, dull, gullible, ignorant, kind, naïve, obtuse, rough, shy, slow, stupid, unclever, unimaginative, unintelligent, unatylish, beatutiful, attractive, beauteous, comely, fair, good-looking, gorgeous, handsome, lovely, pretty, stunning, awkward ,bad, coarse, crude, disgusting, drab, dull, grotesque, hideous, homely, horrible, ugly;
2) koinot qiyofasi konseptini ifodalovchi leksemalar: cosmos, creation, earth, infinity, macrocosm, nature, outer, space, sphere, world, locality, constellation, elliptical, galaxy, galaxy, irregular galaxy, nebula, solar system, spiral galaxy, star cluster, star system;
3) diniy qiyofa konseptini ifodalovchi leksemalar: devout, faithful, godly, holy, pious, punctilious, reverent, sacred, scrupulous, spiritual, devout, divine, godly, holy, Pious, sacred, agnostic, atheistic, blasphemous, careless, casual, erring, evil, immoral
4) dunyoviy qiyofa konseptini ifodalovchi leksemalar: afterlife, eternal life, eternity, happy hunting ground, heaven, hereafter, immortality, life after death, next world, pit, syndicate, legal;
5) milliy-madaniy qiyofa konseptini ifodalovchi leksemalar: artistic, civilizing developmental, edifying, educational, enlightening, ethnic, humanizing, racial, refining,
6) Salbiy qiyofa konseptini ifodalovchi leksemalar: adverse, contradiction, denial, detrimental, gloomy, opposing, refusal, rejection, veto, Denying, disclaiming, indirect, privative.

Konseptlar sodda va murakkab tuzilishga ega bo‘lishlari mumkin. Sodda konseptlar ko‘proq semantik ma’noga ega bo‘lib, xalqning turmush tarziga unchalik bog‘liq emas. Ular barcha tillarda o‘zlarining leksik ma’nosiga ega va ularni leksik universaliyalar toifasiga kiritish mumkin. Murakkab xarakterdagi konseptlar esa o‘sha tilda so‘zlashuvchi xalqning uzoq yillar davom etgan jarayon – xalqning turmush tarzi asosida shakllangan tushuncha, masalan, idiomatik xarakterdagi frazeologik birikma bazasida hosil bo‘lgan tushuncha sifatida tasavvur qilinishi mumkin.

“Appearance konseptini**”** so‘zi **deceptive** yoki **deceiving** so‘zlari bilan birlashib, *usti yaltiroq ichi qaltiroq* kabi ma’noda keladi**;** *For example; Idon't trust nyone who acts happy all the time. I just can't shake the notion that appearances are deceptive, you know? Edward seems like a very nice boy, but appearances can be deceiving. Jane may look like she doesn't understand you, but she's really extremely bright. Appearances can be deceiving.*

“Qiyofa” konseptining quyidagi xususiyatlarini ham ta’kidlash lozimdek ko‘rinadi:

“***Appearances***” semasiga ega bo‘lgan leksemalar **keep up** yoki **make** kabi fe’llar bilan ko‘chma ma’noda qo‘llanilib, uning birinchi ma’nosi; h*ar qanday narsani ilk qiyofasida saqlanib qolinishi”*- ikkinchi ma’nosi; “ har xil qiyofa hosil qilish*”* - kabi metaforik modellar hosil qiladi. *For example; They were very unhappily married but kept up appearances for the sake of their children; He didn't make an appearance until after midnight*

Shuningdek “*appearance***”** so‘zi **cheat** so‘zi bilan birlashib ikki xil ma’noda keladi **1.** Varaqdagi sinov mashqlar yoki biror kitobdan namuna sifatida olib ko‘rsatib qo‘yish **2.** paremiyalogik shaklda kelib uning tarjimasi (*Qiyofa o‘zgargan bilan, yurak o‘zgarmaydi*). *For example; 1. BEAMER appearance cheat sheet from version 3.57; 2. Appearance cheats*

Bunday modellarni ayrim maqol va matallarda ham uchratish mumkin:

“We should look to the mind, and not to the outward appearance, Beauty is produced by the pleasing appearance and good taste of the whole, and by the dimensions of all the parts being duly proportioned to each other"; – (*Insonning tashqi ko‘rinishi hech narsani belgilamaydi)*; (*Go‘zallik insoniyatning yoqimli qiyofasi va yaxshi xulq barcha ismlarning o‘lchamlaridir)*– maqolida esa *“tashqi ko‘rinishi, yoqimli ko‘rinishi”* – so‘zlariga metaforik modeli qo‘llangan.

Ushbu misollarga tayangan holda aytish mumkinki, ingliz tilida *“appearance-qiyofa”* semasiga ega bo‘lgan so‘zlar insonning ichki va tashqi dunyosi o‘rtasidagi o‘ziga xos chegara rolini bajarayapti.

Metaforik modellar bilan bir qatorda ingliz tilida *“appearance-qiyofa”* so‘zi inson hayotidagi metonimik modellarda ham qo‘llaniladi. Masalan: **gentlemanly** - so‘zi bilan birikib “*janoblarga xos qiyofada bo‘lmoq, janoblarga o‘xshab kiyinmoq, liboslar kiymoq*” tarjimasida keladi. *M: Before Mr. Justice Vaughan and Mr. Baron Alderson, Thomas Griffiths Wainewright, aged forty-two, a man **of gentlemanly appearance**, wearing mustachios [BNC, RF2 623].*

“Appearance-qiyofa” so‘zi tanho holatda va so‘z birikmalari, frazeologik birikmalar tarkibida turli, to‘g‘ri va ko‘chma ma’nolarni ifoda etib kelishi mumkin. Tahlillar ularning bir qismi tarjima tilida mos ekvivalentlarga ega bo‘lsa, ba’zilari mos birliklarga ega emasligini ko‘rsatdi. Masalan: *to appearance was wild and uncouth – ko‘rinishidan yovvoyi va xunuk bo‘lmoq , appearance in all respects* of a damaged young man – *yaralangan yigitning qiyofasi, eccentric in appearance – qiziq tabiatli qiyofa, festive appearance – bayram kayfiyatidagi qiyofa, absurdity of his appearance- bema’ni qiyofa , of gentlemanly appearance – oliyjanob qiyofa* va hokazo.

Yuqoridagi mulohazalardan kelib chiqib, *“appearance-qiyofa”* semantikasining asosiy holatini ifodalovchi til omillari kognitiv jarayoni bosqichlarini chizma asosida ifodalashga harakat qilamiz.



Yuqorida zikr qilingan mulohzalarga tayangan holda ta’kidlash mumkinki, *“appearance-qiyofa”* konseptning yadrosi til egalari uchun faol assotsiatsiya hosil qiladi, kamroq ahamiyatga ega bo‘lganlari esa periferiyadan joy oladi va markazdan uzoqlashgan sari ular (assotsiatsiya)ning ma’nosi ham susayib boradi. Qiyofa konseptning yadrosi sifatida so‘zlovchi ongida hosil bo‘lgan asosiy tushuncha (tasavvur) tan olinadi. Uning periferiyasini esa yadroning kognitiv xususiyatini baholaydigan va izohlab, talqin qilib bera oladigan maydon hosil qiladi.

Xulosa va takliflar. Yuqoridagilardan kelib chiqib quyidagicha xulosa va takliflarga kelishimiz mumkin.

- Ingliz tili izohli lug‘atlari bilan ishlash jarayonida o‘tkazilgan tahlillar “*appearance*” leksemasini polisemantik xususiyatga ega ekanligi va ular alohida olinganda ham, so‘z birikmalari va frazeologik birikmalar tarkibida kelganda ham turli ma’nolarni kasb etishlari mumkin.

- *“appearance-qiyofa”* konseptini taqqoslash orqali mazmuni aniqlangan ba’zi bir fazilatlar va intensivlik sezishining chegaralanishi va belgilanishi asosida yetakchi tasniflash xususiyatlariga ega bo‘lishimiz mumkin.
- Tahlillarga ko‘ra Ingliz tilida ham *“appearance-qiyofa”* semasiga ega bo‘lgan so‘zlar insonning ichki va tashqi dunyosi o‘rtasidagi o‘ziga xos chegara rolini bajaradi.
- Metaforik modellar bilan bir qatorda ingliz tilida *“appearance-qiyofa”* leksemasi inson hayotidagi metonimik modellarda ham qo‘llaniladi. U lisoniy tadqiqot ob’yekti sifatida xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Лихачев Д.С. Логический анализ языка. Культурные консепты. М., 1991.С.280-287
2. Safarov SH. Semantika. T., 2013. -340 b.
3. SH.Iskandarova.O‘zbek tili leksikasini mazmuniy maydon sifatida o‘rganish (shaxs mikromaydoni).- filol. fanlari dok. avtoreferat-T.1999.
4. A.Sobirov O‘zbek tilining leksik sathini sistemalar sistemasi tamoyili asosida tadqiq etish.- T.: Ma’naviyat.2004.
5. HornbyA.S. OXFORD Advanced Learner*s dictionary. sixth edition/ Edited by Sally Wehmeier. OXFORD UNIVERSITY PRESS, 2000. P. -83.
6. Webster’s third international dictionary of the English language. Könemann.1993. P. -103.
7. Асколдов С. А. Концепт и слово // Русская словесност. От теории словесности к структуре текста. Антология. М., 1997. С. 267-279.
8. Катснелсон С.Д. Категории языка и мышления: из научного наследия / С.Д. Катснелсон. М.: Яз. Славянской культуры, 2001. 864с.
9. Ш.Шокиров. Турли тизимли тилларда «кўз» лексик-семантик майдони ва уни ташкил этувчи тил бирликлари типологияси. – ф.ф.ф.док. афтореферат- Т. 2020.
10. John Galsworthy. Apple Tree and other stories [Text]. J. Galsworthy. - M.: Izd-volit. nainostr.yaz, 1961
11. William Somerset Maugham. Cakes and Ale or the Skeleton in the Cupboard [Text]. W. S. Maugham. – M.: Menedjer, 2000.
12. Степанов Ю.С. Константы: Словар русской культуры. М.: Школа «Языки Русской культуры», 1997. - 824 с.; Павилёнис Р.И. Проблема смысла. Современный логико-философский анализ языка. М.: Мысл, 1983. – 286 с.
13. Колесов В. В. . Введение в историческую фонологию. – Л.: Ленинградский гос. ун-т им. А. А. Жданова, 1982. – 120 с.
14. Арутюнова Н. Д. Типы языковых значений: Отсенка. Событие. Факт. – М.: Наука, 1988. – 341 с. [9] Карасик В.И. Определение и типология консептов / В.И. Карасик // этнокультурная консептология: сб. науч. тр. / Калм. гос. ун-т. – Вып. 1. –Елиста: Изд-во Калм. ун-та, 2006. – 332 с.; Ляпин С.Х. Консептология: к становлению подхода // Консепты. Вып. 1. – Архангелск, 1997. – С. 11-35.

М.Усманова, Ш.Шокиров

Семантическое исследование понятия «appearance» в английском языке

Аннотация: Статья посвящена исследованию характерных особенностей лексемы “appearance” в английском языке, их роли при передаче информации а также их стилистическим особенностям. Она основана на материалах английского языка для определения содержания семантики «appearance» и изучения особенностей его использования в тексте с семантико-прагматической точки зрения.

Ключевые слова: инвариант, архетип, парадигматический, синтагматический, полисемантичный, идиоматический, паремиологический, ассоциация.

M.Usmanova, Sh.Shokirov

Semantic study of the concept "appearance" in the english language

Abstract: The article is devoted to the study of the characteristic features of the lexemes “appearance” in the English language, their role in the transmission of information, as well as their stylistic features. It is based on the material of the English language to determine the content of the semantics of "appearance" and to study the features of its use in the text from a semantic and pragmatic point of view.

Keywords: invariant, archetype, paradigmatic, syntagmatic, polysemantic, idiomatic, paremyalogic, association.

Хосият Яздонкуловна Мулладжанова – Самаркандский институт экономики и сервиса
преподаватель кафедры социальных дисциплин

ВКЛАД АМУДАРЬИНСКОЙ И АРАЛЬСКО- КАСПИЙСКОЙ ЭКСПЕДИЦИЙ В ГЕОГРАФИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ СРЕДНЕЙ АЗИИ

Аннотация. В этой статье представлены результаты исследований Амударьинской и Аральско-Каспийской экспедиций, создание топографических, географических карт на основе сведений о местностях Средней Азии.
Ключевые слова: Средняя Азия, Царская Россия, Амударьинская экспедиция, топографический, геологический, Амударья, Аральское море, нивелировка.

Введение. Средняя Азия всегда была ареной для обогащения иноземных захватчиков. Своей богатой природой, разнообразной флорой и фауной, ценнейшими природными ископаемыми не оставили равнодушными и Царскую Россию. Первые попытки утвердится в этом краю Петром I не увенчались успехом. В середине XIX в. внутренние распри и междоусобицы ханств подорвали мощь государств Средней Азии, что способствовало завоеванию Царской Россией.

Царское самодержавие была заинтересована в дальнейшей колонизации края, целью колонизации являлась создание сырьевой базы и укрепление позиций Российской империи в Средней Азии. И только в этих целях оказывали некоторую материальную поддержку географическим и естественно - историческим исследованиям Средней Азии. После завоевания Царской Россией Средней Азии, кроме внедрения политических и экономических изменений, постепенно за изучением края привлекались ученые разных специальностей. За этот период времени, когда продолжался завоевательный процесс Царской Россией, основным методом изучения края оставался экспедиционным, хотя характер экспедицией несколько изменился, прежде всего экспедиции приобрели характер комплексности и объединения в составе.

Экспедиции ученых разных специальностей обеспечивало одновременно вести широкие и детальные исследования для основательного изучения данной территории[1] .

Анализ литературы по теме. В последнее время в нашей республике большое внимание уделяется проблеме Аральского моря и экологии нашей республики и согласно этой проблематике были исследованы множество вопросов. В данной статье даны труды великих исследователей которые имеют ценные сведения по изучению Амударьи и Аральского моря. Наибольший интерес по данной теме представляют работы таких российских ученых-исследователей как М. Н. Масальский, Л.С. Берг, Н. В. Ханыков, М.Н. Чернышевский, Н. Н. Карамзин, А.Е. Россикова, А. И. Глуховский. А также труды наших отечественных ученых Х.М. Абдуллаев, К.З. Закиров, Х.Х. Хасанов, М.К. Кариев, Н.Д. Долимов.[2]

Методы исследования: В процессе исследования использовались общенаучные методы познания, в частности методы системного подхода, исторический подход, единство логического анализа.

Анализ и результаты исследования. Одним из первых экспедиций который был намечен во время Хивинского похода в 1873 году, была Амударьинская экспедиция, которую возглавил полковник Н. Г. Столетов[3]. Это положило началу дальнейшему всестороннему и систематическому изучению края. Амударьинская экспедиция была сформирована в составе

[1] Отчет Императорского Русско- Географического Общества за 1865. СПб. 1866 АРГО Ф-1866 1 Д 14. Л.5-6

[2]Л.С. Берг. Аральское море: опыт физико-географической монографии// известия Турк. Отд. РГО, т. 5 вып. 9., Н.В. Ханыков //энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона в 86т. Спб 1890-1907., М.Н. Чернышевский «через Устюрт в Среднюю Азию» М.1985., Карамзин Н. Н. «В низовьях Аму; путевые очерки- вестник Европы»., Россикова А.Е. «По Амударье от Петро- Александровска до Нукуса»// русский вестник. – СПб.,1902

Глуховский А. И. «Пропуск вод Амударьи по старому руслу в Каспийское море». Масальский В. И. «Туркестанский край» СПб 1913 т-19., Х. М. Абдуллаев собрание сочинений в 7 ми томах., З.К.Закиров Проблема зональности в ботанической географии Средней Азии и Узбекистана// тез. Науч. Докл. На сессии АН УзССР. 1947 М.К. Кариев Среднеазиатские географы и путешественники Т. 1964., Н.Д.Долимов Узбекистон табий географияси Т., 1986

[3] Отчет Императорского Русско- Географического Общества за 1865. СПб. 1866 АРГО Ф-1866 1 Д 14.

5 отделов при непосредственном участии членов Туркестанского отдела Русского географического общества:

1. Геодезическо-топографический,
2. Метеорологический
3. Гидрологический и гидрогеографический
4. Естественно-исторический
5. Этнографо-статистический[1].

Каждый отдел получил большие, хорошо продуманные цели от Императорского Русского Географического общества. Благодаря этому каждый отдел выполнял точно установившийся круг заданий, согласно этой экспедиции.

Все отделы экспедиции успешно разрешили поставленные перед ними задачи и достигли больших результатов.

Были составлены карты – географические, топографические и геологические. Были организованы метеорологическая обсерватория в Нукусе и метеорологическая станция в Петро- Александровке. Это помогало получить нужные сведения, касаемо климата того региона и положило началу гидрометеорологическому изучению края. Амударьинская экспедиция также занималась топографическими съемками и геологической разведкой. В результате тщательных, продолжительных исследований были сделаны подробные карты местности и открыты медные руды и каменноугольные бассейны в горах.

Систематически осуществлялось описание и изучение состояния водного режима Амударьи и ее притоков, физического состояния атмосферы и атмосферных явлений, что поныне сохраняет значение в деле сравнительного изучения климата[2]. Амударья была хорошо судоходна и не было прохода в море и задачей экспедиции являлась открыть выход в море по Амударье, чтобы приносило пользы для военных действий, а также главнейшей задачей ученой экспедиции заключалась в определении количества вод и степени судоходства Амударьи, изыскании условий высыхания степных водоемов, нивелировкой, также заданиями такими, как дававшие точные сведения о местностях и путях сообщения, которые впоследствии имели громадные значения для последующих исследований. Кроме того было собрано много полезных материалов об экономике края, о его населении, исторических памятниках, населенных пунктах и т.п.

Помимо ценнейших коллекций естественно- исторических и этнографических и различных карт участниками этой экспедиции Императорскому Русскому географическому обществу было доставлено множество статей и отчетов напечатанных в периодических изданиях Общества. Занимаясь преимущественно географическими, геологическими и этнографическими сведениями были попутно произведены зоологические и ботанические сборы. Кроме Амударьинской экспедиции можно также рассмотреть Аральско-Каспийскую экспедицию, которая была организована одновременно с Амударьинской, она была посвящена изучению фауны Аральского и Каспийского морей. Во время экспедиции были составлены 220 наименований населенных мест расположенных в прибрежных районах Аральского моря, с указанием этнического состава жителей, сведения о промышленных производствах, изучены особенности языка населения[3]. Известными учеными Н. А. Северцевым и М. Н. Богдановым были составлены богатые коллекции и разрешены научные вопросы по географии, растений и их ботанике. В целях изучения рыболовства Аральского моря в 1885 г. прибыл зоолог А.М. Никольский и обследуя по пути рыболовные хозяйства. Он написал книгу под названием «О рыболовстве в водах Аральского бассейна в 1887 году». Значимым из исследований была Аральско- Каспийская нивелировка проведенная географом и геодезистом А.А. Тилло.[4] Он также производил астрономические наблюдения на берегах Аральского моря и низовьях Сырдарьи. Было сделано несколько нивелировок сухих русел

[1] Отчет Императорского Русско- Географического Общества за 1865. СПб. 1866 АРГО Ф-1866 1 Д. 15
[2] Н. Н. Карамзин «В низовьях Аму; Путевые очерки- вестник Европы». С. 54
[3] В. И. Масальский «Туркестанский край» СПб 1913 т-19. С. 43
[4] Л.С.Берг «А.А. Тилло// отечественные физико-географы и путешественники». Москва-1959 С.440

Амударьи, как в Хивинском ханстве от Куня -Ургенча до Сары- Камышских озер так от Каспийского моря до Сары- Камыша и самих Сары -Камышских озер, таким образом после экспедиции оказался подробно прослеженным весь путь старого русла Амударьи[1]. В результате всех этих сьемок и нивелировок были составлены карты Туркестанского края и отдельных частей края.

Выводы и предложения: Таким образом гибкость организованной структуры, последовательность в решении целей и задач экспедиции, широкий спектр научных интересов, постепенный охват самых различных вопросов в сочетании с глубиной исследований дали бесценный результат и в дальнейшем стал незаменимым ценным источником для ученых – исследователей. Труды исследователей экспедиций внесли огромный вклад в изучении Туркестанского края, в частности Аральского моря. Изучив труды вышеуказанных исследователей:

Во первых: можно определить существующие проблемы касаемо изменений Аральского моря, использовать данные исследователей в изучении климатических условий, топографических изменений края.

Во вторых: использовать в качестве научного материала для учебных пособий высшего и среднего образования, которые являются актуальным в настоящее время.

Список используемой литературы:

1. М.Н. Чернышевский «Через Устюрт в Среднюю Азию».
2. Н. Н. Карамзин «В низовьях Аму; Путевые очерки- вестник Европы»..
3. А.Е. Россикова «По Амударье от Петро- Александровска до Нукуса»
4. А. И. Глуховский «Пропуск вод Амударьи по старому руслу в Каспийское море».
5. В. И. Масальский «Туркестанский край» СПб 1913 т-19.
6. Отчет Императорского Русско- Географического Общества за 1865. СПб. 1866 АРГО Ф-1866 1 Д 14.
7. Л.С. Берг. Аральское море: опыт физико-географической монографии// известия Турк. Отд. РГО, т. 5 вып. 9.,
8. Н.В. Ханыков //энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона в 86т. Спб 1890-1907., М.Н. Чернышевский «через Устюрт в Среднюю Азию» М.1985., Н. Н. Карамзин «В низовьях Аму; путевые очерки- вестник Европы».,
9. А.Е. Россикова «По Амударье от Петро- Александровска до Нукуса»// русский вестник. – СПб.,1902
10. А. И. Глуховский «Пропуск вод Амударьи по старому руслу в Каспийское море».
11. Х. М. Абдуллаев Собрание сочинений в 7 ми томах.,
12. З.К.Закиров Проблема зональности в ботанической географии Средней Азии и Узбекистана// тез. Науч. Докл. На сессии АН УзССР. 1947
13. М.К. Кариев Среднеазиатские географы и путешественники Т. 1964., Н.Д.Долимов Узбекистон табий географияси Т., 1986

X.Mulladjanova

Amudaryo va Orol-Kaspiy ekspeditsiyalarining O`rta Osiyo geografik tadqiqotiga qo`shgan hissasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada Amudaryo va Orol-Kaspiy ekspeditsiyalarining tadqiqotlari natijalari, O‘rta Osiyo hududlari haqidagi ma’lumotlar asosida topografik, geografik xaritalar tuzish haqida keltirilgan.

Kalit so‘zlar: O‘rta Osiyo, Chor Rossiyasi, Amudaryo ekspeditsiyasi, topografik, geologik, Amudaryo, Orol dengizi, tekislash.

Kh.Mulladjanova

The contribution of the Amudarya and Aral-Caspian expeditions to the geographical research of Central Asia

Abstract: This article presents the results of research of the Amudarya and Aral-Caspian expeditions, the creation of topographic, geographical maps based on information about the areas of Central Asia.

Keywords: Central Asia, Tsarist Russia, Amudarya expedition, topographical, geological, Amudarya, Aral Sea, leveling.

[1] Л.С.Берг «А.А. Тилло// отечественные физико-географы и путешественники». Москва-1959 С.448

Ҳилола Нематовна Очилова – СамИСИ стажёр-тадқиқотчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ЗАИФ ТОМОНЛАРИ
(2-мақола)

Аннотация: мақолада олий таълимда таълим хизматларини ривожлантиришнинг SWOT таҳлили қараб чиқилган. Бунда ҳар қандай корхоналарнинг фаолиятида қўлланилгани каби олий таълимда ҳам SWOT таҳлилдан фойдаланиш унинг стратегик йўналишини аниқлаш ва унга тўлиқ эришиш учун имкониятларни кўрсатиб бера олиши исботланган. Бунда олий таълимнинг бугунги кундаги кучли томонлари, заиф томонлари, имкониятлари ва таҳдидлар алоҳида ўрганилиб тизимлаштирилган ҳамда хулосалар қилинган.
Калит сўзлар: таълим, таълим хизматлари, SWOT таҳлил, кучли томонлари, заиф томонлари, имкониятлари, таълимдаги таҳдидлар.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. SWOT таҳлил усулидан ҳар қандай ҳодиса ва жараёнларга баҳо беришда фойдаланиш мумкин. Бу бевосита масаланинг кучли томонлари, заиф томонлари, имкониятлари, таълимдаги таҳдидларни ўз ичига олади. Шу жиҳатдан унинг ҳар бир бандини тўлиқ изоҳлашни талаб қилади.

Янги Ўзбекистонимизда олий таълимда илмий салоҳият йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Маълумотларга қараганда ҳозирги кунда фан доктори (DSc) илмий даражасига ёки профессор унвонига эга профессор-ўқитувчилар сони 2477 нафарга (ўтган йилда эса 2147 нафар бўлган), фан номзоди (PhD) илмий даражасига ёки доцент унвонига эга профессор-ўқитувчилар сони 8706 нафарни (ўтган йилда эса 7963 нафар) ташкил этади[1]. Илмий салоҳиятнинг ўсиши ҳам таълим хизматларини ривожланаётганлигидан далолат бериб турибди.

Инсонлар таълим тизимида босқичма-босқич кўрсатиладиган хизматлардан илмли, билимли ва тарбияли бўлиб шаклланиб боради. Олий таълим босқичига келганда олий маълумотли бўлмасдан туриб келажаги порлоқ бўлмаслигини тушуниб етади. Шулардан келиб чиқиб, инсон ўзини жамиятга, оиласига кўпроқ фойдаси тегиш кераклигини ҳис қилган руҳиятни шакллантириб боради ва ўз мақсадига эришишга ҳаракат қилади. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, мазкур мавзу ўта долзарб масалаларнинг ечимига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодий адабиётларда SWOT таҳлилга бағишланган маълумотларни деярли учратмадик. Фақат М.Қ.Пардаевнинг иқтисодий таҳлилга оид асарларида ушбу мавзунинг моҳияти очиб берилган [3, 4]. О.С.Қаҳҳоровнинг “Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертациясида Бухоро ва Навоий вилоятларида таълим хизматлари бозорининг ҳолати SWOT таҳлил қилинган[5]. Бундан ташқари айрим илмий мақолаларда ҳам хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаларининг SWOT таҳлиллари ёритилиб таҳлил қилинган [6, 7, 8, 9]. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини оширишда SWOT таҳлил усулидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотларимиз натижасида SWOT таҳлилдан фойдаланиш натижасида таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий-услубий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида абстракт фикрлаш, мантиқий ёндашув, қиёсий таҳлил каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Олий таълимда таълим хизматлари кўрсатилганда **кучли томонларига** республикамизда етук, рақобатдош, замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашга жуда катта имкониятлар яратилмоқда. Бунга олий таълим муассасаларининг кўпайиши ва унда тайёрланаётган мутахассисларнинг сонини ҳам ортиб боришини келтиришимиз мумкин. ОТМнинг сони 2000/2001 ўқув йилида 61 тани ташкил

[1] https://www.gazeta.uz/uz/2021/11/04/university-rating/#!

этган бўлса, 2020/2021 ўқув йилида эса 127 тага етган. Буларни таҳлил қиладиган бўлсак, шу даврда 2 баравардан кўпроқ ошганини кўриш мумкин.

Статистик маълумотларга қараганда олий таълимда таҳсил оладиганлар сони 2000/2001 ўқув йилида республикамизда 183,5 минг нафар талабани ташкил этган бўлса, 2020/2021 ўқув йилида эса 571,5 мингта талабани ташкил этмоқда.

Ҳозирги вақтда республикамизда 2020-2021 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари сони 177654 нафар, академик лицей битирувчилари 16947 нафар, умумий ўрта таълим ташкилотларининг 11 синфини битирувчилари 454333 нафар, яъни жами битирув-чилар сони 648934 кишини ташкил қилмоқда. Ҳозир уларнинг 30 %га яқини талабалар сафига кирган бўлса, 2030 йилгача олий таълим билан қамраб олиш даражаси 50 фоизга етказилади[1].

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонунининг 5-моддасида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда масофавий таълим олиш ҳуқуқини олиш таъминланади, деб таъкидлаб ўтилган. Бундан ташқари, ушбу қонуннинг 16-моддаси Масофавий таълимга қаратилган бўлиб, унда “Масофавий таълим ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишга қаратилган”[2]. Бу ҳам таълим хизматларини ривожлантиришнинг имконияти, деб ҳисоблаймиз.

Халқаро амалиётга кўра жаҳонда кўпгина давлатларда олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш кредит-модуль тизимига асосланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сон Қарорининг 1-бандида “2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш тартиби жорий этилсин” деб кўрсатиб ўтилган эди. Бу тизимга босқичма-босқич ўтилиб 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тўлиқ ўтилди. Кредит-модул тизимининг амалиётга жорий қилинганлиги ҳам олий таълимда таълим хизматларини ривожлантиришнинг имкониятларидан биридир.

Олий таълимни ривожлантиришнинг имкониятларидан бири ҳозирги кун аудиторияларимизнинг талаб даражасида замонавий ахборот технологиялари билан таъминланганлигини ҳам келтиришимиз мумкин. Ушбу имкониятлар олий таълимда таълим хизматларини ривожлантириш учун катта манба бўлиб ҳисобланади. Шу туфайли мазкур соҳани ривожлантиришнинг стратегик режасини ишлаб чиқишда улардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Етук, рақобатдош, замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрланиши, ҳозирги иқтисодиётни жадал ривожлантириш шароитида ўта муҳим аҳамият касб этади. Чунки етук ва рақобатбардош кадрлар инвестицияларни жалб қилишда, корхоналар бошқарувида тўғри қарор қабул қила олади. Бунинг натижасида иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан аҳоли фаровонлиги ошиб бораверади. Тадқиқотлар ва кузатишларимиз натижасида шу нарса аниқ бўлдики, ўтказилган социологик сўровномамиз натижаларига асосан хулоса қиладиган бўлсак, жамиятда олий маълумотли мутахассисларнинг яшаш даражаси сифатидан қониқиши 87% ни, олий маълумотга эга бўлмаган мутахассисларники эса 56 % ни ташкил қилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, олий маълумотли мутахассислар жамиятга, оиласига кўпроқ фойда келтиради деган хулоса қилиш мақсадга мувофиқдир.

Олий ўқув юртларида қанчалик кўп ва сифатли таълим хизмати кўрсатилса, аввало давлатга, қолаверса фаолият юритаётган таълим муассасасига ҳам шунча кўп даромад келтиради. ОТМда ўқув режасидан ташқари ҳар хил йўналишлар бўйича курслар, таълим хизмати бўйича корхона ва ташкилотлар билан тузилган хўжалик шартномалари

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни. https://lex.uz/docs/5013007

ташкиллаштирилса ҳам таълим муассасасига жуда катта фойда келтиради, бунинг натижасида таълим муассасаси ҳам, таълим хизмати кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ҳам бундан манфаатдор бўлади.

Шу билан биргаликда олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни чет элга малакага ёки стажировкага юборишлар йўлга қўйилса ҳам фикрлар алмашиш натижасида сифатли таълим кўрсатишга олиб келади. Бунга Президентимиз ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда. “Эл-юрт умиди” жамғармаси кўмагида профессор-ўқитувчиларни хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва докторантурада ўқитиш орқали уларнинг касбий маҳоратини ошириб бориш” кераклигини ўз Фармонларида таъкидлаб ўтганлар[1].

Ҳозирги Янги Ўзбекистонимизни ривожланиб боришига биринчи навбатда мамлакатда илмий-тадқиқот билан шуғулланувчиларга имкониятларнинг яратилганлигидандир. Илмий-тадқиқотлар билан шуғулланиш натижасида кўплаб таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий қилинаяпти ва мамлакат ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Биз тадқиқотимизнинг бу кучли томонлари деб кўрсатган йўналишларнинг ҳаммаси сифатли таълим хизматлари кўрсатилганлиги эвазига амалга оширилмоқда.

Олий таълимда кўрсатиладиган таълим хизматларининг **заиф томонларига** тўхталиб қуйидаги изоҳларни келтирдик:

Биринчидан, ҳозирги кунда олий таълим муассасаларини ривожлантириш учун зарурий иқтисодий механизмлар яхши йўлга қўйилмаган. Буларга мисол тариқасида айтадиган бўлсак, ОТМда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ҳар доим ҳам меҳнатига яраша ҳақ олмайди, ҳар хил интерфаол педагогик усулларни қўллаб, сифатли дарс берадиган ўқитувчи билан фақат дастур доирасида дарс берадиган ўқитувчилар бир хил маош олишади. Бундан хулоса қилган сифатли дарс берадиган ўқитувчи ҳам шу шаклда дарс беришга одатланади. Бунинг натижасида ҳам кўрсатиладиган таълим хизматининг сифати пасайишга олиб келади.

Иккинчидан, биз ҳозир босқичма-босқич кредит модул тизимига ўтиб бормоқдамиз. Профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар ҳам HEMIS дастурида ишламоқда. Бу дастурларда ишлаш учун албатта Интернет тезлиги ва сифати катта аҳамиятга эга. Буларни яхшилаш масаласи ҳам долзарб масалалардан биридир.

Учинчидан, олий таълимдаги муаммолардан яна бири таълим беришда назария билан амалиётнинг бири-бири билан етарли даражада уйғунлашмаганлигидир. Олий таълимда таълим бериш жараёнида назария билан амалиёт бир-бирини тўлдириб уйғунлашиб амалга оширилсагина юқори натижага эришилади ва самара беради. Таълим бериш жараёнида назария билан амалиётни уйғунлаштиришнинг энг самарали усулларидан бири бу дуал таълимдир. Минг афсуски, дуал таълим бизнинг республикамизда олий таълимда қўлланилмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 163-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорда профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этишга қаратилган. Бу Дуал таълимни олий таълимда ҳам ривожлантирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тўртинчидан, олий таълимда педагог-ходимларнинг иш ҳақининг етарли эмаслиги ҳам заиф томонларимиздан биридир. Чунки меҳнатга ҳақ тўлаш даражасининг пастлиги сабабли кўп билимли ва тажрибали профессор-ўқитувчиларимиз ишдан кетиб қолишга сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, айрим профессор-ўқитувчиларимизнинг қўшимча бошқа ишлари ҳам бор. Бунинг асосий сабаби маблағга бориб тақалади. Қўшимча ишлаган профессор-ўқитувчиларимизнинг ҳамиша ҳам дарсга тайёргарлик кўришга вақтлари етмайди. Бу ҳам таълим сифатини пасайишига олиб келади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

Бешинчидан, олий таълим муассасаси битирувчиларининг ҳаммаси ҳам ўз мутахассислиги бўйича, ўзлари хоҳлагандек ишга жойлаша олмаяпти. Бунинг асосий сабаби ишга жойлаштириш дастури қониқарли даражада ишлаб чиқилмаганлигидадир. Бунинг олдини олиш учун тизимли дастурлар ишлаб чиқиш кераклигини тақозо қилмоқда.

Олтинчидан, инновацион ривожланишнинг таълим билан уйғун эмаслиги ҳам ҳақиқат. Бунинг учун таълим тизимида инноваторлар тайёрланиши керак. Бунга эришиш учун ҳали анча муаммолар бор.

Еттинчидан, изланишлар учун маҳаллий ва глобал маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятининг етарли эмаслиги ҳақида гапирадиган бўлсак, олий таълим чоп қилинган ўқув қўлланмалар, дарсликлар, маъруза матнлари, монографиялар, ҳимоя қилинадиган диссертациялар, чоп қилинган мақолалар жуда кўпи Ziyonet тармоғига жойлаштирилади. Лекин маълумотлар излаганимизда бу маълумотларни топа олмаймиз. Буларни керакли аҳоли ўрганиши учун жойлаштирилади, лекин ўрганиш чекланган. Ҳозирги даврда плагиат дастури яхши йўлга қўйилган. Ким бировникини кучирса аниқ кўрсатиб беради. Бу маълумотларни очиб ўқиб ўрганадиган қилинса, мақсадга мувофиқдир. Бу ҳам таълимнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Олий таълимда таълим хизматларини ривожлантиришнинг бир қанча **имкониятлари** ҳам мавжуд. Буларнинг ҳам изоҳларига алоҳида тухталиб ўтсак:

Биринчидан, хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг энг асосий имкониятларидан бири аҳоли турмуш даражасининг ошиб бораётганлигидир. Чунки мазкур жараён ушбу хизматга бўлган талабни оширади.

Иккинчидан, олий таълимда таълим хизматларини ривожлантиришнинг имкониятларидан бири билим олиш имконияти мавжудлигидир. Чунки бизнинг юртимизда ким қандай билим олишни истаса ҳамма шароитлар мавжуд. Бундан ташқари илмий иш билан шуғулланадиганларга ҳам жуда катта имкониятлар ва шароитлар мавжуд. Бу соҳага катта имкониятлар яратиш мақсадида 2019 йил 29 октябрда “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган[1].

Учинчидан, таълим хизматларининг турлари ҳам, таълим йўналишлари ҳам йилдан-йилга ўзгариб, такомиллашиб бормоқда. Давр талабидан келиб чиқиб таълим хизматларига бўлган эҳтиёж ҳам ошиб бормоқда. Таълим муассасаларида кўрсатиладиган хизматлардан ташқари ҳар хил курслар, ҳар хил мутахассисликлар ва тил ўрганиш бўйича бериладиган сертификатлар учун ташкил қилинган курсларга ҳам эҳтиёжлар ошиб бормоқда.

Тўртинчидан, олий таълимда сифатли таълим хизмати кўрсатилганда олий таълимни битирган олий маълумотга эга бўлган мутахассислар иш билан таъминланади, бу эса аҳолининг бандлик даражасининг таъминланишига олиб келади. Республикамизда бандлик даражаси ошса, ишсизлик даражаси пасаяди, яшаш шароитининг рентабеллиги ҳам ошади. Бундан ташқари олий маълумотли мутахассислар фаолияти давомида жамиятга, оиласига фойдаси тегади, бу билан аҳолининг фаровонлиги ҳам ошади.

Бешинчидан, олий таълимда фаолият юритаётган барча профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва хизматчилар жамоа шартномаларига мувофиқ ижтимоий-маиший ва тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир олий таълим муассасасида касаба уюшма қўмиталари фаолият юритади. Улар педагог-ходимлар ва хизматчиларнинг талаби ва аризаларига мувофиқ дам олиши ва даволаниши учун етарли шароитлар яратиб берадилар. Буларни амалга ошириш учун етарли имкониятларимиз ҳам мавжуд.

Олтинчидан, олий таълимда таълим олиш натижасида иқтисодий самарадорликнинг ошиши сабабли аҳолининг таълим олишга қизиқиши ортиб бормоқда. Бунинг натижасида олий таълим муассасаларида таълим хизматлари кўрсатиш даражаси ҳам ошмоқда. Бу ҳам олий таълимда таълим хизматларини ривожланишининг имкониятларидан биридир.

Еттинчидан, ҳозирги кунда таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш бўйича Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасини бир қанча Қарорлари қабул

[1] https://lex.uz/docs/4571490

қилинаяпти. Давлат томонидан узлуксиз равишда таълим хизматларини қўллаб-қувватловчи чора-тадбирлар, дастурлар қабул қилинаётганлиги ҳам таълим хизматларини ривожланти-ришнинг имкониятларидандир.

Саккизинчидан, олий маълумотли бўлган аҳолининг ўзини-ўзи ҳар томонлама, яъни маблағ билан, иш билан, фаровонлик билан таъминлаши натижасида унинг яшашига зарур имкониятлар яратилади. Бу ҳам олий таълимнинг юртимиз аҳолисининг фаровонлигини таъминлашга қўшаётган имкониятларидан биридир. Буни тушунган аҳолимиз олий таълимга эҳтиёжи ошади. Юқорида айтилганидек, аҳолининг олий таълимга эҳтиёжи ошиши ҳам олий таълимни ривожланишининг имкониятидир.

Ҳозирда олий таълимнинг таълим хизматларини ривожлантиришга **таҳдид солувчи жиҳатларига** таълим олишга ҳамманинг салоҳияти етмаслиги, яъни ҳамма ўрта махсус таълимни битирган битирувчилар ҳам билим савияси етарли бўлмайди. Бундан ташқари ОТМда таҳсил олишга ҳамманинг ҳам молиявий салоҳияти етмайди.

Булардан ташқари меҳнат бозорида билим даражасининг инобатга олинмаслиги ҳам таҳдид солувчи жиҳатларидан. Бу ҳақида гапирадиган бўлсак, ишга жойлашишда олий таълимни битирган талабалардан дипломнинг неча фоизга битирганлиги, мисол учун у талаба 4 баҳоларга битирганми, 5 баҳоларга битирганми инобатга олинмайди. Олий таълимни 5 баҳога “имтиёзли” диплом билан битирган айрим талабалар қандайдир сабаблар билан ишга жойлаша олмайди. Олий таълимни зўрға битирган талабалар эса таниш-билишчилик биланми ишга жойлашиб ишлаб юрибди. Бу билимсизлик даражаси жамиятга ҳам, ташкилотларнинг ривожланишига ҳам таҳдид солади.

Таълим тизимининг ривожланишига жуда катта салбий таъсир қилувчи омиллардан бири бу коррупциядир. Жуда кўп кўриладиган чораларга қарамасдан ҳамон фирибгарлик ҳолатларининг мавжудлиги, коррупция элементларининг сақланиб қолиши, талабаларга баҳо қўйишда айрим ҳолларда учраб турадиган адолатнинг бузилиши каби ҳолатлар учраб турибди. Бундай ҳолатлар рўй бермаслиги учун янада такомиллашган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурдир, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар. Ўтказилган SWOT таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, олий таълимда кўрсатиладиган таълим хизматларининг стратегик режасини ишлаб чиқишда SWOT таҳлилдан фойдаланиш катта самара бериши мумкин экан. Шу туфайли мазкур масалаларни таълим хизматлари кўрсатувчи ҳар бир профессор-ўқитувчилар ўзлаштириб олиши мақсадга мувофиқдир. Шундагина олий таълимда кўрсатиладиган таълим хизматларининг фаолияти доимий равишда ривожланиб, такомиллашиб, унинг сифат ва миқдорий таркиби кенгайиб боради.

Олий таълимда таълим хизматларини ривожлантиришда вужудга келадиган таҳдидларга жуда ҳушёрлик билан қараш лозим бўлади. Чунки юқорида кўрсатиб ўтилган таҳдидлар олий таълимда таълим хизматларини ривожлантиришга ҳамда мамлакатимиз истиқболига ҳам тўсиқ бўлиши мумкин. Буларнинг бўлмаслиги учун ушбу таҳдидларни бартараф қилиб боришни тақозо қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамизда бугунги кунда олий таълимда таълим хизматларини такомиллаштириш ва ўзини-ўзи молиялаштириш имконияти келди. Бу имкониятлардан унумли ва самарали фойдаланган ҳолда таълим хизматларининг янги турларини кенгайтириш лозим. Чунки таълим хизматларига бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу аҳоли фаровонлиги учун хам, таълим муассасалари учун ҳам истиқболли ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни. https://lex.uz/docs/5013007
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
3. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик, Т., “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 493-510-бетлар.

4. Пардаев М.Қ. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айрим муаммолари. Монография. Т., “Наврўз” нашриёти, 2014.
5. Қаҳҳоров О.С. Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш мавзусидаги иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. СамИСИ, 2020. -163-165-бетлар.
6. Пардаев Обид. Юқори технологик хизматларни ривожлантиришнинг SWOT таҳлили. // Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференция материаллари. 1-қисм, 2012 йил 17 феврал, - 16-24 бетлар.
7. Пардаев М.Қ., Гаппаров А.Қ. Жиззах вилоятида экологик ва рекреация туризмни ривожлантиришнинг SWOT таҳлили// «Обод турмушни таъминлашда иқтисодиётни ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш муаммолари». 2013 йил 20 февраль. Республика анъанавий илмий-амалий конференция материаллари II-қисм. Самарқанд, СамИСИ, 2013, - 204-207-бетлар.
8. Бердикулова И.Р. Туризм бозори стратегиясини белгилашда SWOT таҳлилдан фойдаланиш имкониятлари. “Сервис” илмий-амалий журнали, 2015 йил 2-сон, - 137-142 бетлар.
9. Очилов О.И., Одилова М.Ҳ. SWOT таҳлил ва уни маркетингда қўллаш йўналишлари. // Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш истиқболлари / 2017 йил 24-25 февраль кунлари. Республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари (I қисм). Самарқанд, СамИСИ, 2017. – 170-173-бетлар.

Х.Очилова

Возможности и слабые стороны развития образовательных услуг в высшем образовании (Статья 2)

Аннотация: в статье рассматривается SWOT-анализ развития образовательных услуг в высшей школе. Доказано, что использование SWOT-анализа в высшем образовании, как и в деятельности любых предприятий, может определить его стратегическое направление и показать возможности для его полного достижения. Отдельно исследуются, систематизируются и делаются выводы сегодняшние сильные и слабые стороны, возможности и угрозы высшего образования.

Ключевые слова: образование, образовательные услуги, SWOT-анализ, сильные и слабые стороны, возможности, угрозы в образовании.

H.Ochilova

Opportunities and weaknesses of the development of educational services in higher education (Article 2)

Abstract: the SWOT analysis of the development of educational services in higher education is considered in the article. It has been proven that the use of SWOT analysis in higher education, as in the activities of any enterprises, can determine its strategic direction and show opportunities for its full achievement. Today's strengths, weaknesses, opportunities, and threats of higher education are separately studied, systematized, and conclusions are made.

Keywords: education, educational services, SWOT analysis, strengths, weaknesses, opportunities, threats in education.

Маъруфхон Хамидханович Хўжаханов – НамМҚИ таянч докторанти

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИ ИҚТИСОДИЙ ДИАГНОСТИКАСИ ВА УНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Аннотация: Мақолада олий таълим сифати иқтисодий диагностикасини олиб боришда тизимли ёндашувнинг илмий аҳамияти очиб берилган. Олий таълим муассасасининг мониторинг тизими таҳлил қилинган. Олий таълим сифатини баҳолашда диагностик моделлар зарурияти илмий асосланган.

Калит сўзлар: олий таълим, иқтисодий диагностика, таълим сифати, мониторинг, сифатни баҳолаш, тизимли ёндашув, олий таълим муассасаси.

Кириш. Олий таълим сифати иқтисодий диагностикасини олиб боришда тизимли ёндашувга таяниш лозим. Унинг негизида муаммони яхлит ҳолда, тизим сифатида ўрганиш ётади. Бунда ахтарилаётган ечимларнинг кўп сонли муқобил вариантларини эътиборга олиш имконияти таъмин этилади, муаммонинг ноаниқлиги юқори даражали шароитда чекловлар ва қабул қилинадиган қарорлар оқибатларини таҳлил қилиш мумкин бўлади. Албатта, тизим – бу

ташкил этувчи элементларнинг уюшган йиғиндисидир. ОТМни ҳам тизим сифатида кўриб чиқишда элементлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни, элементларнинг бир-бирига таъсирини, тизимнинг ташқи муҳитнинг техникавий, иқтисодий, ташкилий, социологик, психологик ва бошқа соҳалари билан ўзаро таъсирини ўрганиб чиқиш лозим. ОТМнинг алоҳида элементини тадқиқ этишда ҳам ОТМга хос яхлитлик назарда тутилади. Шунинг учун иқтисодий диагностика ОТМнинг самарали ишлашида таркибий қисмларни қандай ташкил этиш зарурлиги ҳақидаги саволга жавоб ахтаради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Кўплаб тадқиқотларда тизимли ёндашув мақсадларнинг аниқ-равшан ва ҳар томонлама ойдинлаштириб олишни назарда тутади [1]. ОТМ ҳам тизим сифатида муайян мақсадларга эришиш учун шакллантирилган. ОТМ етарли даражада мураккаб тузилган бўлиб, уни ўрганишда тегишли усуллар қўлланади.

Тизимли ёндашувда объект ва унинг муаммолари ўзаро боғлиқликлар ва биргаликдаги ҳаракатларда мантиқий, ташкилий ва математик моделлаштиришлардан фойдаланган ҳолда очиб берилади. Шунингдек, мақсадларга эришишнинг муқобил вариантлари ва ҳар бир вариантнинг оқибатлари тадқиқ этилади. ОТМни ўрганиб чиқиш уни элементларга ажратиш билан кифояланмайди, бу элементларнинг яхлитлик сифатида ҳаракатланиши ва унинг умумий мақсадга эришиши учун қанчалик монандлиги кўрсатиб берилади.

В.В.Левшинанинг фикрича, “талқин” атамаси одатда яхлитликни таркибий қисмларга ажратишни, бу қисмларни ва улар ўртасидаги муносабатлари ўрганишни назарда тутади [2]. Тизимли ёндашувда ушбу муаммони хал қилиш осонроқ бўлган кичик масалаларга ажратишда намоён бўлади. Бироқ, тугал ечимга хусусий ечимларнинг ўзаро боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда ёки синтез орқали эришилади. Синтезнинг вазифаси муаммонинг яхлит ҳолда хал этиш учун энг мақбул ечимни топишдан иборатдир.

Юқоридагиларга боғлиқ ҳолда А.А.Каримов ва Л.В.Перегудовлар фикрича, ОТМда ташкил этилган мониторинг тизими ўрганилаётган объектнинг фаолиятини акс эттирувчи бошланғич ахборот-таҳлилий базани шакллантириш имконини беради [3].

Бизнингча, тизимли ёндашув бир вақтнинг ўзида турли билим соҳалари бўйича масалани ўрганиш ва ечимларни соҳалар нуқтаи назаридан, тажрибасидан келиб чиқиб экспертиза қилишни англатади. Шунингдек, тизимли ёндашув объект фаолияти турли йўналишларини мувофиқлаштиришга ва бирлаштиришга қаратилган бўлиб, бу тадқиқот пайтида ҳам, натижаларни қўллашда ҳам амалга оширилади.

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолада олий таълим сифати ва унинг иқтисодий диагностикасини тавсифловчи бир қанча иқтисодий усуллардан фойдаланилди. Жумладан, тизим ичига тўғридан-тўғри кирмаган ҳолда асосий ахборотларни гуруҳлаш усулидан фойдаланилди. Бунда иқтисодий диагностика орқали жалб этилаётган ресурсларни қанчалик даражада натижа бераётгани баҳоланади. Бундай усуллар олий таълим сифати иқтисодий диагностикасининг ўзига хос хусусиятларини очиб берди.

Таҳлил ва натижалар. Олий таълим сифати иқтисодий диагностикасида тизимли ёндашувни қўллаш уч жиҳатдан мақбул ҳисобланади. Биринчидан, тизимли ёндашув диагностикадан фойдаланиш заруриятини асослаб беради. Иккинчидан, диагностикани ташкил этиш ва олиб бориш тизимли ёндашув учун асосланган хулосалар ишлаб чиқишга кўмаклашади. Учинчидан, диагностика хулосаларини тизимли қўллаш объект фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Диагностикани олиб бориш учун кўрсаткичларни танлаш ва мониторинг тизими билан ҳам боғлиқ. Мониторингни икки томондан олиб қараш мумкин: реал воқеликни тадқиқ этиш усули сифатида ва тадқиқот жараёнини ўз вақтида сифатли ахборот билан таъминлаб бориш усули сифатида. Диагностикада мотниторингнинг ўрнини диагностика мақсадларига монанд “кўрсаткичларни (индикаторларни) танлаш – кузатиш (мониторинг) – маълумотларни тизимлаштириш – қайта ишлаш – таҳлил этиш – хулоса” тарзида схематик ифодалаш мумкин.

Бунда маълумотларнинг ҳақиқатга яқинлиги, тизимлаштирилганлиги, турли мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги, маълумотни қўлга киритиш қулайлиги ва бошқа жиҳатлар бўйича статистик кўрсаткичлар шаклланиши мақбул вариантдир. Чунки,

статистикадаги кўрсаткич одатда бирон-бир даражада асосланган ва турли мақсадларда қўлланилаётган бўлади.

Таъкидлаш лозимки, мониторинг жараёни барча ОТМларда ташкил этилган бўлиб, у аввало, муассаса фаолиятини тезкор бошқариш мақсадларига бўйсундирилган. Айни пайтда, унинг натижалари ОТМ фаолиятини ўрта ва узоқ муддатли бошқариш ва режалаштиришда ҳам қўлланилади. Кўриниб турибдики, мониторинг диагностика учун ҳам муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қила олади. Албатта, мониторинг олиб бориш учун ресурслар талаб этилади ва харажатлар қилинади. Лекин, мониторинг олиб бормасдан бошқарув, таҳлил, назорат ва режалаштиришни оқилона ташкил этиб бўлмайди.

Мониторингни самарали олиб бориш учун маълумотлар йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил этишнинг барча бўғинларини аниқ ва бир-бирига мувофиқлаштирилган ҳолда ташкил этиш лозим. ОТМнинг барча таркибий бўлимлари мониторингнинг объекти деб қаралади. Мониторингда махсус дастурлар асосида танланма кузатишлар ҳам олиб борилиши мумкин.

Бунда мониторинг учун мақбул ахборотни йиғиш ва таҳлил этиш методлари, дастурий таъминот танланади ва булар диагностика олиб бориш учун ҳам хос. Мониторинг жараёнида амалга ошириладиган динамик қаторларни аниқлаш, тадқиқ этилаётган элементлар ривожланишини акс эттирувчи формулалар ва сценарийлар ишлаб чиқиш, асосий кўрсаткичларнинг турли муддатлар учун прогнозлар диагностика учун ҳам қўлланади.

Диагностика ва мониторингнинг монандлиги ёки бир-бирини тўлдириб туриши мониторингни ташкил этиш тамойилларида яққол ифодаланади. Биринчи тамойил – кузатилаётган объект билан мониторинг тизими ўртасида мувофиқлик ва монандлик бўлишидир. Мониторингда кузатилаётган кўрсаткичлар ОТМнинг ҳолатини, ривожланиш қонуниятларини ва хусусиятларини акс эттириши лозим. Иккинчи тамойил мониторинг орқали қамраб олинаётган кўрсаткичлар микро ва макро даражаларда бир хил мазмунга эга бўлиши ҳамда бир хил талқин этиш зарурлигини билдиради. Алоҳида ОТМдаги кузатиш натижаларини бошқа ОТМлар билан таққослаш имконияти бўлиши лозим. Учинчи тамойил эса мониторингнинг мажмуали олиб бориш ва тизимли характерга эга бўлиш зарурлигини ифодалайди.

Иқтисодий диагностикада ҳал қилинадиган ташкилий-услубий масалалар мураккаблиги билан ажралиб туради. Жумладан, ахборот-таҳлилий базани шакллантириш, ахборот-маълумот жадваллари макетларини ишлаб чиқиш, кўрсаткичларнинг рўйхати, тизим ва статистик изоҳларнинг йиғиндисини методик таъминлаш, якуний таҳлилий жадвал макетларини ишлаб чиқиш, дастурий таъминотнинг мақбул вариантини танлаш ва зарур ҳужжатларни тайёрлаш, таклиф этилаётган ташкилий-услубий ёндашувни асослаб бериш ва бошқалар.

Айниқса, иқтисодий диагностикада жараённинг зарур таркибий элементлари сифатида қуйидаги ишлар бажарилади: таҳлил этилаётган давр учун бошланғич маълумотларни йиғиш ва уларнинг ҳаққонийлигини текшириш; миқдор ва сифат кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш; якуний таҳлилий жадвалларни тўлдириш (уларда кўрсаткичларнинг миқдорий ифодалари берилади); таҳлилий тушунтириш ёзувини тайёрлаш (натижаларни тавсифловчи индикаторлар тизимини шакллантириш, натижаларни баён қилиш, хулосаларни ишлаб чиқиш ва асослаш); якуний материалларни манфаатдор томонларга ва фойдаланувчиларга етказиш.

Бунда ахборот-таҳлилий базага киритиладиган кўрсаткичларга нисбатан олий таълим жараёни хусусиятларига мос равишда қуйидаги талаблар қўйилади:

- кўрсаткичлар тизими тадқиқот мақсадларига монанд ва ОТМлар фаолиятини баҳолашда қўлланилаётган схема доирасида бўлиши;
- таҳлил учун тавсия этилаётган кўрсаткичлар рўйхати биринчи навбатда, давлат статистикаси ва расман белгиланган бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичлари ва маълумотларига таяниши ва шу орқали бир хил талқин этилиши;
- кўрсаткичлар тизими бўйича таҳлил натижаларини объектив реалликка зид эмаслиги ва бошқа жиҳатларини текшириш имконияти бўлиши;
- ахборот-таҳлилий базага киритилган кўрсаткичлар вақт бўйича синхрон бўлиши, объектнинг жорий ҳолати муҳим жиҳатларини изоҳлаб бериши зарур.

ОТМда мониторингнинг ахборот-таҳлилий базасига кўпинча қуйидаги кўрсаткичлар киритилади: талабалар сони, мутахассисликлар бўйича талабалар сони, ОТМга талабалар қабул қилиниши, мутахассисликлар бўйича талабалар қабул қилиниши, ОТМдан талабаларни тайёрлаб чиқариш, мутахассисликлар бўйича тайёрлаб чиқариш.

Хулоса ва таклифлар. Иқтисодий диагностикада дастурий таъминот ўта муҳим ўрин тутади ва қуйидаги талабларда ўз ифодасини топади.

- дастурий таъминотдан компьютерда ишлай оладиган ҳар қандай мутахассиснинг фойдаланиш имконияти бўлиши лозим;
- дастурий таъминотни ва унинг воситаларини қўллай оладиган натижалар максимал даражада объектив бўлиши зарур, эксперт баҳолаш йўли билан киритиладиган ўлчамлар кам бўлиши ёки мутлақо бўлмаслиги лозим.
- дастурий таъминот фойдаланувчиларга бошқарувнинг турли даражасида (иерархиясида) вазиятлар ҳақида тезкор, яхлит ва кўргазмали тасаввурга эга бўлишлари учун имкон бериши, шунингдек натижаларни турли вақт оралиқларида ва иерархия босқичларида вертикал ҳамда горизонтал таққослама таҳлилни бажаришга яроқли бўлиши зарур.
- дастурий таъминот якунлари ўтказилган тадқиқот натижаларини яққол акс эттириши зарур. Шунга мувофиқ улар таҳлилий ёзувлар, якуний жадваллар ва бошқалар кўринишида тақдим этилиши, бажарилган ишлар ҳақида ҳар томонлама тасаввур бериши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дрогобыцкий И.Н. Системный анализ в экономике: математические методы в экономике, прикладная информатика.-М.: 2011. https://economics.studio/metodyi-ekonomike-matematicheskie/model-chernogo-yaschika-86127.html
2. Левшина В.В. Развитие методологии создания системы менеджмента качества вуза// Ж. Университетское управление. – 2003, № 2. - С. 1.
3. Каримов А.А., Перегудов Л.В. Основы системы мониторинга и управления качеством высшего образования. – Т.: 2003. - С. 46.
4. Либерман И.А. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности. – М.: ИНФРА-М РИОР, 2015. – С. 54-55.
5. Савчук В.П. Финансовая диагностика предприятия и поддержка управленческих решений. – М.: Аудитор, 2016. – С. 89-96.;
6. Мочалин С.М. Актуальные вопросы научных исследований XXI века (Монография). – М.: Экономика, 2020. – С. 5.

М.Ходжаханов

Экономическая диагностика качества высшего образования и его показатели

Аннотация: В статье объясняется научная значимость системного подхода к экономической диагностике качества высшего образования. Проанализирована система мониторинга высшего учебного заведения. Научно обоснована необходимость диагностических моделей в оценке качества высшего образования.

Ключевые слова: высшее образование, экономическая диагностика, качество образования, мониторинг, оценка качества, системный подход, высшее учебное заведение.

M.Khujakhanov

Economic diagnostics of the quality of higher education and its indicators

Abstract: The article explains the scientific importance of a systematic approach to the economic diagnosis of the quality of higher education. Analyzed the monitoring system of higher education. The need for diagnostic models in assessing the quality of higher education has been scientifically substantiated.

Keywords: higher education, economic diagnostics, quality of education, monitoring, quality assessment, systematic approach, higher education institution.

ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР

Уйқунинг турлари[1]

1. Суннат уйқу.

Офтоб кўтарилиб, то пешин намозигача бўладиган ораликдаги бу уйқу «қайлула» дейилади. У ақлни кўпайтиради.

2. **Бидъат уйқу**. Пешин намози вақтидаги уйқу.

3**. Телбаликка сабаб бўладиган уйқу**. Аср намозидан кейинги уйқу девоналик, паришонхотирлик ва телбаликка сабаб бўлади.

4**. Уқубатга сабаб бўладиган уйқу**.

Киши хуфтон намозини ўқимасдан ухласа, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам азоб-уқубатга қолади.

5. Одатий уйқу. Хуфтон намозидан кейинги одатий уйқу.

6. Надоматга сабаб бўладиган уйқу.

Тонготар вақтида ухлаш. Шунингдек, илмий мажлис бўлаётган вақтида ухлаш ҳам надоматга сабаб бўлади.

7. Ғафлат уйқу. Тонг отаётганида ухлаб ётиш. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қизлари Фотимага родияллоҳу анҳо: «Тонгда ухлаб ётмагин, чунки бу вақтда уч нарса: яхшилик, одоб ва барака тақсимланади», дедилар. Ким тонг отаётганида ухлаб ётса, шу уч нарсадан қуруқ қолади.

8. Фақирликка сабаб бўладиган уйқу.

Бомдоддан кейин кун чиққунча ухлаб ётиш камбағалликка, девоналикка, қарздорликка сабаб бўлади.

9. Ғаромат (зиён) уйқу. Кишининг ибодатдан сўнг дуода, санода, салавотда, қироатда кўзи кетиб қолса, ғаромат уйқу саналади.

10. Роҳат уйқу. Касал ва гўдакларнинг уйқуси. Улар қанча кўп ухласа, фойда ва роҳат олишади.

11. Ибодат уйқу. Олимлар, обидлар ва рўзадорларнинг уйқуси. Киши хуфтон намозидан сўнг таҳоратли ухласа, фаришталар ҳимоясида бўлади.

12. Каромат уйқу. Тунда намоз ўқиб туриб, чарчаб саждада ухлаб қолиш.

ИБРАТЛИ БИТИКЛАР

Инсон табиатида мол-дунёга муҳаббат қўйиш ва уни тўплашга хоҳиши чексиз[2]. Мол-дунёни деб ер юзининг ҳамма бурчагига бораверади. Унинг худбинлиги чексиз бўлиб, бошқаларга қараганда ўзини кўпроқ ўйлайди. Инсон ер юзидаги жамики бойликка эга бўлса ҳам у қўлларини қовуштириб ўтираверади. Инфоқ-эҳсон қилишга зиқна табиати йўл қўймайди.

“(Эй, Муҳаммад! Мушрикларга) айтинг: “Агар сизлар Раббимнинг раҳмат (ризқ) хазиналарига эга бўлсангиз, ўшанда ҳам (уни) ишлатишдан қўрқиб, мумсиклик (бахиллик) қилган бўлур эдингиз”. (Чунки) инсон зоти хасис бўлур”, (Ал-Исро сураси, 100-оят).

Ислом бундай туйғуни энг ёмон туйғу, деб ҳисоблайди. Шундай экан, ундай туйғуларга жиддий равишда қаттиқ туриш ва уни сергаклик билан таг-томири билан йўқ қилиш керак.

«Хулуқул Муслим» китобидан. @mehrob_uz

Мамаюнус Пардаев - Интернет маълумотлари асосида

[1] @Samarqandbozor_Samarkandbozor .2238. 20:21

[2] https://t.me/mehrob_uz/42127

МУАЛЛИФЛАРГА ЭСЛАТМА

Таҳририятга мақола юборилганда муаллиф қуйидаги қоидаларга риоя қилиши лозим:

- “Сервис” журнали хизмат кўрсатиш ва сервис мавзусидаги илмий мақолаларни чоп этишга мўлжалланган ОАК томонидан эътироф этилган илмий-амалий нашр бўлганлиги сабабли, таҳририятга тақдим этиладиган мақолалар ҳам бевосита шу соҳага оид илмий изланишларга, тадқиқот натижаларига асосланган бўлиши лозим.
- Мақолада мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бугунги муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари хусусида ўз фикр-мулоҳазалари ифода этилган, аниқ таклиф ва тавсияларини ўз ичига олган якуний хулосага эга бўлиши керак.
- Илмий мақоланинг ҳажми жадвал, расмлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати билан бирга 4 бетдан, қисқа хабарлар 3–4, тақризлар 2-3 бетдан кам бўлмаслиги, MS Word дастурида Times New Roman 14 шрифтида бир интервал оралиғида расмийлаштирилган бўлиши керак.
- Мақола ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилган бўлиб, аниқ, равон ва адабий тилда таҳрир қилинган ва 1 нусхада қоғоз вариантига муаллифлар имзо чеккан ҳолда электрон версияси билан бирга тақдим этилиши талаб қилинади.
- Ҳар бир мақоланинг муаллифи, мавзуси, аннотацияси ва калитли сўзлари ўзбек, рус, инглиз тилларида берилган бўлиши шарт.
- Таҳририят мақолаларни қисқартириш, тўғрилаш ва таҳрир қилиш ҳуқуқига эга.
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати амалдаги стандартлар асосида расмийлаштирилган бўлиши лозим.
- Жадвал, диаграмма ва расмлар ихчам ва тушунарли фақат китоб шаклида ёритилиши, уларнинг тартиб рақами, номи, жадвал маълумотларининг манбаларига ҳаволалар албатта берилиши лозим. Альбом шаклидаги жадвал ва расмлар қабул қилинмайди.
- Мақолага соҳа мутахассислари ва олимлар томонидан иккита тақриз тақдим қилинади.

- **Мақоланинг таркиби**: Мақола муаллифи тўғрисида маълумот, мақоланинг мавзуси, мақола аннотацияси, калит сўзлар, кириш, мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили, тадқиқот методологияси, таҳлил ва натижалар, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган ҳамда таҳрир қилинган бўлиши шарт.
- Ушбу талабларга жавоб бермайдиган мақолалар чоп этишга қабул қилинмайди.

“Сервис” журналида эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг ишончлилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгардир.

Таҳририят фикри муаллифларнинг фикрига мос келмаслиги мумкин. Таҳририятга юборилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Журналдан кўчириб босилаётган материалларни шу журналдан олинган, деб кўрсатилиши шарт.

ISSN 2091-5187

“СЕРВИС”

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят бўлимида нашрга тайёрланди.

Гувоҳнома № 18-2464

24.11.2022 йилда теришга берилди. 7.12.2022 йилда босишга рухсат этилди. Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 1/8. “Times” гарнитураси. Офсет босма усули. Шартли босма табоғи 14,49. Ҳисоб-нашриёт табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 27/22.

MChJ “NAVRO‘Z POLIGRAF” матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 18-3327 30.08.2019 йил

Манзил: Самарқанд шаҳар, Х.Абдуллаев кўчаси, 63-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022